

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**М. Ф. Лафасов, Ф. М. Сатарова, Ҳ.Д.Норкулов**

**МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ**  
( Дарслик)

**Бакалавриат йўналиши: 5141500 - Миллий истиқлол ғояси:  
ҳуқуқ ва маънавият асослари.**

**Тошкент – 2009**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**М. Ф. Лафасов, Ф. М. Сатарова, Ҳ.Д.Норкулов**

**МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ**  
( Дарслик)

**Бакалаврият йўналиши: 5141500 - Миллий истиқлол ғояси:  
ҳуқуқ ва маънавият асослари.**

**Тошкент – 2009**

Ушбу дирсликда олий таълим муассасалари бакалаврлари “Миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият асослари” йўналиши ўқув режа ва дастурига мувофиқ фаннинг умумдидактик асослари, тузилиши, ўқитишнинг методлари, шакл ва услублари, дарсда олиб бориладиган таълимий таълим бериш воситалари, янги педагогик технологиядан фойдаланиш, дарсдан ташқари олиб бориладиган тарбиявий методикаси ёритилади.

**Тақризчилар:** Педагогика фанлари номзоди, доцент Т.Тошпўлатов  
Педагогика фанлари номзоди, доцент Г.Фузаилова

## Кириш

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат куриш ва жахон ҳамжамиятидан ривожланган давлат сифатида ўрин олиш вазифаси кўйилди. Албатта юртимизда жахон талабларига москеладаган хар тамонлама ривожланган, ўз касбини пухта эгаллаган, ватанпарвар фидойи инсонларни тарбиялаб етиштиришда таълим муассасаларида ўқитишни янада юксак босқичга кўтариш, унинг тарбия билан уйғунлигини таъминлаш катта аҳамиятга эга.

Таълимда чуқур ислохотлар ўтказмай туриб тоталитар тузумнинг мафкураси билан суғорилган ўқув юртларида буни амалга ошириб бўлмаслиги ҳаммага аён эди. Шу сабабли президентимиз Ислом Каримов таълимдаги ислохотларга катта эътибор билан қаради. “Шу ўринда ҳақли савол туғилади, деган эди, юртбошимиз, - бизнинг ўрта, ўрта махсус ва олий мактабларимиз касб махорати ва маънавий – рухий жихатдан ана шундай замонавий соҳаларда ишлайдиган ёшларни тайёрлашга кодирми?”

Менимча унчалик тайёр эмас. Халқ таълими янгича шароитларда ўз ишини ниҳоятда секинлик билан қайта қурмокда. Жахон бозоридаги интеграция, илмий – техникавий тараққиёт суръатлари халқ таълимининг барча бўғинлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашни талаб этмокда. Бинобарин, бу ҳол тарбия, таълим, сиёсий ва касбий тайёргарлик масалаларини ҳал этишга жамулжам ёндошишни тақоза этмокда.”

Шунингдек И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият енгилмас куч” асарида таълим – тарбиянинг аҳамияти ҳақида куйидагича ёзилади: “Келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ. Бунинг учун ҳар қайси ота – она, устоз ва мураббий хар бир бола тимсолида аввало шахсни кўриши зарур. Ана шу оддий талабдан келиб чиққан ҳолда фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш – таълим – тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим, деб қабул қилишимиз керак. Бу эса таълим ва тарбия ишини уйғун ҳолда олиб боришни талаб этади”.

Шу сабабли мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ шўро ҳокимияти йилларида оёқ ости килинган маънавиятимизни тиклаш бош вазифа килиб кўйилди. 1992 йил июлида, хали мустақилликка бир йил тўлмасдан туриб юртбошимиз “асрлар мобайнида бошка ерга қарам бўлиб келган ўзбек халқининг иқтисодий ва маънавий равақ топишини таъминлаш – мустақил Ўзбекистон Республикасининг олий бурчи деб эълон қилди”.

Хар бир жамиятнинг ижтимоий – иқтисодий, маданий тараққиёти бевосита унинг маънавий – ахлоқий негизларининг ривожланиши билан боғлиқдир. Юртбошимиз “Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг ўз йўли тўртта асосий негизга асосланади. Бу негизлар: умуминсоний қадриятларга содиқлик; халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш; инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиш, ва

ватанпарварлик” деб кўрсатган эди.

Маънавият соҳасида белгиланган мақсадларни амалга ошириш учун ўтган давр ичида мамлакатимиз раҳбарияти тамонидан жуда катта ишлар амалга оширилди. 1994 йилда Президентимизнинг “Истиқлол ва маънавият” тўплами чоп этилди. 1994 йил 23-апрелда Президент тамонидан “Маънавият ва маърифат” жамоатчилиқ маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Фармон эълон қилинди.

1997 йил 29-августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX – сессиясида қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” да, шунингдек 1999 йил 3-сентябрдаги “Республика маънавият маърифат кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Президент фармонидаги халқимизнинг маънавияти масаласига, ёшларни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялашга жуда катта аҳамият берилди.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да узлуксиз таълимни ислох қилиш йўналишларида “ миллий мустақиллик принциплари ва халқнинг бой интеллектуал мероси ҳамда умумбашарий кадриятларнинг устуворлиги асосида таълимнинг барча даражалари ва бўғинларида таълим олувчиларнинг маънавий ва ахлоқий фазилатларини ривожлантириш” алоҳида белгилаб қўйилди.

Бу масалани ўта муҳимлигини ҳисобга олиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24- июлда “Маънавий – маърифий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора тадбирлари тўғрисида ” махсус қарори қабул қилинди. Бу ҳужжатларга биноан Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 1997 йилдан бошлаб барча олий ва ўрта махсус ўқув юртлирида “Маънавият ва маърифат асослари” махсус курсини ўқитиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Юқорида келтирилган фактлар ёшларимизнинг маънавий камолати масаласи ҳақиқатан ҳам долзарб вазифа эканлигини кўрсатади. Президент Ислон Каримов 2000 йил 22-январда бўлиб ўтган Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида жамиятимиз тараққиётининг яқин келажакдаги мақсад ва вазифаларини кўрсатиб берди. У ўз нутқида жамият ривожининг етти асосий йўналишини бирма-бир тавсифлаб, уларнинг яқин истиқболига қаратилган мақсад ва вазифаларини аниқлади. Долзарб масалалар сиёсат давлат қурилиши, иқтисодиёт соҳалар билан бирга маънавият масаласини қўйди ва унинг мақсади ҳамда унга эришиш чора тадбирларини белгилаб берди. Маънавият соҳасидаги биринчи масала қилиб. “...миллий кадриятларимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, миллий ғоя ва мафқурани шакллантириш, мукаддас динимизнинг маънавий ҳаётимиздаги ўрнини ва ҳурматини тиклаш каби мустақиллик йилларида бошланган эзгу ишларимизни изчиллик билан давом эттириш, уларни янги босқичга кўтариш ва таъсирчанлигини кучайтириш” масаласини қўйди. Президентимизнинг ушбу кўрсатмалари, ижтимоий гуманитар фанлар соҳасида фаолият кўрсатаётганларга, шу жумладан “Маънавият асослари” ўқув предметидан таълим берувчиларга ҳам умумий

методологик асос вазифасини бажаради. Президентимизнинг 2006 йил 25-августдаги “Миллий ғоя ва маънавий – маърифий ишларнинг самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги қарори билан бу масала янада кучайтирилди.

Бу масъулиятли ва мураккаб вазифа давлатнинг бошқа тадбирлари билан биргаликда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ни рўёбга чиқариш орқали бажарилади. Ушбу дастурнинг таркибий қисми сифатида таълим тизимининг барча босқичларида “Маънавият асослари” ўқув предмети орқали билим ва тарбия бериш йўли билан ҳам амалга оширилади.

Айни пайтда “Маънавият асослари ” ўқув предмети орқали миллий истиқлол ғояси ва мафкурасини чинаккам моддий кучга айлантириш вазифаси ҳам ҳал қилинади. Ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасаларида гуманитар ўқув предметларини янги педагогик технологиялар асосида ўқитиш муаммоси янги муаммолардан бўлсада фуқароларнинг маънавиятини юксалтириш масаласи инсоният жамияти пайдо бўлгандан бери давом этмоқда ёки дастлаб оғзаки тарзда ёзув пайдо бўлгандан бошлаб эса турли манбалар асосида авлоддан – авлодга ўтиб келмоқда.

Дастлабки ёзма манбаларда, жумладан “Авесто”да “эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу иш” зардуштийлик ахлоқининг асосий қондаси бўлса, “Қуръони карим” ва “Ҳадис”ларда юксак маънавият инсон учун қанчалик зарурлиги юзлаб жойларда кўрсатиб ўтилади.

Буюк алломаларимиз Абу Носир Фаробий, Абу Али Ибн Сино, Ал Бухорий, Баховуддин Нақшбанд, Ахмад Яссавий, Улуғбек, Алишер Навоий, жадидчилик намаёндалари Махмудхўжа Бехбудий, Абдулла Алвоний, Абдурауф Фитрат, Чўлпон ва бошқаларнинг асарларида маънавият масаласи, комил инсонни тарбиялаш ҳақида ажойиб фикрлар мавжуд.

Жадидлар ўз даврида ўқитиш технологияси, болаларга мавжуд билимларни қандай етказиш масаласи билан қизиқдилар.

Халқ педагогикасига суянган илғор зиёлилар миллий анъана ва урф – одатларимизга мос келувчи янги усул жадид мактаблари ташкил этиш ғоясини илгари сурдилар. Айни патда улар бу мактаблар рус – тузем мактабларидан фарқ қилиши зарурлигини таъкидладилар. Ўқувчининг фикрлаши, тафаккури ўз она тили орқали амалга оширилиши кераклиги, шунингдек, диний ақидалар қаторида дунёвий фанлар ҳам ўқитилиши зарурлигини уқтирдилар.

Жумладан Абдулла Авлонийнинг “Инсонларга энг муҳим, зиёда шараф, баланд даража берувчи ахлоқ тарбиясидур. Биз эса аввалги дарсда тарбия ила дарс орасида фарқ бор, дедук, чунки дарс олувчи – берувчи, тарбия олувчи амал қилувчи демакдур. Шунинг учун тарбия қилувчи муаллимларнинг ўзлари илмларга омил бўлиб, шогирдларга ҳам берган дарсларни амал ила чокуштириб ўргатмоқлари лозимдур”.

Ўрта аср олимлари ўз асарларида инсон фаолиятининг икки тури ҳақида фикр юритадилар. Бу меҳнат ва билиш фаолиятидир. Улар шуни таъкидладиларки: “билим – бу билувчининг қалбидаги билинадиган

тимсолдир. Билингки, фанни ўқитиш ва ўзлаштиришсиз билим бўлмайдди. Ўқитиш – бу қалбдан чиқадиган, қалб учун долзарб ички билишга асосланган эътиқод. Билимларни ўзлаштириш – бу билим шакллари қалбдан идрок этишдир. Билингки, қалб билиш предметлари шакллари уч томонлама қабул қилади: Биринчидан, ҳис қилиш орқали, иккинчидан, далиллар орқали, учинчидан, фикр юритиш ва мушоҳада қилиш орқали”.

Кайковуснинг “ Қобуснома” асарида билимнинг фойдаси ҳақида куйидагича ёзилади:, «Агар молсизликдан қашшоқ бўлсанг, ақлдан бой бўлмоққа саъй кўргузгилки, мол била бой бўлғондан, ақл била бой бўлғон яхшироқдир. Нейдинким, ақл била мол жам этса бўлар, аммо мол била ақл ўрганиб бўлмас. Билғил, ақл бир молдирки, уни ўғри ололмас, у ўтда ёнмас, сувда оқмас».

Маънавият масаласи мамлакатимиз мустақиллигидан кейин янги босқичга кўтарилди. Шу сабабли Президентимиз асарларида фуқароларни маънавий тарбиялашнинг зарурлиги, унинг давлатимиз ҳаёт мамотиға, тараққиётиға таъсири ва бу ҳақдаги вазифалар аниқ – равшан кўрсатиб берилган. Шунингдек Президентимиз “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” номли нутқида ўқитиш технологиясига ҳам алоҳида тўхталиб “мактаблардаги жараёнда ўқитувчи ҳуқумрон. У боладан фақат ўзи тушунтираётган нарсани тушиниб олишни талаб қилади. Принцип ҳам тайёр: Менинг айтганим –айтган, деганим- деган” дея анъанавий дарс бериш усуллари танқид қилган эди.

Шу сабабли “Маънавият асослари” фанидан дарс берувчи ўқитувчиларнинг ўқитишнинг хилма – хил усуллари билан қуроллантириш, янги педогогик технологияларни қўллаш методларини ўргатиш, методикасининг умумий ва хусусий тамойилларидан бохабар қилиш ниҳоятда долзарб масаладир. Бу вазифаларни эса методика фани амалга оширади.

Ушбу дарсликни ёзишда фалсафа фанлари доктори профессор Б. Зиёмухаммедов, педагогика фанлари доктори профессор У. Толипов, педогогика фанлари номзоди Ш.Абдуллаева, педагогика фанлари доктори профессор Н.Н Азизхўжаева, Ш.Ғ.Йўлдашев, С.А.Усмонов ва бошқаларнинг материалларидан фойдаланилди.

Дарслик биринчи марта нашр қилинаётганлиги учун баъзи камчиликлардан холи бўлмаслиги мумкин. Бу ҳақда ўз фикрларини баён қилган кишиларга муаллифлар ўз миннатдорчиликларини билдирадилар ва албатта кейинги нашрда буни ҳисобга оладилар.

Манзил: Тошкент шаҳри, 700000  
Юсуф Хос Хожиб кўчаси, 103.

## **I – боб «Маънавият асослари» фанининг умумдидактик асослари ва тузилиши**

### **1-§. «Маънавият асослари» фанини ўқитиш методикаси фан сифатида**

Мамлакатимизда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, халқ таълими тизимида бўлаётган ўзгаришлар “Таълим тўғрисида”ги Қонунда ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да кўрсатиб ўтилганидек ҳар бир мактаб ўқитувчиси ёки касб-хунар коллежи ўқитувчиси олдида муҳим вазифа қўйилмоқда. Бу вазифалар таълим учун хос бўғинларни ажратиш имконини берадики, бу бўғинлар хилма-хил ўқув фанлари дастурларида, ўқув режаларида, дарсликларда таълимнинг жорий этилиши ҳамда методик тизимида бирор тармоқни ҳосил қилиши мумкин.

Давлат таълим сандартларининг аниқ ўқув фани бўйича эмас, балки таълим соҳалари бўйича ишлаб чиқилиши ўқув фанларини вариатив танлаш асосида ўқув-методик мажмуалар (дастур, ўқув режаси, дарсликлар) ни яратиш учун кенг имкониятлар очиб беради, шунингдек, ўқув фанлараро боғланиш ва билимларини мувофиқлаштириш тамойили асосида ўқув фанларининг ички боғлиқлиги ва фанлараро алоқасини таъминлашга хизмат қилади.

“Маънавият асослари” ўқитувчисининг методик тайёргарлиги дейилганда биз буни илмий дунёқараш асосида фанларни ўқитиш методикасини умумий педагогик-психологик ва ижтимоий тайёргарлик билан узвий боғланишда тайёрланишни тушунамиз. Бундай тайёрланиш вазифасига “Маънавият асослари” фани соҳасида маълум билим ва ўқувларни эгаллаш ва болаларни ўқитиш орқали тарбиялашни ўзлаштириши киради.

Методик тайёргарлик мактаб ўқитувчиси ёки касб-хунар коллежи ўқитувчисини тайёрлашнинг таркибий қисми бўлиб, униинг таълимий-тарбиявий фаолиятидан ажралган ҳолда қаралиши мумкин эмас. Иккинчи томондан, “Маънавият асослари” фанини ўқитиш биринчи босқичдир, яъни болаларни навбатдаги маънавият асослари курсини ўзлаштиришга тайёрлаш босқичидир. Маънавият асослари таълимнинг бу икки жихати (аспекти) (маънавият асослари таълимнинг таркибий қисми ва методик тайёргарлиги) методикада ўзининг муносиб аксини топиши лозим.

Маънавият асослари курси асосидаги билимлар бир томондан бошқа соҳа илмларида кам фойдаланилади ва тафаккури ривожланишига ёрдам беради. Шу билан бошланғич билимлар ягона мажмуини яратади, иккинчи томондан зарурий методологик тасаввурларни ва фикрлашнинг мантиқий тузилишларини шакллантиришга йўналтирилган бўлади.

Болалик ва ўсмирлик даври ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятларини шаклланишида масъул давр эканлигини психологлар исбот қилишган. Мана шу даврда шакллантирилмаган нарсаларни кейинчалик тўлдириш, маънавият асослари методикасининг, хусусан, маънавият асослари фани ўқитиш методикасининг марказий вазифаларидан бири — ўқитишнинг етарлича юқори ривожлантирувчи самарадорлигини оширишни таъминлашда ўқитишни ўқувчиларни ақлий ривожланишларига таъсирларини жадаллаштиришдан



иборат.

Маънавият асослари фани таълим-тарбиявий вазифаларини назарий ва амалий билимлар тизими асосидагина ҳал этиши мумкин. Бу илмий дунёқараш, психология, педагогика, дидактика, фалсафа, Демократик жамият қуриш, маънавият асослари фанини ўқитиш назариясини (маънавият асосларини дидактикаси) ўз ичига олади. Бироқ биргина назарий билимларнинг ўзи етарли эмас. Ўқитишнинг маълум мазмуни ва ўқитувчиларнинг ақлий фаолияти савияси билан таъсирланадиган у ёки бу ўқув йўналиши учун энг яроқли усулларини ва қўллай билиш дарсга тайёрланишда ёки дарснинг ўзида юзага келадиган аниқ методик вазифаларни ҳал этишни билиши зарур.

Айни шу маънавият асослари фанини ўқитишда ўқувчиларнинг ақлий ривожланишларига асос солиниши сабабли мактаб ўқитувчиси ёки касб-хунар коллежи ўқитувчиси учун ўқувчиларнинг ақлий фаолиятлари даражасини ва имкониятларини билиш ва ҳисобга олиш айниқса муҳимдир.

Келгусидаги амалий фаолият учун хусусий, амалий, семинар, ишларида маънавият асослари фанини ўқитиш методикасида бажариладиган ишлар орқали эгалланади.

Назарий билимларни амалий машғулотларга тайёрланишда ва машғулотларнинг ўзида ўқитиш амалиётида фойдаланиш жараёнида юзага келадиган турли-туман методик масалалар ҳал этилиши лозим.

Методик масалалар ҳар бир дарсда юзага келади, шу билан бирга, одатда улар бир қийматли ечимга эга эмас. Ўқитувчи дарсда юзага келган методик масаланинг мазкур ўқув вазият учун энг яроқли ечимининг тез топа олиши учун бу соҳада етарлича кенг тайёргарликка эга бўлиш талаб этилади. Келтирилган масалалар дарсда иложи борича турли усуллар билан ҳал этилиши лозим.

“Маънавият асослари” фанини ўқитиш методикаси ўқитиш воситаси сифатида мавжуд дидактик, педагогик маҳорат, мантиқ илми ва маънавият асослари нуқтаи назаридан мазмунан етарли эмаслиги туфайли мустақил равишда фойдаланилади ва ўрганилган материални фақат мустақамлаш воситаси сифатида фойдаланилади.

Миллий ғояни, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, миллий мафқурани тарғиб қилиш маънавият асосларини шаклланишида таълимнинг марказий вазифаси бўлиб келган ва шундоққ, бўлиб қолади.

Бироқ, бу вазифа ягона бўлиб қолмасдан, балки у ўқувчиларни фанни ўрганишга янада кенгроқ ва ҳар томонлама тайёрлаш ишининг таркибий қисми бўлиб қолади. Ушбу масала иккита асосий йўл билан амалга оширилади: биринчидан, педагогика таълим йўли, яъни ўқувчиларнинг фикрлашини турмушда қўлланиладиган маънавий мулоҳазаларга ва билимларни эгаллашга тайёрлаш; иккинчидан, маънавий тарбия йўли, яъни ўқувчиларни энг муҳим тушунчаларни ва энг аввало маънавий, ахлоқий, миллий ғоя ва мафкура тушунчаларини ўрганиш ва унга амал қилишга тайёрлаш.

Замонавий таълимнинг ўзи нимадан иборат бўлиши керак? Ўқувчи ёки

талаба қандай билимга эга бўлиши лозим? Ўқувчиларга қачондан бошлаб, қандай қилиб, қандай усулда ва услубда миллий қадриятларимиз, урф одатларимизни ўргатишимиз, чуқур англатишимиз керак?” деган саволлар маънавият асослари фани олдидаги асосий масалалардан бири бўлиб келмоқда. И.А.Каримов бизда “Ҳар қандай ўқув босқичига аниқ талаблар стандарт даражасида расмийлаштирилмаган”лигини алоҳида таъкидлаб, таълим жараёнининг барча босқичлари учун ана шундай талаблар ишлаб чиқиш зарурлигини илк бор асослаб берди.

Сўнги йилларда мамлакатимизда мактабда маънавият асосларини ўқитиш айниқса касб-хунар коллежлари тизимида ўз кўлами ва аҳамияти жиҳатидан ниҳоятда катта бўлган ўзгаришларни амалга оширди ва оширмоқда.

Мактаб таълими олдида тамомила янги мақсадларнинг қўйилиши маънавият асосларини ўқитиш мазмунининг тубдан ўзгаришига олиб келмоқда. Маънавият асослари фанини ўқитиш курси мазмунида ҳам, дарслик ва қўлланмалардан фойдаланиш методикасида ҳам ривожланиш бўлишини талаб қилади.

Бугунги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг шаклланиш жараёни, бозор муносабатларининг рақобатлашуви "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", "Таълим тўғрисида"ги Қонун талаблари маънавият асосларини ўқитиш методикасига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади.

Маънавият (арабча, маънолар мажмуи) сўзининг луғавий маъноси жуда кенг бўлиб маъноларни жумладан “фанларни билиш” демакдир. Маънавият асослари фанининг ўрганадиган объекти инсонларнинг давлатга жамиятда, бир-бирларига бўлган муносабатларидан иборат.

Маънавият асослари курсининг мақсади ўқувчиларга уларнинг психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда маънавий билимлар тизимини беришдан иборатдир. Бу билимлар тизими маълум усуллар (методика) орқали ўқувчиларга етказилади. “Методика” грекча сўз бўлиб “метод” дегани “йўл” демакдир.

Маънавият асослари фанини ўқитиш методикаси ижтимоий гуманитар фанлари тизимида кирувчи ўқитиш методикасининг мустақил фан тармоғи бўлиб, жамият томонидан қўйилган ўқитиш мақсадларига мувофиқ маънавият асосларини ўқитиш қонуниятларини маънавият асосларини ривожининг маълум босқичида тадбиқ қилади. Ўқитишда янги мақсадларнинг қўйилиши маънавият асосларини ўқитиш мазмунининг тубдан ўзгаришига олиб келди.

Ўқувчиларига маънавият асослари фани самарали таълим берилиши учун бўлажак ўқитувчи учун ишлаб чиқариш маънавият асосларини ўқитиш методикаси эгаллаб, чуқур ўзлаштириб олмоғи зарур.

Маънавият асослари фанини ўқитиш методикасининг предмети қуйидагилардан иборат:

1. Маънавият асослари фанини ўқитиш ва ундан кўзда тутилган мақсадни асослаш (нима учун маънавият асослари ўқитилади, ўргатилади).
2. Маънавият асослари фанини ўқитиш методикаси мазмунини илмий ишлаб чиқиш (нимани ўргатиш) бир тизимга келтирилган билимлар

даражасини ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига мос келадиган қилиб қандай тақсимланса, фан асосларини ўрганишда изчиллик таъминланади, ўқув ишларига ўқув машғулотлари берадиган юклама бартараф қилинади, таълимнинг мазмуни ўқувчиларнинг аниқ билим ва билиш имкониятларига мос келади.

3. Ўқитиш методларини илмий ишлаб чиқиш (қандай ўқитиш керак, яъни, ўқувчилар ҳозирги кунда зарур бўлган ижтимоий–гуманитар билимларни, малака, кўникмаларни ва ақлий фаолият қобилиятларини эгаллаб олишлари) учун ўқув ишлари методикаси қандай бўлиши керак?

4. Ўқитиш воситалари - дарсликлар, дидактик материаллар, кўрсатмали, қўлланмалар ва ўқув-техник воситаларидан фойдаланиш (нима ёрдамида ўқитиш).

5. Таълимни ташкил қилишни илмий ишлаб чиқиш (дарсни ва таълимнинг дарсдан ташқари шаклларини ташкил этиш).

Қуйидаги жадвалдан буни аниқ тасаввур қилиш мумкин:



Ўқитишнинг мақсади мазмуни методлари воситалари ва шакллари методик жиҳатларининг асосий таркиблари мураккаб бўлиб, уларни белгилаш ўқитувчи маҳоратига боғлиқдир. Бу жараён амалий имкониятлар билан кенроқ боғланса, кўпроқ самара бериши мумкин.

Маънавият асослари фанини ўқитиш методикаси бошқа фанлар, энг аввало, маънавият асослари фанига яқин бўлган миллий истиқлол ғояси ва мафкураси, тарих, шахс ва жамият, фалсафа, сиёсатшунослик фанлари ижтимоий-гуманитар фанларга ўхшаб диалектиканинг умумий қонуниятларига, билиш назариясига ва умум эътироф этган методологияга таянади.

Маънавият асосларини ўқитиш методикаси фани билан бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар орасида икки томонлама боғланиш мавжуд.

Бир томондан, маънавият асосларини ўқитиш методикаси ҳуқуқ, фалсафа, тарих ва бошқа фанларнинг умумий назариясига таянади ва шу асосда шаклланади. Бу ҳол маънавият асосларини ўқитиш масалаларини ҳал этишда методик ва назарий яқинлашишнинг бир бутунлигини таъминлайди.

Иккинчи томондан, маънавият асосларини ўқитиш методикаси таълим-тарбиянинг умумий қонуниятларини шакллантиришда хусусий методикалар томонидан эришилган маълумотларга таянади, бу унинг ҳаётийлиги ва

аниқлигини таъминлайди.

Шундай қилиб, методикаларнинг аниқ материалларидан "озиқланади", ундан педагогик умумлаштиришда фойдаланилади ва ўз навбатида методикаларни ишлаб чиқишда йўлланма бўлиб хизмат қилади.

Ўқитишда предметлараро боғланишни тўғри амалга ошириш учун ўқитувчи буни ҳисобга олиши жуда муҳимдир.

Илмий – тадқиқот методлари –бу қонуний боғланишларни, муносабатларни, алоқаларни ўрнатиш ва илмий назарияларни тузиш мақсадида илмий ахборотларни олиш усуллари дир.

Кузатиш, тажриба, мактаб ҳужжатлари билан таништириш, ўқувчилар ишларини ўрганиш, суҳбат ва сўровномалар ўтказиш илмий-педагогик тадқиқот методлари жумласига киради.

Маънавият асослари фанини ўқитиш методикаси таълим жараёни билан боғлиқ бўлган қуйидаги уч саволга жавоб беради:

1. Нима учун маънавиятни ўрганиш керак?
2. Маънавиятдан нималарни ўрганиш керак?
3. Маънавиятни қандай тушуниш керак?

Маънавият асослари ўзининг тузилиш хусусиятига кўра шартли равишда уч бўлимга бўлинади.

1. Маънавият асослари фанини ўқитишнинг умумий методикаси.

Бу бўлимда, маънавият асосларини фанининг мақсади, мазмуни, методологияси шакли, методлари ва воситаларининг методик тизими педагогика, психологик қонунлари ҳамда дидактик тамойиллар асосида очиқ берилади.

2. Маънавият асослари фанини ўқитишнинг яхлит ва аниқ методикаси.

Бу бўлимда маънавият асосларини ўқитиш умумий методикасининг қонун ва қоидаларини аниқ мавзу материалларига тадбиқ қилиш йўллари кўрсатилади.

3. Маънавият асослари фанини ўқитишнинг махсус методикаси.

Бу бўлим икки қисмдан иборат:

Методиканинг умумий масалалари.

Методиканинг хусусий масалалари.

Бугунги кунда олий таълим муассасаларида маънавият асосларини ўқитиш методикасини талабаларга ўргатишда педагогик технология, ахборот технологиялари ютуқларидан шунингдек турли хил методлардан фойдаланилмоқда.

Жумладан кузатиш методи — одатдаги шароитда кузатиш натижаларини тегишлича қайд қилиш билан педагогик жараённи бевосита мақсадга йўналтирилган ҳолда идрок қилишдан иборат.

Кузатиш аниқ мақсадни кўзлаган режа асосида узоқ ва яқин вақт оралиғида давом этади. Кузатиш туташ ёки танланма бўлиши мумкин.

Туташ кузатишда кенгроқ олинган ходиса (масалан, маънавият асослари дарсларида ўқувчиларнинг билиш фаолиятлари) танланма кузатишда кичик-

кичик ҳажмдаги ходисалар (масалан, маънавият асослари дарсларида ўқувчиларнинг мустақил ишлари) кузатилади.

Тажриба — бу ҳам кузатиш ҳисобланиб, махсус ташкил қилинган, тадқиқотчи томонидан назорат қилиб туриладиган ва тизимли равишда ўзгартириб туриладиган шароитда ўтказилади.

Тажриба натижаларини таҳлил қилиш таққослаш методи билан ўтказилади. Маънавият асосларини ўқитиш методикасида суҳбат методидан ҳам фойдаланиши мумкин.

Курснинг мақсад ва вазифаларини яққол аниқлаш, унинг назарий асослари ва тамойилларини ишлаб чиқиш, ишчи фараз тузиш, маънавият асослари фанини ўқитиш методикасининг шаклланишида асосий мезонлар ҳисобланади.

**Таянч иборалар:** Маънавият, маънавият асослари, ўқитиш, ўқитиш мазмуни, ўқитиш методлари, ўқитиш мақсади, ўқитиш воситалари, ўқитиш шакллари, методика, маънавият асослари фанини ўқитиш методикаси, «Маънавият асослари» фанини ўқитиш предмети, ўқитувчининг методик тайёргарлиги, замонавий таълим, дидактика, ўқув босқичига талаблар

#### **Назорат учун саволлар:**

1.Президентимиз «Маънавият – инсоният, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч – қудратидир» деганида асосан нималарни назарда тутган?

2.И.А.Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида бу ёруғ оламда энг буюк жасорат нима, деган саволга, ҳеч иккиланмасдан, энг буюк жасорат – бу маънавий жасорат деб жавоб берсак, янглишмаган бўламиз деган сўзини асослаб беринг.

3.Маънавият асослари методикасининг предмети нимадан иборат?

4.Маънавият асослари фанини ўқитиш методикасининг миллий ғоя, педагогика ва психология педагогик технология билан алоқаси нимадан иборат?

5.Маънавият асослари фанини ўқитиш методикасида предметлараро алоқаларнинг аҳамияти нимада?

6.Таълим мазмунининг моҳиятини белгилашда қандай назарияларга амал қилинади?

7.Таълимда «инновацион жараёнлар» термини нимани англатади?

8.“Маънавият асослари” ўқитувчисининг методик тайёргарлиги?

9. «Маънавият асослари» фанини ўқитиш курсининг мақсади?

## **2-§. “Маънавият асослари” ни ўқитиш методикасининг таълим жараёнида тугган ўрни ва вазифалари**

Маънавият асослари фанини ўқитиш методикаси ҳозирги замон таълим жараёнида катта ўрин тутиб, энг аввало талаба ўқувчиларни умумий тизимда ўқитиш ва тарбиялаш вазифасини кўяди.

Умумий методика мактаб ўқитувчиси ёки касб-хунар коллежида ўқитишнинг мазмунини ва тизимлилигини акс эттиради, ҳар бир бўлимни ўқитишнинг ўзига хос хусусий методларини ўргатади.

Хусусий методика маънавият асосларини ўқитишнинг асосланган методларини ва ўқитиш формаларини, шунингдек ўқув фаолиятини ташкил қилиш йўллари кўрсатади. Маълумки ўқитиш тарбиялаш билан ўзаро мустаҳкам боғлиқдир. Ушбу методика ўқитишни тарбиялаш билан қўшиб олиб бориш йўллари ўргатади.

Маънавият асосларини ўқитиш методикаси бир неча фанлар билан жумладан педагогика, психология, бошқа фанларни ўқитиш методикалари билан чамбарчас боғлиқдир.

Маънавият асослари фанини ўқитиш методикаси курси ўқув предметига айланган.

Маънавият асослари фанини ўқитиш методикасининг ўқитиш вазифаларига: таълим-тарбиявий ва амалий вазифаларни амалга ошириши; назарий билимлар тизимини ўрганиш жараёнини ёритиб бериши; ўқувчиларнинг дунёқарашини шакллантириш йўллари ўргатиши; таълимни инсонпарварлаштиришга кўмаклашиши; маънавият асосларини ўқитиш жараёнида инсонни меҳнатни севишга, ўзининг қадр-қиммати, бирига хурмат каби фазилатларини тарбиялаш ва бошқалар кирази.

Маънавият асосларини ўқитиш методикаси таълим беришда ижтимоий-гуманитар фанларнинг мазмуни билан боғлаб ўқитишни назарда тутди.

Маънавият асосларини курсининг вазифаси мактаб, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари, олий таълим муассасалари олдида қўйилган “ўқувчиларга фан асосларидан пухта билим беришда янги технологиядан фойдаланиш, уларга ҳозирги замон ижтимоий-иқтисодий билимларни бериш, турмушга, касб-хунарга йўналтириш, касбларни онгли танлашга ўргатиш, уларни ватанпарвар қилиб тарбиялаш” каби вазифаларни ҳал қилишда ёрдам беришдан иборат.

Шундай қилиб, бошқа ҳар қандай ўқув предмети каби маънавият асосларини бошланғич курси маънавият асосларини ўқитишнинг мақсади қўйидаги уч омил билан белгиланади:

1. Маънавият асослари фанини ўқитиш, ўқитишнинг умумтаълимий мақсади.

2. Маънавият асослари фанини ўқитиш, ўқитишнинг тарбиявий мақсади.

3. Маънавият асослари фанини ўқитиш, ўқитишнинг амалий мақсади. Маънавият асослари фанини ўқитиш ўқитишнинг умумтаълимий мақсади ўз олдида қўйидаги вазифаларни кўяди:

а) ўқувчиларга маълум бир дастур асосида билимлар бериш. Бу билимлар маънавий асослари фани тўғрисида ўқувчиларга етарли даражада маълумот бериши, уларни маънавий асослари фанининг юқори бўлимларини ўрганишга тайёрлаши керак.

Бундан ташқари, дастур асосида ўқувчилар ўқиш жараёнида олган билимларнинг ишончли эканлигини текшира билишга ўрганишлари, назорат қилишнинг асосий методларини эгаллашлари лозим.

б) ўқувчиларнинг назарий ва амалий билимларини таркиб топтириш лозим бўлади;

Маънавийни тушуниш, ўрганиш ўқувчиларнинг маданиятини тўғри шакллантириш, ўз фикрини аниқ, равшан ва лўнда қилиб баён эта билиш, мустақил фикрлаш, билимларни турмушда қўллаш малакаларини ўзлаштиришларига ёрдам бериши керак.

в) ўқувчиларни жамият тараққиёти қонуниятлар асосида реал ҳақиқатларни билишга ўргатиш.

Бундай билимлар бериш орқали эса ўқувчиларнинг тасаввур қилиш хусусиятлари шаклланади ҳамда мантиқий тафаккур қилишлари янада ривожланади.

Маънавий асосларини ўқитишнинг тарбиявий мақсади ўз олдига қуйидаги вазифаларни қўяди:

а) ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантириш.

б) ўқувчиларда фанни ўрганишга бўлган қизиқишларини тарбиялаш.

Маънавий асослари ўқитувчисининг вазифаси ўқувчиларда мустақил мантиқий фикрлаш қобилиятларини шакллантириш билан бирга уларда бозор иқтисодига асосланган ҳуқуқий демократик жамият қуриш қонуниятларини ўрганишга бўлган қизиқишларини шунингдек илмий тафаккурни ва маданиятни шакллантиришни тарбиялашдан иборатдир.

Маънавий асослари фанини ўқитиш дарсларида ўрганиладиган ибора, тушунча ва улар орасидаги қонуниятлар ўқувчиларни атрофлича фикрлашга ўргатади.

«Маънавий асослари» фани бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб уларга суянади, улардан озик олади.

Жумладан, тарих, адабиёт, инсон фалсафаси, миллий истиқлол ғояси, Ўзбекистон Конституцияси ва бошқалар маънавий асослари фанининг назарий манбалари ҳисобланади. Улар бир-бирини тўлдиради ва бойитади. Фаннинг мавзуларини ўрганишда:

- халқ оғзаки ижодининг маънавий қадриятларни тарғиб этишдаги таъсир кучи

- халқнинг орзу-умидлари, дунёқараш, характер ва хусусиятлари очиқ берилади.

Уларда халқнинг ғоявий-сиёсий, ахлоқий, бадий-эстетик, экологик, иқтисодий, диний, ақлий, жисмоний маданияти мазмуни, маънавий талаб ва эҳтиёжлари, орзу-умидлари, таълим тарбия шакллари усул ва воситалари ва ифодасини топади.

Демак, маънавият – кишиларнинг фалсафий ҳуқуқий, илмий, бадиий, ахлоқий, диний, тасаввурлари ва тушунчалари мажмуи.

Маънавият асослари фанини ўқитиш методикаси фанининг мақсади шахс маънавий дунёқарашини шакллантириш ўсиб келаётган ёш авлодни, иймон-эътиқодли, шарм-ҳаёли, ор-номусли, ўз Ватани, халқи унинг бой тарихий ва маданий қадриятлари мероси урф-одатларига содиқлик уларга бўлган муҳаббатни шакллантиришга қаратилгандир.

**Бош вазифаси:** Ўзбекистон мустақиллигини ҳис эта билиш, ўзлигини англаш, миллий онг, миллий ғурур, миллий ғоя ва миллий мафкура тамойилларини тушуна билиш, маънавий пок жисмонан бақувват, ватан туйғуси билан яшайдиган фидоий изланувчан, ташаббускор, мустақилликни мустаҳкамлашда иштирок этадиган унинг масъулиятини англайдиган ёшларни вояга етказишдек буюк ишга муносиб ҳисса қўшишдан иборат.

Мавзуларни ўқитишдан алоҳида маҳорат билим ижодкорлик талаб этилади.

Мавзулар далиллар аниқ мисол турли ривоят, ҳикоят, воқеалар баён этилиши мақсадга мувофиқдир. Маънавият асосларини ўзлаштиришда замонавий педагогик технологияни, педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб уларга қуйидагилар киради:

- талабанинг дарс давомида бефарқ бўлмасликка мустақил фикрлаш, ижод этиш ва изланишга қизиқтириш;

- ўқувчи-талабаларнинг ўқув жараёнида билимга бўлган қизиқишларини доимий равишда бўлишни таъминлаш;

- ўқувчи талабанинг билимга бўлган қизиқишини мустақил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндашган ҳолда кучайтириш;

- педагог ва ўқувчи талабанинг ҳамиша ҳамкорликдаги фаолиятини такомиллаштириш.

Педагогик технологиянинг асосий негизи бу ўқитувчи ва ўқувчи-талабанинг белгиланган мақсаддан кафолатланган натижага ҳамкорликда эришишлари учун танланган технологияларга боғлиқ деб ҳисоблаймиз, яъни ўқитиш жараёнида мақсад бўйича кафолатланган натижага эришишда қўлланиладиган ҳар бир таълим технологияси ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ҳамкорлик фаолиятини ташкил эта олса ҳар иккаласи ижобий натижага эриша олса, жараёнида ўқувчи талабалар: мустақил фикрлай олсалар, ижодий ишлай олсалар, излансалар, таҳлил эта олсалар, ўзлари хулоса қила олсалар, ўзларига, гуруҳга, гуруҳ эса уларга баҳо бера олса, ўқитувчи эса уларнинг бундай фаолиятлари учун имконият ва шароит ярата олса, бизнинг фикримизча ана шу ўқитиш жараёнининг асоси ҳисобланади.

Талабалар қуйидаги таълим принципларини билишлари ва уни амалиётда қўллай олишлари шарт: мазмун, метод, оғзаки (вербал), ёзма тест шакллари, амалий (семинар), маъруза, лаборатория. Воситалари: компьютер, киноскоп, кодоскоп, киноаппарат, видеомагнитофон, дисплей, тарқатма материал, усул, чизмалар, ёзмалар, ёзма материаллар, пед технологиялар.

Ҳар бир дарс, мавзу, ўқув предметининг ўзига хос технологияси бор, яъни бу мақсадга йўналтирилган, олдиндан лойҳалаштирилган ва



кафолатланган натижа беришга қаратилган педагогик жараёнدير.

Жараён: ўқитувчи ўқувчи-талаба. Мақсад: мазмун – метод – шакл – восита – натижа.

Мақсадни амалга ошиши ва кафолатланган натижага эришиши, ҳам ўқув ҳамкорликдаги фаолияти ҳамда улар қўйган мақсад, танланган мазмун метод, шакл воситага яъни технологияга боғлиқ.

Маънавий асосларини ўқитишнинг асосий вазифаларидан бири ўқувчиларда асосий тушунчаларни шакллантиришдир.

Тушунча – бу предмет тўпламларининг муҳим, умумий белгилари тўғрисидаги фикрдир. Тушунча ўқувчиларда предмет ва ҳақиқий олам қодисаларининг ҳиссий образлари бўлган тасаввурларни умумлаштириш асосида вужудга келади.

Масалан: маънавий, маърифат тушунчалари орқали идрок қилиш билан ўқувчилар маъно, билим, рух тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўладилар.

Бу тушунчаларнинг ранг – баранг хоссаларини эътиборга олиб, бу тасаввурларни таққослаб ўқувчи унинг умумий, муҳим хоссаларини умумлаштиради.

Бу мисолдан кўринадики, тушунчаларнинг шаклланиш усулларида бири қаралаётган предметлар тўпламига мос бўлмаган ҳар хил белгиларни чиқариб ташлаб, умумий, муҳим, белгиларни сақлаб қолишдан иборатдир.

Бу тушунчалар орасида боғланиш тушунчалар таърифида унинг яқин тури ва кўриниши фарқларини кўрсатиш билан ифодалаш мумкин.

Масалан: маънавий, маърифат тушунчаларининг шаклланишидан ташқари фанлараро муносабатни аниқлаш ҳам муҳимдир.

Масалан: аниқ тушунчалар қаралаётган объектлар орасидаги муносабатларни ўрнатиш билан шаклланади. Маънавий, маърифат, маданият, миллий истиқлол ғояси, миллий ғоя, мафкура, ахлоқ, тушунчаларига умумийлик сифатида қаралади.

1. Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятига раҳбарлик қилиш.

Дарсда ўқитувчи ўқувчиларни ўқитади, ўқувчилар эса ўқийди деган фикрни бошқа сўзларда қуйидагича ифодалаш мумкин: ўқувчилар ўқув, малака ва билимларни эгалладилар, ўқитувчилар эса билимни эгаллаш жараёнига раҳбарлик қилдилар.

Бу раҳбарлик ўқитувчининг ўқувчилар ўқув фаолиятини ташкил қилишдан иборат бўлади. Бунинг учун ўқитувчи керакли материал танлайди, уни маълум кетма-кетликда жойлаштиради, ўқувчиларга билим манбаларини тавсия қилади, ўқувчиларнинг ўзлаштириш бўйича фаолиятини ташкил этади, билимни ўзлаштириш жараёни қандай ўтишини назорат қилади.

Ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириш жараёни қийин жараёнدير. Буни мураккаб тушунчаларнинг вужудга келишини ҳаққоний англагандагина тўғри тушуниш мумкин.

Маънавий асослари фанини ўқитиш билимлар ва унинг ҳақиқатлиги бизнинг атрофимизда турган нарсаларнинг мавжудлигига, уни кузатиш ва тажрибаларга боғлиқ эмас, кузатиш ва тажриба бизга тушунчаларнинг ҳосил

бўлишига майл бағишлайди. Лекин ҳақиқатни тасаввур қилишга асосан тушунчалар биздан ташқаридаги нарсаларнинг хоссаларини акс эттиради. Космос тушунчаси ёки фазовий олам тушунчаси биздан ташқаридаги нарсаларнинг хусусиятларидан келиб чиққан.

Тушунчаларнинг вужудга келишини бундай тушуниш ёш, мактаб ўқувчиларининг ташқи олам объектларига хос бўлган фазовий шакл, микдорий муносабатларни ўрганишларини тарбиялайди ва ташқи олам ҳақидаги, космос ҳақидаги тушунчаларнинг шаклланишида асос бўлиб хизмат қилади.

Шундай қилиб, ўқувчилар мавжуд билимларни, ўзларининг катта шахсий тажрибаларида мустақил муносабатнинг таъсири бўлган ҳолда эгаллайди.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг билимларини аниқлайди, уларни тўлдиради ва шу пойдеворга янги билимларни ўзлаштиришни ташкил этади. Янги билимларни бундай эгаллаш, янги факт ва тушунчаларни кузатиш асосида мустақил ишлаши, шунингдек, кишилар томонидан ишланган билимларни эгаллаш билан олиб бориш мумкин. Бунда янги билимларни эгаллаш янги ва олдинги билимлар орасидаги таърифланган тушунчалар ва янги фактлар орасидаги қарама-қаршиликларни ҳал қилиш асосида боради. Тушунчалар ўқувчи онгида ўзгаришсиз қолмасдан улар шаклан ўзгаради, ривожланади.

Масалан: ўқув ва ҳаётдаги амалий тажрибалар асосида предметларни таққослаш, солиштириш шунингдек, болалар асосий белгиларни ўзлаштириб олади. Шундай қилиб, ўқувчиларнинг ўқитувчи раҳбарлигида билимларни эгаллаш жараёнини қуйидагича ифодалаш мумкин:

-ўқувчиларнинг шахсий ҳаётий тажрибаси ва олдин эгаллаган билимлари  
-мактабда ташкил қилинган тажриба: кузатиш, лаборатория ва бошқа амалий ишлар

-тўпланган тажриба, китобларда босилган билимлар. Билимларни ўқув – амалий ва ҳаётий – амалий ишларда қўллаш

-ўқитувчи ва ўқувчилар фаолияти орасидаги мослик.

Ўқувчиларнинг билим олишлари ва ўқитувчининг унга раҳбарлигини қуйидагича кўрсатиш мумкин. **Ўқитувчининг фаолияти:**

1. Ўқувчиларнинг билимини сўраш, суҳбат, ҳисоблаш, амалий топшириқлар бериш асосида ўқувчилар билимини аниқлаш.

2. Кўргазмали қурол ва воситаларни намойиш қилиш ва кузатишни ташкил қилиш.

Суҳбат тушунтиришларни боғланган ҳолда билимларни баён қилиш, китоб билан ишлашни уюштириш.

Ўқувчиларнинг ўқув – амалий ва ҳаётий – амалий ишларини ташкил этиш.

Сўраш ва амалий ишларни бажариш бўйича топшириқ бериш йўли билан ўқувчилар билимини текшириш.

**Ўқувчилар фаолияти:**

1. Ўқитувчи саволларига жавоб бериш, ёрдамида топшириқлар бажариш.


2. Тавсия қилинган объектлар устида кузатиш, таҳлил, синтез, таққослаш, умумлаштириш, дедуктив хулосалар чиқариш.

3. Ўқитувчининг баёини тинглаш, китоб ўқиш, фактларни умумлаштириш ва эслаш.

4. Эгалланган билимларни амалий ишларни бажаришга қўллаш, олдин эгалланган билимларни ўзгарган шароитда қўллаш.

5. Ўқитувчининг саволларига жавоб бериш, амалий ишларни бажариш.

Маънавият асосларини ўқитиш борасида бир қатор фанлар орасидаги алоқадорлик.



Маънавият дарсларида билимларнинг шундай пухта пойдеворини қўйиш керакки, бу пойдевор устига бундан кейинги таълимни узлуксиз давом эттириш мумкин бўлсин.

Бунинг учун маънавият асосларини ўқув материаллари билан ўқув материаллари орасида узилиш бўлмаслиги керак. Маънавият асослари дастуридаги ўзаро изчиллик ана шу қатъийликка амал қилган ҳолда амалга оширилади. Ўқитувчилар ўзаро фикр алмашишда ва бир-бирининг ўқув материаллари, ўқитиш методи билан таниш бўлиши керак.

#### **Маънавият асосларини ўқитиш методларининг турлари.**

Ҳар бир фан объектив воқеликни ўрганиш қонунларини белгилаб беради. Дидактик қонунлар ўқитиш ва таълим бирлиги ҳамда уларнинг ўзаро алоқадорликда ўрганади.

Дидактик тамойиллар. Бу идрок қилинган дидактик қонуниятларнинг методологик инъикоси: бу амалиётнинг доимий меъёри сифатида фойдаланишга монелик қилмайдиган шаклдаги ўқитишнинг мақсади, моҳияти мазмуни, тузилмаси тўғрисидаги билим.

Демак “Маънавият асослари” фанини ўқитиш назариясининг дидактик

қонуниятлари тизимида ўқув жараёнини ташкил этиш ва режалаштириш учун зарур бўлган асосий қоидалар сифатида қатнашадиган дидактик тамойиллар тизими мувофиқ келади.

Дидактик тамойиллар В.И.Загвязинский, Л.И.Грисенко, М.А.Данилов, И.И.Кобилский, М.Г. Гаруновлар томонидан ишлаб чиқилган. Маънавийатни ўқитиш дидактикаси қуйидаги тамойилларни назарда тутди:

\*жамиyat талабларига мувофиқ келувчи ўқитишнинг мақсади;

\*ўқитишнинг объектив қонуниятлари;

\*ўқув жараёни боришининг конкрет шароити;

\*мустақил ўқиш – билиш фаолиятида талабаларнинг юқори фаоллигини таъминлаш;

Дидактикага доир қўлланмаларда билимларни баён қилиш ва мустақамлашнинг формалари сифатида қуйидаги ўқитиш методлари қаралади: кузатиш, ўқитувчининг билимларни (баён, суҳбат, ҳикоя, машқ) ўқувчилар билан дарслик ва бошқа китоблар билан ишлаш, кузатиш, семинар иши, мустақил ишлар.

Маънавийат асосларини ўқитиш жараёнида ўқитиш материалининг мазмуни ва ўқув синфининг катта – кичиклигига қараб бу методлардан турли ўринларда фойдаланиш мумкин.

2. Маънавийат асослари фанини ўқитишда кузатиш. Ўқувчилар билан фактларни кузатиш муҳим аҳамиятга эга. Натижада ўқувчилар қуйидаги умумий хулосага келадилар: қаралган ҳолда кузатиш методини қўллаш, шунингдек, ўқитувчи томонидан билимларни баён қилишга доир босқичларда ҳам катта аҳамиятга эгадир.

### 3. Суҳбат методи.

Суҳбат методидида сукротона савол – жавоб усули ҳозиргача энг самарали таълим усулларида бири сифатида қўлланилади. Бунда ўқувчи чуқур мантиқий фикрлашга, зийракликка, аниқ ва тўғри сўзлашга, нутқнинг мантиқийлиги ва равлонлигига ҳамда танқидий, ижодий фикрлашга ўргатилган. Масалан, сукротона суҳбатлар деганда ўқувчининг мустақил ва фаол фикрлаш жараёнига олиб кириши ҳамда унинг фикрлашидаги нотўғри жиҳатларни зийраклик билан аниқлаган ҳолда уларни тузатиш йўлига олиб чиқишдан иборат усуллар назарда тутилади.

Умуман суҳбат методи босқичларини қуйидагича соддалаштириб ифодалаш мумкин:

1. Савол – жавоблар орқали ўқувчининг билим даражаси ва фикрлаш қобилиятини умумий тарзда аниқлаш.
2. Ўрганилаётган мавзунинг мазмунини ўқувчи мотивларига мувофиқлаштириш. Бу, асосан, ўқувчининг қизиқиш ва қобилиятларига мос бўлган мисоллар танлаш орқали амалга оширилади.
3. Ўқувчини фаол мулоқатга олиб кириш. Бунда, асосан, рағбатлантириш усулларида фойдаланилади.
4. Ўқитувчи ўзини билмайдиган одамдек, ўқувчидек тутиб, саволлар бериб боради.

5. Ўқувчининг тўғри фикрларини рағбатлантириш орқали уни янада эркин ва чуқурроқ фикрлашга, сўзлашга жалб қилиш.
6. Ўқувчининг хато фикрларини аниқлаб бориш.
7. Ўқувчининг хато фикрларига нисбатан тўғри фикрни ўқитувчи томонидан яққол мантиқий асосланган шаклда баён қилиш ёки тушунтириш орқали ўқувчи учун муаммоли вазият яратилади ва ўқувчини ўз хатоларини ўзи тузатишга йўналтирилади.

Бундан кўриниб турибдики, ушбу усул юқори натижа бериши шубҳасиз бўлиб, аммо бунинг жиддий шартлари ҳам мавжуд. Булар ўқитувчининг кенг билимга ва ижодий фикрлаш қобилиятига, юқори мулоқат маданиятига, педагогик маҳоратга эга бўлиши кабилардан иборат.

4. Баён қилиш методи.

Баён қилиш методи икки турга бўлинади:

а) кўргазмали баён қилиш. Бунда ўқитувчи билимларни баён қилиш билан бирга унинг хақиқийлигини мисоллар орқали намойиш қилади.

б) муаммоли баён қилиш. Бунда ўқитувчи материалнинг муаммосини кўяди, уни ҳал этиш йўллари кўрсатади, асослайди ва исботлайди.

Ҳозирги олий мактабдаги самарадор ўқитиш технологияси – бу муаммоли ўқитишдир. Унинг вазифаси фаол билиш жараёнига ундаш ва тафаккурда илмий – тадқиқот услубини шакллантиришдир. Муаммоли ўқитиш ижодий, фаол шахс тарбияси мақсадларига мос келади.

Ўқитишнинг ҳозирги жараёни таҳлили, психолог ва педагогларнинг фикрлаш муаммоли вазият, қутилмаган хайрат ва маҳлиё бўлишдан бошланади, деган хулосалари ҳақиқатга яқин эканлигини кўрсатади. Ўқитиш шароитида инсоннинг ўша психик, эмоционал ва ҳиссий ҳолати унга фикрлаш ва ақлий изланиш учун ўзига хос туртки вазифасини бажаради.

Муаммоли вазиятнинг белгилари қуйидагилардир:

\*талабага нотаниш фактнинг мавжуд бўлиши;

\*вазифаларни бажариш учун талабага бериладиган кўрсатмалар, юзага келган билиш машаққатини ҳал қилишда уларнинг шахсий манфаатдорлиги.

Шундай қилиб, муаммоли ўқитишнинг вазифаси, талабалар томонидан билимлар тизими ва ақлий фаолиятлари усуллари самарали ўзлаштиришга ҳақорлик қилиш, уларда янги вазиятда олинган билимларни ижодий қўллаш малакасини ҳосил қилиш, билиш мустақиллиги ҳамда ўқув ва тарбия муаммоларини ҳал қилишдир. Муаммоли ўқитишни ташкил этишнинг шартлари:

Биринчи шарти ўқув ахборотларининг такомиллашиб бориши тизимидир.

Иккинчи шартида муаммоли ўқитиш амалга оширилади ва унда ахборотнинг ўқув вазифасига ўтказилиши вақтида уни ечиш усулини танлаш иконияти кўзда тутилади.

Учинчи шарти таълим олувчининг субъектив мавқеи, уларнинг билиш мақсадларини англаб етиши ва қарор қабул қилиши масалани ҳал қилиш ва натижани қўлга киритиш учун ўзларининг ихтиёрига бўлган воситаларини баҳолай билишдир.

5. Машқ методи.

Маънавий асослари фанини ўқитиш ўқитишнинг ўзига хос хусусияти шуки, янги материал билан танишиш ҳамда тегишли билим ўқув ва малакаларни ҳосил қилиш ўқувчилар томонидан машқлар тизимини, яъни, маълум топшириқларни бажариш орқали амалга оширилади. Машқлар материал мазмунига ва структурасига қараб турлича бўлиши мумкин: Машқлар ҳар хил бўлиши мумкин: дарсликдан олинган ва уни ўқитувчи ёздирishi мумкин, одатдаги ёки қизикарли кўринишда, дидатик ўйин шаклида ва ҳ.к.

Дарсда айниқса тайёргарлик машқлари муҳим аҳамиятга эга. Бу машқлар шундай ҳарактерда бўладики, унинг мазмунида олдинги ўқув материални такрорлаш, мустаҳкамлаш ва янги материални ўрганишга пойдевор тайёрлаш мумкин бўлади. Масалан, ўқитувчи олдин янги материал билан танишиш асосан ўқувчилар бажарадиган машқлар тизими орқали амалга оширилади. Машқларни ўринли бажаришнинг энг асосий йўли кўргазмали қилиб бажаришдир. Шунинг учун тушунчалар ва қонуниятлар билан таништиришда фойдаланилади.

### **Машқлар бажариш жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти ва зарур воситалар**

Ўқитувчи фаолияти	Воситалар	Ўқувчи фаолияти	Воситалар
Машқ бажариш тартибини кўрсатиб бериш, тушунтириш, савол – жавоб, раёбарлик, назорат	Масалалар Топшириқлар Тестлар Жиёозлар Материаллар Компьютер Уйга вазифа	Кузатиш тушуниш, машқ бажариш, такрорлаш, ўзлаштириш, сўзлаш, савол – жавоб, ёзиш, чизиш, ҳисоблаш, ҳаракатларни бажариш, ҳуриш – яшаш, уй вазифасини бажариш, фикрлаш ва бошқалар	Диёлат Тафаккур Хотира Материаллар Машқ дафтари ва бошқалар

Машқлар бажариш ўзлаштиришни мустаҳкамлайдиган ўқув жараёни ҳисобланади. Бу машқлар ҳар бир фанда ўзига хос мазмунда бўлади.

Машқлар бажариш жараёнида кўпинча ўқувчининг ҳамма сезги аъзолари иштирок этиши билан унинг эслаб қолиш даражасини ошириш орқали педагогик имкониятлар янада кенгайди:

### **ЎҚУВЧИЛАРНИНГ АХБОРОТНИ ЭСЛАБ ҚОЛИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

#### **ЎҚИТИШ ПИРАМИДАСИ**

**1. МАЪРУЗА, ДОКЛАД**

**ЭШИТГАНИМИЗНИНГ 5%**

<b>2. ЎҚИШ</b>	<b>ЎҚИГАНИМИЗНИНГ</b>	<b>10%</b>
<b>3. ВИДЕО, РАСМ, КЎРГАЗМА ЛАРНИ КЎРИШ</b>	<b>КЎРГАНИМИЗНИНГ</b>	<b>20 %</b>
<b>4. ТАЖРИБАНИ НАМОЙИШ ҚИЛИШ</b>	<b>КЎРГАН ВА ЭШИТГА НИМИЗНИНГ</b>	<b>30%</b>
<b>5. МУНОЗАРА</b>	<b>БИРГА МУҲОКАМА ҚИЛ ГАНИМИЗНИНГ</b>	<b>40%</b>
<b>6. МАШҚ</b>	<b>ЎҚИГАН, ЁЗГАН, ГАПИРГАН ЛАРИМИЗНИНГ</b>	<b>50%</b>
<b>7. ИШБИЛАРМОН ЎЙИН, ЛОЙИҲА УСУЛИ</b>	<b>МУСТАҚИЛ ЎҚИГАНЛАРИМИЗ НИНГ, ТАҲЛИЛ ҚИЛГАНЛАРИ МИЗНИНГ, МУҲОКАМА, ҲИМОЯ ВА ЁЗГАНЛАРИМИЗНИНГ, НАМОЙИШ ҚИЛГАНЛАРИМИЗНИНГ</b>	<b>75%</b>
<b>8. БОШҚАЛАРНИ ЎҚИТИШ</b>	<b>БОШҚАЛАРНИ ЎҚИТГАН НАРСА ЛАРИМИЗНИНГ</b>	<b>90%</b>

#### 6. Дастурлаштирилган ўқитиш.

Ўқув материалнинг унча катта бўлмаган, мантиқан ўзаро боғланган қисмларини ўз ичига олган ва махсус ишланган топшириқлар бўйича материални ўрганиш дастурлаштирилган ўқитиш дейилади. Хар бир қисмнинг бажарилишини ўқитувчи ёки махсус асбоб назорат қилиб туради. Назоратнинг натижаси ўқувчига айтилади. Тўғри бўлса баҳоланади, нотўғри бўлса уни тузатиш тўғрисида кўрсатма беради.

Бу ўқитишнинг айрим хусусиятлари одатдаги ўқитиш методларида ҳам мавжуд: Ҳозир маънавият асослари фанини ўқитишда дастурлаштирилган ўқитиш учун махсус ўқув кўлланмалари бўлмаса-да баъзи бир топшириқларни бажариш мумкин.

Маънавият асосларини ўқитишда ўқувчиларнинг мантиқий фикрини ўстириш учун кенг имкониятлар мавжуд.

Билимларни болалар аниқ тушиниш учун мослаштирилган нарсаларни ўзаро боғлиқликда, биридан иккинчисини хосил қилиш тартибида келтириб чиқарадилар.

Шунга ўхшаш кўрғазмали таҳлил ва синтезлар натижасида ўқувчилар ички нутқ ёрдамида фикрлаб, энг юқори кўрсаткичдан онгли таҳлил ва синтез қилишга эришадилар.

Бу эса ўқувчининг дедуктив хулоса чиқариши бўлади.

Маънавият асослари фанини ўқитишда бу методлардан шундайларини кўллаш керакки, у ўқувчиларнинг фикрлашини фаоллаштириш ва бу фикрларни

ривожлантиришга ёрдам бериши лозим.

Маънавият асосларини ўқитишни уюштиришнинг тарихий, мураккаб, кўп йиллик тажрибада текширилган ва hozirги замоннинг асосий талабларига жавоб берадиган, шаклли дарсдир.

Ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириши фақат ўқув ишида тўғри метод танлашга боғлаш бўлмасдан, балки укув жараёнини ташкил қилиш формасига ҳам боғлиқдир. Дарс деб, дастур бўйича белгиланган, аниқ жадвал асосида, аниқ вақт мобайнида ўқитувчи раҳбарлигида ўқувчиларнинг ташкил этилган ўқув ишига айтилади. Дарс вақтида ўқувчилар маънавият асослари фани назарий маълумотга, яъни дарсда ҳамма ўқув ишлари бажарилади.

Маънавият асослари фанини ўқитиш дарсининг ўзига хос томонлари, энг аввало, бу ўқув предметининг хусусиятларидан келиб чиқади. Шунинг учун ҳар бир дарсда янги билимлар берилиши билан унга доир амалий ўқув ва малакалар сингдирилади.

Одатда дарсда бир неча дидактик материаллар амалга оширилади: янги материални ўқиш; ўтилган мавзунини мустахкамлаш; билимларни мустахкамлаш; билимларни умумлаштириш, тизимлаштириш; мустахкам укув ва малакалар ҳосил қилиш ва хоказо.

Маънавият асослари фанини ўқитиш дарсларининг ўзига хос яна бир томони шундаки, бу – ўқув материалининг абстрактлигидир. Шунинг учун кўргазмани воситалар ўқитишнинг фаол методларини синчиклаб танлаш, ўқувчиларнинг фаоллиги, синф ўқувчиларининг ўзлаштириш даражаси кабиларга ҳам боғлиқ.

Маънавият асослари фанини ўқитиш дарсида турли – туман тарбиявий вазибалар ҳам ҳал қилинади. Ўқувчиларда кузатувчанликни, зийракликни, атрофга танқидий қарашни, ишда ташаббускорликни, масъулиятни ва соф виждонлиликни, тўғри ва аниқ сўзлашни ва ёзувларда аниқликни, меҳнатсеварлик ва қийинчиликларни енгиш хислатларини тарбиялайди.

Ўқув ишини ташкил этишнинг дарсдан ташқари қуйидаги шакллари мавжуд:

1. Мустақил уй ишлари.
2. Ўқувчилар билан якка ва гуруҳ машғулотлари.
4. Синфдан ташқари машғулотлар.
5. Ўқувчилар билан ишлаб чиқаришга, табиатга экскурсия.

Бу ерда санаб ўтилган иш шакллари ва дарс бир-бирини тўлдиради. Асосий масала дарсга тааллуқлидир. Дарсда ҳамма ишларга бевосита ўқитувчи раҳбарлик қилади. Кўшимча машғулотларда эса иш ўқитувчининг ўзи томонидан ёки ўқитувчи раҳбарлигида ўқувчилар томонидан бажарилади.

Ўқувчилар билан ҳар бир дарсда бир неча тушунчалар билан иш олиб борилади. Ҳар бирини шу дарснинг турли босқичларида ўзлаштириши мумкин. Ҳар бир тушунчани тушуниш бошқа бир тушунчани такрорлаш, эса олиш билан олиб борилса, бу тушунча эса кейинги тушунчаларни тушунтириш учун хизмат қилади. Ўқитиш жараёнида ҳар бир ўқув материали ривожлантирилган ҳолда олиб борилади, бу ўқув материали ўзидан кейин ўқитиладиган материалларни тушуниш учун пойдевор бўлади. Бошқа



тушунчанинг ўзлаштирилиш жараёнини қарасак, у бир неча дарсларнинг ўзаро боғлиқлиги ўқитилиши натижасида ҳосил бўлади. Шундай қилиб маънавият тушунчаларини тушунтириш биргина дарснинг ўзида ҳосил қилинмасдан, балки ўзаро алоқада бўлган бир қанча дарсларни ўтиш жараёнида ҳосил қилинади. Бундай дарсларни биргаликда дарслар тизими деб атаёмиз.

Шунинг учун ўқитувчи мавзунинг мазмунини очадиган дарсларни мантикий кетма-кетликда жойлаштириши керак.

Дарслар системасининг тузилишидаги энг катта талаб дарснинг ўқув тарбиявий мақсадини эътиборга олиш, ўқитиш тамойилларининг методик ва умумпедагогик томонларини ҳисобга олишдир. Мавзу бўйича яхши ўйланган дарслар тизимининг ўқув вақтини мавзучаларга тўғри тақсимлашга боғлиқ.

Унда ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш, хусусий хулосалар чиқариш, ундан умумий хулосалар чиқаришга олиб келиш диққат марказида туриши лозим. Ҳосил қилинган билимларни доимо бир тизимга келтириш ва умумлаштиришни ҳам таъминлаш керак.

Дастурнинг қандайдир мавзусининг мазмунини англашда, мавзу материални дарс вақтларига тақсимлашда, яъни билимларни ўзлаштиришга қуйидаги асосий босқичлар қаралади:

1. Янги материални ўқитишга тайёрлаш.
2. Янги ўқув материални идрок қилиш ва янги билимларни ҳосил қилиш.
3. Билимларни мустақамлаш ва турли хил малакаларни ҳосил қилиш.
4. Билимларни такрорлаш, умумлаштириш ва бир тизимга келтириш.
5. Билим ва малакаларни текшириш.

Маънавият асослари фанини ўқитиш, ўқитишда мустақил ишлар.

Маънавият асослари фанини ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш ва фанга бўлган қизиқишини ривожлантириш омилларидан бири бу ўқувчилар билан олиб бориладиган мустақил ишлардир.

Маънавият асослари фанини ўқитиш дарсларида мустақил ишлар янги материални ўрганишга тайёргарлик кўришда, янги тушунчалар билан танишишда, билим, ўқув ва малакаларни мустақамлашда шунингдек, билимларни назорат қилишда амалга оширилади.

Маънавият асосларини ўқитишнинг амалий мақсади ўз олдига қуйидаги вазифаларни қўяди:

а) ўқувчилар маънавият асослари дарсида олган билимларини кундалик ҳаётда учрайдиган элементар масалаларни ечишга тадбиқ қила олишга ўргатиш, ўқувчиларда билимларни турмушда қўллаш малакаларини шакллантириш ва уларни мустақамлаш учун махсус тузилган ижтимоий, иктисодий масалаларни ҳал қилишга ўргатиш;

б) маънавият асосларини ўқитишда техник восита ва кўргазмали қуроллардан фойдаланиш малакаларини шакллантириш. Бунда асосий эътибор ўқувчиларнинг жадваллар ва ҳисоблаш воситаларидан фойдалана олиш малакаларини таркиб топтиришга қаратилган;

в) ўқувчиларни мустақил равишда фундаментал билимларни эгаллашга

ўргатиш;

Ўқувчилар имкони борича мустақил равишда қонуният муносабатларини очишлари, кучлари етадиган даражада умумлаштиришлар қилишлари, шунингдек, мустақил хулосалар қилишга ўрганишлари керак.

Ўқитиш самарадорлигининг зарурий ва муҳим шарти ўқувчиларнинг ўрганилаётган материални ўзлаштиришлари устидан назоратдир. Дидактикада уни амалга оширишнинг турли шакллари ишлаб чиқилган. Бу ўқувчилардан назорат ишлари ва мустақил ишлар; уй вазифаларини текшириш, тестлар, техник воситалар ёрдамида синаш каби усуллардир. Дидактикада дарс турига, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига ва х.к. боғлиқ равишда назоратнинг у ёки бу шаклидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги масалалари шунингдек, назоратни амалга ошириш методикаси етарлича чуқур ишлаб чиқилган.

Маънавий асосларини ўқитиш методикасида мустақил ва назорат ишлари, ўқувчилардан индивидуал ёзма сўров ўтказишнинг самарали воситалари яратилган. Баъзи дидактик материаллар дастурнинг чегараланган доирадаги масалаларининг ўзлаштирилишини рейтинг тизимида назорат қилиш, маънавий асослари курсининг барча асосий мавзуларини назорат қилиш учун мўлжалланган. Айрим материалларда (айниқса, мактаб учун мўлжалланган) ўқитиш характеридаги материаллар, бошқаларида эса назоратни амалга ошириш учун материаллар кўпроқдир.

Маънавий асослари фанидан топшириқларнинг мураккаблиги бўйича табақалаштирилишидир. Бу материаллар тузувчиларнинг ғоясига кўра маълум мавзу бўйича топшириқнинг бирор усулини бажариши бу мавзунини фақат ўзлаштирганлиги ҳақидагина эмас, балки уни тўла аниқланган даражада ўзлаштирганлиги ҳақида ҳам гувоҳлик беради.

Маънавий асослари фанини ўқитиш методикасида "ўқув материални ўзлаштирилиш даражаси" тушунчасининг мазмуни тўла очиб берилмаган. Ўқитувчилар учун кўлланмаларда дидактик материалнинг у ёки бу топшириғи қайси даражага мос келишини аниқлашга имкон берадиган мезонлар аниқ эмас.

Амалиётда ўқитувчилар кўпинча бирор топшириқнинг усулларини бири бошқаларидан соддароқ ёки мураккаброқ деб айтадилар. Бундан ташқари, дидактик материаллар қанчалик санъаткорона тузилган бўлмасин, уларнинг мазмуни ва тузилишида қанчалик сермахсул ва чуқур ғоялар амалга оширилмасин, улар барибир барча методик вазифаларни тезда ҳал этишга қодир эмас, чунки ҳеч қандай ўргатувчи машина ўқитувчининг интуициясини, яъни ҳиссиётини алмаштира олмайди.

Шундай қилиб, дидактик материалларни ўқувчиларнинг ўқув материални ўзлаштириш даражасини назорат усулларида бири сифатида қараш лозим. Шу билан бирга муайян усул мазкур синф, мазкур ўқитувчи учун энг яхши усул бўлмаслиги ҳам мумкин. Шу сабабли дидактик материаллар ўқитувчини ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш имконини берадиган индивидуал текшириш учун назорат турларини тузишдан ҳалос эта олмайди. Бу умумметодиканинг асосий вазифаларидан

биридир. Ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида маънавий асосларини ўқитишнинг асосий вазифаси бўлган таълим-тарбиявий вазифаларни ҳал қилишда ўқувчи – талабаларнинг маънавий асослари курси бўйича қандай даражада тайёргарлиги борлигига боғлиқ.

Шунинг учун билимларини аниқлаш, ўқитишга тайёрлашда асосий иш методи таҳлил, синтез, таққослаш, умумлаштириш, табақалаштириш каби ақлий жараёнларни бажариш малакаларини шакллантиришга қаратилган бўлиши керак. Бундай ишлар талаба – ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқларини ривожлантиришга катта ёрдам беради, билимларни ўзлаштиришга қизиқишни кучайтириб боради.

**Таянч иборалар:** Ўқитиш – тарбиялаш, тарбиялаш мақсади, таълимий мақсад, таълимни инсонпарварлаштириш, ўқувчиларнинг назарий ва амалий билимларини таркиб топтириш, илмий тафаккур ва маданиятни шакллантириш, муаммоли ўқитиш, дарслар тизими, педагогик технология, педагогик ҳамкорлик

#### **Назорат саволлари:**

1. И. А. Каримов «Юксак маънавийат – енгилмас куч» асарида ҳар қайси ота – она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида аввало шахсни кўриши зарур деган талабни моҳиятини тушунтиринг.

2. Маънавийат асосларини ўқитишнинг асосий вазифалари нималарлан иборат?

3. Маънавийат асосларини курсини ўрганишга тайёрлашнинг асосий вазифаларини санаб чикинг.

4. Маънавийат асосларини ўқитишдаги изчиллик амалга оширишнинг асосий йўллари қандай?

5. «Маънавийат асослари» фанининг таълим жараёнида тўтган ўрни.

6. «Маънавийат асослари» фанини ўқитиш методикаси фани нимани ўрганади, нимани ўргатади?

7. Ўқитиш методикасининг тадқиқот тамойиллари?

8. Фанининг мақсад вазифалари?

### **3-§. Маънавийат асосларини ўқитиш методикасининг умумдидактик ва хусусий принциплари**

Мактаблар тажрибаси дарснинг маълум тизимини яратдики, кўпчилик

Ўқитувчилар бу тизимга риоя қилиб, маълум яхши натижаларга эришмоқда. Одатда дарс бошида уй вазифаси текширилади ёки ўтган мавзу такрорланади, сўнгра ўтган мавзу юзасидан савол-жавоб ўтказилади. Шундан кейин янги материал баён этилади ва уни мустахкамлаш учун назорат саволлари берилади. Дарс охирида уйга вазифа берилади.

Баъзан, дарсда бу мақсадлардан биттасигина машғулотга бағишланиши мумкин. Ана шу битта мақсадни дарснинг асосий дидактик мақсади дейилади ва бошқалар унга бўйсинади.

1. Ўқитишда дидактик принциплар:

- А) таълим ва билимнинг бирлиги.
- Б) илмийлик ва тушунарлилик
- В) системалилик, изчиллилик
- Г) амалиёт ва назария бирлиги
- Д) онглилик ва фаоллилик, мустақиллилик
- Е) кўргазмалилик

3) Таълимда тингловчиларнинг ёши, шахсий хусусиятлари, ўқув имкониятларини ҳисобга олиш принципи.

2. Ўқитишнинг хусусий принциплари;

- А) умумийликка ва алоҳидаликка ўтиш принципи;
- Б) танқидий тафаккур
- В) мустақил тафаккур,
- Г) анализ, синтез,
- Д) тарихийлик, мантиқийлик,
- Е) кузатиш умумлаштириш,

3) умумий ва хусусий принципларнинг узвий бирилиги, таълим ва билишнинг бирлиги.

Дидактика-таълим жараёнининг умумий қонуниятларини ўрганувчи қисмидир. Дидактика – грекча сўз бўлиб, «ўқитиш», «ўргатувчи» деган сўзлардан «дидактика» сўзма – сўз таржимаси таълим назариясини англатади. Таълимнинг асосий вазифаси:

- ёш авлодни илмий билимлар билан қуроллантиришдан иборат дидактика педагогиканинг «нимага ўқитиш», «нимани ўқитиш», «қандай ўқитиш» каби саволларига жавоб излайди.

Ўқитувчи таълим самарадорлигига эришиш ва ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш учун таълим мазмунининг таркибий қисмлари ва уларни ўқувчилар томонидан; ўқув материални сезги органлари орқали қабул қилиш, тасаввур қилиш, абстракт фикр юритиш, ўрганилган маълумотларни ёдда сақлаш, билимларни одатий, янги қутилмаган вазиятларда қўллаш босқичлари ёрдамида уюштиради.

Таълим қоидалари деб, умуминсоний тарбиянинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилган ўқиш ва ўқитиш жараёнларининг йўналиши ўқувчилар томонидан илмий билимларнинг ўзлаштирилиши, билим ва малакалар ҳосил қилишнинг асосий қонун ва қоидаларининг йиғиндисига айтилади.

Таълимнинг илмийлиги. Илмий билимлар – воқеликнинг ҳаққоний инкосидир.

Теварак – атрофни ўраб олган дунёнинг қонуниятларини, нарса ва ходисаларнинг ички муҳим хоссаларини ва ўзаро алоқаларини акс эттирувчи билимларгина қоидаси – илмий билимларни эгаллаш жараёнида ўқувчиларда илмий дунёқараш, эътиқод тафаккури ривожлантиради. Илмийлик қоидаси таълим жараёнида ўқувчиларни ҳозирги замон фан-техника тараққиёт даражасига, мувофиқ келадиган илмий биламлар билан қуроллантириш, ёшларни илмий-тадқиқот усуллари билан таништириб борилиши таълимига қаратилган.

Системалилик (тизими) изчиллик принципи.

Таълим вазифасини маълум бир тизимсиз бажариб бўлмаслигини кўрсатади.

Ўқув материални тушунтириш тизими ўқув материални аниқ баён қилинган ғояларга; ўқитувчи бу ғояларни қайсиларини тушунтирмоқчи эканлигига; баҳолар, билимларни ўзлаштиришга қанчалик имконият берилиши; фикрлаш хусусиятларига дарсдаги билимларни ўзлаштириш жараёни тушунтирилишига боғлиқдир.

Таълимда изчиликка риоя қилиб ўқитиш лозим, токи бугун ўрганилган билимлар кеча ўрганилганларни мустаҳкамласин, эртага ўрганиладиганларга замин ҳозирлансин.

Таълим ва тарбиянинг бирлиги қоидаси (амалиёт ва назария) уни таъминламоқ учун: баён қилинаётган ўқув материалларининг мазмуни ҳам, илмий, ҳам ғоявий жиҳатдан тўғри талқин қилиши, ўқитилаётган тамойилнинг илмий ва тарбиявий моҳияти очиқ берилиши, таълим жараёнида «Ҳадис»лардан фойдаланиш имкониятини яратилиши, лозим. Шунингдек баён қилинаётган илмий билимларнинг пухта ва мустаҳкамлаш ўзлаштирилиши ва турмушда унга амал қилиш, муаммоли жараённи ва касбга қизиқиш ташаббускор таълимга эътиқод кучининг уйғунлиги, таълим жараёнида ўқувчиларнинг уюшқоқлик, интизомлилилик ва жавобгарликни сезиш, ўзаро ёрдам ҳисларини тарбиялаш зарур.

Назария ва амалиёт бирлиги. Бу бирлик илмий билимларни пухта ўзлаштириш ва уни амалда қўллай олиш, ўқув материалларини идрок қилиш, англаш, мустаҳкамлаб, эсда сақлаб қолиш каби руҳий жараёнлар билан боғлиқ ҳолда бир бутун жараённи ташкил қилади.

Онглилик, фаоллик, мустақиллилик қоидаси: билимларни онгли равишда ўзлаштириш; ҳаётий ходиса, жараёнлар билан боғлаш; нутқий равожлантириш, тафаккур қилиш қобилиятини оширишни назарда тутаяди ҳамда маъруза, семинар дасрларини қўшиб олиб бориш жараёнини янада такомиллаштиради

Кўргазмалилик қоидаси:

-ўқитиш сифатини оширади

-ўқитиш жараёнида кўриш, эшитиш, хид билиш, таъм-маза билиш, тери, мускул-харакат каби сезги органларининг бир йўла объект устида сафарбар қилинишини талаб этади.

-тез қулай, осон ўзлаштиради.

-узок вақт эсда қолади

-схема, жадвал, диаграмма материаллари устида таққослаш, тақлил қилиш, умумлаштириш хулоса чиқаришда аҳамиятга эгадир.

Бўлиши мумкин:

-график-кўрсатмали қуроллар, чизмалар, диаграмма, диофильмлар.

-грампластинкалар, магнит лентаси, бадий ўқитиш намуналари, талаффуз қилишга оид материаллар

-гербарийлар коллекциялар, ашёлар, расм-фотосурат, овозсиз кинофильмлар

Таълимнинг ўқувчиларга мос бўлиш қоидаси:

-ўқув материалнинг мазмуни, унинг хажми характери

-жисмоний ривож

-савияси, имкониятларига лойиқ бўлиши

"осондан қийинга қараб бориш"

-материални хаддан ташқари енгил бўлиши қизиқишни сўндиради

-аксинча қийин, оғир бўлса, қўйилган мисол ва масалаларни ечиш, хал қилишга қурби етмаса ўз кучига ишонмаслик қайфиятини туғдиради.

"Маълумдан номаълумга қараб бориш"дир.

"Соддадан мураккабга қараб бориш"дир.

Ўқитиш усуллари ўқув материалнинг характериға мос холда тўғри танланган бўлмоғи лозим.

Билиш, кўникма ва малакаларни ўзлаштириб олишнинг мустахкамлиғига аввало ўқитиш қоидалари: тушунарлилик, тизимлилик, изчиллилик, назария ва амалиётнинг боғлиқлиғи, кўрсатмалилик, ўқувчиларнинг онглилиғи, фаоллилиғи қоидаларини амалга ошириш билан эришилади.

Маънавий назариясида таълим мазмунини шакллантиришнинг асосий тамойиллари қуйидагилардир:

1.Таълим мазмунининг жамият, фан, маданият ва шахс мувофиқлиғи тамойили. Бу тамойил таълим мазмунига зарур бўлган билим, малака ва кўникмаларни шунингдек, жамият, маданият ва шахс имкониятлари ривожланишининг замонавий даражасини акс эттирувчи билимларни киритишни кўзда тутди.

2.Ўқитишнинг мазмун процессуал жихатларининг ягоналиғи *тамойили* Бу тамойил ўқув жараёнининг конкрет хусусиятлари, тамойиллари, уларни амалга ошириш технологиялари ва ўзлаштириш даражаси бирлигини акс эттиради.

3.Турли даражадаги таълим мазмуни тузилмасининг ягоналиғи тамойили. Буни шакллантириш назарий тасаввур, ўқув фанлари, ўқув материаллари, таълим олувчининг шахси каби қисмларнинг мувофиқлаштирилишини тақозо қилади.

4.Таълим мазмунини инсонпарварлаштириш тамойили. Бу тамойил шахснинг умуминсоний маданияти, унинг маънавий эҳтиёжи ва қобилиятларининг фаол ижодий ва амалий ўзлаштирилишига шарт-

шароит яратишни такозо қилади.

5.Таълим мазмунининг асосланганлиги тамойили. Бу гуманитар ва табиий-илмий билимларни интеграциялаш, узвийлик ва фанлараро алоқаларни ўрнатишни талаб қилади.

6.Таълим мазмуни асосий компонентларининг шахс ички (таянч) маданияти тузилмасига мувофиқлиги тамойили. Таълим мазмунининг амалий компоненти малака ва кўникмаларни шакллантиришни ўз ичига олади. Ташки ёки амалий, ички ёки интеллектуал малака ва кўникмалар мавжуд. Малака ва кўникмалар барча ўқув фанлари учун умумий бўлиши мумкин, ҳар бир ўқув фани учун ўзига хос ва характерли бўлади. Малака ва кўникмалар муайян фаолият турининг асосини ташкил этади. Фаолиятнинг эса билиш, меҳнат, бадиий, ижтимоий, қадриятларга йўналтирилган ва коммуникатив турларини қайд қилиш мумкин. Ижодий фаолият тажрибаси. У янги муаммоларни ҳал қилиш ва воқеликни ижодий қайта яратишга тайёр бўлишда намоён бўлади. Шахс муносабатлари тажрибаси. Бу асослаш (мотивация) баҳолаш, ҳиссийлик, иродалилиқ муносабатлар тизимидан иборатдир. Бу тажриба дунёга, воқеликка, одамларга баҳо бериш муносабатида намоён бўлади. Демак, маънавият асосларини ўқитиш методикаси қуйидаги дидактик тамойилларини ҳар бир талаба билиши керак:

- А) Онглилик тамойили;
- Б) Кўрсатмалилик тамойили;
- В) Илмийлик тамойили;
- Г) Кетма – кетлик тамойили;
- Д) Пухта ўзлаштириш тамойили ва ҳаказолар.

Маънавият асослари фанини ўқитиш методикаси дарсларида асосий дидактик мақсадлардан бири фанни талабанинг тўла эгаллашига эришиш.

Албатта ҳар бир дарсдан турли хил дидактик мақсадлар кўзланади. Улар орасида биттаси бош мақсад бўлиб, уни дарснинг асосий дидактик мақсади дейилади. Ҳар бир алоҳида дарснинг мақсади дарслар тизимининг мақсадини аниқлаб, унинг ёрдамида ўқитилаётган мазмунининг мазмунини очиб беради.

Биринчи ҳолда янги тушунчалар билан таништириш бўлса, иккинчи ҳолда таништирилган тушунчани кенгайтириш ва чуқурлаштириш, учинчисида, бирор малака ва кўникмаларни ҳосил қилиш, тўртинчисида, билим, малака ва кўникмаларни текшириш ва х.к. бажарилади.

Ҳар бир дарсда юқорида айтилганларнинг бир нечтаси ёритилиши мумкин. Ўтилганларни такрорлаш олдин ўтилган дарсларни янги тизимга солиш, шу билан билимларни текширишни ўз ичига олади. Янги материални баён қилиш ҳар доим машқлар бажариш билан давом эттирилади.

**Танч иборалар:** Дарс, дарс тизими, дидактик мақсад, таълим мазмуни, таълимнинг илмийлиги, таълим мазмунининг компонентлари, интеллектуал малака, мотивация, принцип, умумий ва хусусий принцип

---

**Назорат саволлари:**

1. Билиш ва ўқув фаолияти деганда нимани тушунасиз?
  2. Олий мактабдаги таълим мазмуни деганда нимани тушунасиз?
  3. Таълим мазмунининг моҳиятини белгилашда қандай ёндашувлар мавжуд?
  4. Ҳозирги замон олий мактаби дидактикасида ўқитиш жараёнининг қандай қонуниятлари бор?
  5. Ўқув жараёни самарадолигини таъминловчи педагогик малакани шакллантириш?
  6. Ўқитувчи мутахассислиги бўйича педагогик, психологик билимлар миқдорига, дарс бериш методикасини ва технологиясини эгаллаган бўлиши кераклигини асослаб беринг.
- 

**4-§. Маънавият асосларини ўқитиш методлари.**

Маънавият асослари курсида тушунчалар кенгайтирилган, чуқурлаштирилган ва бойитилган ҳолда ўқитилади. Демак, маънавият асослари фанининг тузилиши ўзига хусусиятларга эга. Бўлажак ўқитувчилар



курснинг асосий мазмуни билан пухта танишиши ва маънавият дарслари материали концентрик тузилганлигига эътибор бериш, назария ва амалиёт масалалари ўзаро органик боғланган характерга эга эканлигини билишлари зарур.

Айни пайтда тушунча, хосса, қонуний боғланишларни очиш курсда ўзаро боғланган ва бир-бирини тўлдиради.

Ҳар бир тушунча ривожлантирилган ҳолда тушунтирилади. Масалан, ижтимоий-иктисодий фанлар ва ўқитиш методикалари орасидаги боғланиш ўзаро бир-бирини тўлдиради ҳамда асосий тушунчалар ва натижавий тушунчалар ўзаро боғланишда берилганлигига эътибор қаратиш лозим.

Маънавият асослари курси ўз тузилиши бўйича ўз ичига олган қадимги, ўрта аср ва янги даврдаги маънавиятнинг ривожидан иборат қисмларнинг тадрижий ривожланиш тарзида берилганлиги ўрганиш материални бир тизимга солади, маънавият асослари курсида материалнинг концентрик жойлашуви сақланади. Аммо, амалдаги дастурда концентрик сони камайтирилган: фалсафа, ҳуқуқ, тарих, педагогика. Тарбия назарияси ва методикаси ва ҳоказо фанлардан унда ўзаро боғланган тушунчалар, масалаларни қараш мазмун жиҳатдан яқинлаштирилган.

Маънавият асосларини ўқитишнинг мақсадлари қуйидагилар: умумтаълим мақсади, тарбиявий мақсади, амалий мақсади. Бу мақсадлар бир – бири билан узвий боғлиқ бўлиб, бир-бирини тўлдиради. Таълим мақсади ўқитувчидан қуйидагиларни талаб қилади:

- а) ўқувчиларга билим, малака, кўникма бериш;
- б) ҳақиқий оламни тасаввур ва тушуниш методлари билан ўргатиш;
- в) ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқларини маънавий маданиятини ўстиришни, унинг сифатли бўлишини таъминлаш;

Ўқувчи-талабаларнинг билимга бўлган қизиқишларини кучайтириш.

Маънавиятни ўқитиш методикасида ақлий тарбия шахсни ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашнинг муҳим жиҳати сифатида белгиланади. Унинг моҳияти шундаки, интеллектуал фаолиятга қизиқиш уйғотиш, билимлар билан қуроллантириш, уларни қўлга киритиш ва амалиётда қўллаш методлари, ақлий меҳнат маданиятини жорий қилиш орқали ақл ва билиш қобилиятларига раҳбарлик қилишдир.

Ақлий ривожланиш билимларни фаол ўзлаштириш ва ижодий қўллаш жараёнида жуда интенсив юз беради:

- \*атроф – муҳитга фаол муносабатда бўлиш;
- \*ўзига маълум бўлганлар чегарасидан чиқишга интилиш;
- \*назарий ва амалий билимларини ошириш ва уларни ижодий қўллашнинг доимий зарурияти;
- \*кузатувчанлик, ҳодисалар ва фактларнинг энг моҳиятли жиҳатларини ва алоқаларини ажрата олиш қобилияти;
- \*реал воқелик жараёнларини тўхтовсиз акс эттиручи тушунчаларни ўзлаштириш ва фойдаланишга мойиллик;

Чунки билишга бўлган қизиқиш саралаб олишга йўналтирилган ва у шахсининг эҳтиёжларидан келиб чиқади. Билишга бўлган қизиқиш билиш фаолияти моҳияти, фикрларнинг объектга бўлган битимнинг яқинлиги билан боғланган. Билимга бўлган қизиқишнинг белгилари қуйидагилардир: интеллектуал характерга эга бўлиши; ижодий характерда бўлиши; билимга бўлган қизиқишнинг ривожланиш босқичлари; қизиқишнинг – мўлжалнинг элементар даражаси мўлжалланган қизиқиш; қизиқувчанлик – билишга бўлган эҳтирос, қувонч объект чегарасига кириб бориш; билишга бўлган қизиқиш ходисаларнинг моҳиятига кириб боришга интилиш, ҳақиқатни қидириш; назарий – қизиқиш – воқеликка фаол таъсир этиш, қонуниятларини билишга интилиш; қизиқишнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши шартли равишда қуйидагича даражага ажратиш мумкин; янги фактларга, машғулотларга, олинадиган ахборотларга таянадиган фактларга бевосита қизиқиш ҳар хил шароитларда ҳаракат қилувчи нарса ва ходисаларнинг муҳим хусусиятларини билишга қизиқиш. Ўрганишга бўлган барқарор қизиқиш. У талабаларга таълим беришда муҳим характерга ва унда билишга бўлган қизиқиш ташқи омилларга муҳтож ҳамда у реал ўқув жараёни шарт – шароити ва усуллари билан боғлиқ бўлади.

Ўқувчиларга маънавият асослари фани шундай билимлар беришни таъминлаши керакки, бу билимлар орқали, фаол билиш фаолияти орқали, билим, малака, кўникмалари ортиб бориши таъминланиши лозим.

Тарбиявий мақсад. Маънавият асослари фанини ўқитиш талаба-ўқувчиларни саводлиликка, тиришқоқликка, пухталиқка, ўз фикри ва хулосаларини назорат қила олишга, айниқса, кузатиш асосида айтиладиган фикрларнинг равон бўлишига эришиш керак. Билишга интилиш, мустақил ишдан қаноат ҳосил қилиш туйғуларини тарбиялаши керак. Маънавият асослари фанини ўқитишнинг ўзи ўқувчиларда диққат ва фикрни тўплай билишни тарбиялайди. Ўқитувчи қуйидагиларни таъминлаши керак:

а) ўқувчи моддий оламдаги боғланишларни, миқдорларнинг ўзгаришини, бир-бири билан алоқасини англай олиши;

б) ўқувчиларнинг урф-одатимиз, қадриятларимизни ўрганишга астойдил қизиқишини таъминлаши;

в) меҳнатга, ватанга инсонларга бўлган муносабатини тарбиялаш, эстетик дид ҳосил қилиш;

г) ўзбек миллатининг тарихи, жумладан, маънавият асосларини ўқитилиш тарихига бўлган дунёқарашни тарбиялаш;

д) ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини ва маданиятини тарбиялаш;

Амалий мақсад. Маънавият асослари фанини ўқитишдан кузатиладиган амалий мақсад ўқувчилар олган билимларни амалда қўллай олишга ўргатишдан иборат. Бунинг учун талабаларнинг билимга барқарор қизиқишини таъминлаш зарур. Билишга бўлган барқарор қизиқишга қуйидагилар қиради:

- Интеллектуал фаоллик кўрсаткичлари – савол ва жавоб мустақиллиги, жонли фаолиятга ўз ташаббуси билан киришишга интилиш;
- Малака ва кўникмалардан фаол фойдаланиш, уларнинг фаол акс таъсири (билимлар янги билимларни эгаллаш методларига айланади, билишга бўлган қизиқиш ўзининг энг юқори ривожланиш даражасига кўтарилади);
- Ҳиссиётни намоиш қилиш (нафрат, кувонч, безовта бўлиш, интеллектуал ҳолатдаги ҳиссиёт);
- Иродани намоиш қилиш, жиддий диққат қилиш, кучсиз чалғиш, ўқув ишларини тугаллашга интилиш, ўз ҳатти-ҳаракатларини эркин танлаш – ўқув машғулотларидан бошқа вақтларда у ёки бу машғулотларни эркин танлай олиш.

Талабаларни билиш фаолияти тузилмасига фаоллик киради, яъни бу шундай иш фаолиятики, унда билиш фаолиятини жонлаштирадиган интеллектуал, иродавий, ҳиссий жараёнлар биргаликда намоён бўлади.

Жонли билиш фаолияти учун билимга бўлган ҳар томонлама, чуқур қизиқиш, муайян куч сарф қилиниши, диққат-эътиборга қаратилган бўлиши лозим. Билиш фаоллиги индивидуал бўлади, у шахснинг туғма қобилияти эмас, балки унинг ҳатти-ҳаракатлари жараёнида шаклланади.

Олинган билимларни амалда фойдалана билишга ўргатиш. Бу билимларни кундалик ҳаётда учрайдиган масалаларни ҳал қилишга қўллай билишга ўргатишдир.

Ўқитиш методи тушунчаси дидактика ва методиканинг асосий тушунчаларидан бири.

Шундай қилиб ўқитиш методлари ўзлаштириш, тарбиялаш ва ривожланиш каби учта асосий вазифани бажаради.

Ўқитиш методларидан, таълимнинг янги мазмунига, янги вазифаларига мос келадиганларига онгли танлаб олиш учун, олдин ҳамма ўқитиш методларини таснифлашни ўрганиб чиқиш зарур.

Илмий-тадқиқот методлари ҳақида маълумот. Таълим ва тарбияга оид иш тажрибаларни ўрганмай ва умумлаштирмай, маънавий жараённи чуқур тадқиқ қилмай туриб маънавиятни ривожлантириб бўлмайди. Ҳозирги таълим-тарбия маънавиятни илмий билишнинг умумий методи билан қуроллантиради, аммо бошқа ҳар қандай фан каби маънавият асослари фанининг ҳам хусусий тадқиқот методлари мавжуд.

Илмий тадқиқот методлари – бу конуний боғланишларни, муносабатларни, алоқаларни ўрганиш ва илмий назарияларни тузиш мақсадида илмий ахборотларни олиш усуллари дир. Кузатиш, тажриба, мактаб ҳужжатлари билан танишиш, ўрганиш, суҳбат ва сўровномалар ўтказиш, илмий тадқиқот методлари жумласига киради.

Маънавият асослари ўқитиш методикаси бутун тадқиқотларда қўлланиладиган методларнинг ўзидан фойдаланилади.

Кузатиш методи.

Кузатиш методи – одатдаги шароитда кузатиш натижаларини тегишлича қайд қилиш билан амалий жараёни бевосита мақсадга йўналтирилган ҳолда идрок қилишдан иборат.

Кузатиш методидан ўқув-тарбия ишининг у ёки бу соҳасидаги ишнинг қандай бораётганини ўрганиш учун фойдаланилади. Бу метод ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаолиятлари ҳақида мажбур қилинмаган табиий шароитда фактик материал тўплаш имконини беради.

Кузатиш вақтида тадқиқотчи ўқув жараёнининг одатдаги боришига аралашмайди. Кузатиш аниқ мақсадни кўзланган режа асосида узоқ ёки яқин вақт оралиғида давом этади. Кузатишнинг бориши, фактлар, содир бўлаётган воқеалар, жиҳозлар кузатиш кундалигига қайд қилиниб борилади.

Аmmo кузатишларни қайд қилишнинг энг ишончли методи техник воситалар, видео, фото ва киносёмкадан, телеэкрандан фойдаланишдир.

Фойдаланиладиган кузатиш методларидан бири илғор тажрибани ўрганиш ва умумлаштиришдан иборат. Бу методдан муваффақиятли фойдаланишнинг мажбурий асосий шарти шундан иборатки, ўқитувчилар тажрибасининг тавсифи қўйилган тадқиқот вазифасига жавоб берадиган бўлиши керак.

Тажриба.

Тажриба – бу ҳам кузатиш бўлиб, махсус ташкил қилинган, тадқиқотчи томонидан назорат қилиб туриладиган ва тизимли равишда ўзгартириб туриладиган шароитда ўтказилади. Тажриба ўқитишнинг ва тарбиялашнинг у ёки бу усулнинг кўрсатма – қўлланмаларининг самарадорлигини тадқиқ қилишда қўлланилади.

Тадқиқотда илмий фаразни ўрни катта аҳамиятга эга. Бутун тажрибани ташкил қилиш илмий фаразни текширига йўналтирилади. У материал тўплаш йўллариини белгилаш имконини беради, тадқиқотчининг фактик материалда чалкашиб кетишига йўл қўймайди.

Тажриба натижаларини таҳлил қилиш, таққослаш методи билан ўтказилади. Бунинг учун икки ёки бир неча гуруҳ тузилади, бу гуруҳларга кирган ўқувчилар таркиби бўйича тайёргарлик даражалари ва бошқа кўрсаткичлар бўйича имкони борича бир хилда бўлиши керак. Бир хил синфларда тадқиқотчи томонидан махсус ишлаб чиқилган тажриба материали бўйича иш бажарилади. Таққослаш учун назорат синфлари танланади, бу синфлар ўқувчилар таркиби, уларнинг билим даражалари бўйича тахминан тажриба синфларга тенг кучли бўлиши керак, бу синфларда маънавият асосларини тажриба синфларда қўлланиладиган методлар, воситалар ва бошқалар қўлланилмайди.

Тажриба натижалари ҳақида объектив маълумотлар олишнинг бошқа усулларидан ҳам фойдаланилади:

а) тажриба – синов ўтказиладиган синфларда бошланғич шартлар назорат синфидагига қараганда бир мунча энг қулайроқдир; агар тажриба синфларда бундай шароитларда яхши натижалар олинган бўлса, масалани тажриба ҳал қилиши ўзини оқлаган ҳисобланади;

б) ўқувчиларнинг таркиби тахминан бир хил бўлган иккита синф олинади; тадқиқ қилинаётган муаммонинг янги ечими шу синфларнинг биттасида қўлланилади, сўнгра бошқа мавзу материалларида иккинчи бир синфда қўлланилади; агар бундай қўлланишдаги янги метод, усул яхши натижа берса, бу усул метод ўзини оқлаган бўлади.

Тажрибани билишдан олдин, унинг оралик босқичларида ва охирида ҳамма синф ўқувчиларининг билимлари текширилади. Олинган маълумотларни таҳлил қилиш асосида тадқиқ қилинаётган методнинг, усулнинг ва х.к. самарадорлиги ҳақида хулосалар чиқарилади. Тажриба-синов ўтказиладиган синфлардан олинган сифат ва миқдорий натижаларни таҳлил қилиш асосида хулоса чиқарилади.

#### Хужжатларни ўрганиш.

Таълим ва тарбия беришнинг кенг тарқалган методларидан бири ўқувчилар ишлари ва хужжатларини ўрганишдан иборат. Ўқувчиларнинг ишлари уларнинг дастурнинг айрим бўлимлари бўйича тайёргарлик даражасини аниқлаш, ўқитишнинг маълум даври давомида ўсиши ва ривожланишларини кузатиш имконини беради.

Бундай таҳлил бутун синф ўқувчиларининг дуч келадиган мураккаб қийинчиликларини, шунингдек, ўқувчиларнинг ўзлаштиришларидаги индивидуал хусусиятларини аниқлаш имконини беради.

Ўқув хужжатлари (ўқув режаси, дастури, методик ишлар хужжатлари, ҳисоботлар ва х.к.) ўқув тарбиявий ишларни ривожланиш жараёни ва ҳолатини акс эттиради.

#### Сухбат методи.

Таълим беришда сухбат методидан ҳам фойдаланилади. Бу методдан фойдаланиш кузатишдан олинган маълумотларни тўлдирувчи ва аниқловчи материаллар олиш, топшириқлар бажарилиши имконини беради. Бу метод муваффақиятининг асоси болалар билан алоқа ўрнатилиши, улар билан бемалол эркин мулоқотда бўлиш имкониятидан иборат.

Сухбат учун унинг мақсадини белгилаш, дастур ишланмаси, йўналиши ва методикани асослаш жуда муҳимдир. Сухбат методи бевосита берилган саволларга жавобларнинг ишончилигини текшириш имконини берувчи бевосита ва билвосита саволларни киритишни назарда тутди.

Сухбат методи ўқитувчиларга, ота-оналарга қаратилган бўлиши ҳам мумкин, бу ҳолда айтиб ўтилган эҳтиёткорликнинг ҳожати йўқ, шу сабабли, бунда тадқиқотчининг сухбатдошига нисбатан муносабати очиқ – ойдин бўлиши мумкин.

#### б) Анкеталаштириш сўровнома ўтказиш методи.

Бирор муаммога нисбатан фикрларни аниқлаш, баъзи фактларни тўплаш талаб қилинган ҳолларда анкеталаштириш методидан фойдаланилади. Агар жавоблар оғзаки олинадиган бўлса, у ҳолда бу жавоблар қарорга тўла ёзилади. Кўпчилик бир саволнинг ўзига жавоб берганда, бунинг устига ҳар ким мустақил жавоб берса, ёзма анкеталаш қимматли бўлади.

Анкетадан фойдаланилганда қуйидаги икки талабга амал қилиш зарур:

1. Анкетада саволлар кам бўлиши керак;

2. Саволлар шундай тузилиши керакки, уларни ҳамма бир хил тушунсин, улар аниқ (мужмал бўлмаган) жавобларни талаб қилсин.

Таълим ва тарбия беришда назарий методлар етакчи ўрин тутди. Ҳар бир тадқиқотдан олдин ўрганиш объектини танлаш, назарий таҳлил асосида объект қайси фактларда боғланганлигини аниқлаш ва текшириш учун улардан етакчиларини танлаш керак. Тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларини яққол аниқлаш гипотезасини тузиш шунга мос равишда тадқиқот ўтказиш методикасини ишлаб чиқиш, тадқиқотнинг боришида олинган фактларни тушунтириш ва таҳлил қилиш усулларини танлаш ва хулосаларни ифодалаш лозим. Бу ишларнинг ҳаммасини бажариш учун тадқиқ қилинаётган муаммонинг илгари ва ҳозирги вақтдаги назария ва амалиётини ёритувчи адабий манбаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш керак. Назарий методлар бошқа методлар билан бир қаторда маънавий асосларини методикасига оид ҳар бир тадқиқотга қўлланилади. Ҳар қандай илмий муаммоларни ҳал қилишда энг олдин қилинаётган масаласига оид ҳамма адабиётни ўрганиш ва назарий тадқиқот ўтказиш керак.

Маънавий асослари фанини ўқитиш методикасига доир тадқиқотларда бошқа методлардан ҳам фойдаланилади. Одатда бу методларнинг ҳаммасидан биргаликда фойдаланиш, бир хил натижаларнинг ишончли бўлишини таъминлайди.

Ҳозирги замон дидактикасида ўқитиш методлари классификациясига ҳар хил ёндашиш мавжуд. Юқорида келтирилган таърифдан ўқитиш методлари ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолиятдан иборат экани кўринадди. Бинобарин, бундай фаолият ташкил қилиш рағбатлантириш ва назорат қилишни назарда тутди, шунга кўра ўқитиш методлари ҳам учта катта гуруҳга бўлинади: ўқув фаолиятини ташкил қилиш методлари; ўқув фаолиятини рағбатлантириш методлари; ўқув фаолиятини самарадорлигини назорат қилиш методлари.

Оғзаки, кўрсатмали ва амалий методлар:

1. Оғзаки методлар – қисқа муддат ичида ҳажми бўйича энг кўп маълумотларни бериш, ўқувчилар олдига муаммолар қўйиш, уларни ҳал қилиш йўллари кўрсатиш имконини беради.

Бу методлар ўқувчиларнинг абстракт тафаккурларининг ривожланишига шароит яратади.

а) Тушунтириш. Билимларни тушунтириш методининг моҳияти шундан иборатки, бунда ўқитувчи материални баён қилади, ўқувчилар эса уни, яъни

билимларни тайёр ҳолда қабул қилиб олишади. Материалнинг баёни аниқ, тушунарли, қисқа бўлиши керак. Маънавият асослари курсининг бир қатор масалаларини қарашда билимларнинг изчил баёни зарур.

Ўқитувчининг билимларни тушунтириш методидан маълумотлар тўғрисидаги назарий материаллар ишлатиш бўйича йўл-йўриқ беришда фойдаланилади.

б) Суҳбат бу энг кўп тарқалган ва етакчи ўқитиш методларидан бири бўлиб, дарснинг ҳар хил босқичларида, ҳар хил ўқув мақсадларида қўлланиши мумкин, яъни уйга берилган топшириқларни ва мустақил ишларни текширишда, янги материални тушунтиришда, мустаҳкамлаш ва такрорлашда қўлланилиши мумкин.

Суҳбат – ўқитишнинг савол-жавоб методидир, бунда ўқитувчи ўқувчиларнинг билимларини қай даражада ўзлаштирилганлиги ва амалий тажрибаларига таянган ҳолда, махсус танланган саволлар ва уларга бериладиган жавоблар йўли билан ўқувчиларни қўйилган таълимий ва тарбиявий масалаларини ҳал қилишга олиб келади.

Методик адабиётда суҳбат методидан кўпинча тушунчалар билан таништиришда фойдаланиш тавсия этилади.

## 2. Кўрсатмали методлар.

Ўқитишнинг кўрсатмали методлари – ўқувчиларга кузатишлар асосида билимлар олиш имконини беради. Кузатиш ҳиссий тафаккурнинг фаол шаклидир, бундан ўқитишда, айниқса, маънавият асослари фанини ўқитишда кенг фойдаланилади. Теварак – атрофдаги предмет ва ходисалар ва уларнинг турли – туман моделлари (ҳар хил типдаги кўрсатма-қўлланмалар) кузатиш объектлари ҳисобланади. Ўқитишнинг кўрсатмали методларини ўқитишнинг оғзаки методларидан ажратиб қўйиб бўлмайди. Кўрсатма – қўлланмаларни намойиш қилишни ҳар доим ўқитувчининг ва ўқувчиларнинг тушунтиришлари билан биргаликда олиб борилади. Ўқитувчининг сўзи билан кўрсатма воситаларидан биргаликда фойдаланишнинг 4 та асосий шакли аниқланган:

1. Ўқитувчи сўзлар ёрдамида ўқувчиларнинг кузатишларини бошқаради;
2. Оғзаки тушунтиришлар объектнинг бевосита кўринмайдиган томонлари ҳақида маълумотлар беради;
3. Кўрсатма-қўлланмалари ўқитувчининг оғзаки тушунтиришларини тасдиқловчи ёки конкретлаштирувчи иллюстрация бўлиб хизмат қилади.
4. Ўқитувчи ўқувчилар кузатишларини умумлаштиради ва умумий хулоса чиқаради.

3. Амалий методлар. Малака ва кўникмаларни шакллантириш ва мустаҳкамлаштириш жараёни билан боғлиқ бўлган методлар ўқитишнинг амалий методлари ҳисобланади. Хусусан, бундай методлар жумласига ёзма ва оғзаки машқлар, амалий ва лаборатория ишлари, мустақил ишларнинг баъзи турлари киради. Машқлар асосан мустаҳкамлаш ва билимларни тадбиқ

қилиш, малака ва кўникмаларни шакллантириш методи сифатида қўлланилади. Маънавий асосларини янги тушунчаларни, қонунларни таркиб топтиришда болалар умумлаштиришга дуч келадилар. Умумлаштириш – бу ўрганилаётган объектлардан умумий муҳим томонларини ажратиш ва уларни муҳим эмасларидан ажратишдан иборат.

«Усул» ўқитишнинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш, маълум объектни ўзлаштириш борасидаги назарий ва амалий фаолиятларини англатади. Ўқитиш усули деганда, таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг қутилган мақсадга эришишга қаратилган биргаликдаги фаолиятлари тушинилади.

Услуб – асосий ўқитиш усули, ўқитиш усулининг айрим элементларидан фойдаланиб иш кўришдир.

Восита ёрдамчи ўқув материаллари асбоб, қурол аппаратлардан фойдаланиш.

Ўқитиш усулларини қуйидаги турларга бўламиз: ўқитишнинг оғзаки усули, кўрғазмалилик, амалий усуллари, муаммоли изланиш, индуктив-дедуктив, мустақил иш усуллари, рағбатлантириш, назарий, ўз-ўзини назорат қилиш, китоб билан ишлаш.

Таълим жараёнида салмоқли ўрин эгаллаган муаммоли ақлий, ҳужум, дарс, мунозарали (илмий, эркин фикрлаш) дарслари муаммоли таълим технологиясига асосланади. Муаммоли дарсларнинг ўзига хослиги дарс давомида вужудга келтирилган муаммоли вазиятларга асосланишида.

Муаммоли таълим деб, ўқитувчи томонидан таъсир кўрсатишнинг энг муқобил варианты ёрдамида фикр юритиш қонуниятларига таянган ҳолда ўқувчиларни билимларини ўзлаштириш жараёнида фикрлаш қобилиятини ривожланиши, шахснинг умумий ва махсус ривожланишига замин тайёрлайдиган жараёнга айтилади.

Муаммоли таълимнинг муваффақияти қуйидаги омилларга боғлиқ:

- Муайян мавзуга оид ўқув материални муаммолаштириш;
- Муаммоли вариантларни вужудга келтириш орқали ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш;
- Таълим жараёнини ўйин меҳнат фаолияти билан уйғунлаштириш;
- Ўз ўрнида ва самарали фойдаланиши кўникмасига эга бўлиш;
- Муаммоли вазиятни ҳал этиш юзасидан муаммоли, саволлар занжирини тузиш ва мантиқий кетма-кетликда ўқувчиларга баён қилиш.

Муаммоли таълимнинг замонавий назариясида муаммоли вазиятларнинг иккитаси ажратилади.

1. Психологик муаммоли вазиятлар

2. Педагогик муаммоли вазиятлар ўқитувчининг фаолияти:

- ўқув муаммоларини аниқлаш, муаммоли вазиятлар тизимини яратиш;
- ўқувчилар олдига ўқув муаммоларини юқори илмий ва методик



савияда қўйиш;

- самарали фойдаланишга (фаоллигини) эришиш;

- ўқувчилар фаолиятини муаммоларни ҳал этишга йўналишлардан иборат бўлади.

Ўқувчининг фаолияти эса: муаммоли вазиятларни идрок этиш; ҳал қилиш усуллариини излаш; таҳлил қилиш; таҳлилларни илгари суриш илмий, мантиқий назардан асослаш, исботлаш, текшириш, хулоса чиқаришдан иборат;

Ўқитишнинг оғзаки усуллари 3 турга: маъруза, ҳикоя,суҳбатга ажратилади.

Маъруза – у ёки бу илмий масалани тўғри, мантиқий изчилликда ва аниқ изоҳлаб бериш.

С.И. Архангелскийнинг таъкидлашича, маъруза ўқитувчи шахсининг барча бойлиги: онги, ҳиссиёти, туйғуси, эътиқоди орқали талабалар ички дунёси билан мулоқатда бўлишининг энг самарали, жонли шаклидир. Бунда унинг йўналтирув, ахборот бериш, методологик ва тарбиялов функцияларини рўёбга чиқаришга ёрдам беради.

Маърузанинг йўналтирув функциясида талабаларнинг диққати ўқув материалининг асосий қоидалари, уни ўрганишдаги ҳамда бўлғуси касбий фаолиятидаги роли, аҳамияти ва уни ўзлаштириш методларига жалб қилинади. Маърузанинг ахборот бериш функцияси ўқитувчи томонидан асосий илмий фактлар, қоидалар,хулосаларнинг моҳиятини очиш чоғида амалга оширилади.Ўқитишнинг методологик функциясини қўллаш тадқиқот методларини қиёслаш ҳамда илмий изланишнинг тамойиллари ва ёндашувларини аниқлашга ёрдам беради. Ўқитишнинг тарбиявий функцияси лекция жараёнида ўқув материалига ҳиссий баҳо бериш муносабатларини уйғотиш, қизиқишларини ўстириш, мантиқий фикрлаш ва исботлашни ойдинлаштириш йўли билан амалга оширилади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, маърузада ҳал қилинадиган асосий вазибалар қўйидагилардан иборат:

- \*илмий билимларнинг муайян миқдори баён қилинади;

- \*талабаларга фан ва тадқиқотларнинг методологияси таништирилади.

- \*ўқув фаолияти ва ўқув машғулотларининг барча турлари орасидаги методик алоқалар кўрсатилади.

Ўқув материалларини, оғзаки баён қилиш усули, унинг ҳикоя тушунтириш ва маърузаси каби турлари қўлланилади:

- баён қилинаётган материаллар ғоявий жиҳатдан мазмунли, илмий ҳамда назария ва амалиётлар билан боғлашга қаратилган бўлиши керак.

- тарбиявий аҳамиятини тўғри белгилаш орқали тарбивий таъсир кўрсатиш воситаларини аниқлаш ва амалга ошириш лозим.

- нутқ равон, тушунарли, материални ҳис-туйғули ифодалай олиш керак.

- таъриф, қоида, конунлар китоб матнидан фарқ қилган ҳолларда ўқитувчи томонидан таърифлар ёзиб олиниши керак.

Шунингдек ўқитувчи: муамоли вазиятларни кўра билиши, ўқув топшириқларининг мақсадини аниқлаши, мустақил изланиш орқали саволларга жавоблар топиши, назарий билимлар ва амалий кўникмалар асосида жавобларнинг тўғрилигини текшириб кўриши, билим кўникма ва малакаларни янги вазиятларда қўллаши лозим.

«Маънавият асослари» фани дастури ва унга қўйилган талаблар хақида юқорида батафсил маълумотлар кўрсатилган эди.

Ўқувчилар билиш фаолиятини кучайтириш дарсликлар, қўлланмалар билан ишлаш малакасини шакллантириш мақсадида ташкил этилади. Бунинг учун ўқувчилар ўқитувчининг тавсияси ва кўрсатмасига биноан, тавсия этилган адабиётларни топиши, қўшимча ўқув адабиётлари билан танишиши, ўрганилган ахборотларни таҳлил қилиш ва баҳолаши, адабиёт муаллифларининг жамиятнинг маънавий – маърифий соҳасида ёки фан ривожига қўшган ҳиссасини аниқлаши ва баҳо бериши лозим.

Хулоса шуки, таълим жараёнини тарбия билан билим, кўникма ва малакаларни бир-бири билан ажратилган ҳолда шакллантиришга мўлжалланган ўқув фаолиятини ташкил этиш мумкин эмас.

Шундай қилиб, тарихий мерос, педагогик ҳаёт, чет эл ва ўз тадқиқотчиларимизнинг илмий маҳсулотлари ўқитишнинг қуйидаги методларини белгилаш мумкинлигини кўрсатади:

Ўқитиш методлари	Функциялар бажарилишига яроқли назарий мезонлар				
	Ўқитув	Такомиллашиб бориш	Тарбиялов	Ишонтириш	Назорат қилиш ва тузатиш
Баён қилиш					
Сўбат					
Лекция					
Мунозара					
Китоб билан ишлаш					
Намойиш қилиш					
Иллюстрация					
Видео методи					
Машқ					
Лаборатория методи					
Амалий метод					
Билиш (Идрок қилиш) ўйинлари					
Прогнамлаштирилган методи	Ўқитиш				
Ўргатувчи назорат					
Вазият методи					

**Таянч иборалар:** Маънавият асослари курсининг тузилиши, ўқитувчига қўйиладиган талаб, билиш фаолияти, илмий – тадқиқот методлари, илмий фараз, муаммоли дарс

### **Назорат учун саволлар:**

1. Ўқитиш методлари дейилганда нимани тушунасиз?
2. Ўқитиш методларининг турларини айтинг?
3. Қандай оғзаки ўқитиш методлари ишлатилади?
4. Ўқитувчининг индивидуал қобилияти?
5. Инновацион фаолиятга бўлган заруратни англаш?
6. Билиш ва ўқув фаолияти деганда нимани тушунасиз?
7. Ўрганиш методлари?
8. Методларнинг субъектив жиҳатлари?
9. Ўқитиш методлари таснифлари?

### **5 -§. «Маънавият асослари» нинг мазмуни ва тузилиши**

Мустақиллик йилларида маънавий – маърифий ишларни янада кучайтиришга катта аҳамият берилди. Жумладан, Президентимизнинг 1994 йил 23 апрелда Республикамизда «Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ

марказини тузиш тўғрисида», 1996 йил 9 сентябрда «Маънавий ва маърифат жамоатчилиги маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида» фармони чиқди.

1998 йил 24 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маънавий ва маърифий ислохатларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора тadbирлари тўғрисида» махсус қарори қабул қилинди.

1999 йил 3 сентябрдаги Республика «Маънавий ва маърифат кенгашини қўллаб қувватлаш тўғрисида»ги Президент фармони чиқди.

Ушбу ҳужжатларга биноан Республика олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 1997 йилдан бошлаб олий ўқув юртларида «Маънавий ва маърифат асослари» махсус курсини ўқитиш тўғрисидаги қарор қабул қилди ва унинг дастлабки ўқув дастурлари яратилди.

«Маънавий асослари» фанидан академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун 1999 йилда тайёрланган ўқув дастури синовдан ўтказилди. Ушбу дастур асосида долзарб вазифани амалга ошириш йўлида 2002 йилда илк бор «Маънавий асослари» ўқув қўлланмаси тайёрланди. Ўрта умумтаълим мактаблари учун «Миллий истиқлол ғояси ва маънавий асослари» ўқув дастури ва ўқув қўлланмаси яратилди. Ўқув дастурлари 2003 йилда узвийлаштирилган ҳолда такомиллаштирилди. Жойлардан тушган таклифлар инobatга олиниб, ўқув қўлланма дарсликка айлантилди.

Дарслик Шарқ хусусан, Марказий Осиё илм фани ривожланиши тарихига оид манбалар, Президент Ислom Каримовнинг асарлари маърузалари, нутқлари ҳамда ушбу мавзу бўйича билдирилган фикрлари асосида тайёрланди ва улар атрофлича таҳлил қилинди.

Мамлакатимизнинг академик лицей ва касб-хунар коллежларида тайёрланаётган мутахассисларни фақат касбкор нуқтаи назаридан эмас, балки уларнинг дунёқарашлари, маънавияти, сиёсий етуклиги, ахлоқий баркамоллиги ва ижтимоий фаолияти жиҳатларини ҳам ҳисобга олган ҳолда шакллантириш ғоят муҳим вазифадир. Бу борада маъсулият ўқитувчилар зиммасига тушади.

«Маънавий асослари» фанини ўқитиш методикаси фанининг асосий мақсади таълим жараёнида:

-интерактив методлар;

-инновацион технологиялар;

-педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан – кунга кучайиб бораётганлигини ҳисобга олган таълимда ўқувчи – талабаларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, хатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатишдир. Ўқитувчи таълим жараёнида шахсни ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишга шароит яратади ва шу билан бир қаторда – бошқарувчилик йўналтирувчилик функциясини бажаради.

«Маънавият асослари» фанини ўқитиш давр талаби бўлиб, у тамоман янги фандир. Унда ахлоқ – одобга оид билим ва тушунчалар таълим беришнинг оддийдан мураккабга қараб бориш тамойилига, узлуксиз ва изчиллик қоидаларига амал қилинган ҳолатда мавзуларни ўқитилишида ўқувчиларнинг ёши билим ва кўникма руҳий ҳолатлари ҳисобга, эътиборга олинади.

Мамлакатимизда маънавий – маърифий ишларни амалга оширишда миллий маънавият ва унинг асосий моҳиятини ёшлар онгига сингдиришда қуйидаги вазифаларни бажариш мақсадга мувофиқ бўлади:

- маънавий – ахлоқий жиҳатдан етук инсонлар тарбиясига эътиборни кучайтириш;

- миллий қадриятларни тўла тиклаш, шу асосда миллий ифтихор туйғуларини шакллантириш;

- Ўзбекистон келажаги буюк давлат эканига ишонч туйғуларини тарбиялаш;

- Президент фармонларига қонунлар ва ҳукумат қарорларига содиқ бўлиш, қадрлаш ҳамда уларни ижро этиш.

«Маънавият асослари» ўқув фанининг изчил курси VII – синфдан бошланиб, VIII-IX синфларда давом эттирилади. Методик тавсия Республика таълим маркази «Маънавият» масалалари бўйича илмий кенгашнинг 2000 йил 2-июн йиғилишида муҳокама этилиб, нашрга тавсия қилинган.

### Маънавият асослари

Т/р	Боб мавзулари	Соат
1	Маънавият – инсон калбининг куёши.	4
2	Маънавий етуклик фазилатлари.	10
3	Меҳнат – инсон маънавиятининг бош омили.	5
4	Оила маънавияти.	8
5	Кариндош – уруғ ва якин кишиларга муносабат маънавияти.	6
6	Такрорлаш	2
	Жами	35

Т/р	Боб мавзулари	Соат
1	Умуминсоний қадриятларга содиқлик	6
2	Ҳалқимиз маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш	5

3	Бозор иктисодиёти ва маънавият	6
4	Зарарли одатлар – маънавий кашшокликдир	8
5	Инсон гўзаллаги нимада	3
6	Амалий машғулот	3
7	Такрорлаш	2
	Жами	35

Т/р	Боб мавзулари	Соат
1	Маънавият блоклари	10
2	Амир Темурнинг маънавий ўғитлари	5
3	Мустакил юртимиз истиклол тарбияси	5
4	Маънавият – инсон ҳаётининг негизи	5
5	Келажаги буюк давлат фарзандларининг маънавий камолоти	5
6	Амалий машғулот	3
7	Такрорлаш	2
	Жами	35

Академик лицей ва касб – ҳунар коллежларида «Маънавият асослари» бир қатор ижтимоий - гуманитар фанлар мазмунини қамраб олади ва улар предметида даҳлдор масалаларни қамраб чиқади.

Масалан «Ўзбекистон тарихи» мамлакатимиз ҳалқининг инсоният тараққиётига, жаҳон цивилизациясига қўшган буюк ҳиссасини ўз талабларига биноан ўргатса, «Маънавият асослари» да бу масалалар – тарихий онг маънавий мерос ҳамда кадриятларнинг шаклланиши, уларнинг жамият ва шахс ҳаётидаги ўрни нуқтаи назардан муҳокама этилади. Адабиёт эса жамият ва маданият тарихининг бадиий солномасигина бўлиб қолмай, инсон ҳаёт фаолиятининг барча қирраларини, унинг ички дунёсини тасвирлаш орқали маънавий-маърифий озик вазифасини ўтайди.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун ажратилган дарс тақсимооти: унда 22 соат назарий; 18 соат амалий, жами 40 соат берилган.

Дастур мундарижаси ( жами 40 соат)

№	Мавзулар	Соатлар	микдори	Жами
		Назарий машғулотлар	Амалий ёки синов машғулотлари	
1	Кириш. «Маънавият асослари»	2	2	4

	фанининг предмети, тушунчаси ҳамда таркибий қисмлари			
2	Маънавий мерос, кадрятлар маънавият негизлари	2	2	4
3	Ислом дини ва тасаввуф таълимотида маънавий баркамол инсонни тарбиялаш ғояси	2	2	4
4	Шахс маънавиятининг зохирий (ташки) ва ботиний (ички) аломатлари, уларнинг нафосат билан муносабати	2	2	4
5	Жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ҳаёти, маънавиятнинг ўрни	2	2	4
6	Маънавият ва маърифат. Билим олиш ҳамда касб-хунар эгаллаш, маънавий юксалиш белгиси	2	1	3
7	Инсонпарварлик, ватанпарварлик шахс маънавиятининг ажралмас қисми	2	2	4
8	Табиатни асраш инсон маънавиятининг муҳим белгиси	2	1	3
9	Маҳалла ва оила шахс маънавиятини шакллантиришнинг таянчи	2	1	3
10	Миллий урф-одатлар, анъаналар ва маросимлар-маънавият кўзгуси	2	1	3
11	Хулоса. Мустақилликни мустаҳкамлаш ва мамлакат тараққиётига маъсулликни ҳис этиш ёшларнинг юксак маънавий бурчи	2	2	4
	жами	22	18	40

Ҳар бир дарс баҳс, савол-жавоб, суҳбат ёки учрашув, байрам тарзда ўтказилиши мақсадга мувофиқдир.

Бу ишлар аввало адабиётларни тўғри танлаб олишга ўқитувчидан ижодкорлик ва фикр доирасининг кенг бўлиши сабр-тоқат, фидокорлик катта маъсулият талаб этади, шундагина кўзланган мақсадга эришиб маънавий етук жисмонан бақувват баркамол авлод вояга етади.

### **Маънавият асослари дарслари тизими**

Ўқувчилар билан ҳар бир дарсда бир неча тушунчалар билан иш олиб борилади. Ҳар бирини шу дарснинг турли босқичларида ўзлаштириши мумкин. Ҳар бир тушунчани тушуниш бошқа бир тушунчани такрорлаш, эсга

олиш билан олиб борилса, бу тушунча эса кейинги тушунчаларни тушунтириш учун хизмат қилади. Ўқитиш жараёнида ҳар бир ўқув материали ривожлантирилган ҳолда олиб борилади, бу ўқув материали ўзидан кейин ўқитиладиган материалларни тушуниш учун пойдевор бўлади.

Бошқа тушунчанинг ўзлаштирилиш жараёнини қарасак, у бир неча дарсларнинг ўзаро боғлиқлиги ўқитилиши натижасида ҳосил бўлади. Шундай қилиб маънавий тушунчаларини ҳосил қилиш биргина дарснинг ўзида ҳосил қилинмасдан, балки ўзаро алоқада бўлган бир қанча дарсларни ўтиш жараёнида ҳосил қилинади. Бундай дарсларни биргаликда дарслар тизими деб атаيمиз.

Шунинг учун ўқитувчи мавзунинг мазмунини очадиган дарсларни мантиқий кетма-кетликда жойлаштириши керак.

Дарслар системасининг тузилишидаги энг катта талаб дарснинг ўқув-тарбиявий мақсадини эътиборга олиш, ўқитиш тамойилларининг методик ва умумпедагогик томонларини ҳисобга олишдир. Мавзу бўйича яхши ўйланган дарслар тизимининг ўқув вақтини мавзучаларга тўғри тақсимлашга боғлиқ.

Унда ўқувчиларнинг мустақиллигини ҳосил қилиш, хусусий мисолларни қараш, хусусий хулосалар чиқариш, ундан умумий хулосалар чиқаришга олиб келиш диққат марказида туриши лозим. Ҳосил қилинган билимларни доимо бир тизимга келтириш ва умумлаштиришни ҳам таъминлаш керак.

Дастурнинг қандайдир мавзусининг мазмунини аниқлашда, мавзу материални дарс вақтларига тақсимлашда, яъни билимларни ўзлаштиришга қуйидаги асосий босқичлар қаралади:

\*Янги материални ўқитишга тайёрлаш.

\*Янги ўқув материални идрок қилиш ва янги билимларни ҳосил қилиш.

\*Билимларни мустаҳкамлаш ва турли хил малакаларни ҳосил қилиш.

\*Билимларни такрорлаш, умумлаштириш ва бир тизимга келтириш.

\*Билим ва малакаларни текшириш:

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш дарс структурасининг асоси ўзлаштириш жараёнида ўқувчиларнинг билиш фаолияти қуйидаги босқичларда ташкил этади:

1) ўзлаштирилган билимларни аввал ўзлаштирилган билимлар билан таққослаш.

2) билимларни тизимга солиш ва мустаҳкамлаш.

3) ўзлаштирилган билимларни янги ҳолатларда қўллаш.

Ўқувчиларнинг билиш фаолият ва кўникмаларини шакллантириш қуйидагича:

-ўқув фаолиятини амалга ошириш мақсади боришини аниқлаш.

-ўқув фаолиятининг моделини тузиш.

-фаолиятни бажариш намунасини кўрсатиш.



-ўқувчилар томонидан ишни бажариш.

-фаолиятни такрорлаш ва ҳатосиз бажаришни ўргатиш, ўқувчиларнинг билиш фаолиятини мустақил ижодий иш асосида ташкил этади.

**Таянч иборалар:** Фаннинг мазмуни ва таркибий қисмлари, зарурий билимлар тизими, ижодий фаолият тизими, фаннинг ўқитилишида узлуксиз ва изчиллик қоидалари, дарсликлар, фан дастури унга қўйилган талаблар

#### **Назорат учун саволлар:**

1. «Маънавият асослари»ни ўқитиш методикаси таълимнинг мазмуни ва таркибий қисмлари ҳақида маълумот беринг.
2. Ижодий фаолият тизимнима?
3. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муносабат тизими?
4. Маънавият асослари дастурига қўйилган талабларни санаб беринг.
5. Муқобил дастурлар ?

### **6 -§. Маънавият асослари таълимнинг воситалари**

Замонавий таълимнинг ўзи нимадан иборат бўлиши керак? Ўқувчи ёки талаба қандай билимга эга бўлиши лозим? Ўқувчиларга қачондан бошлаб, қандай қилиб, қандай усулда ва услубда миллий қадриятларимиз, урф

одатларимизни ўргатишимиз, чуқур англантишимиз керак?” деган саволлар маънавият асослари фани олдидаги асосий масалалардан бири бўлиб келмоқда. И.А.Каримов бизда «Ҳар қандай ўқув босқичига аниқ талаблар стандарт даражасида расмийлаштирилмаган» лигини алоҳида таъкидлаб, таълим жараёнининг барча босқичлари учун ана шундай талаблар ишлаб чиқиш зарурлигини илк бор асослаб берди.

Сўнги йилларда мамлакатимизда мактабда маънавият асосларини ўқитиш айниқса касб-хунар коллежлари тизимида ўз кўлами ва аҳамияти жиҳатидан ниҳоятда катта бўлган ўзгаришларни амалга оширди ва оширмоқда.

Мактаб таълими олдида тамомила янги мақсадларнинг қўйилиши маънавият асосларини ўқитиш мазмунининг тубдан ўзгаришига олиб келмоқда. Маънавият асослари фанини ўқитиш курси мазмунида ҳам, дарслик ва қўлланмалардан фойдаланиш методикасида ҳам ривожланиш бўлишини талаб қилади.

Бугунги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг шаклланиш жараёни, бозор муносабатларининг рақобатлашуви "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", "Таълим тўғрисида"ги Қонун талаблари маънавият асосларини ўқитиш методикасига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади.

Маънавият (арабча, маънолар мажмуи) сўзининг луғавий маъноси жуда кенг бўлиб маъноларни жумладан “фанларни билиш” демакдир. Маънавият асослари фанининг ўрганадиган объекти инсонларнинг давлатга жамиятда, бир-бирларига бўлган муносабатларидан иборат.

Маънавият асосларини курсининг мақсади ўқувчиларга уларнинг психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда маънавий билимлар тизимини беришдан иборатдир. Бу билимлар тизими маълум усуллар (методика) орқали ўқувчиларга етказилади.

Маънавият асослари фанини ўқитиш методикаси ижтимоий гуманитар фанлари тизимига кирувчи ўқитиш методикасининг мустақил фан тармоғи бўлиб, жамият томонидан қўйилган ўқитиш мақсадларига мувофиқ маънавият асосларини ўқитиш қонуниятларини маънавият асосларини ривожининг маълум босқичида тадбиқ қилади. Ўқитишда янги мақсадларнинг қўйилиши маънавият асосларини ўқитиш мазмунининг тубдан ўзгаришига олиб келди.

Ўқувчиларига маънавият асослари фани самарали таълим берилиши учун бўлажак ўқитувчи учун ишлаб чиқариш маънавият асосларини ўқитиш методикаси эгаллаб, дарсликни чуқур ўзлаштириб олмоғи зарур. **Дарслик ёки манба (китоб) билан ишлаш** – материални оғзаки баён қилиш методининг асосий тури бўлиб, мактаб амалиётида муҳим ўрин тутади.

Ўқув адабиётлари билан ишлаш мураккаб психологик жараён саналади. У таълим жараёнида ўқитувчи томонидан баён қилинаётган билимлар, ахборотларни китоб матнидан кўриб, онгли идрок қилиш фаолиятини ривожлантиришни назарда тутади. Таълим жараёнида ушбу методдан фойдаланиш ўқувчиларда кичик тадқиқотларни олиб бориш кўникмаларининг шаклланишига ёрдам беради.

Дарслик ва китоб билан ишлаш икки йўналишда олиб борилади:

1. Дарс жараёнида дарслик ва ўқув адабиётлари (манбалар) билан ишлаш;

2. Дарс мавзусига боғлиқ ҳолда ҳамда синфдан ташқари шароитларда дарслик ва ўқув адабиётлари билан мустақил ишлаш.

Умумий ўрта таълим мактабларининг юқори синф ўқувчиларини дарслик ва бошқа ўқув материаллари билан бирга хилма-хил кўшимча адабиёт, илмий ва илмий-оммабоп мақолалар ва шунингдек газета - журнал материаллардан фойдаланишга ўргатиб бориш лозим.

Маънавият асослари фанини ўқитиш методикасининг предмети куйидагилардан иборат:

1. Маънавият асослари фанини ўқитиш ва ундан кўзда тутилган мақсадни асослаш (нима учун маънавият асосларини ўқитилади, ўргатилади).

2. Маънавият асослари фанини ўқитиш методикаси мазмунини илмий ишлаб чиқиш (нимани ўргатиш) бир тизимга келтирилган билимлар даражасини ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига мос келадиган қилиб қандай тақсимланса, фан асосларини ўрганишда изчиллик таъминланади, ўқув ишларига ўқув машғулоти берадиган юклама бартараф қилинади, таълимнинг мазмуни ўқувчиларнинг аниқ билим ва билиш имкониятларига мос келади.

3. Ўқитиш методларини илмий ишлаб чиқиш (қандай ўқитиш керак, яъни, ўқувчилар ҳозирги кунда зарур бўлган ижтимоий – гуманитар билимларни, малака, кўникмаларни ва ақлий фаолият қобилиятларини эгаллаб олишлари учун ўқув ишлари методикаси қандай бўлиши керак?)

4. Ўқитиш воситалари – дарсликлар, дидактик материаллар, кўрсатмали, қўлланмалар ва ўқув-техник воситаларидан фойдаланиш (нима ёрдамида ўқитиш).

5. Таълимни ташкил қилишни илмий ишлаб чиқиш (дарсни ва таълимнинг дарсдан ташқари шакллари ташкил этиш).

Буни куйидагича аниқ тасаввур қилиш мумкин: ўқитиш мазмуни, ўқитиш методлари, ўқитиш мақсадлари, ўқитиш воситалари, ўқитиш шакллари.

Ўқитишнинг мақсади мазмуни, методлари, воситалари ва шакллари методик жиҳатларининг асосий таркиблари мураккаб бўлиб, уларни белгилаш ўқитувчи маҳоратига боғлиқдир. Бу жараён амалий имкониятлар билан кенгроқ боғланса, кўпроқ самара бериши мумкин.

Дарслик ва уни яратувчиларига қўйиладиган талаблар:

а) дарсликда илмий билимлар тизими ва унинг ҳажми дастур талабларига ҳамда шу синф ўқувчиларининг ёш хусусиятларига мос келадиган бўлиши

б) дарсликда баён қилинган илмий билимларнинг назарий асослари ва ғоявий йўналиши тизимли ва изчил бўлиши

в) дарсликда келтирилган далилларнинг ишончли бўлиши, аниқ таъриф этилиши, тегишли хулосалар чиқарилиши ҳамда шу орқали ўқувчиларда энг яхши инсоний фазилатлар таркиб топишини таъкидлаши лозимлиги

г) назарий билимлар амалиёт билан боғланган бўлиши

- е) дарслик яхши безатилган бўлиши, баъзи материаллар расм, схема, тест ва бошқа иллюстрациялар билан бойитилиши талаб этилиши
- ж) осон жонли тилда ёзилиши, фикрлар аниқ ва қисқа бўлиши
- з) дарсликнинг ташқи кўриниш, безаги ўша синф ўқувчиларининг эстетик дидларига мос келадиган бўлиши лозим.

Ривожланиш моҳияти, унинг суръати жамият тараққиётининг барча даврларида инсонларнинг маънавий камолоти даражасига боғлиқ бўлган.

Қаерда маънавий ривожланиш юксак бўлиб, маърифий-тарбиявий ишлар оқилона йўлга қўйилган бўлса, шу ерда жамият ижтимоий мезонлари асосида тез тараққий қилганлиги тарихдан маълум. Биз қураётган демократик ҳуқуқий давлатнинг учта муҳим томони бор. Бу иқтисодиёт, сиёсат ва маънавият. Шу уч омил қанчалик мустаҳкам ва ўзаро кучли диалектик алоқада бўлса, келажагимиз равнақи ҳам шунчалик ишончли бўлади. Жамият тез ривож топади. Юксак маънавий бурчлар кеча ёки бугун ўйлаб топилган эмас. Улар инсониятнинг неча-неча асрлик ҳаётий тажрибаси давомида юзага келади. Маънавият инсонга она сути, ота намунаси ўгити билан сингиб келган.

Мустақил республикамизнинг бугунги маърифий ва маънавий ҳаётида асрларга тенг сезиларли ўзгаришлар юз бермоқда. Миллий анъаналаримиз ва асрий қадриятларимиз тикланмоқда, уларнинг ҳаётимиздаги ўрни янада мустаҳкамланмоқда. Жамият маънавиятини янада юсалтириш учун, ривожлантиришнинг ўзига хос йўлидан бораётган мамлакатимиз тараққиётининг устивор йўналишларидан бири эканлигини бугун яққол кўриб турибмиз. Зеро, фуқароларни миллий истиқлол ғояси ва мафқураси руҳида тарбиялашда маънавиятнинг роли беқиёс эканлиги ҳаммага маълум.

Кучли, қудратли давлат кучли маънавият замирида вужудга келади. Мустақиллик қўлга киритилган дастлабки кунларданок, аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросимиз, миллий қадриятларимизни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги натижасида ҳалқимизнинг ўз тақдиримизнинг чинакам эгаси, ўз тарихининг ижодкори ўзига хос миллий қадриятларнинг, маданиятнинг соҳиби сифатида тан олинди. Қисқа вақт ичида жамиятимизнинг барча соҳаларида шу жумладан, маънавий-маданий соҳада кўзга кўринарли ўзгаришлар амалга оширилди. Энг қувонарлиси шундаки, тарихий, миллий ва ахлоқий қадриятлар ҳамда анъаналарнинг, муқаддас заминимизнинг жамиятни манавий юксалтиришдаги ўрни ва аҳамияти қайта тикланди.

Маънавият асослари таълимнинг воситаларига биринчидан Ўзбекистон Президенти асарлари киради. Чунки мамлакатимизда ҳалқимиз маънавиятини тиклашда Президент Ислом Каримовнинг роли катта. Юртбошимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори», «Жамиятимизнинг мафқураси ҳалқни ҳалқ,

миллатни миллат қилишга хизмат қилсин», «Миллий истиқлол мафқураси-халқ эътиқоди ва буюк келажагига ишончдир», «Маънавий юксалиш йўлида», «Мактаб-тараққиёт, маданият ва саодат калити» «Юксак маънавият – енгилмас куч» ва бошқа асарларида замонавий миллий маънавиятимизнинг асослари ишлаб чиқилган. Бу асарларда миллий маънавий тикланиш ва маънавиятни ривожлантириш ғояларига асосланган маънавият тушунчасига таъриф берилган.

Халқимиз тобора ўзлигини англаб, мустақиллик пойдеворини мустаҳкамламоқда. Маънавий юксалиш борасида кўлга киритилган ютуқлар билан бир қаторда ўз ечимини кутиб турган муаммолар ҳам бор. Ҳар бир давлатнинг истиқболи халқнинг фаровон осойишта ҳаёти, унинг эртанги куни, келажаги бўлмиш ёш авлод, умидли ўғил – қизлари билан бевосита боғлиқдир. Шунинг учун ҳам «Ўзбекистон келажаги буюк давлат» деган ибора замирида, авваломбор эътиборни ёшларга қаратиш ва уларга барча имкониятларни яратиб беришдек буюк маъсулят ётади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов айтиб ўтганидек, халқнинг, ёш авлоднинг маънавий тарбияси масаласида ханузгача кўзга кўринарли ютуқлар кўлга киритилмагани ўзгаришлар бўлмагани, бу соҳада яхлит концепция ва дастурлар янгича ёндашувга асосланган дарсликлар, ўқув кўлланимларни яратиш ишларида оқсаб келаётгани сир эмас.

Мустақил мамлакатимизнинг олий ва ўрта махсус ўқув юртиларида, маънавият асослари фанини ўқитиш ва йўлга қўйилганига анча вақт бўлди. Юқорида айтиланидек, 1997 йилда бу фан «Маънавият ва маърифат асослари» номи билан киритилган эди. Ўтган даврда мазкур фаннинг мақсади ва вазифалари хусусида маълум тасаввур пайдо бўлди, унинг самарадорлигини ошириш юзасидан услубий педагогик қарашлар тизими шаклланди. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га мувофиқ бу саъйи –ҳаракатларни янада фаоллаштириш талаб этилади. Чунки халқаро андозалардаги бу ҳужжатлар тизими зиммасига дунё илм – фан ютуқларидан яхши хабардор, халқимизнинг номидан жаҳон миқёсида баралла сўз айта олувчи Ўзбекистон шаънини улуғлашга қодир фарзандларни камол топтиришдек ғоят маъсулиятли вазифа юкланмоқда.

Мустақиллик йиллари фуқаролар ҳаётида ва дунёқарашида туб бурилишлар даври бўлди. Жамиятимиз бутунлай янги қиёфа, янгича мазмун касб этиб бормоқда. Одамларнинг айниқса ёшларимизнинг турмуш-тарзи ўзгармоқда. Энди ҳамма гап шу қисқа давр ичида кўлга киритилган ютуқларни асраб – авайлашда. Ҳозирги кунда эркин фуқаро маънавиятини, миллий истиқлол ғоясига содиқ, озод шахсни шакллантириш Президентимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида таъкидлаганидек, олдинда турган энг долзарб вазифадир. Биз ўз ҳақ – ҳуқуқларини танийдиган ўзининг кучи имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа – ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айни замонда шахсий манфаатларни мамлакат ва халқ

манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак – деб таъкидлаганлари ўринлидир.

Мамлакатимизнинг мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида тайёрланаётган мутахассисларни фақат касб нуқтаи-назаридан эмас, балки уларнинг дунёқарашлари маънавияти, тафаккури, мафкуравий-сиёсий етуклиги, ахлоқий баркамоллиги ва ижтимоий фаолияти жиҳатларини ҳам ҳисобга олган ҳолда шакллантириш ғоят муҳим вазифадир. Бу борада маъсулият ўқитувчилар зиммасига тушади.

Маънавият асослари таълими воситасига иккинчидан, дарслик ва ўқув кўлланмалари киради.

Ўқувчиларнинг ижодий изланиши, кўшимча билим олишга бўлган эҳтиёжларини қондиришда, ижодий фойдаланишда дарсликлар муҳим аҳамият касб этади. Дарсликдан фойдаланиш, у билан ишлаш йўлларида модул таълим технологияларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бунда мавзу, тугалланган фикрни қисмларга, қисм эса блок модулларга ажратилади.

Ҳар бир қисмни ўқувчилар, мустақил ўзлаштиришлари, ижодий фаолият таркиб топиши учун ўқув топшириқлари тузилади. Ўқув топшириқлар асосида ҳар бир модел якунида савол – жавоб ўтказилади, хулоса чиқарилади. Ҳамкорликда ўқитишнинг асосий ғояси: ўқув топшириқларини биргаликда бажариш, ҳамкорликда ўқишни ўргатиш, керакли бўлган ахборотни излаш манбалари, изланиш босқичлари, тўпланган ахборотлар, материаллар, фактлар устида таҳлил ўтказиш, хулосалар ясаш, янги фактларни тўплаш, умумлаштириш ва хулоса ясаш, олинган натижаларни расмийлаштиришдан иборат. Ижодий фаолият таркиб топиши учун:

- 1) ўқувчиларга тайёр билимлар берилмасдан, билимларни мустақил ўзлаштириш усуларини эгаллаши;
- 2) битта муаммони ҳал этиш учун ҳар хил нуқтаи назарни баён этиш, бошқа ижтимоий-сиёсий фанлар билан изланишлар олиб бориш зарурлигини тушунтиришлари;
- 3) ўқувчиларни тадқиқот методларидан фойдаланиш кўникмасига эга бўлишнинг аҳамияти, зарур ахборотлар, фактлар, материаллар тўплаш, уларни турли нуқтаи назардан таҳлил қилиш, фаразларни илгари суриш, хулоса, якун ясашлари керак.

Ўқитувчининг асосий вазифалари:

Ёшларни билимга ундаш, фаолликка чақириш, амалий фаолиятнинг ҳар бирида билимларнинг муҳимлигини тушунтириш, мустақил ишга ўргатиш, ёшларга мустақил фаол мустақил иш талабини сингдиришдан иборат.

Мактабнинг вазифаси аниқ билимлар ҳажмини билибгина қолмай, балки ўзлаштирилган билимлар олинган натижалар асосида талаба-ўқувчиларда ижодий иш кўникмаларини ҳосил қилиш ва мустақил таълим ва билим олиш учун ўзига хос қобилиятни шакллантира оладиган бўлиши лозим: анъанага кўра ўқитувчи ҳозиргача яхши бажарувчиларни тайёрлашни мўлжаллайди,

мазмунли билим беради, лекин ушбу мазмунли билимларни мақсадга мувофиқ ишлатиш услублари ҳақида билим бермайди; ижодий фаолиятни ривожланишга эътиборни кам қаратади.

Маънавият асослари таълимнинг энг муҳим воситаларидан бири ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ривожлантиришдир.

Ўқувчи-талабаларнинг жонли билиш фаолияти учун қуйидагилар хосдир:

- билимга ва ўқув мақсадларига бўлган чуқур, ҳар томонлама қизиқиш;
- ақлий, жисмоний ва интеллектуал кучларни фаол намоён қилиш;
- диққат, хотира, ирода ва бошқа руҳий сифатларни тўплаш;

Билиш фаоллиги жараёнида қуйидаги 4 сатҳ ажратилади:

• репродуктив фаоллик. Бунда тайёр билимларни эгаллашга тайёргарлик, қизғин қайта ишлаш фаолияти амал қилади;

• аппликатив фаоллик – унга қизғин танлов-яратиш фаолиятига тайёрлик характерлидир;

• изоҳлашдаги фаоллик – маъно-мазмунни қизғин изоҳлаш, тушунтириш ва очиқ беришга тайёрлик;

• продуктив (самарали) фаоллик – унга янгиликни қизғин ижод қилишга тайёрлик характерлидир.

Билиш фаоллиги ривожланиши бир неча босқичларни ўз ичига олади:

• мустақил хатти-ҳаракатларга интилишда намоён бўладиган амалий фаолиятдаги фаоллик;

• ўрганилаётган ҳодисаларнинг моҳияти ва тамойилларини қўлга киритишдаги интилиш;

• ижодий фаоллик (олий босқич) бўлиб, у сабаб-оқибат боғланишдан, ижодий фикрларнинг ҳаққонийлигига, унинг ҳаётий ва билиш қимматига ишонч ҳосил қилишдан таркиб топади. Ақл ривожланишининг характерли хислатларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- атроф-муҳитга фаол муносабатда бўлиш;
- ўзига маълумлар чегарасидан чиқишга интилиши;
- назарий ва амалий мақсадларда билимларини ошириш ва уларни ижодий қўллашнинг доимий зарурияти;

• кузатувчанлик, ҳодисалар ва фактларнинг энг моҳиятли жиҳатларини ва алоқаларини ажрата олиш қобилияти;

• муаммоларни рационал ҳал қилиш учун зарур бўлган вазифалар ва воситалар ўртасидаги алоқаларни таъминловчи ҳаракатлар ва изланишларнинг изчиллиги;

• ишдаги аниқлилик ва натижаларни қўлга киритишдаги ишонччиликни таъминловчи интизомчилик;

- ақлий кенглик – бу ақлий фаолият ва хотира ривожидан изчиллигига асосланган ҳосила сифатдир;
- кенг илмий ахборотларга асосланиш қобилияти;
- кенг илмий уфқ, техник ва компьютер воситаларидан фойдаланиш малакаси;
- реал воқелик жараёнларини тўхтовсиз ақс эттирувчи тушунчаларни ўзлаштириш ва фойдаланишга мойиллик;
- ақлий фаолиятнинг динамиклиги;
- мустақиллик ва ижодий характер.

Ривожланган ақлнинг энг олий шакли ижодий тафаккурдир. У инсоннинг билиш босқичи ва объектив воқеликни ақс эттириш жараёнининг олий шаклидир. Ижодий тафаккур фаолликнинг ва кишининг мустақил фаолиятининг олий шакли сифатида ижтимоий аҳамият ва бетакрорлик касб этади. У ижодий жавоб талаб қиланадиган масаланинг қўйилиши; муаммони кўра олиши; олдиндан қўйилган гипотеза ва масалани ечиш йўллари ва усулларини аниқлаш учун зарур бўлган билимларни сафарбар қилиш; махсус кузатувлар ва экспериментлар, тузилган фикрларни ифолалашни ақс эттиради.

Ахборот – коммуникацион технологиялар ҳаётимизнинг барча жабҳаларига кириб келмоқда. Технологияларга асосланган ўқув жараёнини ташкил қилишда электрон дарсликлар муҳим ўрин тутди. Маълумки, электрон дарслик деганда, илгарилари оддий матн файли тушунилар эди. Ҳозирги кунда электрон дарслик деганда, оддий электрон нусха эмас, балки рангли расмлар, турли хил тестлар, жадваллар, лавҳалар, овоз, видео – кўргазмаларнинг замонавий тартиби, техникаси тушунилади. Шунинг учун ҳам электрон дарсликлар масофавий ўқитиш тизимининг асоси бўлиб хизмат қилади.

Маънавият асослари дарсларида видео – кўргазмаларнинг қулайликлари:

- ўқув дастури асосида ўрганилиши керак бўлган материалларни ўқувчиларга ихчам, қулай кўринишда тақдим этиш;
- техник воситаларнинг ўқувчи билан интерфаол усулларда мулоқатда бўла олиши;
- ўқувчиларнинг ўқув материалларини мустақил равишда ўрганиши ва олган билимларини тест синовлари асосида синаб кўриши мумкинлиги.

Маънавият асослари фанини ўқитишда тест назоратининг ижобий жиҳатлари:

1. Саводли тузилган тест объектив педагогик ўлчаш воситаси бўлиб, унинг натижаси имтиҳон олувчи ўқитувчига боғлиқ эмас.
2. Педагогик тест ўқув материалининг дастурий мазмунини тўлиқ қамраб олиши мумкин.
3. Тест назоратида техникани қўллаш осон, бу маълум бир материални ёки



бутун бир фанни, нисбатан оз вақт, кам куч сарфлаб, оммавий назорат қилишга имконият яратади. Бу унинг муҳим устунликларидан биридир.

Тест усули ҳам айрим нуқсонлардан холи эмас. Масалан, тест ўқувчининг мустақил фикрлаш қобилиятини қолиплайди, яъни чеклайди; ўқувчи ўзининг руҳий кечинмаларини намоён қила олмайди; ўқувчининг бошқа шахсий сифатларини баҳолаб бўлмайди.

Шунга қарамай, педагогик тестларнинг ижобий имкониятлари жуда катта. Тестдан тўғри ва ўринли фойдаланиш таълим тизимининг барча бўғинларида ўқиш ва ўқитиш сифатини оширишга хизмат қилади, ўқувчининг билиш фаоллигини оширади.

Тест топшириқларига қўйиладиган дидактик талаблар мавжуд.

Тузилган тест топшириқларини ҳаммасини ҳам бирдек ишончли деб бўлмайди. Тест саволлари мукамал бўлиши учун уларни тузишда бир қанча талабларга риоя қилиши зарур. **Булар қуйидагилардан** иборат: тест топшириқлари мазмунининг ўқув материалининг мақсадга мувофиқлари; материал аҳамиятлилиги; илмий аниқлик; изчиллик; тўқислик ва уйғунлик; ўзлаштириш даражасига кўра табақалаштириш; самарадорлик (кумулятивлик); тил раволиги ва аниқлиги; бир маънолик; қатъий белгиланган вақт; ихчамлик; мураккаблик меъёри; тўғри жавобда қўшимча белгиларининг мавжуд эмаслиги; вариативлик; шаклан ва мазмунан ўзаро боғлиқлик

Энди мазкур талабларни бирма -бир қисқача кўриб чиқайлик

**1. Ўқув мақсадига мувофиқлик.** Тест топшириқлари мазмунини ўқув мақсадига қаратилиш лозим. Ўқув мақсадлари мажмуи иерархик тузилишга эга. Шунинг учун нисбатан яқин мақсадни амалга оширмай туриб. Умумий (нисбатан олис) мақсадга эришиб бўлмайди. ҳар бир тест саволи маълум бир ўқув мақсадининг рўёбга чиқишини таъминлаши зарур.

**2. Материалнинг аҳамиятлилиги.** Тест саволларига ўқув материалининг энг муҳим, асосий қисмларини киритиш лозим. Тестда топшириқлар сони одатда чекланган бўлади. Бинобарин, тўғридан-тўғри қўйиладиган масалада барча мавзулар тўлиқ қамраб олинмаган бўлиши мумкин. Талабанинг умумий ҳолатдан хусусий хулосага келиши (дедуктив) ва аксинча, айрим далиллардан умумий хулосалар (индуктив) чиқара олиши, унинг назарий қоидаларни алоҳида ҳолатларда қўллашни нечоғлилик ўзлаштириб олганини, тафсилотларни билиши эса назарий асосларни тушунтира олиш қобилиятларини кўрсатади.

**3. Илмий аниқлик.** Тестга мушоҳада, билим орқали асослаш мумкин бўлган ҳаққоний маълумотлар киритилади.

Фандаги мунозарали қарашларни тест саволларига киритиш тавсия этилмайди. Тест топшириқлари табиати асосан, аввалдан маълум, аниқ жавоб беришни тақозо этади.

**4. Изчиллик.** Тестдаги топшириқлар маълум бир фанга тааллуқли, умумий билим моҳиятига кўра ўзаро боғлиқ бўлиши лозим. Изчиллик айтиб берилган топшириқ жавобини умумий тест натижаларига нисбатан муносабатидан

(коррелятив) кўринади.

**5. Тўкислик ва уйғунлик.** Тестдагн топшириқларнинг умумий сони мавзу ва қисмларга нисбатан мувофиқ тақсимланиши аҳамиятли. Бунда ўрганилаётган фаннинг барча жиҳатларини тўла қамраб олиш лозим.

**6. Ўзлаштириш даражасига кўра табақалаштириш.** Ўқув материалининг маълум бир таркибий қисмига турлича (билиш, эсда қолган нарсани тасвирлаш (репродукция), унумли ва ижодий фикрлаш) бўлган тести топшириқларини тузиш лозим.

Билиш даражасидаги тест топшириқлари аввал ўзлаштириб олинган маълумотларни қайта тиклашга асосланади. Бунда хотира қуввати катта аҳамиятга эга бўлади.

Репродуктив даражадаги тестларда эса, ўқувчи олдин ўзлаштирилган маълумотлар асосида мустақил фикрлайди, топшириқ бажарганда эса, фанда аввалдан маълум бўлган қоида ва алгоритмларга (йулланмаларга) суянади. Бундай ҳолда у, эсда қолганни тасвирлаш, қайта тиклаш йўлидан боради.

Унумли ижодий фикрлашга оид тест топшириқлари эса синалаётган шахснинг маълум умумий методларни топшириқда

курсатилган аниқ шарт-шароитларга мустақил қўллаш лаёқатини синайди. Унумли ижодий фикрлаш фаолияти тайёр қоидалар ва алгоритмлар асосида эмас, маълум қоидаларга кўра яратилган ёки янги шароитдаги фаолият жараёнида қайта яратилган қоидаларга биноан амалга оширилади.

Ижодий фикрлаш даражасига оид тузилган тестларда топшириқ умумий ҳолда баён этилади, мақсадга эришиш учун зарур бўлган ҳатти-ҳаракатлар ва вазиятларни ўқувчи ижодий фикрлаш натижасида аниқлайди. Бундай тест топшириқларни ечиш жараёнида бутунлай янги ахборот (қоида, хулоса, шакл ва ҳ.к) яратилади.

**7. Самарадорлик.** Самарадорлик тест топшириқларининг борган сари мураккаблашиб боришини назарда тутати. Бу қатъий талаб эмас. Чунки, замонавий компьютер тест тизимида ўқувчига навбатдаги тест топшириғи, аввалгисини қандай ечганига қараб берилади. Яъни аввалги саволга нотўғри жавобдан сўнг, унга нисбатан мураккаб бўлмаган тест топшириқлари берилиши мумкин.

**8. Қатъий белгиланган вақт.** Бу шартнинг моҳияти шундан иборатки, ўйлаш учун 2 дақиқадан ортиқ вақт талаб этиладиган тест саволлари бўлмаслиги лозим. Бир қанча хорижий тест топшириқларини таҳлил этилганда, математика бўйича 65 секунд, тил ва адабиёт бўйича 32 секунд, ижтимоий ва табиий фанлар бўйича 41 секунд, далиллар ва иборалар учун 20-25 секунд, чизмалар учун 90 секунд, шаклларни аниқлаш учун 90-120 секунд вақт ажратилиши маълум бўлган.

**9. Ихчамлик.** Тест топшириқларининг матни чўзилиб кетмаслиги, қалаштириб ташланмаслиги лозим. Мураккаб кўлами ўқув саволини ўзлаштиришни аниқлаш зарур бўлган ҳолларда, уни бир қанча ихчам тест топшириқларига бўлиб тузилгани маъқул.

**10. Тил ровонлиги, аниқлиги, бир маънолилиги.** Тест топшириқларида

кўп маънолилиқ ва ноаниқликка йўл қўйиб бўлмайди. АҚШда тест топшириқларини тузувчилар гуруҳига муайян бир ўқув фани бўйича тажрибали педагог ва рухшуносдан ташқари адабий муҳаррир ҳам киритилиши анъанага айланган.

**11. Мураккаблиқ меъёри (яроқлилиги).** Тест топшириқлари педагогик жиҳатдан самарали бўлиши учун, улар оммавий ахборот бериб қолмаслиги, жавоби очикдан-очик аён бўлмаслиги лозим. Натижаси ярмига тенг (Рқ0,5) бўлган тест топшириқлари нисбатан самарали ҳисобланади. Бундай натижа ўқув материални яхши ўзлаштирган ёки чуқур тайёргарлик кўрмаган ўқувчини аниқлашни осонлаштиради. Шунинг учун ҳам, абитуриентларни танлаш, битирув имтиҳонлари каби муҳим тадбирлар учун тест топшириқлари ўқув дастурини тўлиқ ўрганган ўқувчиларнинг 50 фоизи бажара олиши мумкин бўлган даражада тайёрланади. Демак маълум бир йўналишдаги тестлар учун 50 фоизлик натижа яхши кўрсаткичдир. Шунинг унутмаслик керакки, ўз синфи учун муаллимлар томонидан тайёрланган тест топшириқлари бошқа чарок меъзон билан баҳоланади. Бунда 50 эмас, балки 85 фоиз кўрсаткич мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу ҳақда олдинги маърузада баён этилган.

**12. Тўғри жавобда қўшимча белгиларнинг мавжуд бўлмаслиги.** Тест тузишда тажрибасиз киши тушунарли бўлсин, деган мақсадда тўғри жавобни бошқа жавобларга нисбатан кенгроқ ва батафсилроқ баён қилади. Ўқувчилар бу фарқни тез англаб оладилар ва жавобни ана шу белгига қараб аниқлашади. Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди.

**13. Вариативлик.** Ўқув материалдаги маълум бир мавзунинг ўзлаштиришни назорат қилиш учун мантиқий фикр баёни, синтактик тузилиши, морфологик белгилари ёки мураккаблиқ даражасига кўра турлича бўлган, лекин битта ўқув материалга тегишли тест саволлари тузиш мумкин. Бу бир ўқув мақсадига эришиш йўлида топшириқлар туркумини яратиш имконини беради (вариант тестлар). Шу боис компьютер тест тизими топшириқларнинг вариативлик хусусиятига асосланган. Бунда компьютер навбатдаги топшириқни аввалги саволга берилган жавобга кўра танлайди.

**14. Шаклан ва мазмунан боғлиқлик.** Бу талаб фалсафадан, унинг қоидаларини санъат асарларини ўрганишга қиёслашдан олинган. Гегел фикрича, ҳақиқий санъат асари шаклан ва мазмунан яхлит асардир. Бинобарин, тест топшириқлари ҳам шаклан ва мазмунан уйғун бўлиши лозим. Тест топшириқларини юқоридаги талаблар асосида тузиш, ўқитувчиларнинг тест тузиш назарияси бўйича маълумотга эга бўлишларини талаб қилади. Бунинг учун тестшунослик курсларида ўқиш ва тегишли адабиётларни мустақил ўзлаштириб бориш зарур.

**Таянч иборалар:** Дарслик билан ишлаш, дарсликдан ижодий фойдаланиш, фанда диалектик алоқа, маънавий асослари таълимнинг воситалари, услубий педагогик қарашлар тизими, коммуникацион технологиялар, тест тузиш талаблари

### **Назорат учун саволлари:**

1. Таълим воситаларига нима учун Президент асарлари киради?
2. Маънавият асослари дарслиги билан ишлаш йўллари?
3. Дарсларда жадваллар, текстлар, тарихий фактлардан ижодий фойдаланиш самарадорлигига эришиш йўллари?
4. Дарслик яратувчиларга қўйиладиган талаблар?
5. Тестнинг келиб чиқиш тарихи қандай?
6. Тестнинг қандай турлари бор?
7. Тест тузишга қандай талаблар қўйилади?
8. Тест назоратининг афзалликлари қандай?
9. Дарсликларни шарҳланг
10. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ривожлантириш нима?

## **II – БОБ. Маънавият асосларини ўқитиш методикасини ўрганишнинг шакл ва услублари**

### **7 -§. Маънавият асослари ўқув ишларини ташкил этиш, ўтказиш шакллари ва дарсларни режалаштириш**

Маънавият асосларидан ўқувчи-талабаларга чуқур билим бериш ва уларни миллий истиклол ғояси руҳида тарбиялашда ўқув ишларини ташкил этиш ва уни сифатли ўтказиш катта рол ўйнайди. Бунинг учун ўқитувчи дарс турларини яхши билиши, уни шароитга қараб қўллаши, вазиятдан усталик билан фойдаланиш, ўқитиш методикасини пухта эгаллаши лозим.

#### **Маънавият асослари фанидан дарс турлари.**

Ўрта умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида маънавият асослари фани бўйича қуйидаги дарс турларини кўрсатиш мумкин:

\*ўқувчиларни янги тушунчалар билан таништириш, янги билим ва кўникмаларни ҳосил қилиш дарслари (бу дарсларда тушунчалар билимлари ҳосил қилинади);

\*турли хил янгиликлар ёрдамида янги билим, малака, кўникмаларни мустаҳкамлаш дарслари;

\*ўтилганларни такрорлаш, умумлаштириш дарслари;

\*кейинги босқичда хатоларнинг олдини олиш мақсадида билим, малака ва кўникмаларни текшириш дарслари.

Ҳар бир дарсда турли хилдаги дидактик мақсадлар амалга оширилиши мумкин: уй вазифасини текшириш; дарснинг ва мавзунинг мақсадини баён қилиш; олдин ўтилганларни такрорлаш ёки болаларнинг ҳаёт тажрибасини эсга тушириш йўли билан ўқувчиларни янги материални ўзлаштиришга тайёрлаш; янги материални ўрганиш (дарснинг асосий бўлими); болаларнинг олдин ўзлаштирилган билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш; ўрганилган билимларни ҳисоблаш; машқ, билим ва малакаларни қўллаш (дарснинг асосий бўлими); ўқувчиларни мустақил ишлатиш ва уни текшириш; олдин ўзлаштирилган материалларни такрорлаш; уйга вазифа бериш; дарсни хулосалаш.

Дарснинг асосий қисмларини турли хилда ва турли методлар билан бирга қўшиб олиб бориш мумкин.

Ўқитувчи дарс режасини тузишда қуйидагиларни эътиборга олиши керак. Шу дарс қандай қисмлардан иборат бўлиши, уларни қандай кетма-кетликда жойлаштириш, улар ўртасида ўқув материални қандай тақсимлаш, бу қисмлар бир-бирига қандай боғланишда, улар дарснинг асосий дидактик мақсадини амалга оширишда етарли миқдорда ёрдам беришини ҳисобга олиш керак. Масалан:

Мавзу: \_\_\_\_\_

Дарснинг мақсадлари:

Таълимий мақсади: Тарбиявий мақсад: Ривожлантирувчи мақсад:

Ўтган дарсни мустаҳкамлаш ёки мустақил иш: Янги мавзу баёни:

Янги мавзунини мустаҳкамлаш:

Уйга вазифа

Маънавият асосларини дарсининг ҳар бир қисми умумий дидактик масалаларни бажаришга қаратилмоғи керак.

Дарснинг қисмлари асосий дидактик мақсадга қараб ўзаро боғланган бўлиши зарур. Алоҳида дарс турларининг таркибини қараб чиқамиз.

Масалан: ўқувчиларни янги тушунчалар билан таништириш, янги билим ва кўникмаларни ҳосил қилиш дарслари.

Дарснинг бориши. Дарсни мақсадга мувофиқ шундай бошлаш керакки, барча ўқувчиларни, ўқув вазифаларини фаол бажаришга дарҳол тортадиган бўлсин. Шу мақсадда унча катта бўлмаган мустақил ишларни бажаришни талаб қилади. Бундай мустақил ишлар ўқувчиларни янги материалларни ўзлаштиришга тайёрлайди.

Дарснинг биринчи қисмида агар уй вазифаси мазмун жиҳатдан янги материалга боғлиқ бўлса, уни текшириш ҳам мумкин. Агар уй вазифасини янги мавзуга боғлиқ бўлмаса, янги мавзунини ўтишда ўқувчилар уни кўлламаса, у ҳолда янги билимларни баён қилиш дарсида уй вазифасини текшириш шарт эмас. Шундай қилиб дарснинг биринчи қисми ўқувчиларнинг фаоллигини ва диққатини йўналтиришга қаратилмоғи лозим, бу босқичга унча кўп вақт сарф қилмаслик керак.

Ўқувчилар диққатини йўналтириш усулларида яна бири дарснинг мавзуси ва мақсадини аниқ тушунарли эълон қилишдир. Бунда албатта ўқувчиларнинг қизиқишини орттириш ва муаммоли вазият яратиш зарур.

Янги ўқув материалини ўзлаштиришга ўқувчиларнинг фаол тайёрлаш мақсадида олдин ўзлаштирилган материаллар такрорланади, такрорлаш характеридаги материаллар кўпинча оғзаки бажарилади.

Дарснинг иккинчи қисмида янги тушунча берилади ёки ҳаётий мисоллар берилади. Бу ўқувчиларнинг баёни ёки суҳбат орқали олиб борилади. Баъзан ўқувчига буни мустақил танлаб олиш ҳам тавсия қилинади.

Янги материални мустаҳкамлаш. Бу босқичда ўқувчиларга келтириб чиқарилган, хулоса, муҳокамаларни эсга олиш, ундан кейин мустаҳкамлаш характеридаги вазифа берилиши керак. Бу вазифани бажариш ёрдамида ўтилган янги билим мустаҳкамланади ва биринчи бор амалиётга тадбиқ қилинади.

Биринчи вазифалар одатда жамоа бўлиб бажарилади. Ўқув материалининг мураккаблигига қараб ҳар қайси босқичда рационал бўлган йўл топилади.

## **Маънавият асослари дарсига тайёрланиш.**

Маънавият асослари фанини ўқитиш дарсига тайёрланишда биринчи навбатда ўқувчиларга янги дарс материали юзасидан қандай меъёрда тайёрланганлигини, бунинг учун нимани такрорлаш зарурлигини аниқлаш керак.

Ўқитувчи маънавият асослари дастурини, ишчи режасини, дарслик ва ўқув кўлланмаларини, методик адабиётларни ва кўрсатмали қуроолларни ҳозирлагандан кейин навбатдаги дарсга тайёргарликни бошлайди. Энг аввало навбатдаги дарс маънавият асослари дастурида қайси ўринда, қайси мавзулар билан боғлиқ ҳолда, тушунчани нималарга боғлаб тушунтириш кераклигини аниқлайди.

Бу саволларнинг ҳаммаси баён қилинганидан кейин дарснинг асосий дидактик мақсадини ва унинг типик хусусиятини катъий ўрганиш кераклиги келиб чиқади. Бу эса дарснинг мазмунини аниқлашга ёрдам беради. Дарснинг дидактик мақсадида унинг мазмунидан дарснинг бир тизимга, яъни дарснинг алоҳида бўлимларининг бирлашиши, уларнинг органик бирлиги дарснинг қисмларини тўлдиради ва ўзаро бир-бирини боғлайди. Дарснинг режа ёки матнини тузишда мавзунинг дидактик мақсадига жавоб берувчи асосий қисмларни тузишдан бошлаш керак. Агар дарс янги билимларни баён қилишдан иборат бўлса, ўтган дарсдан нималарни такрорлаш кераклигини, бу асосда янги мавзунини яхши ўзлаштириш мумкинлигини, яъни мавзудан уй вазифасини текшириш зарурми ёки йўқми, янги мавзунини ўзлаштириш учун ўқувчиларга қайси топшириқни тавсия қилишлигини ўйлаб кўриш керак. Шундан кейин ўқитувчи қайси ўқув материали билан дарснинг айрим қисмини тўлдириш зарурлигини, ўқитишнинг қайси метод ва усулларини қўллаш, қандай кўргазмали қуроолларни тайёрлаш ва қўллаш мумкинлигини ҳисобга олади.

Дарснинг ҳар бир бўлимини бажариш учун қанча вақт талаб қилишни аниқлаш зарур. Табиийки, дарснинг энг катта қисми дарснинг асосий дидактик мақсадини ечадиган бўлимга қаратилиши зарур.

Шундай қилиб, ўқитувчи қуйидаги ишларни бажариши лозим:

- ўқув дастури ва ўқитувчи режасида дарснинг ўрнини аниқлаш
- дарснинг асосий дидактик мақсадини аниқлаш
- дарс мазмунини аниқлаш
- дарс босқичларини тузиб чиқиш
- дарс режасини тузиш
- дарс матнини ёзиш
- дарс ўтиш методларини аниқлаш
- дарсда ва уйга бериладиган вазифаларни бажариш
- кўргазмали қуроолларни тайёрлаш
- ҳар бир босқичга сарфланадиган вақтни аниқлаш ва х.з.

### **Маънавият асослари фанини ўқитиш дарсини тузиш.**

Маънавият асослари фанини ўқитиш дарсининг режа ёки матни ўқитувчига ўқувчилар билан бажарадиган иш турининг умумий йўналиши ва кетма-кетлиги намуналарини кўрсатиб туради.

Ўқитувчи дарс ўтишда тузган режа ёки конспектидан эркин фойдаланади, баъзан тузган режасидан чеккага чиқиш зарурати туғилади. Масалан, ўқувчилар ўқитувчининг баёнини ёмон тушунган бўлсалар, кўшимча тушунтириш ўтказиши, ўқувчилар қийналаётган бўлсалар зарурий ёрдам кўрсатади. Билимларни мустаҳкамлаш учун билимларни ўқувчилар қандай тушунганлигини билиш мақсадида сўраш, топшириқларни бажаришини текшириб кўриш мумкин.

### **Маънавият асослари фанини ўқитиш дарсини таҳлил қилиш.**

Маънавият асослари фани дарсини таҳлил қилиш ва баҳолаш биринчи навбатда унинг таълим-тарбиявий аҳамиятини кўрсатади. Шунинг учун дарсни қай даражада тузилганлигини ва ўтилганлигини, ҳозирги замон психологик-педагогик талаблар даражасида қандай бажарилганлигини ва асосий дидактик тамойилларини қандай қўлланганлигини кўрсатиш керак.

Дарс таҳлилида унинг мазмуни, тизимини, вақтнинг тақсимланиши, иш бажариш усуллари, қўлланилган кўргазма ва бошқа дидактик воситаларни кўрсатиш зарур. Дарсининг ҳар бир томони ўқувчилар фаолиятини қандай йўналтиришини, ундан қайси ўринда фаоллик ва мустақиллик бузилганини, ҳаёжонланиш бўлганлигини, бошқа тарбиявий томонлар амалга оширганлигини эътиборга олиш керак. Дарсининг таҳлили қуйидаги йўналишда ёритилиши мумкин:

Дарсининг асосий дидактик мақсадини тушунтириш ва асослаш. Бунда мавзу бўйича дарслар тизимида таҳлил қилинган дарсининг ўрни ва аҳамияти, бошқа дарслар билан боғлиқлиги, дарсининг мазмунини баҳолаш ва тўғри тушунтирилиши, унинг тизими, ишдаги метод ва усуллари кўрсатилади.

Дарсининг мазмунини таҳлил қилишда мавзуга доир тушунчалар бериладиган методик баҳода қуйидагиларни эътиборга олиш зарур:

а) берилган билимларнинг илмийлиги ва етарлича қатъийлиги.

б) ўрганиладиган материалнинг пухталиги ва тушунилиш даражаси, иш жараёнида ўқувчиларнинг етарлича вазифа билан таъминланганлиги.

в) дарс материалининг таълим-тарбиявий мақсадга тааллуқлилиги.

г) ўқув материали мазмунини дарсининг барча қисмларини таъминлаш даражаси.

Ўқувчилар фаолиятини ижодкорликка йўналтириш. Дарсда нечта ўқувчи фаол қатнашганлигини ва мустақил фаолият кўрсатганлиги, унга қандай йўл билан эришиш зарурлигини аниқлаш:

а) ўқув материални, шунингдек, иш методини ва усуллари танлаш, ўқувчиларнинг ёши, улардаги билим, малака ва кўникмалар даражасини ҳисобга олиш;



б) ўқувчиларнинг индивидуал ва жамоа бўлиб бажарган ишларини ҳисобга олиш;

в) ўқитишда дифференциал ёндашиш;

г) янги тушунча, методларнинг янги усуллари билан таништириш, билим ва малакаларни ишлаб чиқишда ўтилган материални мустаҳкамлашга йўналтирилган ишлар эътиборга олинади.

г) дарснинг ҳар бир қисмига вақтнинг тақсимланиши.

Дарсда қўлланиладиган кўرғазма ва дидактик қўлланмаларнинг аҳамиятини кўрсатиш.

Дарс натижасини рейтинг баҳолаш. Баҳолашнинг муҳим белгиларидан бири шуки, дарс ўз мақсадига эришганлиги, ҳар бир ўқувчига тўлалигича мустақил иш бажартирилганлиги, улар барчаси ўқитувчи раҳбарлигида амалга оширилганлиги кўрсатилади. Дарсни таҳлил қилишда шу нарсани эътиборга олиш зарурки, ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялашнинг педагогик жараёнлари бир мақсадга қаратилган бўлса, дарс тўғри баҳоланади.

Дарснинг ташкил этишнинг анъанавий ва ноанъанавий шакллари.

**Анъанавий дарс-** («марказда ўқитувчи бўлган таълим модели», деб ҳам аташади) муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни кўпроқ ўқитувчи шахсига қаратилган, мавзуга кириш, ёритиш, мустаҳкамлаш ва яқунлаш босқичларидан иборат таълим моделидир.

Анъанавий дарснинг асосий мақсади дарс мавзусининг асосий мазмуни, тушунча ва фактларни ўқитувчи томонидан ўқувчиларга етказиш ва тушунтиришдан иборат. Одатда, анъанавий дарс беришга пассив дарс бериш усули сифатида қаралади. Лекин дарсда ўқувчиларнинг фаол ёки нофаоллиги дарсни қандай ўтишга ва уни режалаштиришга боғлиқ. Анъанавий дарснинг самарадорлигини ошириш учун дарс жараёнини оқилона ташкил қилиш, ўқитувчи томонидан ўқувчиларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллигини мутассил рағбатлантириб туриш, ўқув материалининг мазмунини очишда баҳс, мунозара, ақлий ҳужум, кичик гуруҳларда ишлаш, турлича баҳолаш усуллари ва воситаларини ўз ўрнида қўллаш талаб этилади.

**«Маънавият асослари» фанини ўқитишда анъанавий (таълим жараёни марказида ўқитувчи бўлган) модел ва унинг афзалликлари ҳамда камчиликлари:**

#### **Афзалликлари**

\*Маълум кўникмаларга эга бўлган ва аниқ, маълум тушунчаларни, фанни ўрганишда фойдали.

\*Ўқитувчи томонидан ўқитиш жараёни мухитининг юқори даражада назорат қилиниши.

\*Вақтдан унумли фойдаланиш.

\*Аниқ илмий билимларга таянади.

#### **Камчиликлари**

\*Ўқувчилар пассив иштирокчи бўлиб қоладилар.

\*Ўқитувчининг тўла назорати барча ўқувчилар учун мотивацияни вужудга келтирмайди.

\*Ўқувчилар ўқитувчи билан бевосита мулоқатга кириша олмайди.

\*Эслаб қолиш даражаси ҳамма ўқувчиларда бир хил бўлмаганлиги сабабли, синф бўйича ўзлаштириш даражаси паст бўлиб қолиши мумкин.

\*Мустақил ўрганиш ва ечимлар табул қилиш учун шароитлар яратилмайди.

**Анъанавий дарснинг босқичлари:**

1. Ташкилий қисм-саломлашиш, давоматни текшириш, зарур кўргазмали курул ва жиҳозларни дарсга ҳозирлаш;

2. Янги мавзуни бошлашга ҳозирлик, мотивация - янги мавзу билан боғлиқ ўтилган дарс мавзуларини такрорлаш, янги мавзуни бошлашдан олдин ўқувчиларнинг бу мавзуга оид билим даражаларини аниқлаш, баҳолаш ва янги материални ўзлаштиришга тайёрлаш, янги дарс мақсадини тушунтириш ва дарсга қизиқтириш;

3. Янги мавзуни ёритиш-дарс материалларини кичик-кичик бўлимларга бўлиб, кетма-кет маълум узвийликда ва мантикий боғлиқликда, кўргазмали тарзда ва турли хил ўқитиш услубларидан фойдаланган ҳолда бериш;

4. Янги мавзуни мустаҳкамлаш- олинган назарий билимларни ёрқин мисолларда қўллаш ва турли хил топшириқларни бажариш асосида ўқувчиларда янги мавзуга оид амалий кўникмаларни ҳосил қилиш ва баҳолашдан иборат. Бунда баҳолаш учун бериладиган савол ва топшириқлар айнан дарс мақсадидан келиб чиққан бўлиши, унга эришилган ёки эришилмаганлигини аниқлашга қаратилиши лозим.

5. Дарсга яқун ясаш ва баҳолаш – дарснинг мақсадини яна бир бор эслатиш ва унга қанчалик эришилганлигини ўқувчилар билан биргаликда аниқлаш лозим. Шунингдек, ўқувчиларнинг мавзу бўйича саволларига жавоб бериш, дарснинг асосий лаҳзаларини қайд қилиш, ўқувчиларнинг ўзлаштирганлик даражасини аниқлаш дарсда фаол қатнашган ўқувчиларни тилга олиш ва баҳолаш ҳам ушбу бўлим таркибига киради. Ўқувчилар билимини баҳолашни бутун дарс давомида турли хил усуллар ёрдамида бажариш мумкин.

**Баҳолашдан мақсад** ўқувчиларга фақат қандайдир балларни қўйиб бориш эмас, балки ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини назорат қилиб боришдан иборатдир. Керак бўлганда дарснинг боришига ўзгартиришлар киритиш, тушуниш қийин бўлган жойларга қайта тўхталиш лозим бўлади.

6. Уйга вазифа -ўтилган мавзу бўйича билим, малака ва кўникмаларни янада мустаҳкамлашга ёки келгуси дарс учун ҳозирлик кўришга қаратилган, мустақил бажаришга савол, машқ ва топшириқлар мажмуасидан иборат бўлмоғи лозим.

### **Таълим олишнинг ноанъанавий шакллари:**

\*моделлаштирилган

\*ҳамкорликда ўрганиш

\*тадқиқот изланиш

Бу моделлар асосан ўқувчи шахсига қаратилган бўлиб, уни **ўқувчи марказда турган таълим моделлари**, деб ҳам аталади.

**Моделлаштирилган дарс** - реал ҳаётда ва жамиятда юз бераётган ҳодиса ва жараёнларнинг ихчамлаштирилган ва содаллаштирилган кўринишини

(моделини) синфхонада яратиш ва уларда ўқувчиларнинг шахсан қатнашиши ва фаолият эвазига таълим олишини кўзда тутувчи методлар мажмуидир.

**Хамкорликда ўрганиш** – ўқувчиларнинг мустақил гуруҳларда ишлаши эвазига таълим олишини кўзда тутадиган методлар мажмуидир.

**Ўрганишнинг тадқиқот- изланиш модели** ўқувчиларни муайян муаммони ечишга йўналтирилган, мустақил тадқиқот олиб боришини кўзда тутувчи методлар мажмуи ҳисобланади.

Ўқувчига марказлашган ўқув жараёнининг мақсади ва унинг ижобий жиҳатлари қуйида келтирилган асосларга таянади:

1. Ўқувчининг ўқишга бўлган иштиёқини ошириб бориш
2. Илгари эгаллаган билимларини ҳам инобатга олиш
3. Ўқиш жараёни тезлигини мувофиқлаштириш
4. Ўқувчи ташаббуси ва мажбуриятини қўллаб-қувватлаш
5. Амалиёт орқали ўрганиш
6. Икки томонлама фикр-мулоҳазалар билан таъминлаш
7. Ўқиш жараёнини тўғри йўлга қўйиш
8. Ўқитувчи-ўқувчилар учун ўқув жараёнини енгиллаштирувчи шахс
9. Ўқув жараёнини баҳолаш

### **«Маънавият асослари» фанини ўқитишда ноанъанавий таълим моделлари ва уларнинг афзалликлари ҳамда камчиликлари:**

#### **Афзалликлари**

- \*Ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келиши.
- \*Ўз вақтида лайта алоқаларнинг таъминланиши.
- \*Тушунчаларни амалиётда ўқлаш учун шароитлар яратилиши.
- \*Турли ўқитиш усулларининг таклиф этилиши.
- \*Мотивациянинг юқори даражада бўлиши.
- \*Ўқитилган материалнинг яхши эслаб қолиниши.
- \*Мулоқатга киришиш кўникмасининг такомиллашиши.
- \*Ўз-ўзини баҳолашнинг ўсиши.
- \*Ўқувчиларнинг мавзу мазмунига, ўқитиш жараёнига бўлган ижобий муносабати.
- \*Ўқувчининг мустақил фикрлай олиши.
- \*Танқидий ва мантиқий фикрлашни ривожлантириши.
- \*Муаммоларни ечиш кўникмаларининг шаклланиши.

#### **Камчиликлари**

- \*Кўп вақт талаб этилиши.
- \*Ўқувчиларни лар доим ҳам кераклича назорат қилиш имкониятининг пастлиги.
- \*Жуда мураккаб мазмундаги материал ўрганилаётганда ҳам ўқитувчи ролининг паст бўлиши.
- \*Ўқитувчининг ўзидан лар яхши ривожланган фикрлаш қобилиятига ва муаммоларни ечиш кўникмаларига эга бўлишининг талаб этилиши.

Маънавият асослари курсининг энг муҳим хусусияти унинг амалий йўналганлигидир. Агар маънавият асослари дастурининг баъзи масалалари назарий характерда бўлса, мактабда ҳар бир янги тушунча, амалий фаолият натижасида ва амалий фаолият учун киритилади.

Шундай қилиб, ўқувчиларда пухта амалий ўқув ва малакаларни шакллантириш мактаб ўқитувчиси ёки касб-хунар коллежи ўқитувчисининг асосий вазифаларидан биридир. Бунда у ўзаро боғланган иккита методик муаммони ҳал этиши керак: 1) маълум амалий ишларнинг бажарилиш жараёни мазмуни матнини ёзиш; 2) ўқувчиларнинг бу ишларни

Ўзлаштиришлари методикасини ва ўзлаштириш ўзидан самарали назоратни ишлаб чиқиш. Маънавий асосларини ўқитиш тизимига лекция билан биргаликда амалий (машқ, семинар ва мустақил ишлар) машғулот турлари ҳам қирадики, улар таълимий, тарбиявий ҳамда нарийни амалиёт билан боғлаш функцияларини бажаради.

Педагогика олий ўқув юртларида ҳам узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида фаолият олиб бораётган ўқув муассасаларида бўлгани каби маънавий асосларини ўқитишда ҳам **маърузалар назарий билимларни беришнинг асосий шакли** ҳисобланади.

Маъруза ўзида дидактик масалаларнинг муайян тўпламини ташкил этади. Улар қанчалик кўп бўлса, ўқитувчининг маҳорати шунчалик яққол намоён бўлади.

Айни вақтда **олий ўқув юртларида маърузанинг қуйидаги турларидан фойдаланилмоқда**: кириш маърузаси, ахборот – маъруза, таништирув маърузаси, муаммоли маъруза, бинар – маъруза, маъруза – конференция.

**Кириш маърузасида** ўқув фани ҳақида умумий тушунчалар берилиб, унда курснинг мақсади ва вазифалари, унинг ўқув фанлари тизимидаги мутахассисни тайёрлашдаги роли ва ўрни; курс мазмуни: ташкилий ва методик хусусиятлари; фойдаланиладиган ўқув методик адабиётлар; ҳисобот бериш муддатлари ва бошқалар баён этилади.

**Маъруза – ахборот** илмий ахборотларни ўз ичига олади.

**Шарҳлов (обзор)ли маъруза** фан асослари, шунингдек, фанлар ўртасидаги алоқадорликни ифода этувчи илмий билимларни тизимлаштиришга йўналтирилади. Муҳими ушбу маърузанинг тўлиқ илмий ва концептуал асосга эга бўлишидир.

**Муаммоли маъруза** талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятини ташкил этишга йўналтирилиб, улардан муаммоли масала ёки вазиятни хал этишлар талаб қилинади.

**Бинар маъруза** суҳбатдошлари ўртасидаги суҳбат шаклидаги маъруза тури бўлиб, у икки нафар шахс, чунончи, ўқитувчи ва ўқувчи, устоз ва шогирд, ўқитувчи ва талаба иштирокида амалга оширилади.

**Маъруза – конференция** ҳисобот, кичик илмий – мақола ёки маърузалар ёрдамида очиб берувчи илмий амалий машғулот ҳисобланади.

**Маъруза – маслаҳат**, савол – жавоб ёки баҳс – мунозара асосида ташкил этилади.

**Классик – маърузаларда** инсонпарварлик ғоясига асосланган “ўқитувчи – талаба” тизимига мувофиқ шахсга йўналтирилган ҳамкорлик технологияси қўлланилади.

**Технологик ёндашув асосида ташкил этилувчи маърузалар** талабаларнинг ўқув фаоллиги ҳамда интеллектуал – ижодий салоҳиятига асосланиб амалга оширилади. Ушбу маърузалар ўзларида қуйидаги хусусиятни намоён этади: ўқув харакатларини фаоллаштириш; материални мазмунини фанлааро алоқадорлик асосида ёритиш; ўқув материални ижодий идрок этиш хусусиятини шакллантириш; мусобақалаштириш ва ўқув ўйинларини ташкил этиш; “жамоатчилик” методлари ( маълумотлар,

хабарлар, интервью, тақризли тушунтириш ва бошқалар); очик мулоқат; бахс – мунозара; ҳазил ёрдамида талабаларни фаолликка чорлаш; фантазия, ижодий ҳаёлни фаоллаштириш, ўхшатиш ( муаяйн ҳаракатларни табиий ходисалар билан қиёслаш); танловлар; ҳаётий мисолларга мурожаат этиш.

Номлари қайд этилган маърузалар муайян методик мақсадларни амалга оширишни назарда тутди. Чунончи, қизиқувчанлик, эмоционал – технологик муҳитни яратиш; мунтазам идрок этиш ва мустақил фаолиятни фаоллаштириш; муаммоли – изланиш вазиятини юзага келтириш; коммуникатив вазиятларни яратиш; талабаларнинг ўзларини намоён этишлари учун шароит яратиш; рағбатлантириш, мукофотлаш, мақташ.

#### **Маърузага қуйидаги талаблар қўйилади:**

- маълумотларнинг юқори илмий даражада бўлишига эришиш;
- йирик ҳажмдаги аниқ, ихчам тизимлаштирилган, методик жиҳатдан асосланган замонавий илмий маълумотларни ёйиш;
- фикр – мулоҳазаларнинг асосланганлиги ва далил – исботлар билан бойитилганлиги;
- далил, мисол, матн ва ҳужжатларнинг етарли даражада бўлиши;
- фикрларнинг аниқ ва мантиқий ифода этилиши;
- тингловчилар фикрларини фаоллаштириш, саволларни қўйиш – риторик ва мустақил таълим олишга йўналтирувчи мавзу, муаммо ёки савоолларнинг берилиши;
- асосий фикр, қоида ёки хулосаларни ажратиб кўрсатиш;
- атама, тушунча, қоида, назария ва бошқаларнинг мохирятини очиб бериш;
- талабаларга маълумотларни эштиш, фикрлаш ва ёзиб олишга имкон яратиб бериш;
- ўқитувчи ва талабалр аудиторияси ўртасидаги алоқани юзага келтириш;
- дидактик материаллар ва техник воситалардан фойдаланиш;
- зарур ўринларда кўргазмали намоёиш этиш, жадвал, схема, график ва намуналардан фойдаланиш.

Замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этилаётган маъруза муаммоли таълим методи ёрдамида талабалар фаолиятини такомиллаштириш, максимал даражада фаоллаштириш имкониятига эгаллиги билан ажралиб туради.

Бу каби маърузани ташкил этиш жараёнида дастлаб мақсад қайд этиб ўтилади, шакллантирувчи масала, ўрганиш объекти аниқланади, идрок этиш фаолиятининг муҳимлигига эътибор қаратилади, самарали усул, метод ва воситалари таклиф этилади, маъруза якунида натижанинг кафолатланганлиги ўрганилади.

Бўлажак ўқитувчи учун зарур бўлган сифат ва қобилиятларни ривожлантирувчи, шакллантирувчи маъруза жараёнида талабаларда маълум фаолият асосларини ўрганиш ва уни ташкил этишга қизиқиши юзага келади.

#### **Муаммоли маърузаларнинг мазмунига қўйиладиган талаблар:**

- методологик аҳамиятининг юқорилиги;
- замонавий дунёқарашни шакллантиришдаги аҳамияти;
- такдим этилган материалнинг юқори илмий даражаси, унинг аниқ тизимлаштирилиши ва муамоли қурилиши;
- маълумотларнинг аниқлиги, тушунарлилиги, далил, мисол ва кўшимча материалларнинг асосланганлиги, исботланганлиги ва ишончлилиги;
- талабаларни имкон қадар фаоллаштириш: асосий маълумотларни ажратиш, фикрлаш, уларнинг шахсий фикрига эга бўлишлари, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилишлари;
- муаммоли вазиятларнинг кетма – кет, муайян тартиб билан ҳал этилиши,
- талабалар томонидан маъруза мазмунининг режа кўринишида акс этилишига эришиши;
- маърузада муҳим тушунча ҳамда тасаввурларга мос келадиган зарур атамаларнинг ёритилиши;
- дидактик материаллардан фойдаланиш;

Талабаларни мустақил идрок этиш, интеллектуал – ижодий фаолият ва эвристик суҳбатга тортиш (масалан, куйидагича топшириқ билан: аниқ бир материални таснифлаш, асосий назарий қоидаларини танлаш, янги билимларини тизимлаштириш ва бошқалар)

Маъруза таркибига кирувчи муҳокама, суҳбат, ўйин, тортишув каби педагогик технологиялар ёрдамида уларнинг самарадорлиги ортади.

Таълим жараёнини мунозаралар асосида ташкил этиш ҳам бир қатор шартларга мувофиқ амалга оширилади. Хусусан: асосий маърузачи ва оппонентларни танлаш; уларнинг чиқишлари учун матн тайёрлаш; талабаларнинг мустақиллиги, ўқитувчининг нейтраллигига эришиши; аниқ саволлар асосида маълум тизимга асосланувчи янги ўқув маълумотларни пухта ўзлаштиришга ёрдам берувчи диалогни уюштириш; эвристик суҳбатни ташкил этиш; ўрганилаётган объектни, унинг боғлиқликларини, аниқ масалада, алоҳида тушунча ва ҳодисалар бўлганида муҳим ҳислатлари, қонуниятларини тушунтириб бериш; таққослаш ва солиштиришлардан фойдаланиш; баён этиш, фикр юритишнинг мантикий бўлиши.

Амалий машғулотларнинг лекциядан фарқланадиган асосий меъёрларидан бири ўқув жараёни қатнашчиларининг биргаликдаги ҳаракатларида ўзига хос характер билан намоён бўлишидир. Улар вазифаларига кўра амалий машғулотларда олган назарий билимларини амалда кенгайтириб, чуқурлаштириб, деталлаштиради, яъни дарс мобайнида ўзлари дарс ўтишади, бир – бирларини дарсларини анализ қилишади ҳамда ўзаро муҳокама қилиб, билимларини синаб кўришади. Энг муҳими, амалий машғулотлар талабалар билимини синаш учун ҳам хизмат қилади.

Амалий машғулот шаклларида бири **семинар**дир. Семинар машғулотлари куйидаги вазифаларни ечишга қаратилган бўлади:

- лекцияда баён қилинган назарий қоидаларни мустаҳамлаш;
- фан бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш;

- талабаларнинг илмий – тадқиқот ва билиш қобилиятларини ўстириш;
- наарий ўқитиш жараёнида эгалланган билимларнинг амалиётда тан олиниши.

Мунозара шаклида семинар ўтказиш методикасида талабанинг фикрлаш ва мулоқот қобилиятларининг шаклланиши учун тезкор омил сифатида катта аҳамиятга моликдир.

Семинардаги мунозара қуйидагиларни кўзда тутати:

- семинар жараёнида қўйилган саволларга жавоб беришда талабаларнинг эркин фикр билдириш ва асослай олишларини таъминлаш;
- таалукли жавобларнинг бошқа талабалар томонидан тушунилишини ҳам таъминлаш;
- нуқтаи наарларга танқидий мулоҳазалар билдиришни ташкил этиш, уларни ойдинлаштириш, тўлдириш, ўзгартириш;
- ойдинлаштирилган, тўлдирилган, ўзгартирилган фикрларнинг тушунилишини таъминлаш ;
- қўйилган саволларга яқдил исботлар асосида жавоблар беришга кўникма ҳосил қилиш.

Мунозарани шу жараёнда қўйилган саволларга берилган жавоблардан иборат хулосаларни шакллантириш ва шундай муаммоларни белгилаш орқали яқунлаш керакки, улар кейинги семинарлар ёки талабаларнинг мустақил ишларида хал қилинадиган бўлсин.

Шундай қилиб, билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича семинарлар қуйидаги босқчларни камраб олади:

1. Семинар мавзусининг долзарблигини асословчи ўқитувчининг кириш суҳбати.
2. Семинар мавзуси мазмунини тушунтириш учун зарур бўлган билимларни юзага чиқариш.
3. Тайёрланаган маърузаси бўйича талабаларнинг чиқишларини ташкил этиш ва уларнинг кўтарган масалаларини семинар қатнашчиларининг тушуниб олишларини таъминлаш.
4. Семинарда қўйилган талабалар маърузаларининг муҳокамасини ташкил этиш.
5. Семинарни яқунлаш.

Бундай малакаларни шакллантириш, одатда, ўқув ишлар мамунини ташкил этувчи атериаллар, лекция, илмий ва ўқув методик адабиётларни конспект қилиш, маъруза ва рефератларни ёзиш, ўқув ва илмий ахборотлар мазмунини тушуниш ва эслаб қолиш асосида амалга оширилади. Ўқитувчи талабалар томонидан бажарилган ишлар натижасини баҳолаб у ишда муваффақиятли қтнашчиларни алоҳида таъкидлаб ўтади. Шунингдек, айрим камчиликларга йўл қўйганларни ҳам қайд қилади ва ишлаш усулларини келгусида такомиллаштириш, яъни кейинги машғулотларга қандай вазифалар қўйилишини белгилаб беради.

Умуман семинарларни ташкил этиш методикасида талабаларнинг ўз фаолиятларини ташкил этиш малакаларини жонлантириш қуйидаги

босқичларни кўзда тутди:

- 1.Семинарнинг мақсад ва вазифаларини шакллантириш;
- 2.Талабаларнинг дастлаб бажарган ишлари натижаларини ўзлари баҳолашлари ва таҳлил қилишларини ташкил этиш;
- 3.Ишни бажариш методикаси билан таништириш;
- 4.Талабалар томонидан амалга оширилган дастлабки ишларнинг бажарилиш усуллари таҳлилинини ташкил этиш;
- 5.Янги мазмундаги ишнинг режасини тузишни ташкил этиш;
- 6.Белгиланган режа асосида ишнинг бажарилишинини ташкил этиш;
- 7.Бажарилган иш натижаларини таҳлил қилиш ва баҳолашни ташкил этиш;
- 8.Машғулотга яқун яшаш.

**Семинар машғулотининг энг муҳим босқичи ҳамда унинг ўзаги муаммоли саволга жавоб қидиришни ташкил этиш ҳисобланади.**

Муаммоли саволга жавоб топишни қидиришни ташкил этиш методикаси ўзида мунтазам қўйилган қадамлар модулини бирлаштиради. Улар қуйидагалар:

- \*муаммоли саволни қўйиш;
- \*қўйилган саволларга жавоб топиш ва асослаш бўйича талабаларнинг фикрлашга уринишларини ташкил этиш;
- \*жавобларнинг танқидий таҳлилинини ташкил этиш, уларнинг кучли ва кучсиз жиҳатларини аниқлаш;
- \*келишилган мавқе (позиция) ни ишлаб чиқиш энг тўғри жавобни конструкциялаш мақсадида жавобларни ўро қиёс қилишни ташкил этиш.
- \*кейинги муаммоли саволни қўйишга ўтиш.

Ўқитувчи ташкил этган бундай мужассамлашган ҳаракатларни бажариш жараёнида талабаларнинг тафаккурларида ривожланиш юз беради.

Мутахассислар тайёрлаш тизимини тубдан қайта қуришда, ўқув – тарбия жараёнининг аҳамиятини оширишда **талабаларнинг мустақил ишлар** муҳим ўрин эгаллайди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, мустақил ишлар деганда шундай ўқув фаолияти тушуниладики, унда билимлар эгалланиши билан бирга, кўникмалар шакллантириш ҳам мустақил ташкил этилиши таъминланади. Бу эса амалиётда хусусий – дидактик мақсадларга боғлиқ равишда амалга оширилади. Педагогика оид адабиётларда мустақил ишларнинг қуйидаги турлари қайд қилинади:

- намуналар бўйича мустақил ишлар;
- реконструктив – вариатив;
- эвристик (қисман, ижодий);
- ижодий тадқиқот.

**Намуналар бўйича мустақил ишлар** деганда типик вазифаларни турли машқларни намуна асосида ечиш тушунилади. Улар материални ўзлаштиришга омил бўлади.ю лекин талабаларнинг ижодий фаоллигини ўстирмайди.



**Реконструктив – вариатив мустақил ишлар** нафақат билимларнинг амалий тавсифномасини, балки билимлар тузилмасини қайта ишлаб чиқишни ҳамда масала ва муаммо кабиларни ечишда мавжуд билимларни жалб қилишни кўзда тутди.

**Эвристик мустақил ишлар** лекция, лаборатория, амалий машғулотлар, семинарларда қўйилган айрим масала ва ҳал қилиш билан боғлиқдир.

Тадқиқий мустақил ишлар, тадқиқот муаммосини кўра олиш малакасини, уни мустақл ифодалай олиш, фаразни белгилаб олиш ва муаммонинг ҳал қилиниш режасини ишлаб чиқиш ҳамда уни ҳал қилишни мўлжаллайди.

**Ижодий тадқиқот ишлари** Бундай ишларда вазифа муаммоли вазиятнинг юзага келишини тақоа қиладиган шароит яратишдан иборат бўлади. Талаба ўз фаолиятида тайёр намуналардан озод бўлган ҳолда масаланинг ҳал қилиниш йўллари кидиради ва тадқиқ қилади. Бундай ишлар сирасига эксперимент қўйиш, изоҳларни лойиҳалаш билан боғлиқ бўлган вазифалар киради.

Шундай қилиб, мустақил ишлар, ўқитишнинг энг муҳим методи бўлиб, унда талабаларнинг машғулотларга тайёрланиш, олинган билим, малака ва кўникмаларини мустаҳкамлаш жараёнида уларнинг индивидуал фаоллиги ошади.

Мустақил ишларни самарали ташкил этишнинг методикасининг асосий шартлари қуйидагилардан иборат:

- \*мустақил ишларнинг илмийлиги, унинг тадқиқий характери;
- \* мустақил равишда ўз билимларини янада ошириб боришга бўлган эҳтиёжнинг шаклланиши;
- \* мустақил ишлар вазифаларини индивидуаллаштириш;
- \*мустақил ишларни ташкил этишга методик раҳбарлик қилиш.

Ўқув жараёни мустақил таҳсилни ташкил этилишини ҳам кўзда тутди. Талабаларнинг мустақил таҳсили уларнинг ўз билимларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, мавжуд малака ва кўникмаларни такомиллаштириш ҳамда уларнинг янгиларини ўзлаштиришга бўлган интилиши сифатида қаралади.

Мустақил таҳсилнинг асосий мақади талабаларнинг шахсий ва касбий сифатларини ўстиришдир.

Мустақил таҳсилнинг вазифалари: шахснинг интеллектуал имкониятларини янгилаш, уларнинг ғоявий назарий савиясини ошириш, касбий маҳорат ва маданиятини такомиллаштириш кабиларни ичига олади.

Ўқув жараёни мустақил таҳсилга бўлган эҳтиёжни шакллантиришга йўналтирилган бўлиши ва талабаларнинг ўз – ўзини баҳолай олишини, уларнинг тайёргарлигини, янги билимларини эгаллашга бўлган онгли муносабатини аниқлаб бериши керак. Мустақил таҳсил бўйича машғулотларнинг изчиллигини ва мақсадга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида унинг режаси тузилади.

Режага қуйидаги талаблар қўйилади:

- \*режалаштирилаётган ишларнинг ҳажми ва олдинма кейинлиги;
- \*уларнинг бажарилиш муддатлари;
- \*мустақил фаолиятнинг ҳар ир турига мақсадли кўрсатмалар бериш.

Мустақил таҳсил жараёни унинг аниқ шакли, методлари ва усулларини камраб олиши шарт.

Мустақил таҳсилнинг асосий методи адабиётлар устида индивидуал ишлашдир. Бу метод ахборотлар оқимида энг муҳим ахборотни топиш, унга тўғри баҳо бериш, ушбу ахборотдан ўзининг касбий фаолиятида фойдаланиш малакасини шакллантиради. Қўлга киритилган ахборотлар асосида мустақил машқ қилиш методларидан фойдаланиш имконини беради. Бу методдан фойдаланиш амалий фаолиятда зарур бўладиган сифат кўрсаткичларини таъминлайди.

Мустақил таҳсилнинг муҳим методларидан бири уларнинг мулоқатидир.

Мустақил таҳсилнинг пировард мақсади талабаларни ижодий изланишга, ўзи устида ишлаш ва ҳар томонлама тадқиқот юритишнинг моҳиятини англашга тортишдир.

Ҳозирги кунда педагогик технология ҳақидаги аниқ тушунча ва тасаввурлар бирмунча камлиги туфайли, уни хусусий методикалар билан деярли тнглаштириш ҳоллари учрайди. Аслида эса улар орасида жиддий фарқлар мавжуд бўлиб, қуйида улар ҳақида баён қилинади.

Методика – бирор ишни мақсадга мувофиқ ўтказиш методлари, йўллари мажмуи. У алоҳида методикаларга ажралади. Педагогика фани маълум ўқув фанларини ўқитиш қонуниятларини тадқиқ қилади. Масалан, тиллар методикаси, арифметика методикаси ва шу кабилар.

Методиканинг педагогик технологиядан фарқини тушуниш ва амалда ҳар иккисидан унумли фойдалана билиш талаб қилинади. Улар орасидаги фарқлар қуйидаги жадвалда келтирилган.

Асосий тушунчалар

Педагогик технология

Методика

Таърифлар

Педагогик технология – инсонга олдиндан белгиланган мақсад бўйича таълим – тарбиявий таъсир ўтказиш фаолиятдан иборат

Методика – маълум ўқув фанини ўқитиш ҳамда тарбиявий ишлар қонуниятларини тадқиқ қилади

Маъсад	Комил инсонни шакллантириш	Алоҳида ўқув фанларини ўқитиш ҳамда тарбиявий ишларнинг сифатли бўлишини таъминлаш
Ўқллаш милоёси	Бутун таълим – тарбия жараёнида	Хусусий фанларни ўқитишда ҳамда тарбиявий ишларда
Воситалар	Барча таълим – тарбиявий воситалар, хусусий методикалар	Алоҳида ўқув фанларини ўқитишда ҳамда тарбиявий ишларда ўқланиладиган воситалар
Педагогик жараён	Таълим ва тарбия технологияси асосида. Таълим – тарбия соҳасидаги энг илмдор тажрибаларни умумлаштирувчи лойиҳалар асосида ривожланиб боради. Етарли мутахассислар томонидан ўқланганда ўзаро ўхшаш натижалар олиниши таъминланади.	Таълим – тарбия методикаси асосида ижодкор ўқитувчиларнинг илмдор тажрибаларига таяниб ривожланади. Хусусий тажрибалар асосида бойитиб борилади. Бир муаллифнинг илмдор педагогик тажрибасини ҳамма педагоглар айнан ўқлай олмайдилар. Бунда натижалар фарқимда фарқ хил бўлади. Педагогик технологиянинг таркибий қисми ҳисобланади
Натижа кафолати	Олдиндан белгиланган маъсадга эришиш кафолати бор	Олдиндан белгиланган маъсадга фарқ бир ўқитувчи ўз имкониятларига мувофиқ турли даражада эришади. Шу сабабли талаб даражасидаги натижа кафолатланмайди. Асосан ижодкор ўқитувчиларгина яхши натижага эришадилар.
Келиб чиқиши	Хусусий методикаларнинг ривожланиши натижасида келиб чиқади	Таълим – тарбиянинг турли хусусий масалаларини ҳал қилиш зарурати натижасида келиб чиққан

Олий мактаб методлари мактаб методларидан қай жиҳатлари билан фарқланади?

Мактабда фан асослари ўрганилади, умумий таълим берилади. Олий мактабда талаба замонавий фанни ўрганади ва ихтисослик бўйича таълим олади. Шунинг учун ҳам олий мактаб методлари билимларни ва англашнинг усулларига эмас, балки фан тараққиёти жараёнига тобора кириб бориш, унинг методологик ва ғоявий асосини очиш методи ҳамдир. Талабаларнинг фаол ижодий билиш фаолияти ҳамда уларнинг мустақил ишларидан иборат олий таълим жараёни икки гуруҳ ўқитиш методларининг фарқланишини тақоза қилади: **ўқитиш методлари ва ўрганиш методлари.**

**Ўқитиш методлари** билимларни бериш усуллари сифатида қаралади ва талабаларнинг илмий билиш фаолиятига раҳбарлик қилишга қаратилган бўлади ҳамда ўқув жараёнида педагогнинг талабаларга таъсир кўрсатишини шакллантиради.

**Ўрганиш методлари** билим, малака ва кўникмаларни ижодий эгаллашга ҳамда методик ва ғоявий - сиёсий эътиқодларни ишлаб чиқишга қаратилган талабаларнинг илмий билиш фаолияти усули сифатида белгиланади.

**Ўқитиш методи “ўқитишнинг мақсади – мазмуни, методи, шакли, усуллари” тизимида муҳим ўрин эгаллайди.**

Метод деганда, таълимда мақсадга эришиш, масалаларни ҳал қилиш

йўллари, усуллари тушунилади. Ўқитиш методи таркибида усуллар алоҳида ажралиб туради. Усул методнинг унсури бўлиб, унинг таркибий қисми, методни амалга оширишда бир мартагина қўлланади ва алоҳида қадам ҳисобланади.

**Ўқитиш методи** – мураккаб, кўп қиррали, кўп сифатларга эа бўлган таълимдир.

Ўқитиш методида ўқитишнинг обектив қонуниятлари, мақсадлари, мазмуни, тамойиллари, шакллариўз аксини топади. Методлар бошқа дидактик категорияларга диалектик боғлиқ ва бири бошқаларини тақозо қилади, яъни ўқитишнинг мақсади, мазмуни, шакли ҳосиласи сифатида методлар дидактик категорияларга акс таъсир кўрсатади.

Ўқитиш методларининг кўп ўлчовлилиги уларнинг кўплаб таснифини келтириб чиқаради.

Ўқитиш методлари таснифи – муайян балгилар асосида тартиба солинган тизимдир.

Энг асосланган ўқитиш методлари тавсифларига қуйидагилар киради:

**1. Анъанавий метод** .Ҳозирги даврда улардан бештаси инобатга олинади: амалий, кўрғазмали, ифодали, китоб билан ишлаш ва видео методлар.

**2. Мақсадига кўра методлар таснифи** (М.А.Данилов, В.Р.Есинов)

\*билимларни эгаллаш;

\* малака ва кўникмаларни шакллантириш;

\*билимларни қўллаш;

\*ижодий фаолият;

\*мустаҳкамла методлари;

\*билим, малака ва кўникмаларни текшириш методлари.

**3. Идрок этиш – билиш фаолияти характерига кўра методлар таснифи:**

\* тушунтириш – иллюстратив ( ахборот – ретсептив). Уларнинг характерли хусусиятлари; билимлар “тайёр ҳолда” тавсия этилади; бу билимларни идрок қилиш ташкил этилади; билимлар идрок (ретсепсия) қилинади ва тушуниб олинади, хотирага жойлаштирилади;

\*репродуктив метод: билимлар тайёр ҳолда тавсия этилади, билим нафақат баён қилинади, балки тушунтирилади; билимлар онгли ўзлаштирилади; уларнинг тушунилиши ва эслаб қолинишига эришилади ҳамда билимларнинг мустаҳкамлиги тез – тез такрорлаш йўли билан таъминланади.

\*муаммоли баён қилиш методи;

\*қисман ижодий (эвристик) метод. Билим тайёр ҳолда тавсия этилмайди, балки у мустақил равишда эгалланади; янги билимларни қидириш, излаш ташкил этилади; билиш вазифалари бўйича мустақил фикр юритилади, муаммоли вазифалар яратилади ва ҳал қилинади;

\* тадқиқий метод. Бунда муаммо белгилаб олинади, муаммонинг тадқиқоти жараёнида билим эгалланади .

**4. Дидактик мақсади бўйича** (Т.И.Шукина, И.Т. Огородников) қуйидагилар фарқланади:

\* илк билимларни ўзлаштириш методлари;

\*эгалланган билимларни мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш методлари.

5. Олиниши зарур бўлган натижани олдиндан тахмин килиш (максадни амалга оширишга эришиш);

6. Таълим жараёнининг яхлитлигини таъминлаш;

7. Мунтазам таҳлил килиб бориш;

“Маънавият асослари” фанини ўқитиш методикасида ўқитиш ва ўрганиш методлари қуйидаги гуруҳлардан иборат кенг тарқалган таснифларга бориб тақалади.

1. Билимларни бериш, идрок этиш ва ўзлаштириш ҳамда эътиқодни шакллантиришни таъминловчи методлар. Методларнинг бу гуруҳига лекция, талабаларнинг мустақил ишлари, мустақил таҳсил олиш бўйича ишлар, маслаҳатлар, кўрсатма бериш, оммавий ахборот, программалаштирилган материалларни идрок этиш ва бошқалар киради.

2. Билимларни татбиқ этиш ва мустаҳкамлаш, малака ва кўникмаларни ҳосил қилиш ҳада эътиқодни чуқурлаштириш методлари. Бу гуруҳга семинар, амалий ва лаборатория машғулотлари, назорат ишларини бажариш, ўқув ва педагогик амалиёт киради.

3. Билимлар, эътиқодларни шакллантириш ва талабаларнинг касбий тайёргарлигини аниқлаш методлари. Бу ўқув жараёнининг рейтинг баҳолари, суҳбат ўтказиш, курс ва диплом ишлари лойиҳалари ҳамда давлат аттестацияси натижаларини баҳолашдир.

Дидактикага оид адабиётларда ўқитиш методларининг қуйидаги боғлиқликлари қайд қилинади:

- биринчидан, ўқув машғулотларининг дидактик мақсадлари ва вазифаларига боғлиқ;
- иккинчидан, баён қилинадиган материалнинг характерига боғлиқ;
- учинчидан, таълим олувчиларнинг билими ва ривожланиш даражасига боғлиқ;
- тўртинчидан, ўқув жараёнида ўрганилаётган фан асосларининг муайян (ҳозирги) даврдаги методларига боғлиқ;
- бешинчидан, олий ўқув юрти ёки кафедранинг шароитларига боғлиқ;
- олтинчидан, ўқув жараёнининг моддий – техник таъминоти билан боғлиқ;
- еттинчидан, ўқитувчининг педагогик маҳорати, унинг тайёргарлиги ва ўқув жараёнини ташкил этиш даражаси ҳамда ўқитувчининг ҳозирги замон методлари бўйича билимларига боғлиқ.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасидаги олий таълимни ислоҳ қилишнинг долзарб вазифаси талабаларнинг ўқув – билиш фаолиятини жонлантириш, ўқув жараёнига янги технологияларни татбиқ этишга хизмат қиладиган ўқитишнинг шакл ва методларини такомиллаштиришдан иборат.

Олий таълим ўқитувчисининг педагогик фаолияти тавсифида олимлар, одатда қуйидаги компонентларни фарқлайдилар:

- ташкилотчилик
- илмий билиш;
- коммуникативлик.

**Ташкилотчилик фаолияти.** Бундай фаолият илмий изланиш ва ўқув

тарбия жараёнини аниқ режалаштириш ва ташкил этиш малакасида кўринади. Бу ўқитувчи, талаба ва бошқа олимларнинг ўзаро алоқадор (интеграциялаш) фаолиятidir.

Ташкилотчилик фаолияти ўзини, ўзининг вақтини; талабаларнинг индивидуал, гуруҳ, коллектив ишини; биргаликдаги тадқиқотларини амалга ошириш учун кадрларни танлаб олиш ва уларнинг вазифаларини белгилаб беришини ташкил этиш малакасида намоён бўлади.

**Илмий билиш фаолияти.** Бу фаолият атроф – оламни ва ўзни чуқур ва ҳар томонлама билиш малакасида кўринади.

Ўқитувчи ўз тадқиқотлари, талабалар ва аспирантларнинг илмий фаолияти жараёни ва натижаларини таҳлил қилади.

**Коммуникативлик фаолияти.** Бу фаолият сафдошлари ва талабалар билан мақбул ўзаро алоқаларни белгилаш малакасини кўзда тутди.

Коммуникативлик фаолияти асосида ўқитувчининг ўз – ўзини бошқариш қобилияти ётади. Шунингдек, коммуникативлик – инсонларга юз тутиш, хайрихоҳлик, хушмуомалалик; педагогнинг тарбияланувчилар, бошқа педагоглар, жамоатчилик вакиллари, ота – оналар билан мақсадга мувофиқ тарзда ўрнатилган муносабатлари.

**Таянч иборалар:** Факультатив машғулотлар, аудиториядан ташқари ишлар, дарсни ташкил этишнинг анъанавий ва ноанъанавий шакллари, дарс типлари, мустақил машғулот, дарс таҳлили, коммуникативлик, ўқув ва педагогик амалиёт, моделлаштирилган дарс

#### **Назорат учун саволлар:**

1. Маънавият дарсларида дидактик тамойилларнинг моҳияти ва мазмуни нимадан иборат?
2. Дарс ва дарс таҳлилидан намунавий парча келтиринг.
3. Дастур ва дарсликларнинг узвийлигини таҳлил этинг.
4. Педагогик муносабатлар нималардан иборат?
5. Маънавият асослари дарсларининг типлари ҳақида маълумот беринг.
6. Дарсни режалаштиришда маъруза ва амалий машғулотлар ҳажмининг ортиб бориши?
7. Мустақил ва индивидуал машғулотларни режалаштиришнинг аҳамияти?

**8-§. Билиш фаолияти. Маънавият ва миллий ғоя узвийлигини тушунтириш методикаси**

**Шарқ мутафаккирларининг билиш фаолияти тўғрисидаги илмий-педагогик қарашлари**

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари, мактаб, таълим мазмунини қайта қуриш, мутахассислар тайёрлашнинг янги, самарали

шакллари излаб топиш бевосита талабаларнинг билиш фаолиятини жонлантириш билан боғланган. Ҳозирги даврда талаба-ўқувчиларнинг билиш фаолиятини жонлантириш муаммоси ўз моҳиятига кўра фалсафа, социология, педагогика, психология, хусусий методика фанлари вакилларининг долзарб илмий – тадқиқот объекти бўлиб келмоқда.

Бирок бу муаммони ўрта аср қомусий олимларининг қарашлари, таълимотини ўрганмасдан туриб тўла ёритиш мумкин эмас. Ўзбек олими Х.Х.Тлашевнинг тадқиқотларида ўрта аср олимларининг дидактик қарашлари умумлаштирилган ҳолда таҳлил қилиб берилган. Хоразмий, Киндий, Фаробий, Беруний, Абу Али ибн Сино, Умар Хайём ва уларнинг бошқа замондошлари ва улар салафиларининг илмий дунёқараши, билимлар манбаи ва объекти таҳлилидан аён бўлади. Билиш жараёни қандай босқичлардан ташкил топган ва амалий фаолият ўртасида қандай муносабатлар мавжудлиги уларни қизиқтириб келган. Шу маънода шарқ мутафаккирларининг асарлари алоҳида қизиқиш уйғотади, жумладан Ал-Хоразмий, Муҳаммад ибн Мусонинг маънавиятга оид рисоласи, Ал-Киндийнинг «Арастуниг китоблари миқдори ва яна фалсафани ўзлаштириш учун нима зарурлиги ҳақида рисоласи», «Дастлабки фалсафа тўғрисида», «Беш моҳият тўғрисида китоб», «Пайдо бўлиш ва йўқ бўлишнинг яқин тасвирлари изоҳи», Ал-Фаробийнинг «Ақл маънолари тўғрисида», «Фозил одамлар шахри», «Бахт-саодатда эришув тўғрисида», «Илмларнинг келиб чиқиши», «Алмагестр Птоломейга изоҳ», «Ихсо-ул-улум», Ибн синонинг «Китоб аш ишорат ва ат танбиқот», «Донишнома (мутлоқ бахт ҳам, мутлоқ бахтиқаролик ҳам йўқ)», «Хай ибн Яқзон» ва бошқа асарларида, Абу Райхон Берунийнинг «Масъуд қонуни», «Доривор ўсимликлар ҳақида китоб», «Сайдана», «Мунажжимлик санъатидан боланғич тушунчалар», «Ёдгорликлар», Абдурахмон Жомий «Муסיқа», рисоласи, Алишер Навоийнинг «Махбубул ул қулуб» каби асарлари катта қизиқиш уйғотади.

Хоразмий билиш фаолияти назариясига улкан ҳисса қўшган. У билишнинг тажриба-кузатув ва эксперимент методига асос солган. Хоразмий томонидан қуйидаги умумдидактик тамойиллар, методлар ва шакллар асослаб берилган: мустақиллик; ижодий фаоллик; кузатилган фактларни ва ходисаларни тасвирлаш ва уни мунтазам баён қилиш; тажриба-кузатув; эксперимент методи; индукция ва дедукция аспектида яққалик ва умумийлик бирлиги тамойили; ўқитишнинг савол-жавоб шакли.

Хоразмийнинг салафи Ал-Киндий моҳиятни барча назарий билимларнинг бош мавзуси сифатида қарайди. У аввало, миқдор ва сифатни ҳиссий идрок қилиш зарурлигини таъкидлайди.

Киндий илмий билишнинг уч поғонали концепциясини илгари суради: табиий фанлар, мантиқ ва ижтимоий билимлар. Киндий ўз фалсафий қарашларини асослашда илмий билишни диний билимларга қарама-қарши қўйган ҳолда алоҳида аҳамият беради. Киндий инсон билимлари ҳиссий ва ақлий билимларга ўз предмети билан боғланган бўлиб, унинг объекти инсон танаси ва барча материаллардир. У таъкидлайдики, агар ҳиссий билимлар

якка билимлардан иборат бўлса, ақлий билимлар умумий билимлардир. Киндий фикрича, ҳаққонийликни билиш ва ўзининг ҳатти-ҳаракатларини ҳаққонийлик билан мувофиқлаштиришда киши онгидаги унинг сабабаларини аниқлаш калити ёрдам кўрсатади.

У шундай ёзади: Сабабини топган ҳолатдагина биз ҳақиқатнинг тагига ета оламиз. Ҳар қандай нарсанинг моҳиятини англаш эса ҳақиқатни билиш учун зарурдир, негаки мавжуд нарсаларнинг барчаси ҳақиқатдан иборатдир.

Ҳақиқатни идрок этса бўлади, бинобарин, мавжуд нарсаларни ҳаммасини англамоқ мумкин.

Билиш жараёнига Фаробий алоҳида аҳамият беради. У ўзининг «Ақл маънолари тўғрисида», «Бахт-саодатга эришув тўғрисида» асарларида инсонларнинг билимга бўлган интилишларини ҳар томонлама кенг ёритишга ҳаракат қилади. У шундай ёзади: «Киши бирор буюм ҳақида билишни истаса, унинг қандайдир бир ҳолатини билади, онгини ўша предмет шаклидаги билимга йўналтиради. Бу ўзи интилган ҳақиқатни қидириш демакдир.

Фаробийнинг илмий ғояларини умумлаштирган ҳолда ўзбек олимлари унинг билиш тўғрисидаги назарий асосларга бағишлаган ишлари, хусусан, мантиқ фанида билиш жараёни ва билиш шакллари, биринчи марта унинг моҳияти очиқ берилганлигини таъкидлайдилар. Бу жараёнлар мантиқда унга риоя қилиш тафаккурни такомиллаштириш ва мураккаб билиш жараёнида кўпол хатоларнинг олдини олиш қонунлари сифатида ақс этади.

Фаробий фикрлаш фаолиятини жонлаштиришнинг дидактик тамойиллари ва методларини асослаб берди. Унга ўқитишнинг амалий йўналганлиги; назарий билимлар узлуксизлиги ва билиш методлари; мантиқийлик ва узвийлик, ҳукм методлари ва усуллари; индукция ва дедукция методлари киради.

Фаробийнинг билиш жараёни ҳақида қарашларини Абу Али ибн Сино ҳам тасдиқлайди. Унинг тушунишича, мантиқ инсон билимларининг асоси сифатида, қоида ва меъёрларни белгилаб беради; инсоннинг билиш фаолиятини жонлантиради, унинг тўғри фикрлашини ўстиради. Фаробий томонидан ишлаб чиқилган фанлар таснифи илмий билимлар ғоясини ривожланишини таъминлайди.

У шундай ёзади: фанлар таснифи инсонга фанларни ўзаро қиёслаш, улардан қайси бирлари зарур, фойдали, тугалланган, ҳаққоний ва кучли ва қайси бирлари у қадар зарур эмас ва кучсизроқ шунингдек, ўрганиш учун нимадан бошлаш, хусусан нимани ўрганиш, нима яроқли, қайси бири яроқсиз ва қай даражада уни эгаллашга ёрдам беради. Шундай қилиб, унинг фанга бўлган муносабати кўрликка, нодонликка эмас, балки билим ва доноликка асосланади.

Ўрта аср олимлари ўз асарларида инсон фаолиятининг икки тури ҳақида фикр юритадилар. Бу меҳнат ва билиш фаолиятидир. Улар шуни таъкидлайдиларки: **«Билим – бу билувчининг қалбидаги билинадиган тимсолдир. Билингни, фанни ўқитиш ва ўзлаштиришсиз билим**



*бўлмайди. Ўқитиш бу қалбдан чиқадиган, қалб учун долзарб, ички билишга асосланган эътиқод. Билимларни ўзлаштириш – бу билим шакллари қалбдан идрок этишидир. Билингни, қалб билиш предметлари шакллари уч томонлама қабул қилади: биринчидан, ҳис қилиш орқали, иккинчидан, далиллар орқали, учинчидан, фикр юритиш ва мушоҳада қилиш орқали».*

Кайковуснинг «Қобуснома» асарида, билимнинг фойдаси ҳақида куйидагича ёзилади: Агар молсизликдан қашшоқ бўлсанг, ақлдан бой бўлмоққа саъй кўргузгилки, мол била бой бўлгандан, ақл билан бой бўлган яхшироқдур, нединким, ақл била мол жам этса бўлур, аммо мол била ақл ўрганиб бўлмас. Билгил, ақл бир молдурки, уни ўғри ололмас, у ўтда ёнмас, сувга чўкмас.

Фаробий ўз асарларида билиш фаолиятини ташкил этиш тавсияларини ишлаб чиққан. Унда учта шарт белгиланади:

- муайян фан асосида ётган барча тамойилларни яхши билиш;

- муайян фан маълумотлари, яъни ҳукм чиқариш қоидаларини эгаллашга алоқадор тамойиллар ва маълумот асосида зарур хулосалар чиқара олиш;

- янглиш назарияларни инкор эта олиш, ёлғондан ҳақиқатни ажратиб ола билиш ва ҳатоларни тузата олиш учун бошқа муаллифларнинг фикрларини таҳлил қила олиш.

Беруний билиш объектига бўлган илмий-фалсафий ва конкрет-методологик ёндашув муносабатларига эътибор қаратиш лозимлигини уқтиради.

Беруний ҳиссий билишга алоҳида диққат қаратади. У шундай ёзади: «Билим соҳалари кўпдур, тобора ривожланаётган давр инсонлар ақл-заковатининг унга қўшилиб бориши билан улар янада кўпаяди, унинг белгиси инсонларнинг фанга интилиши, уни эъзозлаши, фан кишиларини эъзозлашидир».

Воқеликнинг ноъмалум тамойилларини билиш ҳақида:

- Билиниши лозим бўлган барча ходисаларнинг йўли борки, унинг воситасида билимларга эришиш мумкину, - дейди.

Абу Али ибн Синонинг ақл тараққиёти босқичлари ҳақидаги фикрлари қизиққиш уйғотади. Унда учта босқич белгиланади: **биринчи босқич** – ақлий идрок бўлиб, унда ақлий категориялар тушунилади. **Иккинчи босқич** – икки томонлама идрокдир. **Учинчи босқич** – фикран идрок қилинадиган билимлар ўзлаштириб олинганда намоён бўлади. Умар Ҳайём ўз таълимотида илмий билишга алоҳида эътибор қаратади. У шундай дейди: Ақл-заковат нарса ва ходисаларнинг хусусий тасодифларини умумлаштирмаса, у ҳақда тасаввур ҳосил қила олмайди, нарса ва ходисалардан ажралиб қолган мавҳумликни умуман акс эттирмайди.

Ўрта асрлар қомусий олимларининг қарашлари таҳлилидан шундай хулоса қилиш мумкинки, уларнинг илмий дунёқараши мавжуд ташқи олам ва

унинг кишилар онгида акс этишини тан олишлари туфайли юзага келган. Улар билишнинг манбаини реал воқелиқ деб ҳисоблаганлар. Уларнинг фикрича, инсон билимларни уни ўраб олган оламдан олади ва улар (билимлар) ушбу оламнинг инъикосидир.

Яқин ва ўрта Шарқ қомусий олимларининг педагогик қарашлари таҳлили бу қарашларнинг яхлитлигини, уларнинг илмий билиш, инсонга бўлган муносабат ва унинг амалий фаолияти шалланиши ва ривожланиш усуллари билан боғлиқлигини кўрсатади.

Билиш фаолияти маънавият, маърифат ва миллий ғоянинг узвийлигини тушунтириш ўқитувчида катта маҳоратни талаб қилади. Энг аввало Маънавият нима? Бу саволга олимлар, зиёлилар қизгин изланиш олиб бораётганликларини айтиб ўтиш жоиз.

Ушбу мавзуга доир кўплаб, мақола мулоҳазалар эълон қилаётганлиги маълум. У Советлар тузуми даврида тилга олинмас, муҳокама қилинмас эди.

Маънавият – инсонни жамики бошқа мавжудотлардан ажратиб туришини англашимиз керак. Чунки инсон-табиатнинг гултожи, яъни юксак маънавият эгаси бўла олиш имкониятини назарда тутилади. Бу имконни бошқа жонзотларда кўрмаймиз.

Моддий нарсалар инсонга жисмоний озик берса – маънавият руҳий озик бағишлайди. Демак, маънавият – инсонни руҳий-ақлий олами, қалбдаги илоҳий нур, инсон виждонини уйғотадиган куч, қалбни улғайишга чорлайдиган куч, маънавиятсиз ҳаёт қоронғу бир хона, инсон салоҳиятини ўстириш масаласи. У инсоннинг ички яширин дунёсини акс эттиришдир. Инсоннинг ички дунёси эса гавхар тўла тубсиз денгиз сингаридир.

Маънавият қандай шаклланади? У она сути, она алласи, она меҳри қадриятлар аосисида шаклланади.

Маънавият оила муҳити, жамиятдаги ҳамжихатлик сиёсатдаги адолатпарварлик, инсоннинг унга амал қилиш натижасида вужудга келади.

Маънавиятсиз жамият, жамиятсиз маънавият ривожланмайди. Иқтисод, сиёсат, ижтимоий соҳаларда мавжуд бўлган муаммоларни маънавиятни ривожлантириш, унга таяниш орқали амалга ошириш мумкин. Демак, маънавият миллатни таракқиётга етакловчи, давлатни қудратини оширувчи омил саналади.

Маънавият маърифат билан уйғун ҳолатда ривожланиб боради. Маърифат - билиш, билим, таниш, маълумот, деган маънони беради ва маърифат инсон маънавий камолотининг асосий йўлидир.

Инсон камолотига ижобий таъсир этадиган ғояларни яратиш, тарғиб этиш-марифатпарварлик деб аталган. Шундай қилиб, маънавий омиллар маърифий тадбирлар асосида юритилиши керак.

Билимни эса маърифат йўли билан эгаллаш мумкинлиги уқтирилади.

Маърифий жараённи амалга ошириш шакллари ҳамда бунга таъсир қилиш омилларини ўқитувчи яхши билиши керак.

Киши ижтимоий моҳиятини билим ташкил қилиши, билимни эса маърифат йўли билан эгаллаш мумкин бўлганлиги учун, бу мавзуда маърифат тушунчасига берилган таърифни эслатиб, унинг турлари ва маърифий жараёни амалга оширувчи шакллари ҳамда бу жараёнга таъсир килувчи омиллар устида фикр юритилади.

Бинобарин маърифат деганда таълим-тарбия берувчи ва уларни ўқувчи орасидаги билим бериш ва билим олиш шаклида кечадиган ижтимоий муносабатлар тушунилиши қайд этилади.

Маърифатнинг куйидаги: мактабгача таълим, умумталим, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим, малака ошириш деган расмий турлари мавжудлиги айтилиб, уларнинг ҳар бирига алоҳида тавсифнома берилади, уларнинг ҳар биридаги таълим-тарбия беришнинг ўзига хос томонлари ажратиб кўрсатилади.

Инсондаги барча ижтимоий сифатлар асосан оила билан бир қаторда таълим-тарбия тизимида шаклланиши айтилиб, таълим-тарбия муассасаларидаги руҳий ва ижтимоий муҳит соғлом бўлиши кераклиги ўқтирилади.

Маънавият, маърифат ва миллий ғоя бир-бири билан узвий боғланган бўлиб, улар бир-бирини тўлдиради. Шу сабали уларнинг яхлитлигини таъминлаш ҳамда талабаларга тушунтириш лозим бўлади.

Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари фанлари ўртасида боғлиқликнинг моҳияти чуқур бўлиб, миллий истиқлол ғояси маънавият эканлигини тушунтиришнинг усуллари, ўқитувчи яхши эгаллаши керак.

Айни пайтда мустақиллигимизда ёт ғояларга қарши кураш малакасини шакллантириш усуллари билиш ниҳоятда муҳимдир.

Маълумки, Шарқ уйғониш даврида маънавий-маърифий соҳада асосий масала инсон муаммоси бўлган дидактик асарларда Шарққа хос бўлган инсоннинг ахлоқий, руҳий камолот олий даражадаги юксалиш муаммоси етакчи ғоя бўлган.

Қандай ғоялар етакчи ҳисобланган. Улар инсонийлик, инсонни улуғлаш каби ғоялардир.

Ушбу ғояни амалга оширишнинг асосий воситалари сифатида юксак ахлоқий одатлар, инсоний муносабатлар, инсоний ҳислатларни таркиб топтиришга олиб келувчи таълим тарбияни амалга ошириш муҳим масала қилиб қўйилган.

Инсонийлик ғояси – бу юксак ахлоқий ҳислатлар ифодаланганлиги учун ҳам Шарқ Уйғониш даври фалсафаси ва педагогикасида таълимий-ахлоқий йўналиш муҳим аҳамият касб этади.

Ахлоқ масаласи файласуфнинг ҳам, буюк мутафаккирларнинг ҳам, тарихчи-ю, шоирларнинг ҳам, адибларнинг ҳам бирдек диққат марказида бўлади.

Таълимий – ахлоқий рисоаларда ҳам назарий, ҳам амалий масалалар

таҳлил этилади. А.Навоий, Ю.Ҳожиб, А.Югнакий, А.Жомий ва бошқаларнинг таълимий-ахлоқий асарлари соф педагогик асарлар сифатида муҳим аҳамиятга эга.

«Қуръон» ва Ҳадисларни ўрганиш лозим, чунки уларда илгари сурилган ғоялар асосида илм, ахлоқ қоидалари турмуш одоби ёритилди. Ю.Х.Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асари 65 минг байтдан ёки 130 минг мисрадан иборат.

«Қутадғу билиг» бахт саодатга элтувчи билим, дидактик руҳда ёзилган таълим-тарбия, одоб-ахлоқ ва ҳикмат дарслигидир. Унда барча ижтимоий табақалар учун муамомала муносабати дипломатияга оид қоидалар, турли касб-эгаларининг касбу корига оид талаблар таълим-тарбия соҳасида ўзига хос ҳикматлар баён этилади.

Билим-зиё, билим-тенги йўқ жавоҳир, билим-заковат, билим ва заковат мукаддас дўст, меҳрибон қариндош, кийим ва озуқа. Ю.Х.Ҳожиб, Кайковус асарларида «Фарзанд туғилганда яхши от қўйиш, касб-ҳунар ўргатиш» керак дейилади.

Методик фикрлар тараққиёти жараёнида баркамол инсон тарбиясига оид тажрибаларни ҳаётга тадбиқ этишни қуйидаги йўналишда олиб бориш мумкин:

Барча педагогика таълим муассасаларида «Маънавият асослари» ўқув фанларини ўқитишда методик жиҳатига эътибор бериш;

Умумий таълим мактабларининг VII-IX синфларида таълим жараёнида методик жараённи кучайтириш.

Таълим самарадорлигини оширишда таълим тарбиянинг метод ва шаклларига оид тавсиялар ишлаб чиқиш.

Асосий эътибор қуйидаги талабларга риоя этишни назарда тутати:

-талабаларнинг (ўқувчиларнинг) миллий маърифий қадриятларни ўрганишга тайёргарлик даражасини ҳисобга олиш.

-таълим – тарбиядаги изчилликка риоя этиш.

-миллий маърифий ва умуминсоний қадриятларни уйғунликда ўрганишга эътибор қаратиш.

-Миллий маърифий ва умуминсоний қадриятларнинг устиворлигига эришиш.

-ақлий тарбия ҳақида ҳам, билимлар ўрганиш; тафаккурни ривожлантириш;

- ахлоқий – тарбияни (диёнат, сабр-тоқат, меҳнатсеварлик, ёмон иллатлар олдини олиш, интизом) янада кучайтириш.

- жисмоний тарбия (соғлом турмуш тарзи) ни кенг ташвиқот қилиш.

Ҳозирги шароитда ўқув жараёнини сифат жиҳатдан жиддий қайта қуриш лозим бўлади. Шу муносабат билан талабаларнинг билиш фаолиятини жонлантириш муаммоси алоҳида аҳамият касб этади.

«Билиш фаолияти» тушунчаси «ўқув фаолияти» тушунчасидан анча кенг. Билиш фаолиятининг мазмуний томони ўқув дастурларига асосланган формал ўқитиш доирасидан чиқади. Билиш фаолияти инсон курулланиши учун зарур бўлган билим, малака ва кўникмалар, шунингдек унга зарур бўлган ижтимоий фаоллик ва моҳиятнинггина эмас, балки билимларни мукаммаллаштириш, такомиллаштириш эҳтиёжларига боғлиқ равишда уни танлай олиш ҳамда ташкил эта олиш ва уни ҳаётга татбиқ этишни шакллантиришдир.

Билиш фаолиятини жонлантириш фақат билимларни ўзлаштириш жараёнини яхшилашгагина эмас, балки шахснинг энг муҳим сифати бўлган фаоллик ва мустақилликнинг шаклланишига ҳам йўналтирилган бўлиши зарур. Билиш фаоллиги индивидуал бўлади, у шахснинг туғма қобилияти эмас, балки унинг хатти – ҳаракатлари жараёнида шаклланади.

Талабаларнинг жонли билиш фаолияти учун қуйидагилар хосдир:

- билимга ва ўқув мақсадларига бўлган чуқур, ҳар томонлама қизиқиш;
- ақлий, жисмоний ва интеллектуал кучларни фаол намоён қилиш;
- диққат, хотира, ирода ва бошқа руҳий сифатларни тўплаш.

Талабаларнинг фаоллиги уларнинг мустақиллиги билан тигиз боғланган. Бу тушунчалар бир – бирини тўлдиради. Чунки мустақил ҳаракатларнинг ўзидаёқ шахснинг фаоллиги намоён бўлади, аксинча, фаоллик кўпинча мустақил ҳаракатларни тақоза қилади. Билиш мустақиллиги қуйидаги белгиларга эга:

- мутақил фикрлай олиш ва унга интилиш;
- янги вазиятларда мўлжални ола билишса ёки янги вазифаларни ечишга ўз ёндашувини топа билиш қобилияти;
- ўзлаштираётган билимларни нафақат тушунишни исташ, балки уни кўлга киритиш усулларини топиш;
- бошқа ишларни баҳолашда танқидий ёндашув;
- ўз ҳукмларининг эркинлиги.

Талабаларнинг билиш фаолиятини жонлантириш деганда, ўқитувчининг талабалар томонидан билимларни эгаллаш, малака ва кўникмаларни шакллантириш, улардан амалиётда фойдаланишга қизиқиш уйғотиш фаоллигини, ижодкорлигини, мустақиллигини ошириш мақсадида таълимнинг мазмунини, шакли ва усуллари, метод ва воситаларини такомиллаштиришга қаратилган фаолияти тушунилади.

**Таянч иборалар:** Дидактик қарашлар тарихи, билиш фаолияти, билиш фаолиятини жонлантириш, билиш ва ўқув фаолияти, таълим мазмунининг моҳияти,

### **Назорат учун саволлар:**

1. Билиш фаолияти тўғрисида Шарқ қомусий алломаларининг илмий педагогик қарашларини сўзлаб беринг.
2. Билиш назарияси нима?
3. Маънавият нима?
4. Маърифатни қандай кучайтириш керак?
5. Миллий ғоя мазмунини изоҳланг.
6. Билиш ва ўқув фаолияти деганда нимани тушунасиз?
7. Узвийлик нима?

### **9 -§. Ўқитишда илғор педагогик технологияларнинг роли**

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да кўп мартаба илғор педагогик технологияларни ўрганиб, уларни ўқув муассасаларимизда жорий қилиш зарурлиги тўғрисида уқтирилган. Кейинги вақтда педагогик адабиётларимизда «педагогик технология», «янги педагогик технология», «илғор педагогик технология», «прогрессив педагогик технология» каби

тушунчалар кўплаб қўллангани билан, уларнинг маромга етган таърифи хали берилмади. Мустакил Давлатлар Ҳамдустлиги мамлакатларида чоп этилган нуфузли луғатларда ҳам унинг тўлиқ таърифи келтирилмаган.

Хўш, педагогик технологиянинг ўзи нима? Унинг таълим жараёни самарадорлигини оширишда қандай роли бор?

Қуйида қатор педагог олим ва амалиётчиларнинг янги педагогик технологияга берган таърифларини келтирамиз.

В.П.Беспалько: «Педагогик технология бу уқитувчи маҳорати шахсини шакллантириш жараёни лойихасидир».

В.М.Моноков: «Педагогик технология-аввалдан режалаштирилган натижаларга олиб боровчи ва бажарилиши шарт бўлган тартибли амаллар тизимидир».

У.Нишоналиев: «Педагогик технологиянинг моҳияти дидактик мақсад, талаб этилган ўзлаштириш даражасига эришишидан иборат бўлиб, уни татбиқ этишни ҳисобга олган ҳолда таълим жараёнини илгаридан лойиҳалаштиришда намоён бўлади»

Н.Сайдахмедов: «Педагогик технология – бу ўқитувчи (тарбиячи)нинг ўқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида ўқувчи ( талаба) ларга муайян шароит ва кетма – кетликда таъсир кўрсатиш ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда олдиндан белгиланган сифатларни шакллантириш жараёнидир».

Б.Ғ.Зиёмухамедов: «Педагогик технология – бу жамият эҳтиёжидан келиб чиқиб, шахснинг олдиндан белгиланган ижтимоий сифатларини самарали шакллантирувчи ва аниқ мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнини тизим сифатида қараб, уни ташкил этувчилар, яъни ўқитувчи (педагог)нинг ўқитиш воситалари ёрдамида таҳсил олувчиларга маълум бир шароитда муайян кетма – кетликда кўрсатган таъсирини ва таълим натижасини назорат жараёнида баҳолаб берувчи технологиялашган таълимий тадбирдир».

П.Сокомото: «Педагогик технология бу мазмунли фикр юритиш усулини педагогикага сингдириш, бошқача айтганда педагогик жараённи муайян бир мажмуага келтиришдир».

Л.Голиш: «Педагогик технология – ўқув жараёнини технологиялаштиришни бутунлигича аниқловчи тизимли категория. Технологияларнинг барча, бошқа тушунчаларини белгилаш учун, синоним сифатида таълим технологияси, ўқитиш технологияси кабиларни ишлатиш мумкин.

ЮНЕСКО нинг таърифи буйича «Педагогик технология – бу таълим бериш ва уни эгаллашда техника ва инсон ресурсларини ўзаро узвий боғлиқлик ҳолда кўриб, бутун таълим жараёнини яратишда ва амалда қўллашда тизимли ёндашувдан фойдаланишдир».

Бу ерда асосий ғоя, асосий тушунча сўзсиз тизимли, яъни ҳар қандай нарса ёки воқеликка мажмуа сифатида ёндашув бўлмоқда. Бунда таълим-тарбия жараёнида иштирок этувчи барча ташкил этувчи таркибий қисмлар бир бутунликни ташкил қилувчи **педагогик технология деган мажмуанинг қисмлари бўлиб ҳисобланади.** Педагогик технологиянинг анъанавий услуб

(методика)лардан фарқи ҳам уни тўла-тўқис мажмуавий ёндашув назариясининг қонуниятларидан келиб чиққанлигидадир.

Педагогик технологиянинг анъанавий **таълим-тарбия услубларидан** афзаллиги, у таълим-тарбия жараёнини бир бутунликда кўриб, таълим-тарбия жараёнининг иштирокчилари ўқитувчи ва ўқувчи, **таълим мақсади**, унинг **мазмуни**, таълим бериш **усуллари**, таълим жараёнини **назорат қилиш** ва таълим натижаларини **баҳолашдек** бўлакларни ўзаро узвий боғлаб, мажмуа шаклига келтириб туриб, лойихасини аввалдан тузиб қўйилганлигидир.

Унинг анъанавий педагогик тизимлардан иккинчи фарқи ўқитувчилар томонидан, уларга берилган билимни ёдлаб олиб, айтиб беришга эмас, балки таълим ва тарбия жараёнининг якунида қандайдир бир амалий ишни бажаришга ўуналтирилганлигидадир.

Педагогик технологиянинг яна бир узгача хусусияти яхши лойихалаштирилган педагогик технология бўйича ҳар қандай ўқитувчи ҳам аъло бўлмасда, яхши дарс ўтиши мумкин. Чунки педагогик технологияни педагог олимлар тузиб, уларнинг маҳорати технологик жараён лойихасида ўз ифодасини топади. Аввалгидек, «дарсдан кўзланган мақсадга объектив сабабларга биноан етиб бўлмади» ёки «кутилмаган омилларга биноан дарс бузилди»ва шунга ўхшаш гапларга педагогик технологияда ўрин йўқ.

Педагогик технологиянинг юқорида айтиб ўтилган хусусиятларидан келиб чиқиб, унга қуйидагича изох бериш мумкин бўлади: Педагогик технология таълим-тарбия жараёнига янги ёндашув бўлиб, педагогика ижтимоий-муҳандислик онг ифодасидир. У педагогик жараённи техника имкониятлари ва инсоннинг техникавий тафаккури асосида дарснинг мақбул лойихасини тузиб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий ходисадир. Демак ижтимоий гуманитар фанларни ўқитишда педагогик технологияларнинг роли каттадир. Усиз кўзланган мақсадга етиб бўлмайди.

Жаҳон педагогик тафаккурида таълим-тарбияга бундай ёндашув янги бўлмай ХҮП асраёқ «Буюк дидактика»нинг муаллифи Ян Амос Коменский таълим жараёнини шундай шаклга солмоқчи бўлганки, «унда ҳар бир усул ва воситалар вақт жихатдан жойлаштирилиши керак эдики», «бутун педагогик жараён яхши соланган соат каби беҳато юриши керак» эди. Ҳозирги пайтда бу ижтимоий ходиса педагогик технология номини олиб, буюк педагог Коменский етмаган ниятга ХХI аср педагоглари етиб, бутун дунё ўқитувчи ва муҳандис-педагогларига дастурамал бўлиб хизмат қилмоқда.

Педагогик назариялар йиғиндиси ҳисобланган дидактикада катта ҳажмда назарий ва амалий билимлар тўпланган бўлишига қарамай, ХХ аср иккинчи ярмигача машҳур педагогларнинг биронтаси қайта тикланадиган, яъни издошлари томонидан улар ўтган юқори самарали дарсларини уларга ўхшаб ўтиш имконини берадиган педагог жараён андозаси ишлаб чиқилмаган. Бунинг сабаби машҳур педагоглар услуби таркибида ўзларининг шахсий сифатлари етакчи ўринни эгаллаганлигидир. Маълумки, жамият таркибида машҳурликка даъвогар буюк шахслар жуда ҳам оз. Бизга эса улар ҳар бир академик лицей ва касб-хунар коллежига ҳамда ҳар бир синф ва дарсхоналарига керакдир. Бунга етишишнинг битта йўли машҳур



педагогларнинг дарсларини, педагогик технология лойихасини тузиш ва кўпайтириш тарқатишдир.

Технология атамаси ишлаб чиқаришдан олинган бўлиб, унда минглаб технологик жараёнлар лойихалаштирилган. Улар керакли натижаларга эришиш гарови ҳисобланадилар. Бу технологиялар қўллаш вақтида худуд ва уларнинг ижрочилари ўзгарса ҳам, барибир керакли махсулот чиқараверади. Таълим-тарбия жараёнида ҳам шунга эришиш учун педагогик технология ишлаб чиқилди.

Бу иш биринчи бор АҚШ олимлари Б.Блум, Д.Кратель, Н.Гранлунд, Дж.Керрелла, Дж.Блок, Л.Андерсон ва бошқалар ҳаракати натижасида амалга ошди.

Таълим-тарбия усуллари орасидаги тафовутлар ва уларнинг педагогик технологиялардан фарқи масаласига келсак таълим мазмунини ўзлаштиришда ўқитувчиларнинг билиш фаолиятига муносиб равишда қуйидаги усуллар мавжуд: тушунтириш-иллюстратив (информацион рецептив), репродуктив, муаммоли баён, изланувчанлик ёки эвристик ҳамда тадқиқотчилик каби усуллари дир.

Ижтимоий-гуманитар фанлар, жумладан «Маънавий асослари» фани бўйича билиш фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш жараёни узатиш, қабул қилиш, англаш, ахборотни эсда сақлаш, олинган билимларни амалиётда қўллаш олишни назарда тутиб, барча усуллар ичидан тушунтириш – иллюстратив, изланувчилик – тадқиқотчилик ва **педагогик технология усуллари моҳиятини**, уларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлаб чиқамиз.

**Тушунтириш** усули энг кенг тарқалган анъанавий усуллардан ҳисобланади. У ўқитувчи томонидан муайян мавзуда йиғилган билимларни ахборот сифатида сўзлаб, кўрсатиб беришга, ўқувчилар томонидан эса, бу ахборотни қабул қилиб, эсда сақлаб қолишга асосланган. Бу билимлар эсда қанчалик қолган – қолмаганлигини синов ёки имтихон вақтида текширилади. Талабалар, асосан механик равишда эсда сақлаб қолган ахборотни қайтариб айтиб бериш билан чекланадилар. Бу билимлар фақат сўрагандагина эсга тушиб, оз вақт ўтиши билан эсдан чиқиб кетади.

Бу услда ўқитувчи томонидан ўқув дастурида берилган тайёр билимларни ўқувчиларга етказиб бериш ва уларни эсида қолиши учун машқлар ўтказиш билан кифояланади.

**Изланувчилик-тадқиқотчилик** усули, ўқитувчилар томонидан материални мустақил равишда эгаллашга асосланган. Бу усул, мустақил фикрга эга бўлган ва келгусида илмий фаолият билан шуғулланишга ўзини бағишланганларга асосан академик лицей ва касб хунар коллежларининг иқтидорли ўқувчиларига асқотади. Бу усуллардан фойдаланиб дарс берилиши натижасида билим олган ўқувчилар маълум даражада фан фидойиси бўлиб, бошқа дунёвий ишлардан озод бўлган бўладилар. Яъни эркин шахсга айланиб борадилар.

Ижтимоий-гуманитар фанларни жумладан «маънавий асослари» курсини ҳам ўқитишда қўлланилаётган педагогик технология махсули

(продуктив) дарс беришга асосланган бўлиб, ундаги усулларни эгаллашга асосланган. Педагогик технологияда дарс маҳсули билим олиш жараёни дарсни аниқ бўлақларга бўлиб, ҳар бир бўлагида ўқувчилар билиши шарт бўлган натижалар кўрсатиб борилади. Ўқув материали дарсни мақсадидан келиб чиқиб, модулларга бўлинган бўлади. Ҳар қайси модулга тест саволлари тузилади. Ўқув жараёни аниқ саволларга конкрет жавоблар топишга қурилган бўлиб, натижада бу жавоблар бир бутунликни, яъни қисмларнинг ички заруриятидан келиб чиққан алоқадорликларни ташкил қиладилар. Бу усул илмий асосда стандартлашган билимларни эгаллашга мўлжалланган.

Педагогик технологияда маҳсул (продуктив) усул қаторида изланувчилик – тадқиқотчилик усули ҳам ишлатилади. Мустақил эркин фуқороларни шакллантиришда халқ хўжалиги учун зарур бўлган маълум билим хажмига эга мутахассис ҳамда турли муаммоларни изланиб хал қиладиган тадбиркор кишиларни тарбиялаш керак бўлади. Бундай кишиларни тарбиялашда типик ҳаракатларга ўргатувчи маҳсули (продуктив) ва ностандарт вазиятлардан йўл топиб чиқиб кетишни ўрганувчи изланувчилик – тадқиқотчилик усуллари мос тушади. Бизга керак бўлган бу усуллар омиқтасидан педагогик технология унумли фойдаланади:

педагогик технология тамойилларининг биринчиси муайян дарс мавзусидан кутилган асосий мақсадни аниқлаб олиш;

иккинчиси-умумий мақсаддан келиб чиқиб, дарсни қисмларга яъни модулларга ажратиб, ҳар бир қисмнинг мақсадини ва қисмлар ичида хал қилиниши лозим бўлган масалалар тизимини аниқлаб олиш;

педагогик технология тамойилларининг учинчиси модул ичида ечиладиган масалаларнинг ҳар бири учун тест саволларини тузиб чиқиш;

тўртинчи тамойили-мақсадлар аниқ бўлиб, тест саволлари тузилгандан кейин мақсадга етиш усуллар танланиб, уларнинг аниқ ишлатиладиган пайти ва ўрни белгилаб олинади. Таълим жараёнига технологик ёндашув пайтида, аввал айтиб ўтканимиздек, мажмуавий ёндашув тамойилига биноан босқичлари орасидаги зарурий босқичларга алоҳида эътибор қаратилади. Бу педагогик технологиянинг бешинчи тамойили ҳисобланади.

Педагогик технологиянинг анъанавий услублардан **асосий фарқи**, уни мажмулар назариясидан келиб чиққанлиги бўлиб, у ушбу назарияни барча қонуниятларига бўйсунганлигидадир.

Педагогик технология Ўзбекистон маорифчилари учун нисбатан янги бўлганлиги ва у мажмуа ёндашув тамойилига тўлиқ асосланганлиги сабабли ҳамда мажмулар назариясини билмай туриб бу усулни тушуниб етиш қийин бўлганлиги учун, қуйида мажмуалар назариясининг энг асосий қонуниятларни кўрсатиб ўтишни лозим кўрдик.

Мажмуа деб, бир бутун яхлитликни ташкил қилувчи ва ўзаро узвий боғлиқ қисмлардан иборат маълум бир объект (нарса ёки ходиса) га айтилади.

Ҳар қандай мажмуа икки ёки ундан ортиқ таркибий қисмлардан иборат бўлиб, айни вақтда ўзи ҳам ўзидан юқори поғонада турган мажмуага таркибий қисм бўлиб қиради. Унинг таркибий қисмлари бир поғонадаги

мажмуалар ҳисобланиб, улар ҳам бир неча ташкилий қисмлардан (мажмуалардан) иборат бўлади. Бу ҳодиса чекли бўлиши ва чексиз давом этиши мумкин. Мисол учун, методикада кўргазмалилик мажмуа, у бир неча кодоскоп, проектор, компьютер ва таркибий қисмлардан ташкил топган.

Компьютер ҳам ўз навбатида мажмуа бўлиб, экран, корпус, клавиш ва бошқа қисмлардан ташкил топади. Компютер мустақил мажмуа бўла туриб, дарсда кўргазмалилик деган катта поғонадаги мажмуага қисм бўлиб киради. Ёки ўқувчиларнинг билимларини эгаллашини мисол қилиб оладиган бўлсак, у бир бутун мажмуа бўла туриб, бир неча таркибий қисмлардан ташкил топган, шу билан биргаликда ўзи баркамол инсон тушунчасининг бир қисми ҳисобланади. Ижтимоий ходисадан мисол келтирсак, тўй деган ижтимоий ходиса мажмуа ҳисобланиб, бир неча қисмлардан иборат. Шу билан биргаликда ўзи миллий урф-одатлар ва анъаналар деган мажмуанинг бир қисми ва хоқозо.

Табиатдаги ва жамиятдаги жамики объект (нарс ва ходиса) ларни ҳаммасига мажмуа сифатида ёндашса бўлади ва ёндошиш керак ҳам шу жумладан дарс деган ижтимоий ходисага ҳам.

Мажмуани ташкил қилувчи қисмлар деб, фақат ўзаро узвий (функционал) алоқадорликда бўлган қисмларга айтилади.

Мажмуани ташкил қилувчи қисмларнинг бир хусусияти ўзгарса, қонуний равишда бошқа қисмларнинг ҳам хусусиятлари ўзгаришларга учраса, уни функционал алоқадорлик дейилади. Масалан, «Маънавият асослари» фанида методологик асос ўзгарса, фаннинг олдиға қуйган мақсади ва кутилган натижа ҳам ўзгаради.

Мажмуада замон ва макон мавжуд бўлиб, вақт ўтиши ёки макон ўзгариши билан мажмуанинг баъзи бир хусусиятлари ҳам ўзгаради. Мажмуанинг ҳар бири фақат ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бири биридан шу хусусиятлар йиғиндиси билан ажралиб туради. Мажмуанинг хусусияти фақат бошқа мажмуалар билан алоқаларда намоён бўлади.

Боғлиқлик эса, фақат уларнинг намоён бўлишидир. Янги хусусиятни яратувчи алоқадорлик функция дейилади. Нарса ва ҳодисаларнинг функцияга бўлган нисбати функциянинг намоён бўлиш асоси, мажмуанинг ажралмас қисмидир.

Функциялар орқали мажмуалар ҳолати аниқланади. Мажмуа ҳолатларини кетма–кет намоён бўлишини жараён дейилади. «Жараён», «ҳолат» тушунчалари орқали мажмуанинг бир тизимдан иккинчи бир тизим билан аралашини ифодаланади.

Ҳар қандай мажмуа асосини алоқадорликлар ташкил қилади. Алоқадорликлар киши ихтиёридан ташқарида мавжуд. Субъектив, яъни инсон ҳошиш истагидан келиб чиққан ва уни тасавурида намоён бўладиган алоқадорликлар ҳам бўлади. Бундай алоқадорликни сунъий алоқадорлик дейилади. Сунъий алоқадорлик объектив қонуниятлардан келиб чиққан бўлиб, таркибий қисмларнинг ички зарурияти натижасида шаклланган бўлса, улар амалиётда ҳақиқийга айланади.

Мажмуалар ўз асосларига, яъни функционал алоқадорликлар проекциясининг шаклига нисбатан тартибли ва тартибсиз, масалан ўқитувчининг билим бериши тартибли, ўқувчиларнинг уни ўзлаштирилиши тартибсиз мажмуаларга мисол бўла оладилар; тезликка эга ва суст, мисол учун ўқитувчининг нутқи тезликка эга билимнинг талантга айланиши, суст мажмуалардир; икки қарама-қарши ва кўп томонлама яхшилик ва ёмонлик икки қарама - қарши томонли мажмуага мисол бўла олади, ахлоқ эса кўп томонлама мажмуага мисол бўлади; тикланувчи ва тикланмайдиган мажмуаларга доим аввалги холига қайтиб келувчи, мисол учун кеча-кундуз тикланувчи вақт эса тикланмайдиганларга киради; марказлашган ва марказлашмаган, агар мажмуа қисмлари боғлиқлик секторларининг ҳаммаси маълум бир қисмда кесишса, ундай мажмуа марказлашган бўлади, мисол учун оилада ота билан ҳамма ишлар боғлиқ бу маказлашган мажмуа, мажмуадаги қисмлар тенг ҳуқуқга эга бўлиб бир-бири билан тенг алоқадорликда бўлса, унда марказлашмаган мажмуа бўлади. Унга дўстлар давраси мисол бўла олади; бир ва кўп поғонали давлат қурилмаси кўп поғонали мажмуа, оила бир поғонали ва хоқозо гуруҳларга ажраладилар.

Кўриб турганимиздек мажмуалар назарияси анча мураккаб ва яхши таракқий этган назарий билимлар мажмуи экан. Уни эгаллаган ўқитувчи педагогик технологияни тўғри тушуниб, ҳар қандай таълим бериш шароитини тўғри амалга оширувчи бўлади.

Бу ерда биз мажмуалар назарияси билан чуқур шуғулланувчиларнинг кўп йиллик тадқиқотларини соддалаштириб, хусусият ва қонуниятлар кўринишида келтирдик холос. Аслида мажмуалар назарияси жуда ҳам шахобчалаб кетган назарий билимлар йиғиндисиدير. Унга аталиб ёзилган китобларнинг номлари юздан ортиб кетди.

Ҳар қандай таълим жараёнида мажмуалар назариясидан келиб чиқишлик, биринчидан, ишни бир неча ўн баробар осонлаштиради ва тезлаштиради. Иккинчидан, педагогик фаолиятни тўғри амалга оширишнинг гаровидир. Учинчидан, муайян объект (нарса ёки ходисалар)ни ўқитувчилар томонидан тез ва тўғри тушунилиб, самарали ўзлаштирилишига хизмат қилади.

Педагогик технологияда мажмуалар назариясидан келиб чиқишликни мажмуа ёндашув тамойили дейилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, методика бўйича тадқиқотлар олиб боришда замонанинг энг илғор усулларида бири хар бир объект (нарса ва ходиса) га мажмуа ёндашишдан фойдаланиш зарур. Акс холда тадқиқот анъанавий тус олиб, кечаги кунни ифода этиб қолади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, дарс ўтиш услубидан тадқиқотлар олиб бориш жараёнида педагогик технология тамойиллари марказий ўринда туриши шарт. Чунки у бутунлай дарсга мажмуадан келиб чиқиб ёндашувга асосланган.

Юқорида қайд этилган мажмуалар назариясидан келиб чиқиб таълим-тарбия жараёни асосий шакли ҳисобланган барча дарслар каби ижтимоий-гуманитар фанлардан дарс мажмуасини қуйидагича тавсифлаймиз:

- дарс ўзининг асосига кўра тартибли, чунки у аввалдан режалаштирилади, ва маълум мақсадга йўналтирилади;
- тизимга ва тезликка эга чунки у доим ривожланиб ўзгариб туради;
- икки томонлама хусусиятга эга таълим берувчи ва таълим олувчи;
- тикланувчи маълум бир дарсни қайтарса бўлади.
- мураккаб у иккитадан ортиқ элементдан ташкил топган;
- марказлашган, унинг марказида таълим олувчи шахси туради.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га асосан ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида ижтимоий гуманитар фанларнинг хажми ҳам, салоҳияти ҳам ортиб бормоқда. Бизнингча бундай жараён дунё таълим бозоридаги тенденцияларга мос ва уларга маълум даражада эквивалент, жаҳон андозаларига мос мутахассисларни тайёрлаш имкониятини беради. Таълим мазмунининг гуманистик парадигмаси ўрта махсус касбий таълимида ҳам шахсни ривожлантиришга қаратилган гуманитар технологияларни ишлаб чиқишни ҳозирги куннинг энг долзарб талабига айлантирди.

«Таълим жараёнининг гуманитар технологияси» тушунчаси ёшларни миллий истиқлол ғоялари ва мафқураси тарбиялашнинг кафолатланган мақсадларига эришиш қуроли олдиндан, лойиҳалаштирилган таълим- тарбия жараёнини бошқаришни ифодалайди.

У дидактик мақсад, талаб этилган ўзгариш даражасига эришиш, мафқуравий тарбиянинг натижаси ўлароқ, ёшлар ижтимоий онги, дунёқараши, хатти харакати ва характерида намоён бўлиш жараёнини олдиндан лойиҳалаштиришдан иборат бўлади.

«Гуманитар педагогик технологияларнинг тамойиллари» қуйидагилардан иборат: тарбияланганликнинг кафолатланган натижалари, қайтувчан алоқанинг мавжудлиги, ёшлар юриш-туруши, ахлоқи, турмуш тарзида, характерида, дунёқарашида миллий истиқлол ғояси ва мафқурасининг аниқ шаклланганлиги ва маънавиятининг юксаклиги билан белгиланади.

Гуманитар педагогик технологиялар, ўқув-билув фаолиятининг изланувчанлик характери тарбия жараёнига эвристик хусусият касб этади ва таълим-тарбия жараёнида юқори даражадаги муаммоли, муаммоли-ривожлантирувчи таълим методларидан, вазиятларни таҳлил қилувчи топшириқлардан фойдаланишни тақозо этади.

Гуманитар педагогик технологияларни ижтимоий гуманитар фанларни ўқитишда кенг кўламда кўллаш шароитида миллий истиқлол ғояси ва мафқурасини ёшлар онгига сингдириш тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш учун илмий ўқув методик мажмуалар яратиш, таълим-тарбия жараёнларини дидактик методик ва ташкилий жихатдан таъминлаш даркор. Гуманитар педагогик технологияларни ишлаб чиқиш қуйидаги кетма-кет босқичларни ўз ичига олади: аналитик, коцептуал мақсадли, мазмунли ва жараёнли.

Гуманитар педагогик технологияларни тузишнинг аналитик босқичларида “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва “Кадрлар тайёрлаш

миллий модели”дан ўқув предмети бўйича давлат таълим стандартлари, улардан келиб чиқадиган хулосалар, ёш авлодни миллий истиқлол ғояси ва мафкураси руҳида тарбиялашда таълим ва тарбия мазмунини танлаш ҳолатлари, тегишли машғулотларнинг умумий аниқ мақсадига эришиш учун таълимнинг ташкилий шакллари танлаш катта аҳамиятга эга бўлади.

Ўқувчи ёшларда зукколик, ақллилик ҳислатларини шакллантириладиганидан унинг мезонларига эътибор қаратиш даркор. Ҳозирги дунё таълим бозорида ақлли бўлиш учун фақат билим, иқтидор ва кўникмаларнинг ҳажми етарли эмас. Ақлли шахс деганда маълум малакага эга бўлган аналитик, ва синтезик фикрлай воқеликни индуктив ва дидуктив анализ қила оладиган, фикрлаш қобилиятига эга бўлган тадбиркор, интизомли шахс тушунилади. Шу ҳислатларнинг биронтаси етарли бўлмаса шахсни мукамал деб бўлмайди.

Ўқувчи шахс ҳам буюртмачи ҳам исьтемомли сифатида ҳамда ўз-ўзини бошқарувчи ва ўз-ўзини тўғри йўлга солувчи сифатида жуда ҳам ривожланган тизим ҳисобланади. Шахс “ички психолог” фаолиятини бошқаришда ички танлов мезонларига, тез-тез ўзгарувчан характерга эга. Шунинг учун ҳам айниқа ёш бўғинларни дастлабки ички ҳислатларида бирон бир хулоса қилишда шошилмаслик, умуминсоний, миллий, ватанпарварлик қадриятларга амал қилишни таъминлаш алоҳида аҳамият касб этади. Ёшларнинг мафкурамизга зид оқимларга қўшилиб кетишини олдини олишнинг бирдан-бир йўли уларни Ўзбекистоннинг миллий истиқлол ғояси ва мафкураси ғоялари билан қуроллантиришдан иборат.

Гуманитар педагогик технологияларни ишлаб чиқишнинг концептуал босқичида босқичли таълим тизими элементларида назарда тутилган асосий ғоялар ифодаланган хулосалар ҳисобга олинади. Аниқроғи ўрта махсус, касб-хунар таълим тизимининг, ўқувчи ёшлар ўртасида ўтказиладиган мафкуравий тарғибот ишларини ўзига хос талаблари, мезонлари ҳисобга олинади.

Гуманитар педагогик технологияни мазмунли босқичида таълим соҳалари, шунингдек ижтимоий гуманитар фанлар блок тизимидаги ўқув предметлари ва суҳбат мавзулари мазмунини танлаш тамойиллари ва мезонлари аниқланади ва танланган мезонлар асосида бевосита таълим ва тарбия мазмуни танланади, тизимлаштирилади ва турли жойларда тарқалиб ётган илмий, оммабоп ахборотлар ўқув тарбия ахборотларига айланттирилади.

Гуманитар педагогик технологияларни ишлаб чиқишнинг жараёнли босқичида ўқитувчи ёки тарбиячиларнинг вазибалари, ўқувчилар ва тингловчиларнинг ўқув фаолиятини бажарилишига йўналтирилган таълим ва тарбия шакллари, таълим ва тарбия методлари танланади. Бу жараённинг педагогик технологиясида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг тарғиботи ва эшитувчиларнинг ўзаро муносабатларида демократик усуллар ноанъанавий ташкилий шакллар ва тарбия воситаларини танлашга алоҳида ўрин берилади.

Гуманитар педагогик технологияларни тузишда анъанавий таълим ва тарбия методларидан нималарни олиш мумкин? Президентимиз И.А.Каримовнинг “Янгисини қурмасдан эскисини бузмайлик” ибораси таълим-тарбия тизимида ҳам бевосита таълуқлидир. Ижтимоий гуманитар

фанларни ўқитишда ўқувчилар ва эшитувчилар билан бевосита алоқа, оғзаки сўров, ёзма ишлар олиш, иншо, мустақил иш, суръатлар чизиш, шакллар яшаш, амалий ишларни хусусан контурли карталарни тўлдириш турли расмларни тасвирларни қоғоз, ёғоч, юнг, металл, пласмасса материалларидан тайёрлаш, мақола, изоҳли ўқиш, драмалаштириш, монологларни ҳаяжонли баён этиш тарзида олиб борилади Шу билан бирга миллий истиқлол ғояси ва мафкурасини янги дастурлар асосида ўқитувчилар онгига сингдиришда анъанавий методларнинг узи етарли бўлмай қолди. Хозирда таълим –тарбия жараёнини фаоллаштириш учун ўқувчилар ва эшитувчилар билан ишлашда муаммоли, дастурли, изланувчи методлардан кўпроқ фойдаланиш, амалий машғулотларда эса ишчан ва педагогик уйинларни куллаш, алохида–алохида индивидуал топшириқлар бериш, ўқувчилар ва эшитувчиларни яккама якка ва гуруҳий фаолиятларни уйғунлаштиришни амалга оширилиши зарур шартлардан бири бўлиб қолди.

**Таян иборалар:** Технология, ўқитиш технологияси, педагогик технология, таълимга технологик ёндашув, мажмуалар назарияси,

**Назорат учун саволлар:**

1. Педагогик технологияга таъриф беринг.
2. Педагогик технологияларнинг таснифларини асослаб беринг.
3. Янги педагогик технологиянинг тарихий тараққиёт босқичларини изоҳланг.
4. Янги педагогик технологиянинг ўзига хос хусусиятлари деганда нималарни тушунасан?
5. Кичик гуруҳларда қўлланиладиган интерфаол методларни машғулотларга татбиқ этишнинг аҳамияти асослаб беринг.
6. Таълимда қўйилган мақсадга эришиш учун қандай усуллардан фойдаланиш мумкин?
7. Замонавийлик ва илмийлик тушунчалари.

**10 -§. Маънавий асосларини ўрганишда янги педагогик технологияларни қўллаш методикаси**

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» да “илғор педагогик технологияларни яратиш ва ўзлаштириш ... илғор ахборот ва педагогик технологияларни жорий этиш учун экспериментал майдончалар барпо этиш” хақида кўрсатмалар берилади.

Юкорида биз педагогик технологияларни бир қатор таърифларини келтирган ва ЮНЕСКО томонидан эътироф этилган таъриф билан яқунлаган эдик. Иккинчи манбада ЮНЕСКО нинг “таълим технологияси – ўз олдига энг яхши натижа берадиган таълим шакллларини вужудга келтириш вазифасини қўйувчи техник ва инсон ресурслари ҳамкорлигини ҳисобга олган ҳолда дарс бериш ва билимларни ўзлаштиришнинг барча жараёнларини яратиш, қўллаш ва белгилашнинг тизимли усули” деган таърифи келтирилади. Бу таърифлар хилма-хил бўлишидан қатъий назар, улардаги асосий тушунча «тизимли усул» эканлиги аниқ.

Ҳозирги вақтда таълим мақсадлари, унинг мазмуни, ўқитиш ва таълим бериш методлари, назорат ва натижаларни баҳолашни ўзаро алоқада ва бир-бири билан боғлиқликда лойиҳалаш кўпинча анъанавий ўқув жараёнида етишмайдиган нарсадир.

Ўқув меҳнати эса бошқа меҳнат турлари каби ўзига хос билим, кўникма ва малакаларнинг шахсда шаклланишини талаб қилади, бунинг учун эса ирода, диққат, кузатувчанлик, фикр юритиш ҳаёл каби шахсий сифатларнинг тарбияланганлиги зарур.

Методист – ўқитувчи таълим самарадорлигини оширувчи омилларни тўхтовсиз таҳлил қилиш ҳамда қўлланиладиган методларнинг нечоғли мослигига тўғри баҳо бериш тамойилларини белгилаши ва олиниши зарур бўлган таълим натижасини англай ва ифодалай олиши лозим. Мана шу қоидаларга асосланиб таълим жараёни самарали бўлишини таъминлайдиган технология янги педагогик технология ҳисобланади.

Янги педагогик технология ҳақида бир қатор адабиётлар билан танишиш ва уни ўз ўқитувчилик фаолиятимизда қўллаш натижасида янги педагогик технологияларнинг ҳозирги вақтдаги тамойилларини бир қатор қўшимчалари билан қуйидагича белгиладик:

1. Муайян дарсдан кутилган асосий мақсадларни аниқлаш;
2. Мавзуни ва унинг ичидаги ҳар бир масалани модулларга ажратиш, яъни лойиҳалаштирувчи воситаларнинг энг зарурини танлаш;
3. Модуллар ичида ечиладиган масалалар бўйича тест саволларини тузиш
4. Методларнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлай билиш (таълим методлари); методикага оид адабиётларда ўқитиш методларига катта аҳамият берилади. Дидактика билан шуғулланувчилар методни ўқув жараёнининг ўзаги, кўзланган мақсад ва пироврд натижани боғловчи восита деб изоҳлайдилар.

Энди мана шу педагогик технологияни “Маънавий асослари” ўқув предметининг аниқ мавзуларини қўллаш ҳақида фикр юритамиз. Ўқув дастури ва қўлланмасидаги биринча мавзу “Маънавий асослари” фанининг премети, таърифи ва таркибий қисмлари” деб аталади.

Педагогик технология тамойилларининг биринчиси, муайян дарс мавзуси кутилган асосий мақсадни аниқлаб олиш бўлганлиги туфайли, бу мавзунинг умумий мақсадини қуйидагича белгиладик: мавзу ўқув предметининг назарий асосларини очиб беришга йўналтирилганлиги учун, бу предметни эгаллашнинг долзарблиги, маънавий тушунчасининг моҳияти, уни



шаклланиш босқичлари ва у билан узвий боғлиқ бўлган “маърифат”, “маданият” тушунчаларининг моҳият ва мазмунини очиб бериш, курсни ўзлаштириш методларини тушунтириш, шунингдек бу таълимий мақсад билан тарбиявий мақсад ҳам борки, унинг ўзагида баркамол инсон туради.

Демак таълим жараёнида иштирок этувчи ўқувчи шахси устиворлигини таъминлаш асосий вазифадир. Шу билан бирга ўқувчиларнинг маънавиятини юксалтириш, уларни билимли, эркин мустақил фикрлайдиган, ватанпарвар, инсонпарвар шахс қилиб етиштириш асосий мақсаддир.

### **Дарсга оид жихозлар:**

1. Дунё харитаси
2. Ўзбекистон харитаси
3. Луғатлар ( тушунчаларнинг изоҳлари)
4. Дастур ва ўқув қўлланмаси
5. Қўшимча адабиётлар, кўргазмали қуроллар, кодоскоп, мультимедиа
6. Плакат ва маркерлар

### **Дарснинг тузилиши:**

1. Ташкилий дақиқа
2. Топшириқларни бажариш вақти
3. Савол- жавоблар, изоҳлар
4. Баҳс – мунозара
5. Яқунлаш

Изоҳ: Дарс биринчи машғулот бўлганлиги сабабли ўқитувчи тайёрлаган карточкаларни ўқувчиларга олдиндан бериб кўяди. Топшириқ ва вазифаларни белгилайди. Керакли адабиётлардан қандай фойдаланишни тушунтиради. Ўқувчиларни эркин фикрлашга даъват этади. Дарсни ўтишда интерфаол методлардан фойдаланилади.

Синф тахтасига қуйидаги сўзлар ёзиб кўйилади:

**“Эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифадир. Бошқача айтганда биз ўз ҳақ- ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа – ходисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айни замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жихатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак”**

### **Ислом Каримов**

Педагогик технологиянинг иккинчи тамойили умумий мақсаддан келиб чиқиб, мавзуни модулларга ажратиш ва уларнинг ҳар бирининг мақсадларини ҳамда модуллар ичида ҳал қилиниши шарт бўлган масалалар тизимини аниқлаш, яъни лойиҳалаштирувчи воситаларнинг энг зарурларини танлашдир. Модуллашган педагогик технологиянинг характерли қирраларидан бири таълим мазмунини тартибга солишдан иборат бўлиб,

бунда барча ахборотлардан бевосита давлат таълим стандартлари доирасида ўқувчилар фаолиятини етарли даражада муваффақиятли амалга оширишни таъминлаш лозим.

Модул – педагогик технологияни ташкил қилувчи, таркибий бўлақларни ифодаловчи тушунча. Бу таркибий бўлақлар, яъни модуллар энг кичик бўлақлардан ҳамда уларнинг турли миқдордаги тўпламларидан иборат бўлади. Бунда энг кичик таркибий бўлақни энг кичик модул, бошқаларини эса ўз ичига қанча модулни олишига қараб, тегишлича даражадаги модуллар дейилади.

Модуллашган педагогик технологияни лойихалашган бир неча йўналишларда амалга ошириши мумкин. Биринчи йўналишда ўқув предмети бўлимлари ва мавзулари мантиқан тугалланган қисмларга ажратилади. Сўнгра ажратилган ҳар бир модул бўйича шу модулнинг ўзига тааллуқли бўлган фаолиятнинг мазмуни ва таъсир доираси аниқланади ва шу асосда модуллашган технологиянинг мақсади белгиланади.

Иккинчидан, ўқув предмети мавзуларининг айрим қисмлари модулларга ажратилади. Мазкур дарснинг биринчи модули “Маънавият асослари” ўқув предмети ўрганишга ижтимоий буюртма мавжудлигини ҳамда унинг билимларини эгаллашга ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий зарурият борлигини илмий асослаб беришга қаратилган. Бунга 15 минут вақт ажратилади. Бу қисмнинг мақсади талабаларда “Маънавият асослари” ўқув предметида қизиқиш уйғотиб, уларда бу фанни ўрганишга эҳтиёж шакллантиришдир. Бу қисмда қуйидаги икки саволга жавоб бериш кўзда тутилган:

а) мустақилликка эришган давлатнинг миллий маънавиятга бўлган талабини мавжудлиги;

б) маънавий бой бўлишнинг ижтимоий аҳамияти, сиёсий зарурлиги ва иқтисодий ютуқлари.

Иккинчи модулда “Маънавият” тушунчасининг мазмун ва моҳиятини очиб бериш мақсад қилиб олинганлиги туфайли, унга 40 минут вақт ажратилиб, унда ўзаро узвий боғлиқ бўлган қуйидаги саккизта масалани ҳал қилиш режалаштирилган.

Биринчиси ушбу фаннинг предмети нима эканлигини кўрсатиб бериш.

Иккинчиси “Маънавият” тушунчаси таърифини илмий асослаб бериш.

Учинчиси “Маърифат ва “Маданият” тушунчаларининг маъно ва мазмунини изохлаб бериш.

Тўртинчиси курсни ўрганиш методларини аниқлаб бериш.

Бешинчиси жамият ва шахс маънавиятининг ўзаро алоқасини илмий асослаб бериш.

Олтинчиси маънавиятнинг таркибий қисмларини кўрсатиб бериш.

Еттинчиси кадриятларнинг нима эканлигини тушунтириб бериш.

Саккизинчиси маънавият ҳақида Республикамизда қандай фармон ва қарорлар чиққан.

Учинчи модулга 10 минут вақт ажратилиб, унда мазкур дарсни хулосалаш ҳамда саволларга жавоб беришдек мақсад қўйилган. Кўриб

турганимиздек бу қисмда иккита хулосалаш ва саволларга жавоб бериш каби масалаларни ечиш талаб қилинади.

Тўртинчи модул ўқувчиларни баҳолаш бўлиб, унга ҳам 10 минут вақт ажратилган. Бу қисмнинг мақсади, ўтилган дарсни мустаҳкамлаш бўлгани учун мавзу устидан тузилган қуйидаги 13 саволни талабаларга бериб, жавобини балларга айлантириб, рейтингини журналда қайд қилиб қўйиш.

Бешинчи модул уйга вазифа деб аталган бўлиб, унга 5 минут вақт берилади. Ушбу вақтда ўқитувчи ўқувчилар уйда бажарадиган ишларни айтиб, уларни бажариш йўл йўриқлари кўрсатилади, уйга вазифа юзасидан саволлар бўлса, уларга ҳам жавоб беради. Шундай қилиб 5 та модулга 80 минут вақт кетади.

Педагогик технологиянинг учинчи тамойили саволларини тузишдир. Бизнинг мавзу 5 та модулдан ташкил топиб, биринчисидан 2 та, иккинчисидан 8 та учинчисидан 1 та масалани ечиш режалаштирилди. Тўртинчи ва бешинчи модуллар устидан тест саволлари тузилмаганлиги учун, олдинги учта модулнинг ҳар бир масаласига битта ёки иккита тест саволлари туздиқ. Улар 15 та бўлиб қуйидагилар:

1. Мустақил Ўзбекистон давлатида юксак маънавиятли фуқароларга эҳтиёж борми?
2. Ўзбекистонга маънавияти юксак кишиларга ижтимоий буюртма мавжудлигининг сабаби нимада?
3. Маънавий бой бўлишнинг ижтимоий аҳамияти нимадан иборат?
4. Маънавий бой бўлишнинг сиёсий зарурлиги нимада?
5. Маънавий бой бўлишнинг иқтисодий самараси
6. “Маънавият асослари” фанининг предмети нима?
7. Маънавият тушунчасининг таърифини аниқланг.
8. Маданият нима?
9. Маърифат нима
10. “Маънавият” нинг асосий таркибий қисмлари ҳақида нималарни билиб олдингиз?
11. Ислом Каримовнинг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” асарида мамлакатимизнинг янгилаш ва ривожлантиришнинг ўз йўли тўртта асосий негизга асосланишини изохланг
12. И. Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асаридаги миллий маънавиятимизга раҳна солувчи таҳдидларни асл мазмунини тушунтириб беринг.
13. Ўзбек халқининг бой маданий ва маънавий меросига нималар киради?
14. Маънавиятли бўлишнинг нима кераги бор?
15. Маънавиятнинг асосий тушунчаларига нималар киради?
16. Маънавиятни ривожлантириш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қандай фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қандай қарорларини биласиз?

Педагогик технологиянинг навбатдаги тўртинчи тамойили мақсадлар аниқ бўлиб, тест саволлари тузилгандан кейин, мақсадга етиш методлари танланиб, унинг мақсадга мувофиқлигини аниқлаш ва жойларини белгилаб

олишликдир.

Таълим тарбия жараёнига технологик ёндошув пайтида, аввал айтиб ўтганимиздек, мажмуалар назариясига биноан ўрганилаётган бир бутун объект ( нарса ёки ходиса) ни ташкил қилувчи бўлақлар орасидаги зарурий боғлиқликларга алоҳида эътибор қаратилади. Мақсадга етиш методларини танлашда мана шу тамойилдан келиб чиқиб мавзудаги мақсадга эришиш учун қуйидаги усулларни аниқладик. Буларга изланувчанлик – тадқиқотчилик усуллари қаторида, тушунтириш – иллюстратив усуллар ҳам киради. Мақсадга эришиш усулларининг жойлари ҳам чора тадбирларининг батафсил баёнини педагогик технология заминида яратилган дарснинг лойиҳасини берганда келтирамиз.

Шу билан 80 минутлик ўқув соати учун педагогик технология асосида олиб бориладиган дарснинг назарий лойиҳаси тузилди. Қуйида шу технология бўйича биринчи мавзунинг дарс лойиҳаси келтирилади.

“Маънавият асослари” фанининг предмети, таърифи ҳамда таркибий қисмлари” мавзусидаги 80 минутлик дарснинг лойиҳаси.

Модуллар номи ва тартиб рақами.

1. “Маънавият асослари” ўқув предмети ўрганишга ижтимоий буюртма сифатида қараш ҳамда бу билимларни эгаллашнинг ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий аҳамияти.
2. Маънавият ва у билан боғлиқ тушунчаларнинг моҳияти, таркибий қисмлари ва шаклланиш босқичлари, курсни ўрганиш методлари, жамият ва шахс маънавиятининг ўзаро алоқаси, яъни топшириқларни бажариш.
3. Хулоса
4. Баҳолаш
5. Уйга вазифа

Фойдаланиладиган асосий адабиётлар

1. Каримов И.А “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” Т., “ Шарқ” 1992 йил.
2. Каримов И.А “ Истиқлол ва маънавият” Т., “ Шарқ” 1996 йил.
3. Каримов И.А “Ўзбекистон буюк келажак сари” Т., “Ўзбекистон” 1998 йил.
4. Каримов И.А “ Ўзбекистон 21 асрга интиломда” Т., “Ўзбекистон” 1996 йил.
- 5.Каримов И.А. «Юксак маънавият – енгилмас куч» Т., «Маънавият» 2008 йил.
6. “Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” Т., “Шарқ” 1999 йил.
7. “Баркамол авлод орзуси” Т., “Шарқ” 1999 йил.
8. Эркаев. А “Маънавият миллат нишони” Т., “Манънавият” 1997 йил.
9. Зиёмухаммадов С ва бошқалар “Маънавият асослари” Т., “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” нашриёти 2000 йил.
10. Отамуродов С. Ва бошқалар “Маънавият асослари” Т., 2000 йил.
11. Носирхужаев С, Лафасов М, Зарипов М “Маънавият асослари” Т., “ Фан” 2006 йил.

## Қўшимча адабиётлар

1. Жалолов А. “Мустақиллик маъсулияти” Т., “ Ўзбекистон” 1996 йил.
2. Имомназаров М. “Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари” Т., “Шарқ” 1996 йил.
3. Иброхимов А. ва бошқалар “Ватан туйғуси” Т., “Ўзбекистон” 1996 йил.
4. Юсупов Э. “ Инсон камолотининг маънавий асослари” Т., “Университет” 1998 йил.
5. Зиёмухаммедов Б. “ Маърифат асослари” Т., “Чинор” ЭНК 1998 йил.
6. Назаров Қ. “Аксеология-қадриятлар фалсафаси” Т., “Маънавият” 1998 йил.

1-модулга методик тавсия: ушбу модулни тушунтиришда, асосан информацион рецептив усулдан фойдаланилади. “ Ақлий хужум” натижасида олдинги олган билимлар эсга туширилади. Шунингдек талабаларни янада фаоллаштириш мақсадида саволлар бериш йўли билан муаммоли вазиятларни келтириб чиқарилади, уларнинг эркин фикрлашларига йўл очиб берилди. Бу билан бирга хусусий кидириш, муаммоли баён ва ярим тадқиқотчилик усуллари ишга тушган бўлади.

Мазкур модулни фалсафийлиги, расмий хужжатларга таяниши, уни мураккаблаштириб, унда кўргазмали қурол талаб қилади. Педагогик технологиянинг асосий ғояси ҳар бир нарса ва ҳодисаларни тушунтиришда, уни узвийликда олиб бориш, яъни мажмуавий ёндашув тамойиллари асосида ўқув материални тушунтириб бериш экан, ундаги махсус тушунчаларни синф тахтаси ёки кодоскопнинг тиниқ плёнкасига тушириб, уларнинг орасидаги узвийликни вектор чизиқлари орқали кўрсатиб берса мақсадга мувофиқ бўлади.

1 – модулда ҳал қилиниши шарт бўлган саволлар.

1) Мустақилликка эришган Ўзбекистонда миллий маънавиятга бўлган эҳтиёжни мавжудлиги.

2) Маънавий бой бўлишликнинг ижтимоий аҳамияти, сиёсий зарурлиги ва иқтисодий ютуғи.

### Дарсинг матни

Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичи демократик тамойилларни тўла қарор топтириш учун жамият ҳаётининг барча жабҳаларида туб сифат ўзгаришлари амалга оширилаётганлиги билан белгиланмоқда. Бу улкан вазифани ҳал этиш фуқароларимиз ақлий фаоллигини ошириб бориш ва маънавиятини қарор топтириш билан боғлиқ ҳолда амалга оширилиши инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқатдир

Демократик жамият қуриш учун жамият маънавий ҳаётини маълум даражада ўзлаштириб, уни такомиллаштириш лозимдир. Одамларнинг маънавият, марифат, маданият, сиёсат ва бошқа бир қатор тушунчалар ҳамда илм фан тўғрисидаги тасаввурларни нечоғлиқ даражада илмий эканлиги, тўғри назарий негизга қўйилганлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу мураккаб вазифани ҳал этиш маълум маънода “Маънавият асослари” ўқув предметига юклатилган. Шунингдек, бу предметнинг “шу мўътабар заминда таваллуд топган ва тарбия топган шахс, ўзини айнан шу юрт фарзанди деб

билгувчи инсон ўз давлати, ўз халқи олдидаги, уни катта умидлар билан тарбия этган, вояга етказган жамият олдидаги бурчини адо этиши керак” деган ақидани ўқувчилар онгига сингдириши лозим.

Ёш авлодни замон талабларига мос даражада етук ва рақобатбардош мутахассис қилиб етиштиришда маънавиятнинг аҳамиятини ҳисобга олиб, Республика “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик марказини ташкил қилиш тўғрисида 1996 йил 9 сентябрда чиқарилган Ўзбекистон Республикаси Фармонидан келиб чиқиб, Ўзбекистоннинг барча ўрта махсус, касб хунар ва олий ўқув юртларида 1997 йилдан бошлаб “Маънавият асослари” ўқув предмети ўқитила бошланди.

Кўриб турганимиздек, эркин киши бўлиш учун унинг маънавияти юқори бўлиши керак. Бунинг учун эса ҳар бир киши ўз маънавиятини такомилли устида тинмай ишлаши шарт. Бугундан бошлаб сизларга ўқитиладиган “Маънавият асослари” ўқув предметидаги билимлар кишини ўз устида ишлаш сирларини очиб беради, яъни маънавий баркамол бўлишингизга илмий жихатдан йўл кўрсатиб беради.

Маънавий баркамол инсон бўлишликнинг ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий аҳамияти ҳам катта. Ижтимоий аҳамияти одамларнинг эгаллаган билимлари амалий фаолиятида такрорланавериб, унинг кўникмасига, сўнг малакасига ва ҳаёт тарзига айлангандан кейин, кишининг ижтимоий қуввати ошади. Ижтимоий қуввати юқори одамни жамият ичида обрўйи баланд ҳамда иймони мустаҳкам бўлади.

Сиёсий аҳамияти киши ҳаёти давомида диний, ахлоқ-одоб, табиий, касбий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа турдаги билимларни эгаллаб, уларни руҳига сингдириб олгандан кейин сиёсий қуввати ошиб, ўзини руҳан кучли ҳис қилади. Ўзини руҳан кучли ҳис қилган ва ақлий қувватига ишонган киши эркин бўлади ва бошқаларнинг шу жумладан бошқарувчиларнинг тазйиқига қарши тура олади.

Иқтисодий самараси биринчидан, киши эгалланган ҳақиқий билимларни, шу жумладан иқтисодиётдан, олган билимларини меҳнат фаолиятида қўллаши натижасида, унинг меҳнат самараси ошади.

Иккинчидан, кўп билган ва шу билимларни ҳаёти давомида мохирона ишлата оладиган киши ҳеч қачон янглишмайди. Бу эса уни ҳар турли шу жумладан иқтисодий бўҳронлардан сақлайди.

Учинчидан, маънавияти юқори одамнинг моддий бойликка бўлган эҳтиёжи жиловланган бўлади. Бу эса ортиқча харажатларга йўл қўймайди. Ундай киши тежамкор бўлади.

Юқорида айтилганларни англаб етган бўлсангиз, маънавиятингизни тинмай ошириб боришга жазм қилдингизми? Ундай бўлса яхши! Дарсимизни ушбу қисмида тушунмаган саволларингиз борми? Маънавиятни ўзи нима дейсизми? Жуда тўғри ва вақтида берилган савол. Дарсимизнинг навбатдаги қисми айнан мана шу саволга жавоб беришга йўналтирилган.

2 – модулга методик тавсия. Иккинчи, яъни асосий модулни тушунтиришда хусусий кидириш ҳамда ярим тадқиқотчилик ва муаммоли баён усулларидан фойдаланилади. Шунингдек тушунтириш – иллюстратив

усулдан ҳам жойи келганда фойдаланилади. Ўқитувчи ўқувчиларга савол бериб, уларни эркин, мустақил фикрлашга ундаши, саволлар ечимини айтаётганда ёки ўқувчилар фикрини етаклаётганда, ёшлар ҳаётидан жонли мисоллардан фойдаланиш яхши маърифий самара беради. Ҳар бир тушунчага изоҳ беришда ёки мураккаб таърифларни келтириб чиқишда албатта илмийликка, мантиқ қоидаларига риоя қилиб тушунтириш керак. Бу ерда ўқувчилар кўпроқ ишлатиши, уларнинг мустақил фикрлашлари учун синфни тўртта гуруҳга бўлиб ўзаро мусобақа тарзида саволларга жавоб қидириши мумкин. Саволлар ўқувчиларга қоғозга ёзиб тарқатилади ёки синф тахтасига ёзиб қўйилади. Эслатиб қўйишимиз жоизки, дарсни бошдан оёқ мажмуавий ёндашув тамойилининг қоидаларига бўйсунган ҳолда олиб борилиши шарт. Чунки бу ерда бешинчи тамойил, олиниши зарур бўлган натижани олдиндан тахмин қилиш, яъни мақсадни амалга оширилишига эришиш тамойили ишлайди. Акс ҳолда педагогик технология ўз моҳиятини йўқотади. Бунинг учун мажмуавий ёндашув тамойилларини ўқитувчининг ўзи яхши эгаллаган бўлиши керак. Уни билиб олиш учун Б.Зиёмухаммедовнинг Абу Али Ибн Сино номли тиббиёт нашриётидан 1999 йил чиккан “Илм хикмати” китобидан фойдаланса бўлади. (45)

## **2- модулда ечиладиган саволлар:**

1. Маънавият асослари фанининг предмети нима?
2. Маънавият тушунчасининг тўлиқ таърифини келтиринг
3. Маънавият сўзининг мазмун – моҳияти?
4. Маданият сўзининг маъно ва мазмуни?
5. Маънавиятнинг асосий таркибий қисмлари?
6. Жамият ва шахс маънавиятининг ўзаро алоқадорлиги қандай?
7. Қадриятлар нима?
8. Мамлакатимизда маънавиятни ривожлантириш ҳақида қандай Фармонлар ва қарорлар чиққан. Уларнинг моҳияти?

Биринчи саволга ўқувчиларнинг эркин мустақил жавоблари умумлаштирилиб, “Маънавият асослари” фанининг предмети, жамият инсон ва маънавият ўртасидаги муносабатларни, шунингдек маънавиятни шаклланиши, ривожланиши, кишилар фаолиятини йўналтириб туриши воситасига айлантириш сабабларини ўрганишдан иборат деб изоҳланади.

Иккинчи саволни ёритишда ўқитувчи: қани айтинглари маънавият ўзи нима? Дадилроқ. Ким жавоб беради? Фаолроқ қатнашинглари. Янглиш айтиб қўяман деб уялманглари. Бу савол анча мураккаб. Унга шу кунда етук олимлар ҳам тўлиқ жавоб беришга қийналмоқдалари. Бироқ биз биргаликда бу саволга жавоб топишимиз керак. Топамиз ҳам. Қани жавоб беринг. Яхши – яхши, жуда яхши. Синф тахтасига ёзаман. Саволга куйидагичи жавоблар тушди. Биринчиси, маънавият бу “ахлоқ”, иккинчиси, маънавият бу “ақллилик”, учинчиси маънавият бу “билимлилик”. Жавобларнинг барчаси умуман нотўғри эмас, аммо тўлиқ ҳам эмас бу табиий ҳол. Сизлар мураккаб бу тушунчанинг у ёки бу томони, яъни хусусиятларини айтдингиз, холос.

Диққат, маънавият ташунчасига таърифни биргаликда тузамиз. Бунинг

учун мен сизнинг фикрингизни қуйидагиларга қаратишингизни сўрайман. Сизлар эса, фаол фикр юритиб, менинг саволларимга сўзларимга эътибор беринг. Келишдикми? Жуда яхши! Бошладик. Бу тушунчага таърифни тузиш учун бир қатор майда аммо муҳим саволларга жавоб топишимиз керак.

Жумладан: Маънавият тушунчаси ўзи кимга тегишли? Қани? Жуда тўғри жавоб. Маънавият фақат инсон ва инсоният маънавиятига тегишли тушунча. Инсонни бошқа мавжудотлардан фарқи нимада? Тўғри маънавиятида. Аммо маънавият бу ҳосила. У ниманинг ҳосиласи? Жуда тўғри ақлнинг ҳосиласи. Шунинг учун қадимги алломалар инсонни лотинча номини “*Homosapiens*” деб қўйганлар, яъни “ақлли жонзод”. Бундай қараганда бу тушунча тўғрига ўхшайди. У маълум даражада тўғри ҳам. Аммо, фикр юритиб кўрайлик. ҳамма одамларда ақл бор, бири уни кўп ишлатади, бири озроқ, бири уни мутлақо ишлатмайди. Юқоридаги таърифга қараганда буларнинг барчаси ақлли жонзот. Ақлни ишлатса ҳам, ишлатмаси ҳам. Бу адолатдан эмас албатта 20 асрнинг 2 – ярмига келиб, инсонга берилган бу тушунча олимларни қаноатлантирмай қўйди. Шунинг учун улар унинг бошқача тушунчасини излай бошладилар ва топдилар. Қани, айтиб берингчи, одам ақлни юритиш натижасида нима содир бўлади? Қани баракалла, жуда тўғри, билмаганини билиб олади. Демак одам ақлини ишлатиши натижасида билмаганини билиб олар экан. Ақлни қанча кўп ишлатса, кишининг шунча билими кўпайиб бораверади. Ақлни ишлатмасачи, билимсиз бўлиб қолаверади.

Инсон бошқа мавжудотлардан ўзининг ижтимоий моҳияти билан ажралиб туришини билдик. Ижтимоий моҳият негизини билимлар ташкил қилиб уларни фойдали ва фойдасиз турларга ажратиш мумкин. Дарҳақиқат, ёлғон гапириш, ўғрилиқ қилиш, бошқаларни ҳақорат қилиш ва шунга ўхшаш номаъқул ишлар ҳам ҳаётда учрайди. Аммо улар фойдасиз, ижтимоий ҳаёт учун зарарли билимлардир. Жамият ривожини ватан равнақи учун фақат фойдали билим хатти ҳаракат ижодий фаолият зарур.

Фойдали билимларни эгаллашдан мақсад, аввало ўзига, сўнг яқин кишиларига ва бутун жамиятга наф келтиришдир. Муайян бир фойдали ишни киши ҳаётида кўп маротаба бажаравериш натижасида, бу фаолият унинг руҳига сингиб, маънавиятига айланиб кетади. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб маънавият тушунчасига қуйидаги таърифни берса бўлади.

Маънавият бу кишининг эгаллаган фойдали билимларини амалий ҳаётида синалавериш кўникма ва малака даражаларидан ўтган ва руҳига сингиб, ҳаёт тарзида акс этадиган ижобий ижтимоий одатлар мажмуасидир. Бу таъриф ўқув қўлланмасидаги таъриф билан солиштирилиб тўлдирилади.

Ўқувчиларнинг эркин ва мустақил ҳаракатлари натижасида уч ва тўрт саволлар орқали маърифат, маданият сўзларининг маъно ва моҳияти аниқланади. Маърифат – арабча сўздан олинган бўлиб билиш, билим, маълумот, илм, ирфон маъноларини берса, маданият эса шаҳар кенг демакдир. Француз олими А. Моль XX аср 60 йиллари охирига келиб маданиятнинг 250 дан ортиқ таърифи яратилганини таъкидлайди. Ўқувчиларга бу ҳақда «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва



тамойиллар» ( қисқа изоҳли тажрибавий луғат) китоби билан чуқурроқ танишиш тавсия этилади.

Бешинчи савол маънавиятнинг таркибий қисмлари бўлиб, бунга ўқувчилар навбатма – навбат ўз фикрларини билдирадilar. Ўқитувчи дин, фан, ахлоқ, маънавий мерос ҳамда қадриятлар маънавиятнинг таркибий қисмлари эканлигини ва уларнинг моҳияти мазмунини ўқувчиларнинг фикрлари асосида аниқлаштиради.

Олтинчи савол жамият ва шахс маънавиятининг ўзаро алоқадорлигига бағишланган бўлиб инсоннинг бугунги кунга қадар яратган жамики моддий ва маънавий бойликларини негизи унинг иккита асосига модда ва рухга таянган эҳтиёжлар эканлиги кўрсатилади. Бу ерда ўқитувчи ўқувчиларнинг эркин жавоблари ва мустақил фикрларини тўғри йўлга йўналтириб беради. Демак жамият ва шахс маънавияти бир – бири билан уйғун, чамбарчарс боғлиқ экан. Қайси жамиятда шахс маънавияти юқори бўлса, жамият тараққиёти ҳам тез ва шиддатли ривожланади.

Еттинчи савол қадриятларни очиб беришга қаратилган. Ўқувчилар қўлланма ва қўшимча адабиётларга таянган ҳолда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг маъно мазмунини аниқлаш ҳалқимизнинг тарбиясига улкан ҳисса қўшиб келган диний қадриятлар моҳиятини тушунтирадilar.

Саккизинчи саволда мамлакатимизда маънавиятни ривожлантириш учун қандай фармонлар ва қарорлар чиққани, уларнинг моҳияти аниқлаб олинади. Бу ерда ўқувчилар ўқув қўлланмасининг 22 бетида келтирилган материалларга ва шу билан биргаликда бир қатор қўшимча манбаларга, яъни газета ва журналларга эътибор қаратадilar. Президентимизнинг Фармоларини мустақил шархлайдilar. Ўқитувчи уларни йўналтириб рағбатлантириб туради.

Демак, юқорида келтирилган 8 та савол мавзунинг асосий мазмунини ташкил этади. Яъники педагогик технологиянинг муҳим шарти ўқувчиларни эркин фикрлашга, ўз устида тинимсиз ишлашга ҳамда ўз фикрларини эркин мустақил баён қилишга ўргатишдир. Юртбошимиз таъкидлаганидек «Одам эркин фикрлаганда, эркин ҳаёт кечиргандагина ўзининг бор салоҳиятини тўла – тўқис рўёбга чиқаради, ўз интилишларига мос йўлни танлаб олади. Фикри эркин одам у қайси соҳада ишлашидан қатъий назар, ўз ҳаётини ўзи ташкил қилиш, ўз ҳаётини ўзи ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлади».

Ўқитувчи бу ерда дережёрлик вазифасини бажаради, яъни масалаларни ҳал қилишда ўқувчиларни тўғри йўлга йўналтириб рағбатлантириб туради.

### 3 – модул – Хулоса

Бугунги дарсимизда хулосалаб, шуни айтиш мумкинки, ҳар бир инсон ўзи яшаётган жамиятнинг фаол аъзоси, ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб, унинг ижтимоий моҳиятининг такомили унда йиғилган билимлар ҳажми ва уларни амалиётда қанчалик ишлатиб кўникма ва малака ҳосил қилиб маънавиятига айлантириб улгурганлик даражаси билан белгиланар экан. Шунинг учун узлуксиз билим эгаллаб уларни тинмай амалиётда қўллаб бориш зарур. Акс ҳолда билим кўп бўла туриб, маънавияти паст бўлиши мумкин. Унда кишиларнинг руҳи доимо азобда бўлади. Гарчи улар давлатманд бўлганда

хам бу мутлоқ хақиқат. Оллох ўзининг ояти калимасида «Ким (фақат) шу хаётий дунёни ва унинг зебу – зийнатларини истайдиган бўлса уларга қилган амалларининг ажри мукофотини шу дунёда комил қилиб берурмиз ва улар бу дунёда зиён кўрмайдилар. Ундай кимсалар учун охиратда дўззах ўтидан ўзга ҳеч бир насиба йўқдир. Уларнинг бу дунёда қилган барча яхшиликлари беҳуда кетур ва қилиб ўтган амаллари бефойдадир» (122. 148 2-сура, 15-16 оятлар) Бу оятлар маъносини чақинг. Бунда кўп хикматлар бор.

Демак, жамиятимизнинг ижтимоий буюртмаси бўлган кишилар маънавиятини юксалтириш масаласини хал қилишда «Маънавият асослари» фани муҳим аҳамиятга эга экан. Шу сабабли ушбу фаннинг предмети, маънавият тушунчасининг тўлиқ таърифи маърифат, маданият сўзининг маъно ва моҳияти, маънавиятнинг таркибий қисмлари, жамият ва шахс маънавияти, кадриятлар ва Республикамизда бу соҳада қилинаётган ишлар ҳақида билимларга эга бўлдик. Бу ерда олтинчи тамойил яъни, таълим жараёнининг яхлитлигини таъминлаш тамойили ишга тушади. Ўқитувчи дарсни бир бутун яхлит ходиса сифатида кўради ва унинг барча механизмларини ишлатишни таъминлайди.

Эндиги вазифа ана шу билимларни маънавиятга айлантириш, яъни турмушда шунга амал қилишдан иборатдир.

4 – модул. Ўқувчиларнинг билимини баҳолаш

Ўқувчиларнинг ўтилган дарсдаги билимларни қайси даражада эгаллаб олганини аниқлаш ва синф жадвалига рейтинг балларини тушуриш мақсадида куйидаги сўров варақаси тарқатилади. Ўқитувчи уларни тарқатиб чиққач ўқувчилар ундаги саволларга жавоб берадилар ва ўқитувчига қайтарадилар. Жавоб варақаси қайтиб келмаган ўқувчи баҳоланмайди. Сўров варақаси олдинги берилган саволларни ўз ичига олсада, бирмунча мураккаброқ, ўқувчини ўйлайдиган ва изланишга мажбур қиладиган шунингдек, синфда баҳс мунозарага сабаб бўладиган қилиб тузилади.

Ўқувчилардан саволлар йиғиб олинган, уларни ўқитувчи умумлаштиради ва олдинги жавобларни ҳисобга олган ҳолда рейтинг балларини қўйиб чиқади ҳамда уларга изоҳ беради.

5 – модул. Уйга вазифа

Ўқитувчи дарснинг боришини умумлаштириб яқунлар экан йул қўйилган камчиликларни кўрсатади ва ўқувчиларга шу тарзда мурожаат қилиши мумкин:

«Тест саволларига берилган жавоблардан кўринадики, баъзи ўқувчилар дарсда диққат қилмай ўтирганлар. Натижада баъзи ўқувчилар саволларга нотўғри жавоб берганлар. Мухтарам ўқувчилар, мазкур дарсда мен сизларнинг мустақил ва эркин фикрлашларингизга асосланиб, дарсни олиб бордим. Лекин кўпчилик уни яхши эслаб қолган, баъзилар эса суст. Диққатсизлик билан ўтирганлар ололмай қолган билимлар ўрнини тўлдириш учун, шунингдек барчангизнинг эгаллаган билимларингизни кўникмага айлантириш учун берилган адабиётларни яна ўқиб, уларни дарс давомида ёзиб олган матн билан солиштириб туриб ўз фикрларингизни ҳосил қилишингиз зарур ва бу фикрларни қисқа матнлаштиришингиз шарт.

Саволлар борми? Эътиборингиз учун раҳмат. Омон бўлинг. Кейинги дарсда кўришгунча хайр!».

Шу билан саксон минутлик дарс якунланади.

Лекин ўқитувчи бу билан чегараланиб қолмаслиги керак. Чунки янги педагогик технологиянинг таълим жараёнига татбиқ қилиниши, таълим жараёнига бир қатор янги элементларни олиб киришни тақозо этади.

Биз тадқиқотчи С. Умаровнинг «Таълимга тестларнинг диагноз ва диагностик таҳлилнинг олиб кирилиши, билимларни кўп балли баҳолаш тизимида аниқлашга ўтиш, боб, бўлим мазмунини яхлит ҳолда ўзлаштиришни моделлаштириш, тизимга солинган назорат турларида ўқувчиларнинг ишлаши ва ниҳоят ноанъанавий дарс шаклларида вужудга келиши, биз бу пайтгача ўрганиб қолган анъанавий таълим ўрнига вужудга келган янги педагогик технологиялар бўлиб, улар янги фикрлаш тизимидаги таълимга ўтишни тақозо этади» деган фикрларига қўшилган ҳолда қуйидаги янги элементларни ўз фаолиятимизда синаб кўрдик ва унинг фойдали эканлигига амин бўлдик.

1. Диагноз (ташхис). Ўқувчиларнинг янги билимларини ўзлаштиришга қай даражада тайёр эканлигини аниқлаш. Чунки ҳар бир ўрганиладиган мавзуда ўқувчи ундан олдин ўрганилган билимларга таянади. Демак ўқувчини янги мавзуга олиб кириш учун тайёрлаш, агар, ундаги билимлар етарли билимлар мавзуга боғланмаган бўлса уни тайёрлаш лозим. Бу нарса ўқитувчида кунт билан ҳар бир мавзунинг кўламини ўрганишни ўқувчининг савияси қай даражада эканлигини билишни талаб қилади. Шу сабабли академик лицей ва касб хунар коллежларида соатбай ўқитувчиларнинг эмас балки бу ерда доимий ишлайдиган, ўқувчиси билан дарсдан кейин ҳам шуғулланадиган ўқитувчиларнинг натижаси яхши бўлмоқда ва рейтинги баланд.

Мавзуни режалаштиришда ўқувчи фаолиятига асосий эътиборни қаратиш зарур. Чунки янги педагогик технологиянинг асосий мақсади ўқувчиларни ўз устида ишлашга йўналтириш ва мустақил ва эркин фикр юритишни таъминлашдир.

Мавзуларнинг ички ва фанлараро боғланиши ҳар бир фандаги мавзулар, ички боғланишга, шунингдек бошқа фанлардаги мавзулар билан боғланган бўлиб улар бир – бирини тўлдиради. Айниқса «Маънавият асослари» фанидаги мавзулар турли фанлар билан боғланган. Уни ўқитувчи режада тўғри кўрсатиши, кераксиз такрорлашга ўрин қолдирмаслиги лозим.

Ўқув бирликларини (мезонлари) белгилаш. Ўқув бирликлари ўқувчи томонидан ўрганилиши лозим бўлган тушунчалар, таърифлар, қоидалар, терминлар, қонунлар, ходисалар, воқеалардан иборат бўлиб улар орасидаги боғлиқлиқнинг таъминланиши шу мавзу боб ва бўлимнинг ўзлаштирилишини таъминлайди. Ўқув бирликлари ўқувчи билиши зарур топшириққа айланиши лозим. Ўқитувчи ўқувчилар билиши лозим бўлган ўқув бўлимлар, бобларни, семестрлар бўйича аниқлайди ва рейтинглар назорат топшириғи вазифасини ўтайди.

Диагностик таҳлил. Ўқувчиларнинг билимлари, кўникмалари ва

малакалари бўйича камчиликларни аниқлаш уларни тўлдириш ва навбатдаги ўзлаштириш босқичига кўтарилиш мақсадида диагностикалаштириш амалга оширилади. Диагностикалаш куйидаги мақсадларда амалга оширилади:

- ўқувчилар ўзлаштириш даражасини диагностикалаштириш ;
- бўлимлардаги етишмовчиликларни олдини олиш;
- аниқланган етишмовчиликларни тўлдириш мақсадида махсус топшириқлар ишлаб чиқиш;
- махсус топшириқлар билан ишлаш соатларини белгилаш;
- якуний диагностик таҳлил қилиш.

Диагностика таълим технологиясининг навбатдаги босқичи бўлиб унинг асосий элементларидан ҳисобланади. Ўзлаштиришдаги камчиликлар сабабини аниқлаш, ҳар бир ўқувчининг билим даражасини аниқлаш, режанинг боришида тузатишлар киритиш йули билан таълим жараёнинг кафолатганлиги таъминланади. Диагностик таҳлил назорат турларидан тест сўровида амалга оширилади. Тест сўрови натижаларини диагностик таҳлил қилиш икки муҳим вазифани ҳал қилади:

1. Қайси ўқувчи қайси мавзуларда қийналади.

2. Ўқитувчи қайси билимларни кучайтириш лозимлигини аниқлайди


Тузатиш киритиш (коррекция). Бўлим бобнинг ўзлаштирилиши даражасининг диагностик таҳлили натижасида 50% дан кам кўрсаткич олинса ўқитувчи таълим жараёнининг боришига тузатиш киритиши лозим. Жумладан ўқитувчи диагностик таҳлил асосида ўқувчилар ўзлаштириши қийин бўлган мавзуларни аниқлайди, қайта ўрганилиши лозим бўлган мавзуларнинг янгича ўқитиш методикасини ишлаб чиқади. Ўқув режасига тузатиш киритишни соатларини белгилайди.

Қайта тўлдириш (нуқсонларни йўқотиш) қайта тўлдиришдан мақсад олинган билимлардаги нуқсонларни бартараф этишдан иборат. Қайта тўлдириш асосан амалий тадбиқий машғулотларда амалга оширилади. Шу мақсадда ўқитувчи ўқувчилар ўзлаштириш даражасидаги «тўлдиришни» амалга оширмоғи лозим. Бунда ўқитувчи танлаётган ўқув вазифасининг даражасини ўқувчиларда мавжуд бўлган реал билимларга мослаштириш зарур.

Кутилиши лозим бўлган натижани олиш. Бу элемент янги педагогик технологиянинг марказий ғояси ҳисобланади. Янги педагогик технология жараёни натижаси кафолатли бўлишни талаб қилар экан, ўқитувчи жараённинг аниқ тизимда боришини таъминлайди ва кўзланган натижага эришишни лойихалаштиради. Жараён бориши давомида узлуксиз таҳлил этиб борилади, тузатишлар киритилади, қайта тўлдирилади ва кутилган натижа олиншига эришилади.

Демек биз ўз фаолиятимизда қўллаган янги педагогик технология куйидагича тизимланади:

## **Янги педагогик технология тизими**



Янги педагогик технология ҳозирги кунда таълим жараёнини янги сифат кўрсаткичларига олиб чиқиши мумкин бўлган методлар тизимидир.

Дунёнинг ривожланган давлатлари таълим тажрибаси шуни кўрсатадики, янги педагогик технологияларга асосланган ҳолда таълимни ташкил этиш, ёшларнинг билим олишга бўлган қизиқиши ва эҳтиёжларини қондирибгина қолмасдан, юқори малакали кадрлар етиштириш, мутахассислар тайёрлаш вазибаларини ҳам ҳал этмоқда.

Ўқитувчи таълим жараёнида турли методлардан оқилона фойдаланиши, уларни мавзуларнинг содда ва мураккаблигига қараб, вақт имкониятларидан келиб чиқиб, амалиётга татбиқ этиши лозим.

Қуйида ана шундай интерфаол методларнинг бир неча хилини таҳлил ва тадқиқ этамиз.

“Мунозара” – фаол таълим усули бўлиб, муҳокама, маълум муаммо бўйича фикр алмашинув кўринишида ўтади. Агар ўқитувчи эркин мунозара ташкил қилмоқчи бўлса, у ҳолда фақат бошлаб беради, ўзи эса мунозарага аралашмайди, ҳакам ролида бўлади. Мунозарада муҳокама қилинаётган жараённинг ўзига урғу берилади ва ҳар бир ўқувчи ўз далилларини аниқ ифода этишга рағбатлантирилади.

«Нафис арра» деб аталувчи метод ёрдамида ўқувчилар ўрганиладиган материал бўйича маълум мустақил билимга эга бўлиши, жамоа билан ишлаш малакасини олиши, ахборот билан алмашиш ҳамда жамоа бўлиб қарор қабул қилиш кўникмаларига эга бўлади. Бунда ўрганиладиган материал номи доскага ёзилади ва қандай саволларга жавоб топиш лозим эканлиги тушунтирилади. Ўқувчилар 5 – 6 гуруҳга бўлинади ҳар бир гуруҳга ўрганиладиган материал бўйича мавзу берилади, мавзу гуруҳда ўрганилиб, муҳокама қилинади, улар орасида экспертлар танланиб, мавзу тушунтирилади ҳамда охирида ҳамма учун экспертлар баҳоларни эълон қилади натижалар асосида ўқитувчи ўқувчиларни рағбатлантиради.

«Ўз ўрнини топ» методи агарда аудиторияда бирор мавзу бўйича тортишувлар вужудга келса, бу метод ёрдамида муаммонинг ечимини топиш мумкин. («Ўз ўрнини топ» ) методи талабаларнинг ўз фикрларини мустақил баён қилиши, шунингдек, мулоҳазаларни қайта тиклашга имконият яратади. Уларда мулоқот кўникмаларини шакллантиради.

«Ўз ўрнини топ» методини қўллаш:

1. Аудиториянинг қарама – қарши бурчакларига иккита плакат осилади. Уларнинг бирига «РОЗИМАН», бошқасига «РОЗИ ЭМАСМАН» деган сўзлар ёзиб қўйилади. Плакатларга иккита бири – бирига зид фикр ҳам ёзиб қўйилиши мумкин. Масалан: «Эзгулик ва яхшилик иккови битта тушунчанинг икки хил шакли» ёки «Эзгулик ва яхшилик иккови икки хил, алоҳида тушунчалар».

2. Мазкур методнинг қонун – қоидалари тушунтирилади.

3. Талабалар қўйилган муаммо бўйича ўз фикрларига мос томонга ўтишиб, плакат ёнидан жой оладилар. Фақат талабаларнинг сони 20 тадан ошмаслиги керак.

4. Икки томонга ажралган талабалар ўз фикрларини исботлашга киришадилар. Бу пайтда, улар ўз фикрларини ўзгартириб, қарама – қарши томонга ўтишлари ҳам мумкин. Фақат улар нега бундай қилганлигини асослаб беришлари керак.

5. Иштирокчиларнинг фикр – мулоҳазалари тўлиқ эшитилгач, ўқитувчи уларни таҳлил қилиб, хулосалайди ва талабаларни баҳолайди.

6. Бундай метод воситасида битта мавзуга доир турли хил ёндашувлар мавжудлиги намойиш этилади.

7. «Ўз ўрнини топ» методи фақатгина аудиториялардагина эмас, балки табиат кучоғида, сайргоҳларда ҳам қўлланилиши мумкин.

**Таянч иборалар:** Таълимга янгича ёндашув, танқидий фикрлаш, модули ўқитиш, ўқитиш технологиясида илмийлик ва аниқлик, технология–методика

### **Назорат учун саволлар:**

1. Бугунги кунда педагог қандай бўлиши керак?
2. Билим нима ва уни қандай баҳолаш мумкин?
3. Педагогик технология тушунчаси нималарни ўзида мужассам этади?
4. Замонавий таълимда кенг қўлланаётган интерфаол методлардан қайсиларини биласиз?
5. Бугунги ўқувчи – талаба қандай бўлиши керак?
6. Моделлаштириш деганда нимани тушунасиз?

## **11 -§. Талабаларда маънавият асосларига боғлиқ нутқ маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш методикаси**

Маънавият асосларидан дарс берувчи ўқитувчи нутқи равон, талаффузи тушунарли, сўзларни бир-бири билан мантиқий боғлай оладиган,

аудияторияга қараб мослаша оладиган, сўзлаганда фикрни тушунарли қилиб берадиган, турли ортиқча сўзларни қўшмайдиган яхши нотик бўлиши талаб этилади.

Ўзбек халқи таълим-тарбияга оид бой меросга эга бўлиб, аждодларда ватанпарварлик, инсонпарварлик, камтарлик, меҳнатсеварлик, дўстлик, меҳроқибат, биродарлик, одоблилик каби умуминсоний фазилатларни тарбиялаб келган. Шарқ мутафаккирларининг маънавиятимизда тарбияга оид асарлари ҳам амалий мероснинг туб негизини ташкил этади.

Маънавиятимизга янгича назар билан қараб бошладик, ҳамда ўз ечимини кутаётган муаммоларни ижобий ҳал этишга уриндик.

**Нутқ маданияти жамият маданий тараққиёти, миллат маънавий камолотининг муҳим белгисидир. Мамлакатимизда маънавий-маърифий ислохатлар давлат сиёсатининг устивор йўналиши деб эълон қилинган бугунги кунда нутқ маданияти масалалари ҳар қачонгидан ҳам долзарб вазифа касб этмоқда. Республикаимизнинг «Давлат тили» ҳақидаги қонуни, «Таълим тўғрисидаги», Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва бошқа ҳужжатларда маънавий-маърифий тарбияга, тил масалаларига алоҳида эътибор берилган, ҳар бир кадр, энг аввало ўз она тилининг чинакам соҳиби бўлмоғи лозим.**

**Президентимиз И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги 10 сессиясида сўзлаган нутқида: «ўз фикрини мутлақо мустақил, ўз она тилида равон, гўзал ва лўнда ифода эта олмайдиган мутахассислик, авваламбор раҳбар курсисида ўтирганларни бугун тушунтириш ҳам оқлаш ҳам қийин» - деб таъкидлайди.**

Нутқ ҳақидаги таълимот қадимги Рим ва Афинада шаклланган бўлса ҳам, унга қадар Миср, Ассурим, Вавилон ва Ҳиндистон каби мамлакатларда пайдо бўлганлиги нотиклик санъати тажрибасидан маълум. Ўрта Осиё маънавияти тарихида ҳам нутқ ўзига хос мавқега эга эканлигини ёритишда қуйидаги маълумотларни талабалар онгига етказиш лозим. Шарқда жумладан тарғиб қилиш билан муштарак ҳолда сўзнинг аҳамияти, маъноси ва ундан ўринли фойдаланиш борасида кўп яхши фикрлар айтилган. Ана шу нуқтаи назардан қаралса, «нутқ одоби», «муомала маданияти» номлари билан юритилиб келинган «нутқ» тушунчаси жуда қадимдан олимлар, зиёлиларнинг диққатини тортган: Абу Райхон Беруний, Абу Наср Фаробий, Ибн Сино, Абу Абдуллох Ал Ҳоразмий, Махмуд Қошғарий, Махмуд Замахшарий, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Ахмад Югнакий, Сўфи Оллоёр Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий каби улуғ сиймолар нутқ одоби масалаларига умуман нутққа жиддий эътибор бериш билан бирга тилга, луғатга, граматикага ва мантиқшуносликка оид асарлар ёзганлар. Буюк комусий олим Абу Райхон Беруний (973-1048) ўзининг «Геодизм» асарида ҳар бир фаннинг пайдо бўлиши ва тараққий этиши инсон ҳаётидаги зарурий эҳтиёжлар талаби билан юзага келишини айтади. Грамматика, аруз ва мантиқ фанлари ҳам шу эҳтиёжнинг ҳосиласидир.

Маънавиятимизнинг буюк сиймоларидан бири Абу Наср Фаробий тўғри сўзлаш, тўғри мантиқий хулосалар чиқариш, мазмундор ва чиройли

нутқ тузишда лексикология, грамматика, мантиқнинг нақадар аҳамияти катталиги ҳақида шундай дейди:

«Қандай килиб таълим бериш ва таълим олиш, фикрни қандай ифодалаш, баён этиш, қандай сўраш ва жавоб беришга келганимизда, бу ҳақда билимларнинг энг биринчиси жисмларга ва ҳодисаларга исм берувчи тил ҳақидаги илмлар деб тасдиқлайман...».

Кайковус томонидан 1082-1083 йилларда яратилган қадимги Шарқ педагогикасининг ажойиб асарларидан бири ҳисобланган «Қобуснома»да ҳам нутқ одоби ва маданияти ҳақида ибратомуз фикрлар айтилган. Муаллиф фарзандларига қилган насиҳатлар орқали ўқитувчини ёқимли, мулойим, ўринли сўзлашга беҳуда гапирмасликка ундайди. Сўзлаганда ўйлаб, ҳар бир фикрдан келиб чиқадиган хулосани кўз олдига келтириб, гапириш кераклигини, киши камтар бўлишини, ўзини халқ орасида оддий тутиши лозимлигини эслатиб, маҳмадоналик қилиш, кўп гапириш донолик белгиси эмаслигини шундай ифодалайди: «Эй фарзанд, агар ҳар нечаким суҳандон бўлсанг, ўзингни билгандан камроқ тутгил, то сўзлаш вақтида нодон ва бевурд бўлиб қолмагайсан. Кўп билиб оз сўзлагил ва кам билиб кўп сўз демагил.

Адиб Аҳмад Юғнакий (XII-XIII) ҳам сўзлаганда нутқни ўйлаб, шошмасдан тузишга, кераксиз, ярамас сўзларни ишлатмасликка мазмундор сўзлашга чақиради. Нотўғри тузилган нутқ туфайли кейин хижолат чекиб юрмагил деб сўзловчини огоҳлантиради.

Маънавийтимизда нутқ одоби юритилган қоида ва мазмундор сўзлаш, эзмалик, лақмаликни қоралиш, кексалар, устозлар олдида нутқ одобини сақлаш, тўғри рост ва дадил гапириш, ёлғончилик, тилёғламаликни қоралаш ва бошқа шу каби мавзуларда сўз боради.

Алишер Навоийнинг «Мухокаматул-луғатийин», «махбул ул-қулуб», «назм ул-жавоҳир» асарлари ўзбек тилида нутқ тузилишининг гўзал намуналари бўлиши билан бирга унинг мукаммаллашишига ҳам катта ҳисса қўшди. Ўзининг махбуб ул-қулуб» асарида шундай дейди: “Тил мунча шараф била нутқнинг олатидур ва ҳам нутқдирки агар нописанд тилнинг офатидир”.

Маънавий нутқ соҳасининг одатий тил меъёрий ёндашуви қуйидаги хусусиятлари билан грамматик муносабатдан фарқ қилади.

А) нутқ маданияти одатий тил меъёридаги ўзгариб, бузулиб турувчи нутқий нуқсонларни юзага келтирувчи хусусиятларни топиши ва уларни тузатишга интилиши лозим;

Б) маънавий нутқ адабий тил меъёрини доим ривожланиб, ўзгариб турувчи ҳодиса сифатида текшириш ва адабий тил меъёри системасидаги янги ҳолатларни, шунингдек «ўлган» истеъмолдан чиққан ҳолатларни ҳисобга олиши керак.

В) Нутқ маънавияти адабий тил меъёри системасида қарама-қарши ҳолатларни белгилашни ҳамда тилни барча яруслари бўйича текшириш лозим.

Инсоннинг нутқ фаолияти уч кўринишда намоён бўлади.



Булар-сўзлаш, мутаало қилиш ва эшитиш.

Маънавий таракқиётимиз пойдевори Алишер Навоий ҳақида тарихчи Хондамир хабар беришича, кунларнинг бирида анча кексайиб колган Лутфий шогирди навқирон Алишердан ёзган янги шеърларидан ўқиб беришини сўраган. Навоий куйидаги малаъли ғазални ўқиган.

Оразин ёмоч кўзимдан сочилур ҳар лахза ёш.

Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳол бўлғоч куёш.

Бу ажойиб ғазалдан каттиқ хаёжонланган. Лутфий : «Агар мумкин бўлса эди, мен ўзимнинг форсий ва туркий тилларда айтган ўн икки минг байт шеъримни шу бир ғазалга алмашар эдим», - деган.

Бундан кўриниб турибдики Алишер Навоий ижодида маънавий нутқ қоидалари қиёмига етказиб баён этилган. Навоий маънавий нутқда сўзнинг хашамдорлигидан кўра, ҳаққонийлигини улуғлайди. Фикринг халқ учун фойдали ва тушунарли бўлсин десанг, содда тилда гапир дейди.

«Ҳамса»да келтирилишича бир деганни икки демас хуш эмас, сўз чу такрор топти дилкаш эмас. Яъни, гапирганда қайтариқлардан қоч, чунки улар фикрнинг таъсирини сусайтиради.

Тилнинг ижтимоий вазифаси-нутқий фаолиятда, нутқ сифатида кишилар ўртасида алоқа. Фикрлашиш, сўзлашишда яққол кўринади.

Ёзма нутқ услубий турлари илмий, бадиий, публистик, расмий-идоравий. Тилни халқ, миллат яратади, нутқни эса ҳар бир шахс яратади.

Ўқув дастурида кўзда тутилган мавзулар бўйича эгалланган кўникма ва малакалар сифатини аниқлашда ўқувчиларнинг ўтилган мавзунини ўзлаштириш даражасига асосланилади. Ушбу фаннинг мавзулари бўйича зарурий ва етарли билим даражасини белгиловчи топшириқ ва саволлар қуйидагилардир:

Тил ва нутқ:

1. Тил ижтимоий ходиса сифатида жамият таракқиётига қандай таъсир этади? Тил (сўз)нинг аҳамияти ҳақида адиблар нималар дейишган? Тафаккур ва тил тушунчаларининг фарқини тушунтиринг. Билим эгаллашда тил қандай вазифани бажаради?

2. Тил билан нутқ тушунчалари ўртасидаги фарқ нимада?

Нутқнинг материали нимадан иборат?

Саводхонлик нималарга асосланишини тушунтиринг. Нутқ маданиятига риоя қилиш нималарни талаб этади?

Адабий тил меъёрлари қанақа, улар қандай шаклларда намоён бўлади?

Нутқнинг тасвирий таъсирчан воситаларига мисоллар келтиринг.

3. Нутқ одоби тушунчасини шарҳлаб беринг.

Ўзаро муомалада субъектив муносабатни қайси шаклларда ифодалаш мумкин?

Расмий муомала билан норасмий муомала қандай фарқ қилади?

Имо-ишорани қўллаш ҳар доим зарур деб ҳисоблайсизми?

Нутқ маданияти билан адабий тил меъёрлари ўртасидаги боғланишни амалга ошириш учун нутқнинг аниқлиги ва нутқнинг мантиқийлигини тушунтириб бериш лозим. Шунингдек, нутқнинг софлиги, нутқнинг

таъсирчанлигини ошириш йўллари қандайлигини ўқитувчи изохлаб бериши лозим.

Ушбу мавзуни ёритишда нутқий фаолият турлари ва уларда адабий тил меъёрларига амал қилишни таъкидлаб ўтиш жоиз: диалогик нутқ шакли, унда муносабатларни ифодалаш усуллари, унда нутқ маданиятига эътибор бериш. (Савол-жавоб орқали тасдиқ эътироф ва маъқуллаш, эътироз билдириш, рад этиш, мулоҳаза билдириш); диалогда тил воситаларидан, мажозий ифодалардан сўзларни қўллаш, имо-ишоралардан унумли фойдаланиш, гапнинг таъсирчанлигини ошириш имкониятлари; монологик нутқ шакли, унда нутқ маданияти мезонларига амал қилиш; тавсифий матннинг тузилиш ва шакллари; ахборот ва маъруза матни тайёрлаш матн устида ишлаш. Шунингдек фикр-мулоҳаза, тушунтириш, изохлаш, асослаш, исботлаш баёни, нотиклик маданияти меъёрлари кенг ёритилиб берилиши лозим.

**Таняч иборалар:** Нутқ турлари, адабий талаффуз, цитата, эсталиклар, нутқда шахсий фикр, монолог, диалог

#### **Назорат учун саволлар:**

- 1.Тил (сўз)нинг ахамияти ҳақида адиблар нималар дейишган? Тафаккур ва тил тушунчаларининг фарқини тушунтиринг.
- 2.Билим эгаллашда тил қандай вазифани бажаради?
- 3.Тил ижтимоий ходиса сифатида жамият тараққиётига қандай таъсир этади?
4. Тил билан нутқ тушунчалари ўртасидаги фарқ нимада?
- 5.Нутқнинг материали нимадан иборат?
- 6.Саводхонлик нималарга асосланишини тушунтиринг. Нутқ маданиятига риоя қилиш нималарни талаб этади?
- 7.Адабий тил меъёрлари қанақа, улар қандай шаклларда намоён бўлади?
- 8.Нутқнинг тасвирий таъсирчан воситаларига мисоллар келтиринг.
9. Нутқ одоби тушунчасини шархлаб беринг.
- 10.Ўзаро муомалада субъектив муносабатни қайси шаклларда ифодалаш мумкин?
- 11.Расмий муомала билан норасмий муомала қандай фарқ килади?
- 12.Имо – ишорани қўллаш ҳар доим зарур деб ҳисоблайсизми?

#### **12 - §. Маънавий асосларидан ўтказиладиган мустақил ишларни ташкил этиш методикаси**

Таълим тизимини қайта қуришнинг асосий йўлларида бири талаба (ўқувчи)нинг хусусиятлари, имкониятлари лаёқати ва қобилиятларини эътиборга олган ҳолда уни шахс сифатида максимал ривожлантиришга

қаратилган таълимдир. Қачонки жамиятнинг ҳар бир инсони ўзининг интилишлари, қобилияти ва имкониятларига лаёқати ва қобилиятлари эътиборга олинган ҳолда уни шахс сифатида максимал ривожлантиришга қаратилган таълимдир. Қачонки жамиятнинг ҳар бир инсоннинг ўзини интилишлари, қобилияти ва имкониятларига кўра ҳаётда ўз ўрнини топа олган шароитдагина ривожланувчи жамиятни барпо этиш мумкин. Маълумки, шу кечаю – кундузда жамиятдаги инсоннинг тўлақонли фаолияти, яъни унинг ҳар кунги ҳаёти, ишлаб чиқариш фаолияти, ундан юқори даражадаги маънавий ривожланиш ва умумий маданияти талаб қилинади. Шунинг учун бизнинг асосий вазифамиз – ёшларни билимга ундаш, фаолиққа чақириш, амалий фаолиятнинг ҳар бир турида билимларнинг муҳимлигини кўрсатиш, мустақил ишга ўргатиш, ҳар бир мутахассисга–илмий ходимга, педагогика, шифокорга, муҳандисга, иқтисодчига ва бошқаларга муҳимдир. Демак, замонавий мактаб олдида болаларга ёшлигидан, бошлаб мустақил, фаол мустақил иш талабини сингдириш вазифаси турмоқда.

Маънавият асослари учун дарслик ва ўқув қўлланмалари, ўқитувчи учун қўлланмалар ва талаба (ўқувчи)лар учун қўлланмалар ўқув материаллари орқали талаба (ўқувчи)ларга маънавият асосларини ўргатиш муаммосига тўхталиб ўтамиз. Дидактика ва таълим методикасининг хусусий масалаларига бағишланган ишларда дарс самарадорлигини оширишда маънавият асослари умумий ҳолда кўзда тутилади.

Илм-техника ва ҳаётнинг замонавий ривожланиш даражаси мактаб олдида ўсиб келаётган авлодларга таълим – тарбия бериш жараёнини узлуксиз такомиллаштириш вазифасини қўймоқда. Педагоглар ва методистлар илғор ўқитувчилар билан биргаликда матонат билан дарсни ташкил этиш йўллари, шакллари ва услубларини излашмоқда, билим ва кўникмалар сифатини кўтариш шароитларини ишлаб чиқмоқда. Бундан ташқари кўпгина тадқиқотларда таълим жараёнини ва ўқув фаолиятини интенсификациялаштиришни ташкил қилишнинг энг унумли ва қулай усули аниқланмоқда, талаба (ўқувчи)ларнинг ақлий ривожланиш резервларини очишга ҳаракат қилинмоқда.

Маънавият асослари фанидан мустақил ишни ташкил этиш муаммоси педагогик, психологик, фалсафий, иқтисодий-ижтимоий нуқтаи назардан қўйидагиларни ўз ичига олади:

- а) маънавиятда ижодиёт тузилиши ва шаклининг пайдо бўлиши;
- б) ақлий ҳаракатлар ва ақлий фаолият йўлларини, усулларини шакллантириш;

Методист олимларнинг ишларини кўриб чиқиб шундай хулоса қилиш мумкинки, талаба (ўқувчи)ларнинг мустақил иши ўқитувчи раҳбарлигида, мақсадли ташкил қилинган фаолият жараёнида самарали ривожланади. Ўқитувчи раҳбарлигида таълим жараёнида умумийлаштириш, мантиқий боғлаш билимлари ривожланади ва бу педагогик жараёнда ўз аксини албатта топади.

Таълим жараёнида бундай шароитларнинг яратилиши муаммони ҳал

этишда ўрганилаётган билимларни ўзи учун очиш, муаммони мустақил ҳал этиш кўникмасини ривожлантириш, муаммони яқиндан кўра билиш ва уни ҳал этишни билиш, олинган натижаларни вужудга келган муаммони ҳал этиш жараёнида ишлатишни билиш учун талаба (ўқувчи)га имкон яратади.

Маънавий асосларини шакллантиришга оид муаммони ҳал этишда методиканинг бирламчилиги шундаки, ўқувчининг мустақил иш маҳсус методик қонуниятлар асосида шаклланади.

Аммо мустақил иш инсон билан бирга туғилмайди. Ёшларда шу хусусиятларни тарбиялашда мактаб катта аҳамият касб этиши керак.

Маълумки, маънавий муаммоси, мустақил иш муаммоси, мустақил шахс муаммоси умумий таълим ва касб-хунар мактаблар ислохотининг асосий йўналишларида акс эттирилган.

Ҳозирги вақтда методикада таълимнинг ривожлантирувчи роли алоҳида ўрганилмоқда. Таълим шундай ташкилий вазифа бўлиб турмоқдаки, унда талаба (ўқувчи)лар энг юқори ва тез ривожлана оладиган, уларда мустақил таълим ва билим олиш учун ўзига хос қобилиятни шакллантира оладиган бўлиши лозим. Ушбу вазифаларни бажаришда талаба (ўқувчи)ларда мустақил ишни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Анъанага кўра ўқитувчи ҳозиргача дарсда яхши бажарувчиларни тайёрлашни мулжаллайди ва талаба (ўқувчи)га ўрганилаётган мазмунинг мазмуний билимини беради, лекин ушбу мазмунни билимларни ишлатиш услублари айниқса, мақсадга мувофиқ ишлатиш услублари ҳақида билим берилмайди. Асосий сабаблардан бири бу ерда–билимларни мустақил эгаллашни ташкил этиш бўйича илмий асосланган тавсияларнинг етишмаслиги, таълим жараёнидаги шу каби илмий муаммоларнинг ишлаб чиқилмаганлигидир.

Тадқиқотларда ўқувчининг ўқув фаолияти қулай шароитда, уларнинг ақлий фаолиятини фаоллаштириш услуб ва турли воситалардан фойдаланган ҳолда кечади. Демак, таълим услублари ўқувчидаги ижодий фаолиятни ривожлантиришга қаратилиши, ишнинг турли услубларини мужассамлаштириши лозимдир.

Ўтказилган тадқиқотларда шахс маънавиятини шакллантириш жараёнида методик асослар, муаммоларни танлаш ва ушбу жараёнда мустақил ишни ривожлантирувчи воситалар ишлаб чиқилмаган. Мустақил ишни ривожлантирувчи ўзига хос хусусиятлар ўрганилган. Талабалардаги маънавий ривожланишнинг психологик табиатини ўрганилиши, ушбу ривожланишнинг асосий қисмларининг аниқланиши ижодий ишни ташкил этиш умумий шартларини чуқурроқ ўрганишга имкон яратади.

**Мактабда маънавий асосларини муаммосиз тасаввур қилиш қийин, чунки берилган ҳар бир муаммо назарий қондани ўз ичига олади. Айнан вужудга келган муаммонинг ечимини ўрганилаётган назарий материални тушуниб олишга асосий қондаларни талаба (ўқувчи)лар хотирасида мустаҳкамлашга имкон яратади, кейинги ўрганилаётган назария учун шароит яратади.**

Ушбу адабиётларнинг тахлили шуни кўрсатадики, маънавийтни

ўргатиш жараёнидаги, айнан мустақил ишни ташкил этиш назарий асослари, услубиёт тизими ушбу мақсадга эришиш учун бугунги кунда тўлиқ, керакли даражада ишлаб чиқишни талаб этади.

Маънавият асослари дарсларида мустақил ишларни ташкил этиш моҳияти ва унинг масала ҳал этишда жараёнида ривожланиш даражаси ноаниқ бўлиб қолмоқда. Мустақил ишнинг қандай элементлари таълимнинг мазмуни, услуби ва ташкилий шаклларига, айнан масала қўйилишига кўпроқ муҳим таъсир кўрсатиши ҳақида дидактика тўлиқ маълумотларга эга эмас.

Бунинг учун маънавият асослари дарсларида мустақил ишни ташкил этиш йўллари ва шартларини аниқлаш, танланиши ва аниқ услубий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Талабаларнинг мастақил ишни ташкил этиш учун педагогика, фалсафа, мантиқ, психология ва бошқа бир қатор фундаментал фанларда ўрганиладиган ишнинг хусусиятлари ва қонуниятларини билиш керак.

Талабалардаги мустақил ишлаш уларнинг билимларнинг ҳақиқий ҳаётдан, аксинча ҳаётдан ажралмаган ҳолда дунёни чуқурроқ, тўлароқ ўрганиш имкон яратади.

Мустақил ишни ривожлантириш билан бўлган барча йўналишлар икки асосий йўналишда олиб борилмоқда.

**Биринчи йўналишда** мустақил ишнинг турли ташқи кўриниши ва унинг ўзига хос хусусиятлари таърифланди. Шу нуқтаи назардан муоммоларнинг ўрганилишига кўп олимларнинг ишлари бағишланган.

**Иккинчи йўналишдаги изланишлар** ижодий ишнинг механизми, ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва тушунтиришга бағишланган. Бунда, мустақил ишни шахс хусусиятлари (қасбга бўлган қизиқиш, шахс учун ижодий ишнинг аҳамияти, шахснинг ёшига хос бўлган хусусиятлар) билан боғлашга ҳаракат қилинган.

Маънавият асосларни ўрганишда талаба (ўқувчи)ларда мустақил ишни услубиёти ишлаб чиқилганлиги кенг фойдалинса, талаба(ўқувчи)ларда чуқурроқ мустақил иш, мустақиллик, танқийдилик каби иш хусусиятлари тарбиялашга имкон яратади. Л.С.Вьгоодскийдан кейин психолог ва дидактларнинг кўпчилиги ўргатиш–ривожланиш манбаси, талаба(ўқувчи)ларнинг **билими** ва **билиши** – уларнинг ривожланиши учун муҳим шартларидан биридир даб ҳисоблайдилар. Бунда ўқитиш жараёнида «яқиндан ривожлантириш майдони»ни кўзда тутиш муҳимдир, яъни талаба(ўқувчи)ларнинг эгаллаган маънавий ривожланиши даражасини этиборга олиш ва уларни кейинги енгилроқ майдонга силжитиш керак. Ушбу майдонни аниқлаш учун Л.С.Вьгоодский икки кўрсаткичдан фойдалинишни тавсия этади:

- 1) боланинг янги билимларини катталар ёрдамида эгаллаши;
- 2) боладаги ўзлаштирилган билимларни мустақил ечимга кўллаш, тадбиқ этиш қобилияти.

Вьгоодскийнинг таклифларини амалиётида қўллаганда ўқитувчи:

- а) талаба (ўқувчи)ларга вужудга келган муаммони ечилишини кўрсатиб, худди шунча ўхшаш вужудга келган муаммони ўзларига ҳал этиш

учун беради;

б) вужудга келган муаммони ўқувчи тезда тугатиш тавсия этади;

в) мураккаброқ ҳолатларни ҳал этиш талаба (ўқувчи)ларга тавсия этади

г) вужудга келган муаммонинг ечилиш принципини тушунтиради, ёрдамчи саволлар беради, муаммоллар кўяди, бундан ташқари вужудга келган муаммони ҳал этиш жараёнида «яқиндан ривожлантириш майдони»ни аниқлаш учун тавсия этилаётган усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

Ҳақиқатдан ҳам талаба (ўқувчи)ларда мустақил ишни ривожлантириш учун тавсия этилаётган масала ўзининг мазмунига боғлиқ.

Ўқувчи мустақил ишининг энг ишончли кўрсаткичи–унинг таълимийлиги, яъни ўқувчининг билимларни ўзлаштиришнинг умумий қобилиятидир деб ҳисоблайди. Таълимийликнинг асоси, унинг асосий ташкил этувчиси –таълимийликнинг бошқа параметрларини юқори даражада аниқлаб борадиган фикрий фаолиятнинг умумийлаштирилишидир.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки рухшуносларнинг фикрича, ҳар қандай иш унга талаб пайдо бўлгандагина хизмат қилади.

Мустақил ишнинг ижодий хусусиятлари таҳлил қилинаётганда талаба (ўқувчи)лардаги маънавий ривожланишига ташхис қўйишда, бизнинг назариямизда, талаба (ўқувчи)лар қуйидаги хусусиятларга эга ёки йўқлигини аниқлаб олишимиз муҳимдир. Булар: теранлик, эластиклик, мустақиллик, ишнинг фаоллиги, танқидийлик ва турлилик, умумийлик, рационалликдир. Бундай хусусиятлар ўқувчиларда фақатгина маънавият асослари бўйича эмас, балки маънавий пойдеворга яқин бўлган фанлардан ҳам ўрганиш сифатини оширадиган дидактик аҳамиятга эгадир.

Дидактлар ўзларининг изланишларида таълим олиш жараёнини мустақил ишни ривожланиши муаммоларининг таълимий услублари билан боғланиши эътиборда муҳимдир.


Талабаларда мустақил ишни ташкил этишда талаба (ўқувчи)га алоҳида яқиндан ёндашиш сезиларли аҳамиятга эгадир. Ўқитувчи синф билан кўпинча фронтал иш олиб боради. Ушбу фронтал иш ютуқлар билан бирга камчиликларга ҳам эгадир. Талабаларнинг фаолияти учун бир ҳил шароит яратилганлиги сабабли ва вазифани бажариш имкониятлари талаба (ўқувчи)ларда ҳар ҳил бўлганлиги учун материалнинг ўзлаштирилиши ҳам ҳар ҳил бўлади (турли чуқурлиги, тўлиқлиги ва равшанлиги турли бўлади). Фронтал ёндашиш талаба (ўқувчи)ларнинг ахборот хазинасини тўлиқ эътиборга олишга имконият бермайди, чунки улар турли билим қизиқишларга, қобилиятларига ва лаёқатларига эга.

Мустақил ишни ташкил этишнинг асосий шarti –бу маънавий билимларни ҳамда фаолият услубларини (амалий фаолият фонди) англаш ва тўғридан – тўғри эгалланишидир.

Мустақил ишни ташкил этишга қаратилган таълимни ташкил қилишнинг муҳим шarti фаолиятга тегишли бўлган мустақил ишни ривожлантиришга кўмак беради.

Талабаларда мустақил ишни ташкил этиш учун авваламбор шахсни

фаолиятга жалб қилиш муҳимдир. Ушбу фаолият ноаниқ муаммога, қарама-қаршилиқ бўлиш ёки бўлмаслиги шартланмаган муаммога эга бўлиши муҳим, яъни муаммо атрофида турли билим берувчи фаолиятни ташкил қилиш лозимдир.



Талаба – ўқувчиларнинг мустақил ишни ташкил этиш муаммосининг амалиётидаги ҳолати. Илмий –услубий адабиёт таҳлили шуни кўрсатадики, маънавий услубчилар ўқувчининг мустақил иш элементларининг турли ривожланиш йўларини кўрмоқдалар. Талабаларнинг маънавий асослари фанидан ижодий ишни ривожлантиришда ўқитишнинг эвристик услублари (кузатиш, таққослаш, умумлаштириш, ўхшатиш, эксперимент) ёрдам қилади.

Мактабдаги талаба (ўқувчи)лар билан бўлган иш амалиётда вужудга келган муаммони ҳал этишни ўргатишдақ бир қатор муаммоларга дуч келишмоқда.

Шунинг учун ҳам ўқувчиларда мустақил ишни ташкил этиш йўллари, шакллари ва услублари муаммоси маънавий услубиётида муҳим ва амалий муаммо бўлиб келмоқда. Билиш диалектикаси ижодиёт диалектикаси билан биргаликда ўзининг ҳар бир поясида, унинг ҳар бир қисми –бу ривожланиш ва ҳаракатланишнинг умумий қонунларига мувофиқ бажариладиган жараён, нафақат ташқи дунёда, балки бизнинг ишимизда ҳам мавжуд.

Гнеденко ўз ишларида маънавий қобилиятларнинг икки даражасини ажратиб кўрсатади: «Оддий бошланғич қобилият» (ушбу қобилият мактаб курсини ўзлаштириш учун етарли бўлган) ва «Ўртадан юқори бўлган қобилият», яъни маънавий билимларни осонликча эгаллашда муаммоларнинг оригинал ечимини топишда намоён бўладиган қобилиятдир.

Маънавий асосларини ўргатишда у тарбиявий чораларга ушбу омилларни киритади:

1. Талабаларда ўқишга бўлган билим ва кўникмаларини ташкил этиш;
2. Ўқиш жараёнига бўлган масъулиятни тарбиялаш;
3. Ўз кучига, қобилиятига бўладиган ишончни тарбиялаш;
- 4.«Шахс маънавиятини кейинги ишлар учун пойдевор» эканлигига ишончлилиқни тарбиялаш.

Б.В.Гнеденко ижодий қобилиятларни аниқлаш қийинлигини ва

уларнинг намоён бўлиш шакллари турлилигини эътиборга олиб, ўз ичига қобилиятлари ва қизиқишнинг шахсий хусусиятларини олган ҳолда маънавий ижодни намоён қиладиган мисолларни келтиради.

Бири олдиндан олинган натижаларда умумийликни топиб уларнинг қўлланиш майдонини кенгайтирса, бошқалари уларни ўрганиш учун янги ахборотларни топишни билдиради, учинчилари назарияни мантикий такомиллаштиришдан кучлидир, тўртинчилари чуқур амалий муаммоларнинг ечимини қидиришади ва топишади. Маънавий ривожланишда қуйидаги компонентларни ажратади:

- А) кенг қамровли тасвирлашни ривожлантириш;
  - Б) асосийни танлай билиш, абстракт ишни билиш;
  - В) аниқ ҳолатдан саволни маънавий ифодалашга ўтишни билиш;
  - Г) таҳлил қилишни, аниқ ҳолатларга бўлишни билиш;
  - Д) илмий хулосаларни аниқ материалда ишлашни билиш;
  - Е) маънавий муаммони ҳал этишда тоқат қилишни билиш, дедуктив иш кўникмаларини ҳосил қилиш;
- З) янги саволларни бериш (қўйиш)ни билиш.

Демак, маънавий қобилиятлар шундай инсоний хусусиятлар орқали ифодаланадики, улар маънавият асослари илмида юқори ижодий фаолият кўрсатишга имкон яратади.

Билим ва кўникмаларини ўрганувчиларнинг кўпчилиги «билиш-бу маънавий масалада қўйилган мақсадга муваффақиятли эриштирувчи билим ва кўникмаларга асосланган инсоний қобилиятдир».

«Билиш»нинг айти шундай ифодаланиши ушбу изланишда кўрилмоқда. «Кўникма» ушбу ишда ўқувчининг вужудга келган муаммони ечишдаги шахсий тажрибасида ифодаланувчи фаолият деб кўрсатилмоқда. Билимни ўзлаштириш ҳамда билим ва кўникмаларнинг шаклланиши ўртасидаги боғланиш талаба (ўқувчи)ларнинг билимларига асосланган билим ва кўникмаларни эгаллашда кўрилмоқда. Ушбу кўникма ва билимлар ҳисобида ўқувчиларда янги билимлар ўзлаштирилади.

Маънавият асосларини ўрганишда талаба (ўқувчи)ларда илм, билиш, кўникмалар тизими ифодаланади. Тушунчанинг мазмунини ўзлаштириш билан бирга ўқувчилар тушунчанинг таърифини, унинг ифодаланиш хусусиятларини билишлари, аниқ исботларни келтиришни билиш, тушунчани масала ечишдаги кейинги назарий материалларни ўрганишда ишлатишни билиш, келтирувчи тузилмалар кўникмаларига эга бўлишлари керак. Бирор бир нарсани бажаришни билиш-бу ўргатишнинг асосий натижаси деб кўрилиши лозим.

Маънавият асослари курсини ўрганишда ўқувчилар нимани ўзлаштириши ҳақида қуйидагича гапиради. «Мактабдаги маънавият асослари курси ҳақида гапирганимизда маънавий аниқликлар, тушунчалар тўплами, йиғиндисиди кўникмалар кўзда тутилади».

Талаба (ўқувчи)ларда қуйидаги кўникмалар ҳосил қилиш учун батафсил методологик дастурни бермоқда:

1. Саволнинг моҳиятини аниқламоқ;



2. Аниқ қўйилган саволдан схемага ўтиш (схемалаштиришни билиш);
3. Берилган фаразлардан мантиқий \_\_\_\_\_ хулосаларни келтириш;
4. Берилган саволни таҳлил қилиш;
5. Назарий ишдан келиб чиққан хулосаларни аниқ саволларда ишлатишни билиш;
6. Хулосаларни таққослаш;
7. Шартларнинг натижаларига бўлган таъсирни баҳолаш;
8. Олинган хулосаларни умумийлаштириб янги саволларни қўйиш.

Юқорида келтирилган билимлар ўқувчининг ижодий иши асосида ётади ва бу билимларни талаба (ўқувчи)ларда мактабга кадам қўйгандан бошлаб систематик ривожлантириш лозимдир.

Мустақил ишни ташкил этиш жараёнида билимлар: вужудга келган муаммонинг шартли ва фикрлай боришни таҳлил қилишни билиш; ушбу вужудга келган муаммони ҳал этиш учун муҳим билимларнинг танлашни билиш ва вужудга келган муаммони ечилиши жараёни қандай тугагини олдиндан кўра билиш; вужудга келган муаммони ҳал этишда фаразларни кўрсатишни билиш, тузишни билиш; мулохазаларнинг умумлаштиришнинг билиш, келиб чиқадиган хулосаларни талқин қила билиш каби муҳим вазифаларни ўз ичига олади.

Маънавият асосларининг ўргатишда илм, билим ва кўникма ўзаро чамбарчас боғлангандир. Демак вужудга келган муаммони ҳал этишни билиш – билим ва кўникмаларга эга эканлигидан далолат беради ва аксинча, вужудга келган муаммони ҳал этишни билиш учун ўқувчи ўрганилган материалнинг мазмунини ўзлаштириши лозим. Илм ва билим ўртасида икки томонлама боғланиш шундан дарак берадики, ўқитиш натижаларининг ҳар бири алоҳида ва биргаликда талаба(ўқувчи)ларда мустақил ишни ташкил этишда асос бўлиб хизмат қилади. Ушбу изланишда маънавият асосларидан умумий характердаги кўникмани ташкил этиш муҳимдир. Ушбу қоида шундай ифодаланади: бажариш услубини билиш қобилиятига асосланган билим, фаолият мақсадига эришиш учун энг натижали ва унумлидир. Энг муҳими ўқувчи учун унумли услубни танлаб олиниши керак. Бу мустақил ишни ташкил этишда асосий воситалардан биридир. Вужудга келган муаммони ҳал этиш жараёнида талаба ижодий юксалишини, ўзининг ақлий меҳнатидан чуқур мамнунлигини сезади. Талаба вужудга келган муаммони ҳал этиш жараёнида аниқликдан ноаниқликка содда боғланишдан мураккабликка мувоффақиятли ўтади. Маънавият асосларининг ўрганишда аниқ тушунчаларнинг қўллаш жараёнидан унумли фойдаланиш, бир қатор шартларга боғлиқ. Биринчидан, ўқувчи олдин эгаллаган илм, билим ва кўникмалар захирасига эга бўлишлари муҳимдир. Иккинчидан, категориялар боғланиш мазмунлари кетма-кетликда бўлиши шартдир. Учинчидан, ўқувчи жараённи ўрганиб келиб чиқадиган хулосаларни қилишни билиши шарт. Ушбу вазифаларнинг бажарилиши ўқувчининг билим хажми ва ақлининг ривожланганлик даражасига боғлиқ. Мустақил ишни ташкил этишнинг қуйидаги 4 та хусусияти аниқланади: А) билим ва

кўникмаларнинг мустақил равишда янги ҳолатга кўчиши; Б) маълум ҳолатда янги муаммони кўриш; В) янги ҳолатдаги фаолият услубларини мустақил мужассамлаштириш; Г) қўйилган муаммони мустақил ҳал этиш услубни кўриш; Д) янги услубни тузиш; Е) маълум услубларни мужассамлаштириш. Демак, «Талабаларнинг мустақил ишни ташкил этиш муаммосининг психолог-педагогик адабиётларда ва мактаб амалиётидаги назарий асослари»ни ўрганиб чиқиш жараёнида талаба (ўқувчи)ларни мустақил ишни ташкил этиш буйича психолог-педагогик ва услубий асослари баён этиш ушбу муаммо ҳолатининг аниқланиши, маънавий асослари фанидан мустақил ишни ривожлантиришни топшириқлар ўрни ва аҳамияти ҳақидаги фикрларнинг баёни натижадир. Талабаларнинг мустақил ишни ташкил этиш ва уларнинг дарсга бўлган қизиқишларини ошириш мақсадида, қизиқарли муаммоларни танлашга алоҳида эътибор бериш зарур. Дарсга доир танланган мавзу аниқ бир системани ташкил қилишлиги, ўзига хос танлаш усулига ва ўқитишнинг аниқ бир мақсадига қаратилиши зарур. Шунингдек таъкидлаш керакки, танланган мавзулар системаси маълум методик талабларни қаноатлантириши керак: барча танланган мавзулар системаси, шунингдек ҳар бир вужудга келган муаммонинг аниқ дидактик мақсадни аниқлаш; мураккаблаштиришнинг кетма-кетлиги; танланган мавзулар бой материал ва катта имкониятлар беради.

Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, агар танланган мавзулар системаси шунингдек, мавзу қуйидаги талабларга жавоб берса, бундай ҳолда танланган ҳар бир мавзулар системаси ва ҳар бир мавзу тарбиявий-педагогик ютуққа эга бўлади:

1. Ҳар бир мавзуда қандай мақсад кўзда тутилган?

2. Бу вужудга келган муаммонинг бошқа мавзуга нисбатан зарурийлиги нимада?

3. Нима учун бу мавзу танланган, мавзулар системасига киритилган? Бу вужудга келган муаммони киритиш билан қандай тарбиявий – педагогик мақсад кўзда тутилган?

Борди-ю, мавзу ўқувчи учун қизиқарли бўлса, унинг жавоби ва ҳал этиш усули ўқувчини ўзига жалб қиладими?

1. Берилган вужудга келган муаммони талаба (ўқувчи)лар мустақил ҳал эта оладими? Бунинг учун у нимани билиши, эслаши ва қила олиши керак?

2. Қийналиб қолганда унга ўқитувчи қандай даражада ёрдам бериши мумкин?

3. Қўйилган вужудга келган муаммони ҳал этиш давомида талаба (ўқувчи)ларнинг қандай ютуқларга эришишини истаймиз?

4. Қўйилган мавзу талаба (ўқувчи)ларнинг олдинги ва кейинги мавзу билан қандай боғлиқлиги бор?

Талабаларнинг мустақил ишни ташкил этиш мақсадида танланган мавзулар системасини тузишда таълимнинг дидактик тамойилларини ҳисобга олиш керак. Маънавийтни шакллантириш масалаларини ҳал этишда олиб бориладиган жараёнда учун танланган мавзулар системаси талаба (ўқувчи)лар мустақил ишининг эффектив воситаси бўлишлиги учун маънавий асосларини ўқитиш ва ўрганишнинг асосий тушунча ва қонуниятларига мос бўлишлиги керак. Бу танлашнинг асосида ўқитиш ва ўрганишнинг асосий тамойиллари ётиши керак. Бу ерда мавзуларни системага солишни иккита принципи ҳақида гап боради. Принципларнинг бири тавсия қилинадиган мавзуларнинг мураккаблиги доимий равишда ўсиб боришлиги, иккинчи принцип эса янгилик, билишга ундаш ҳисобланади. Бундай норматив ҳолат алоҳида олинган мавзулар танлаш йўлини ва мавзулар танлаш системасининг бутунлайича характерини аниқлаб беради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, талаба (ўқувчи)ларнинг мустақил ишини ташкил этиш фаолиятини ривожлантириш системаси аста – секин мураккаблиги ўсиб бориш принципига асосланиб танланган бўлиб, талаба (ўқувчи)ларни ҳар томонлама иш қобилиятини ривожлантиришга, янгиликлар очишга қаратилган талаба (ўқувчи)лар шахснинг ижодий шаклланишига катта таъсир қилади, ўқувчини ижодий манзилга етаклайди.

Талабалар мустақил ишларининг билимини баҳолаш шаклини танлашда ўқитувчи талабаларда шакллантиришни мақсад қилиб қўйган кўникма ва қобилиятни эътиборга олиши керак.

Қуйида баҳолашнинг асосий шакл ва унинг мақсадалари келтирилган.

#### Баҳолаш шакли

Одатий ёзма ишлар – талаба бир нечта мажбурий саволларга жавоб беради ва йўшимча бир нечта саволлардан танлаш

#### Баҳолаш мумкин бўлган ва кўникмалар

ўз фикрини ёзма шаклда равоқ ифодалаш маъорати; маълумотни ёзма шаклда тўри ташкиллаштириш ва таъдим қилиш махорати;

хулуи берилади.

Олдиндан эълон қилинган саволлар ёрдамидаги ёзма иш – саволлар имтихондан бир анча муддат аввал тарқатилади.

Китоблар очиқ бўлган ҳолда ёзма иш – имтихон пайтида дарслик ва бошқа материаллардан фойдаланишга рухсат берилади.

Тестлар

Лаборатория қисботлари, қайдлари

Кузатув ўлув кундалик дафтарини юритиш

Рефератлар

Хисоботлар

Диссертациялар

Адабиётлар/матбуотни шарҳлаш

Презентациялар (якка/гурӯ тартибида)

Плакатлар (якка/гурӯ тартибида)

исботлаш маҳорати;

тез қарор қабул қилиш маҳорати

тадқиқот қўникмалари;

манбалардан фойдаланиш маҳорати;

тахлилий(аналитик) фикрлаш қобилияти;

маълумотни эсда олиб қолиш қобилияти;

қисқа муддат ичида ишлаш қобилияти;

ўз фикрларини ёзма шаклда равоқ ифодалаш маҳорати;

маълумотни ёзма шаклда тўри ташкиллаштириш ва тақдим қилиш маҳорати;

исботлаш маҳорати;

тез қарор қабул қилиш маҳорати;

тилиз вақт шароитида ишлаш қобилияти;

ўз фикрларини ёзма шаклда равоқ ифодалаш маҳорати;

маълумотни ёзма шаклда тўри шакллантириш ва тақдим қилиш маҳорати;

исботлаш маҳорати;

тез қарор қабул қилиш маҳорати;

китоб билан ишлаш қўникмаси;

маълумотни эсда олиб қолиш қобилияти;

тилиз вақт шароитида ишлаш қобилияти;

билимларни тадқиқ қила олиш қобилияти;

билимларни синтезлаш маҳорати;

билимларни тўри талқин қилиш қобилияти;

тез қарор қабул қилиш маҳорати;

кузатиш қўникмалари;

синовлар ўтказиш қўникмалари;

таҳлилий (аналитик) фикрлаш қобилияти;

натижаларни талқин қилиш ва баҳолаш маҳорати;

ёзма маълумотни тақдим қилиш маҳорати;

маълумотни ёзма шаклда тўри ташкиллаштириш ва тақдим қилиш маҳорати;

исботлаш маҳорати;

ташкилий ва режалаштириш маҳорати;

маълумотни тадқиқ этиш, танлаш ва тақдим этиш қўникмаси;

танқидий баҳолаш;

ўз фикрларини ёзма шаклда равоқ ифодалаш маҳорати;

танқидий муҳокама қилиш маҳорати;

маълумотни тадқиқ этиш, танлаш ва тақдим этиш қўникмаси;

танқидий баҳолаш;

ўз фикрларини ёзма шаклда равоқ ифодалаш маҳорати;

танқидий муҳокама қилиш маҳорати;

билимларни амалиётга тадқиқ эта олиш қобилияти;

тадқиқ қилиш малақаси;

танлаш қўникмаси;

режалаштириш қобилияти;

лойиқани бошқариш маҳорати;

танқидий фикрлаш;

презентация қилиш маҳорати;

адабиётларни (маҳола ва б.) танқидий ўрганиш қўникмалари;

баҳо бериш;

хулосалар чиқариш;

ўз нуқтаи назарини ифодалаш маҳорати;

нотиқлик маҳорати;

имо – ишоралар тили;

қўрғазмали қуроллардан фойдаланиш қўникмалари;

маълумотни тақдим қилиш ва структуралаштириш қўникмалари;

одамлар билан тўри муомалада бўлиш маҳорати;

ишни тўри талқинлаш;

ижодий маҳорат;

қўрғазмали қуроллар тайёрлаш маҳорати;

графика тақдимоти қўникмалари;

хулосалаш қўникмалари;

Муайян Ҳолатлар (Case studies)	танлаш кўникмалари; фанга тегишли билимлари; жамоа (команда)да ишлаш кўникмалари; муаммоларни ечиш Ҳобилияти; назарий концепцияларни конкрет ҳолларда тадбиқ этиш Ҳобилияти;
Ойзаки имтиҳонлар	Ҳарор Ҳабул Ҳилиш Ҳобилияти; тўри ва ишончли сўзлаш; талаффуз; фикрни Ҳисла муддат ичида кенгайтирмоқ;
Гуруҳ лойиҳалари	фанга тегишли билимлар; одамлар билан тўри муомалада бўлиш кўникмалари; режалаштириш маҳорати; ишни тўри ташкил Ҳилиш ва уни бошқариш Ҳобилияти; жамоа (команда)да ишлаш маҳорати; масалаларни ечиш Ҳобилияти; ижодий маҳорат; назарий концепцияларни конкрет Ҳолларда тадбиқ этиш Ҳобилияти;
Кўргазмалар	тақлил Ҳила олиш Ҳобилияти; вақтни тўри режалаштириш маҳорати; жамоа (команда)да ишлаш кўникмалари;

**Таянч иборалар:** Мустақил ишлар, мустақил ишнинг форма ва шакллари, таълим методларини танлаш, мустақил таҳсил

### Назорат учун саволлар:

1. Мустақил машғулотларда қўлланиладиган интерфаол методлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари?
2. Ўқув жараёнини фаоллаштиришнинг яна қандай усуллари мавжуд?
3. Ўзбекистонда кадрлар тайёрлашнинг миллий модели деганда нималарни тушунасиз?
4. Талабалар билимини баҳолашнинг қандай усуллари сизни кўпроқ қизиқтиради ва нима учун?
5. Бугунги кунда таълимга янгича ёндашув деганда нималарни тушунасиз? Уларни изоҳланг.

## 1 – Илова

### Умумхалқ байрамлари ва тарихий саналарни нишонлаш тўғрисида тавсиялар

#### I. Умумхалқ байрамларини нишонлаш юзасидан тавсиялар

##### 1. «Мустақиллик куни» умумхалқ байрамини нишонлаш юзасидан тавсиялар<sup>1</sup>

1 сентябрь – Ўзбекистон давлати, Ўзбекистон халқи учун энг улуғ, энг азиз байрам. Биз мустақилликка шунчаки осонгина эришганимиз йўқ. Мустақил давлат тузиш онларига етиб келганимиз, авваламбор, асрлар давомида буюк истиқлолнинг машаққатли йўлида халқимизнинг асл фарзандлари тинимсиз олиб борган курашлар натижасидир. Биз мустақилликни миллатларимизнинг гули бўлган не – не асл ўғлонларнинг тўккан муқаддас қони, неча асрлик машаққатли курашлари эвазига қўлга киритдик. Халқимиз ҳеч қачон ўзга юртлардан келган босқинчилар олдида бош эгмаган. Бунинг учун Александр Македонскийга қарши курашган Спитамен, араб босқинчилари билан олишган Муқаннани, дунёнинг ярмини истило қилган мўғил босқинчиларига қарши сўнгги нафасигача жанг қилган Жалолоддин Мангубердининг мўғулларни юртимиздан хайдаб чиқариб, дунё халқларини бу зулмдан қутқариб қолган буюк боболаримиз Амир Темурни эслашнинг ўзи кифоя.

Истилочиларга қарши кураш яқин ўтмишда ҳам тўхтамади. Жадидлар ҳам шу йўлда шаҳид кетдилар. Ҳатто, шўролар тузумининг охириги ҳамласи бўлган саксонинчи йиллардаги қатағон пайтида ҳам миллат шаъни учун курашган ватандошларимиз кўп бўлди.

Бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан бири ёш авлодга ўша аждодларимизнинг жасур сиймоларини кўрсатиб бериш, оталар қалбидаги жасорат туйғуларини уларнинг руҳига ҳам сингдиришдан иборат. Зотан, мамлакатнинг қудрати унинг иқтисодий салоҳияти, ҳарбий кучи, аҳолисининг сони билангина ўлчанмайди. Мамлакатнинг қуввати халқининг руҳи, миллатнинг эътиқодига собитлиги билан ҳам белгиланади.

Мустақиллик бир кунлик байрам эмас. Йил давомида мамлакатимизда яшовчи барча кишиларга бу байрамнинг мазмун – моҳияти ҳақида таъсирчан усул ва воситалар ёрдамида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш зарур.

Мустақиллик байрамига бағишлаб ўтказиладиган маънавий – маърифий тадбирларнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, мустақиллик миллатимизга, халқимизга кимдир томонидан ҳады этилган неъмат эмас. Уни халқимиз ўз эркесвар фарзандларининг қони эвазига қўлга киритганини янада яхшироқ тушунтириб беришимиз даркор.

1. Ушбу илова Қ.Аъзамов ва Ш.Жумаевнинг «Маънавият ва маърифат иши» китобидан олинди

Истиқлол шубҳасиз, буюк неъмат. Унга барчамиз муносиб бўлишимиз ва уни кўз қорачиғидек асрашимиз, ҳимоя қилишимиз керак.

Иккинчидан, кишилик тарихида ўз истиқлолининг қадрига етмаган халқ, элатлар ва миллатлар кўп бўлган. Истиқлолини сақлаб қололмаганлар тарих саҳифаларидан бутунлай ўчиб кетганини, эркини асраб қолган миллатлар эса шаън ва шавкатда тенгсиз юксакларга кўтарилганини ибратли мисоллар

воситасида халқимизга етказишимиз лозим.

Учинчидан, миллий давлатчилигимиз, тараққиёт ва эрк учун курашган фарзандларини халқимиз янада яхшироқ билиши лозим. Улар ҳақида теран мақолалар ёзилиши, китоблар чоп этилиши, кўрсатув ва эшиттиришлар тайёрланиши муҳим вазифа ҳисобланади. Бундай буюк аждодларимизни фарзандларимизга яхшироқ танитишнинг янги йўллари излашимиз керак. Токи ўқитувчи: «Мана болалар, боболаримиз қандай буюк инсонлар бўлишган!», - деб фахр билан айта олсин.

Тўртинчидан, «Мустақиллик Ватанимизга нималар берди?», «Халқимиз учун қандай янги имкониятлар очди?» каби саволларнинг жавобини аниқ ва тушунарли кўрсатиб беришимиз даркор. Мустақиллик туфайли мамлакатимизда эришилган беқиёс ютуқларни тарғиб – ташвиқ қилиш шундай воситалардан биридир. Айни чоғда биз фақат мустақиллик туфайлигина ўз заминимизга, эркимизга, муқаддас динимизга қайта эга бўлдик, қолаверса, бизни фақат мустақилликдан кейингина дунё таниди, тўла тан олди.

Бешинчидан, «Мустақиллигимизга бугун кимлар ва нималар таҳдид соляпти?» деган саволнинг жавобини ҳам тўла англаб олишимиз керак. Зотан, асосий, кўзга кўринмас хавф ўзимизнинг ичимизда эканини аксарият ҳолларда сезмаймиз. Унинг номи маҳаллийчилик, қариндош – уруғчилик, баъзан бировнинг ютуқларини кўролмаслик каби иллатлардир. Самарқанду Хоразмнинг бетакрор ёдгорликларини, Нурота тоғларида куйлаётган бахшиларни, Сурхоннинг ажиб шаршараларини, Фарғона водийсию Тошкент боғларини, қорақалпоқ ўланларини Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси: «Шуларнинг ҳаммаси – бизники!» деб фахр билан айта оладиган даражага етганимизда биз бир бутун ва енгилмас миллат, халқ бўлдики, деб айта оламиз.

Олтинчидан, миллий ғурур, миллий ифтихор туйғуларини одамлар қалбига сингдиришнинг янгича йўли ва усулларини, тарғибот механизмини топиш лозим. Қуруқ расмиятчилик билан энг эзгу ғояларини ҳам обрўсизлантириб кўйишимиз кутилган натижага эмас, унинг аксига эга бўлишимиз мумкин.

## **2. «Ўқитувчи ва мураббийлар куни» ни (1996 йил 1 октябр) муносиб нишонлаш чора тадбирлари юзасидан тавсиялари**

Ушбу умуммиллий байрам Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги 1996 йил 9 сентябрда қабул қилингани 1559 – Фармони асосида жорий этилган.

Тадбирга узоқ вақт таълим соҳасида фаолият кўрсатган, ҳозирги кунда

кексалик гаштини сураётган ўқитувчи, мураббийлар, мактабни битириб, халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаолият юритаётган раҳбарлар, давлат арбоблари, фахрий унвонлар соҳибни бўлган педагоглар, ҳозирги вақтда фаолият кўрсатаётган, шу йили педагогик фаолиятини бошлаётган ёш ўқитувчилар таклиф этилади.

Байрамни нишонлашда қуйидагиларга амал қилиш керак.

1. Барча таълим муассасалари, марказлар, жамоат ташкилотларида, халқ таълими туман бўлими, вилоят бошқармалари, МФЙда йиғилиш ўтказилиб, ўқитувчи ва мураббийлар куни расман нишонланади.

2. Байрам тадбири ўтказиладиган жойлар устоз ва мураббийларни улуғлайдиган, уларнинг меҳнатини кадрлашга ундайдиган, таълим олаётган ёшларга, таълим ислоҳатига бағишланган, шунингдек, Президентнинг устозлар шаънига билдирган сўзлари ёзилган шиорлар билан жиҳозланади.

3. Мажлис бошида Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди, катнашчилар, қонунга биноан, тик туриб оммавий тарзда унга жўр бўлади. Тадбир ўтказиладиган зал ёки майдонда Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи кўтарилади.

4. Байрам тадбирини бошлаб бораётган киши шарафли касб эгаларининг меҳнати, ёш авлодни вояга етказишдаги ўрни, мустақиллик даврида ўқитувчи ва мураббийларга муносабат тўғрисида қисқача сўзлаб, кейин махсус тайёрланган нотикқа навбат беради.

5. Нотик 1 октябрь ўқитувчи ва мураббийлар кунининг умухалқ байрами сифатида жорий этилиши тарихига қисқача тўхталади. Мамлакатда ўқитувчи ва мураббийларнинг ўрни, аҳамияти, шарафли касб эгаларининг залворли меҳнати, республикамизда мустақиллик даврларида таълим соҳасида эришилган ютуқлар, ўқув дарсликларидаги ўзгаришлар ҳақида сўзлаб беради.

6. Тадбирга нафақада бўлган ўқитувчилар, мураббийлар таклиф қилиниб, ўз ҳаёт йўллари, малакалари билан йиғилганларни таништиради. Тадбирда иштирок этиш имконияти бўлмаган ўқитувчи ва мураббийларнинг ҳолидан хабар олиш ташкил қилинади.

7. 1 октябрь куни вилоят, туман марказларида ўқитувчи ва мураббийлар таклиф этилади. Таълим соҳасида улкан ютуқларга эришган ўқитувчи ва мураббийлар тақдирланади.

8. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонида қайд этилган: «Бу байрамда ўтказиладиган барча тадбирлар ўқитувчилар, мураббийлар, тарбиячилар, умуман, болалар билан ишлашга, уларнинг соғлиғини химоялашга, жисмонан ва руҳан соғлом авлодни камол топтиришга ўз ҳаётини бахшида этган инсонларни улуғлашга бағишлансин», - деган тамойилдан келиб чиқиб, мактаб иши, жамоатчилик манфаати, Ватанга муҳаббат, келажак авлод тарбиясига ҳурмат руҳида ўтказилиши зарур.

### **3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунни (1992 йил 8 декабрь) тантанали тарзда нишонлаш юзасидан**



## тавсиялари

1. Барча таълим муассасаларида, малака ошириш йўналишидаги ўқув курсларида биринчи дарс машғулоти бошланиши билан, барча вазирлик, кўмита, корпорация, концерн, уюшма, банк, компания, бирлашма, агентлик, марказлапр, жамоат ташкилотлари, муассаса ва корхоналарда 8 декабрдан олдинги иш кунда иш бошланиши билан йиғилиш ўтказилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун расман нишонланиши мақсадга мувофиқ.

2. Мажлис бошида Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди, қатнашчилар, қонунга биноан, тик туриб оммавий тарзда унга жўр бўлади.

3. Мажлис раиси қисқача кириш сўзи сўзлаб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг нишонланиш мақсадида тўпланилганини айтади, махсус тайёргарлик кўрган бир нотиққа сўз беради.

4. Нотиқ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилиниши тарихига қисқача тўхталади. Конституциянинг моҳиятини, унинг ҳаётимизда амал қилиш тамойиллари механизмларини тушунтиради. Мажлис иштирокчилари соҳасидан келиб чиққан ҳолда Конституциянинг айрим моддаларини ўқиб, шарҳлаб боради. Илғор давлатлар конституциялари билан қиёслашлар қилади.

5. Тадбир тантанавор руҳда, одамларнинг сиёсий онгини ўстирадиган, шуниндек, уларда қонунга итоат қилиш ҳиссини уйғотиш руҳида ўтказилиши мақсадга мувофиқдир.

### **4. 21 март – Наврўз байрамини тантанали тарзда нишонлаш юзасидан тавсиялари**

Анъаналар, урф – одатлар, расм – русмлар инсоният тараққиётида муҳим ўрин тутаяди. Улар ҳаётий зарурат туфайли пайдо бўлган ва халқларнинг турмуш тарзи, руҳияти, маънавий дунёси, орзу – истакларини ифода этиб, жамиятнинг маънавий – ахлоқий ривожланишига катта таъсир қилган. Анъаналар мазмунан ҳар бир миллатни, халқни, элатни эзгуликка, инсонпарварликка, яхшиликка чорлайди. Улар давр талаби билан ҳам шаклан, ҳам мазмунан янгиланиб боради. Баъзи бир анъаналар ўзининг ижобий таъсирига, умрбоқийлигига кўра маънавий қадрият даражасига кўтарилади.

Шарқ халқларининг ана шундай умрбоқий маънавий қадриятларидан бири Наврўз. Бу байрам бир неча минг йиллик тарихга эга.

Президент Ислам Каримов такидлаганидек, «Наврўз ҳаёт абадийлигининг, табиатнинг устивор қудрати ва чексиз саҳоватининг, шу билан бирга неча минг йиллик миллий қиёфамизнинг, урф – одатларимизнинг мангулик ифодаси, тасдиғидир».

Наврўз – жуда қадимий байрам. Унинг қадимий ва навқирон айём эканлигини буюк мутафаккир алломаларимиз ўз асарларида асослаб берган.

Дарҳақиқат, А.Р.Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», Умар Ҳайёмнинг «Наврўзнома», А.Фирдавсийнинг «Шохнома», Ҳожа Али Термизийнинг «Наврўзнома», А.Навоийнинг «Тарихи мулуки Ажам» асарлари Наврўз ва унинг пайдо бўлиш тарихи, у билан боғлиқ урф – одатлар, расм – русмлар ҳақида муҳим маълумотларни берувчи қимматли манбалар ҳисобланади.

Наврўз ҳамма даврларда табиат ва жамиятнинг уйғониш, яшнаш ва яшариш байрами. Янги йил, мучал ва деҳқон меҳнати бошланадиган кун сифатида шоду хуррамлик билан нишонланиб келинган. Халқнинг ахлоқий – маънавий қадриятлари мужассам бўлган, эзгу ниятлар билан тантана қилинадиган инсонпарвалик, бахт ва баҳор байрами Наврўз қанча – қанча замон бўҳронларидан омон ўтди. Ватанимиз мустақиллигидан сўнг Наврўз умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлана бошлади.

Наврўз – меҳр – мурувват, инсонпарварлик, инсонларни рухан бирлаштирувчи байрамдир. Барча замонларда Наврўз орқали халқнинг маънавий дунёси намойиш этилган, турмуш тарзи, орзу – умидлари, гўзалликка, нафосатга бўлган муносабатлари ифодаланган. Ушбу хосиятли байрамни нишонлашнинг ўзига хос томонлари мавжуд ва улар давр ўтиши билан мазмунан бойиб, такомиллашиб келмоқда.

Наврўз байрами муносабати билан мамлакатлараро уруш – жанжаллар тўхтатилган, ота – она, қариндош – уруғлар, касалмандлар совға – салом билан йўқланган, янги кийимлар кийилган, турли – туман Наврўз таомлари тайёрланган, уй, ҳовли, кўчалар супурилиб – сидирилган, катта – катта майдонларда сайиллар, ўйин – кулгу, аскиябозлик, кўчқор, хўроз уриштириш, кураш, кўпкари ўтказилган, театр намойишлари ташкил этилган. Одамлар бир – бирлариникига меҳмондорчиликка боришган, шох мойлаш маросимлари нишонланган.

Хуллас, Наврўз байрами миллий умумхалқ байрами сифатида жуда катта тайёргарлик ва шоду хуррамлик билан ўтказиб келинган. Унинг мазмунида ким Наврўзни шоду хуррамлик билан кутиб олса ва ўтказса, келгуси йили Наврўз келгунча унинг ҳаёти хурсандчиликларга бой бўлади, деган ғоя ётади.

Наврўз – меҳнат байрами. Бу кун деҳқон ер чопиб, экин экиб, деҳқончилик фаолиятини бошлайди.

Наврўз – меҳр – оқибат, инсонпарвалик байрами. Бу кун марҳумларнинг қабрлари зиёрат қилинади, кекса, ногирон, ёлғиз қариялар, ота оналар йўқланади, байрам дастурхони ёзилиб, меҳмон кутилиб, кишилар бир – бирларига совға – салом улашиб, ширинликлар ҳадя этишади.

Наврўз – муҳаббат, севги, садоқат байрами. Бу байрам муносабати билан никоҳ тўйлар ўтказилган, йигит – қизлар бир – бирлари билан аҳду паймон қилишган, гуллар ҳадя этишган. Янги тушган келин кўлидан чой ичиш мақсадида «келин кўрди» га борилган.

Наврўз – дўстлик, биродарлик байрами. У нафақат Шарқ халқлари байрами, балки миллати, дини, эътиқодидан қатъи назар, ундан барча манфаатдор бўлади.

Ўзбек – қадим – қадимдан тинчликсевар халқ. У барча даврларда халқлар, миллатларнинг ўзаро тинч – тотув, осойишта, дўст – биродар бўлиб яшашларининг тарафдори бўлиб келган. Шунинг учун ҳам бу байрам бизда умуминсоний қадрият ҳисобланади.

Наврўз ёшларни комил инсон қилиб тарбиялаш воситаси бўлиб, у ўзига хос тарбия мактаби. Наврўз – хотин қизларга алоҳида кўрк берувчи байрам. Улар байрам муносабати билан қўлларига хина, қошларига ўсма қўяди. Арғимчоқда учишиб, гурунг қилади.

Наврўз – тансиҳатлик байрами. Чунки байрам дастурхони, таомлар инсон учун шифо манбаидир. Наврўз муносабати билан инсонлар бир – бирларига бахт – саодат, соғлик – саломатлик, оиласига файзу барака, эл – юртига тинчлик, осойишталик тилайди, кейинги Наврўз байрамигача барчанинг соғ – омон етиб боришини йилнинг тўй – томошаларига бой бўлишини ният қилади ва шунга интилиб яшайди.

Айнан шу Наврўз қадриятлари мустақиллик йилларида қайтадан тикланди, мазмунан бойитилди.

Наврўзни нишонлаш бўйича тавсияларимиз қуйидагилардан иборат:

1. Наврўз байрами ҳар йили 19 мартдан бошлаб, 1 апрелгача нишонланиши мақсадга мувофиқ. Бу байрам аввалдан маҳалла микёсида нишонланиб келинган. Шунинг учун бу байрамни маҳалла микёсида нишонлаш ўринли.

2. Байрамни нишонлаш учун шаҳар шароитида замонавий усулда қурилган кенг, мухташам бино ёки спорт саройлари, қишлоқ жойларда эса кенг адирлик танлангани маъқул. Байрам дастурхони тузатилади. Бу дастурхонга одамлар ўз уйларида пишириб келган баҳорий таомлар, пишириқлар, сумалак ва ҳалим тортилиши мақсадга мувофиқ.

3. Турли халқ ўйинлари: кураш, кўпқари, чиллак, шунингдек, замонавий спорт мусобақалари ҳам ташкил қилиниши мумкин. Спортнинг замонавий турларидан футбол, волейбол, шахмат, шашка бўйича мусобақалар уюштириш шулар жумласидан.

4. Халқ ҳаётидан олинган турли театрлашган саҳналар намойиш этиш. Бунда лапарлар, фольклор ижодиётдан намуналар ижро этиш керак. Бундай саҳналарда Дехқон бобо образи иштирок этиши мақсадга мувофиқ.

5. Байрамни нишонлашда оммавийликка эътибор бериш, бева – бечоралар, ногиронлар, қариялар ҳолидан хабар олиш алоҳида касб этади.

### **5. 9 май – «Хотира ва кадрлаш куни» ни нишонлаш юзасидан тавсиялари**

«Биз ғалабага шонли ҳисса қўшиб инсониятни фашизм балосидан халос этиш йўлида жонини қурбон қилган ота – боболаримизнинг муқаддас хотиралари олдида бош эгиб таъзим қиламиз»

Ислом Каримов

Халқимиз қадим – қадимдан ўтган авлодларни муносиб хотирлаб келган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 9 мартдаги Фармойишига биноан 9 май «Хотира ва қадрлаш куни» сифатида нишонланадиган бўлди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида» ги қарори эълон қилинди.

Аждодларимиз азал – азалдан вафот этган яқинлари, қариндошларини эслаб, қабристонларга боришган, қабрларни тозалаб, атрофига тол, терак, гули райхонлар эккан, яхши фазилатларни хотирлашган. Ислом кириб келиши билан «Қурбон ҳайити», «Рамазон ҳайити» арафаларида марҳумлар эсланиб, уларнинг руҳига дуо фотиҳа ўқилган, тонг билан қабристонга борилиб, қариндош – уруғ эсга олинган.

Узоқ муддат собиқ собиқ мустабид тузум даврида бундай маросимлар қоралаб келинди. Истиқлол йилларида улар қайта тикланди. Эндиликда ўтган аждодларимизни хотирлаш ва мўтабар замондошларимиз ҳурматини жойига қўйишда «Хотира ва қадрлаш куни»нинг нишонланиши катта аҳамият касб этмоқда.

«Хотира ва қадрлаш куни» ўз моҳияти билан бошқа байрам ва анъаналаримиздан фарқ қилади. У оламдан ўтган аждодларни эслашгина эмас, асрлар мобайнида Ватан учун курашда ҳалок бўлганлар хотирасини ҳурматлаш ҳамдир.

Ҳозир юртимизда «Хотира ва қадрлаш куни» ни нишонлаш борасида талай яхши ишлар қилинмоқда. «Хотира ва қадрлаш куни» аждод – авлодларни бир – бири билан боғлаш, юртдошларимизда меҳр – шавқат, мурувват, ўзлигини англаш, ҳаётнинг қадрига етиш ҳиссини камол топтиришда муҳим аҳамият касб этаверади.

Аждодларимиз хотирасини эъзозлаш борасидаги ана шундай олижаноб ишларга Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигидаги Тошкент шаҳри марказида барпо қилинган «Хотира майдони», Бўзсув канали бўйида бунёд этилган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи яққол мисол бўла олади.

Ҳар бир ҳонадон, маҳалла, туман, вилоятда ҳурмат – эъзозга муносиб кишилар кўп ўтган. Баъзиларини кейинги авлод эсламайди, билмайди. Бинобарин, фақат машҳурларни эмас, номсиз нишонсиз кетган оддий кишиларнинг ҳам номини тиклаш ҳозирги даврда ҳар бир мактаб, маҳалланинг вазифасидир. Шунингдек, машъум урушда ҳалок бўлган боболаримиз ва оталаримиз, урушдан омон қайтган ва кундан – кун сийраклашиб бораётган фаҳрийларнинг, мамлакат ичкарасида меҳнат қилган табаррук қарияларимизнинг ҳолидан ҳабар олиб туриш ёш авлод зиммасидаги фарз ва қарзидир. Токи, Хотира ва қадрлаш куни бу – аждод – авлодларнинг ўзаро боғлиқлик риштасини мустаҳкамлайдиган анъанавий қадриятларимизга айлансин.

Бу байрамни қуйидаги тарзда нишонлаган маъқул:

1.«Хотира ва қадрлаш куни» ҳам маҳалла, барча вазирликлар, Давлат қўмиталари, уюшмалар, корпорациялар, концернлар, компаниялар,

бирлашмалар, банклар миқёсида нишонланиши керак.

2.Маҳалла ҳудудидаги ўқув масканларида ёки маҳалла гузарларида уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда ёшлар ўртасидаги учрашувлар, давра суҳбатлари уюштирилиши керак.

3.Маҳалла фуқаролари йиғинлари фаоллари иштирокида маҳалла ҳудудидаги ногиронлар, ёлғиз қариялар ҳолидан ҳабар олинишини ташкил этиш керак.

4.Маҳалла ёшларининг хотира хиёбонларига зиёратларини уюштириш мақсадга мувофиқ.

## **II.Тарихий саналарни нишонлаш юзасидан тавсиялар**

### **1. 14 январь – «Ватан ҳимоячилари куни» ни (1992 йил) тантанали тарзда нишонлаш юзасидан тавсиялари**

1992 йил 14 январида мамлакатимиз ҳудудидаги ҳарбий қисм ва бўлинмалар давлатимиз тасарруфига ўтказилган эди. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 29 декабрдаги қонунига биноан, 14 январь юртимизда Ватан ҳимоячилари куни деб эълон қилинди. Айнан шу кундан бошлаб, мамлакатимизда ҳарбий хизматчилар, армия сафларида ўз хизмат бурчини ўтаб қайтган кишилар ва эртага ҳарбий хизматга борадиган бутун мамлакатимиз аҳолиси ўртасида катта шодиёна сифатида нишонланиб келмоқда.

Аmmo ҳамон бу кутлуғ сана мазмун – моҳиятини тушунмай, шунчаки оддий бир кун сифатида ёки 23 феврални, яъни собиқ совет армияси ташкил топган кунни ҳамон байрам сифатида эслаб, нишонлаб турувчилар ҳам мавжуд. Бундай кимсалар ва ташкилотлар миллий армиямизнинг бугунги кундаги салоҳиятини тўлиқ тушуниб етган эмаслар ва мана шу тушунмовчилик таъсирида ҳамон ўзгалар байрамларини нишонлаб келмоқдалар.

Бунинг бошқа сабаблари ҳам бор. Президент Ислом Каримов «Миллий армиямиз – мукстақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» рисоласида шундай ёзади: «Кўпчилик ёши улуғ одамлар эсласа керак, шўро даврида мамлакатдаги барча эркакларнинг махсус байрами сифатида нишонланадиган бу кун 8 – март – Хотин – қизлар байрамига гўё жавоб тариқасида таъсис этилгандек таасурот қолдирар эди.

Бу кун худдики одамларнинг ҳаёт – мамотини ҳал қиладиган ўта муҳим воқеа сифатида талқин этилар, совет мафкурачилари томонидан «Тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан ёзиладиган унутилмас сана» деб таърифланар эди. .. Шўро давридаги барча байрамларнинг маъноси шу империя қўл остидаги ҳамма халқларни, шу жумладан, ўзбек халқини ҳам совет халқининг ажралмас бир қисми деб кўрсатишга, шундай тадбирлар орқали иттифокдаги республикаларда яшайдиган миллатларнинг гўёки бирлигини, уларнинг марказга бўйсининши ва садоқатини намоиш этишга

қаратилган эди».

14 январь – Ватан ҳимоячилари кунини тарихий сана сифатида мамлакатимизда кенг нишонлаш бўйича Республика «Маънавият ва маърифат» марказининг тавсиялари:

- ❖ Мустақиллик йилларида жорий этилган байрамларнинг мазмун – моҳиятини кенг халқ оммаси орасида тарғиб ва ташвиқ этиш.
- ❖ Оммавий ахборот воситалари ходимлари, маънавият ва маърифат фидойиларининг Ватан ҳимоячилари куни эркин ва озод халқнинг янги, муқаддас байрами эканини таъсирчан воситалар орқали тарғиб – ташвиқ этишига эришиши.
- ❖ Қуролли кучларимизнинг тамал тошини қўйган инсонлар, Ватан озодлиги ва миллий мустақиллик учун жон фидо этган ватанпарварлар, чегараларимиз дахлсизлигини ҳимоя қилишда иштирок этган миллий қаҳрамонларимиз тўғрисида оммабоп рисоалар, буклетлар, мақолалар чоп этиш, матбуот нашрлари, радио ва телевидениеда рунлар ташкил этиш.
- ❖ «қуролли кучларимиз – мустақиллигимиз қафолати» мавзуида кўргазмали ( аудио, видео, кино ва маҳсулотлар, плакатлар, тасвирий санъат намуналаридан унумли фойдаланган ҳолда) тарғибот ишларини ташкил этиш .
- ❖ Одамлар онг – тафаккурини совет байрамларининг инерцияси таъсиридан муҳофаза қилиш чора – тадбирларини кўриш.

## **2. Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинган кунни (1992 йил июль) муносиб нишонлаш тўғрисида тавсиялар**

1.Йилнинг 2 июли куни эрталаб ўқув ишлари давом этаётган (таътил бошланмаган) барча таълим муассасаларида, болалар оромгоҳларида, малака ошириш йўналишидаги ўқув курсларида биринчи дарс машғулоти бошланиши билан, барча вазирлик, қўмита, корпорация, концерн, уюшма, банк, компания, бирлашма, агентлик, марказлар, жамоат ташкилотлари, ҳар қандай муассаса ва корхонада йиғилиш ўтказиб, Давлат герби қабул қилинган кун расман нишонланади.

2.Мажлис бошида Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди, қатнашчилар қонунга биноан, тик туриб оммавий тарзда унга жўр бўлади.

3. Мажлис очилади, Давлат герби қабул қилинган кунни нишонлаш мақсадида тўпланилгани айтилади, махсус тайёргарлик кўрилган нотикқа сўз берилади.

4.Нотик давлат герби қабул қилиниши тарихига қисқача тўхталади, Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида» ги қонуни моҳиятини тушунтиради, унинг муҳим моддаларини ўқиб шарҳлаб беради.

5. Тадбир ўтказилаётган зал ё майдонда, албатта, Давлат гербининг тасвири бўлиши шарт. Тушунтиришлар бевосита герб мисолида – кўргазмали

асосда олиб борилиши лозим.

6. Тадбирни ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда Республика «Маънавият ва маърифат» марказида тайёрланиб, 2002 йил «Маънавият» нашриётида чоп этилган С.Олим, Ш.Жумаевнинг, «Давлатимиз рамзлари» рисоласидан фойдаланиш тавсия этилади.

7. Тадбир «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида»ги қонуннинг 8 – моддасида қайд этилган: «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистонда турган шахслар Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербини ҳурмат қилишлари шарт» деган тамойилга амал қилган ҳолда, одамларнинг сиёсий онгини ўстирадиган, уларда Ватанга муҳаббат туйғуларини жўш урдирадиган оҳангда ўтказилиши зарур.

### **3. «Давлат тили ҳақида» ги қонун қабул қилинган кунни (1989 йил 21 октябрь) нишонлаш юзасидан тавсиялари**

1. Барча вазирликлар, давлат кўмиталари, уюшмалар, корпорациялар, концертлар, бирлашмалар, банклар ва ишлаб чиқариш корхоналари « Давлат тили ҳақида» ги қонун қабул қилинган кунни нишонлашни 21 октябрдан олдинроқ бошлаш керак. Бу кунни нишонлаш камида ўн кун мобайнида жойларда ҳар турли маънавий – маърифий тадбирлар мажмуи тарзида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

2. Бу тадбирларда «Давлат тили ҳақида» ги қонуннинг қабул қилиниши жараёни, унинг амалда мамлакат мустақиллиги сари ташланган муҳим ва жиддий қадам экани ёритилиши, ўтган йиллардаги тажрибалар умумлаштирилиши, қонун қабул қилинганидан буён, хусусан, мустақиллик йилларида давлат тилининг мавқеи ниҳоят даражада ошгани, бу тилда давлат сиёсати олиб борилаётгани кўплаб ёрқин мисоллар билан тушунтириб берилади.

3. «Давлат тили ҳақида» ги қонуннинг амалда фақат ўзбек тилининг эмас, мамлакатимизда яшаётган бошқа миллат ва элатлар тилларининг эмин – эркин ривожланиши учун йўл очгани алоҳида таъкидлаш шарт. Масалан, ҳозирги пайтда Ўзбекистонда ўзбек ва қорақалпоқ тилларидан ташқари, рус, қозоқ, тожик ва туркман тилларида таълим берадиган мактаблар ишлаб турибди ва уларга дарсликлар ҳам мамлакатимизнинг ўзида чиқариляпти. Рус, тожик ва қозоқ тилларида газеталар ҳам чоп этилади. Рус, тожик, қозоқ, қрим – татар, уйғур тилларида радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар олиб борилади. Мамлакатимизда Байналмилал маданият маркази ишлаб турибди. Унга бир неча миллий маданий марказлар уюшган. Бу марказлар атрофида бириккан миллат ва элатлар ўз миллий маданиятлари ривожини учун ҳаракат қилиб келяпти, улар ўз тилларида байрамлар, турли тадбирлар, тўй – тантаналар ўтказади, ўз тилларида кўшиқлар куйлайди.

4. Жойларда давлат тилига муносабат, бу борадаги муаммолар, саводхонликни оширишга хизмат қиладиган саъй – ҳаракатларнинг самараси

ва аҳамияти ҳақида сўзлаб бериш.

5. 1995 йил декабрида «Давлат тили ҳақида»ги қонунга ўзгартириш ва кўшимчалар киритилди. Бунинг зарурати ва аҳамиятини тушунтириш лозим. Лотин ёзувига асосланган янги алифбомизнинг устунлик ва фазилатларини, ўзига хос жиҳатларини ёритиш, янги алифбони ўрганиш билан боғлиқ муаммоларни изчил таҳлил қилиб, одамларни уни тезроқ ўрганишга иштиёқ уйғотиш зарур ( услубий материал сифатида С. Олимнинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» «Моҳият» газеталарининг 2001 йил 21 октябр саналарида босилган. «Биз нега лотинга ўттиямиз?» мақоласидан фойдаланиш мумкин)

6. Бу байрамни нишонлаш тадбирларида тилимиз усталари – қалам аҳли, актёрлар, қизиқчилар, ҳофизлар, ўзбек тили ва адабиёти муаллимлари ва бошқаларнинг фаол иштирокига эришиш шарт.

7. Давлат тили муҳокамасига бағишланган тадбирларда турли корхона ва ташкилотлар мутасаддиларининг ишхонада давлат тилини жорий этиш, бу билан боғлиқ муаммоларни ечиш бўйича тўпланган тажрибаларидан сўзлаб бериши фойдадан ҳоли эмас.

8. Тадбирларда ўзбек тилида яратилган энг сара асарларнинг ифодали ижроси, сахна кўринишлари, чиройли кўшиқлар куйланишига эришиш керак.

9. Тадбир таҳлилга бой тарзда, давлат тилига меҳр уйғотадиган даражада ўтиб, қатнашчиларда ўзбек тилини ўрганишга иштиёқни кучайтиришга хизмат қилиши зарур.

#### **4. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кунни (1991 йил 18 ноябрь) тантанали тарзда нишонлаш юзасидан тавсиялари**

Давлат рамзлари қабул қилинган кунларни оммавий равишда нишонлашимиз керак.

Давлатимиз байроғи қабул қилинган кунни тантанали, оммавий тарзда нишонлаш юзасидан тавсияларимиз:

1. Йилнинг 18 ноябри куни эрталаб барча таълим муассасаларида, малака ошириш йўналишидаги ўқув курсларида биринчи дарс машғулоти бошланишида, барча вазирлик, кўмита, корпорация, концерн, уюшма, банк, компания, бирлашма, агентлик, марказлар, жамоат ташкилотлари, ҳар қандай муассаса ва корхонада иш бошланиши билан йиғилиш ўтказилиб, Давлат байроғи қабул қилинган кунни тантанали нишонлашда оммавийликка алоҳида эътибор беришимиз лозим.

2. Тадбир бошида Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди, қатнашчилар қонунга биноан, тик туриб оммавий тарзда унга жўр бўлади.

3. Тадбир бошловчиси қисқача кириш сўзи сўзлаб, Давлат байроғи қабул қилинган кунни нишонлаш мақсадида тўпланганини айтади, махсус тайёргарлик кўрган бир нотикқа сўз беради.

4. Нотик Давлат байроғи қабул қилиниши тарихига қисқача тўхталади, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида» ги қонун



моҳиятини тушунтиради, унинг муҳим моддаларини ўқиб, шарҳлаб беради. (Нотиқ учун намунавий нутқ матни илова қилинади).

5. Тадбир ўтказилаётган зал ёки майдонда, албатта, Давлат байроғи бўлиши шарт. Тушунтиришлар бевоста байроқ мисолида – кўргазмали асосда олиб борилиши лозим.

6. Тадбирни ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамда Республика «Маънавият ва маърифат» марказида тайёрланиб, 2002 йили «Маънавият» нашриётида чоп этилган С.Олим, Ш.Жумаевнинг «Давлатимиз рамзлари» рисоласидан фойдаланиш тавсия этилади.

7. Тадбир «Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисида»ги қонуннинг 13 – моддасида қайд этилган «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистонда турган бошқа шахслар Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини ҳурмат қилишлари шар», - деган тамойилга амал қилган ҳолда, одамларнинг сиёсий онгини ўстирадиган, уларда Ватанга муҳаббат туйғуларини жўш урдирадиган оҳангда ўтказилиши зарур.

Давлат байроғини амалдаги қонунлар асосида тўғри ўрнатиш йўлида тавсияларимиз қуйидагилардан иборат:

- биноларнинг пештоқларида байроқни тўғри ўрнатиш, қуёш нури, ёмғир, чанг – тўзондан ранги ўчиб, эскириб қолган байроқ халқимизнинг руҳиятини, кайфиятига мос келмаслигини ҳисобга олиб, кўп ишлатилган байроқни янгилаб туриш;
- хизмат хоналарда (кабинетларда) ўрнатилаётганда махсус мослама тагликда раҳбарнинг чап томонидан тик ҳолда туришига эришиш;
- биноларнинг асосий кириш жойларида кўтарилганда байроқнинг дастасини бинонинг олд томонига нисбатан кўпи билан 45 градусли бурчак ҳосил қиладиган даражада кўтариш;
- очик майдонда ўрнатилаётган байроқнинг матоси ердан камида 2,5 метр баландликда бўлишига эришиш;
- биноларнинг олд томонида (очик майдонда) бошқа давлатларнинг байроқлари билан ўрнатилганда, Ўзбекистон Республикасининг байроғини (бинонинг олд томонига қараб турганда) ўнг томондан алоҳида, бошқа давлатларнинг байроқлари чап томондан янги ўзбек алифбосидаги тартиб асосида, бир хил баландликда жойлаштириш;
- байроқнинг тасвири туширилаётганда ёки чизилаётганда қонунда белгиланган схематик ва рангли қатъий амал қилиш;
- байроқ ёки рамз ва тимсоллар таснифи тарғибида, уни қабул қилинган тасниф асосида тўғри талқин этиш;
- хоналар, синф хоналари, аудиториялар, мажлис заллари, «Маънавият маскани» да Давлат рамзлари ўрнатилаётганда ҳамиша олд томонда ўрнатилиши мақсадга мувофиқ.

## **5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинган кунни (1992 йил 10 декабрь) тантанали тарзда нишонлаш юзасидан тавсиялари**

1. Йилнинг 10 декабр куни эрталаб барча таълим муассасаларида, малака ошириш йўналишидаги ўқув курсларида биринчи дарс машғулоти бошланиши билан, барча вазирлик, қўмита, корпорация, концерн, уюшма, банк, компания, бирлашма, агентлик, марказлар, жамоат ташкилотлари, муассаса ва корхонада иш бошланиши билан йиғилиш ўтказилиб, Давлат мадҳияси қабул қилинган кун расман нишонланиши мақсадга мувофиқ.

2. Мажлис бошида Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди, қатнашчилар, қонунга биноан, тик туриб оммавий тарзда унга жўр бўлади.

3. Мажлис раиси қисқача кириш сўзи сўзлаб, Давлат мадҳияси қабул қилинган кунни нишонлаш мақсадида тўпланганини айтади, махсус тайёргарлик кўрган бир нотикқа сўз беради.

4. Нотик Давлат мадҳияси қабул қилиниши тарихига қисқача тўхталади, Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси тўғрисида»ги қонуни моҳиятини тушунтиради, унинг муҳим – муҳим моддаларини ўқиб, шарҳлаб беради, мадҳия муаллифлари ҳақида тўлиқ маълумот беради, мадҳия матнини мисрама – мисра таҳлил этади (Нотик учун намунавий нутқ матни – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамда Республика «Маънавият ва маърифат» марказида тайёрланиб, 2002 йили «Маънавият» нашриётида чоп этилган С.Олим, Ш.Жумаевнинг «Давлат рамзлари» рисоласидаги давлатимиз мадҳияси таҳлил этилган бобда ўз аксини топган).

5. Тадбир ўтказилаётган зал ё майдонда, албатта, Давлат мадҳиясининг плакатдаги матни бўлиши шарт. Тушунтиришлар бевосита мадҳия матни мисолида – кўргазмали асосда олиб борилиши лозим.

6. Тадбир тантанавор руҳда, одамларнинг сиёсий онгини ўстирадиган, улар Ватанга муҳаббат туйғуларини жўш урдирадиган оҳангда ўтказилиши зарур.

## **2 – илова**

### **Дарсдан ташқари вақтда маънавий маърифий тадбирлар намунаси<sup>1</sup>**

Таълим муассасида ҳар йили ишлаб чиқилган ва ректор буйруғи билан тасдиқланган низом асосида Наврўз байрами кенг нишонланади. Бу ерда

мазкур байрам тантаналари низоми ишлаб чиқилиб, тасдиқланган тадбир асосида ўтказилади. Тадбирлар 21 мартгача гуруҳларда, босқичларда, факультетларда, ётоқхоналарда 21 март куни эса институт миқёсида Бобур номидаги боғда бўлиб ўтади. Тадбирлардаги вазифалар факультет жамоаларига бўлиб берилади, бундан мақсад – барчани ушбу байрам тадбирига жалб этиш. Гуруҳ, босқич, факультетларда бу байрам урф – одатларидан ташқари, миллий мусиқа, сахна кўринишлари, ғазалхонлик, миллий таомлар, деворий газеталар, факультетларда талабалар томонидан яратилган буюмлар, нақшлар, ўймакорлик санъати, кийимлар кўрик танловлари ҳам ўтказилади. 21 март куни катта концерт уюштирилиб, кўрик танловга яқун ясалади. Ғолиб гуруҳ, босқич, факультетлар ректорат ва жамоат ташкилотлари томонидан рағбатлантирилади.

Бу институт талабалари, профессор – ўқитувчилари томонидан нишонланадиган Наврўз байрами юзасидан тадбирлар низоми ва буйруқ матнини келтирамыз.

### **ОТМ ларда Наврўз байрамини ўтказиш тадбирлари ва низоми**

Ушбу тавсияномада ОТМ жамоаси томонидан Наврўз байрамини қайси вақтда, қай тарзда ва нималарга эътибор берган ҳолда ўтказиш тадбирлари ва низоми босқичма – босқич кўрсатилган.

#### **I босқич: байрамга тайёргарлик ишлари**

1. ОТМ ҳудудига қарашли майдонлар, ҳовлилар, боғлар ва биноларни ободонлаштириш ( барча факультетлар жамоаларининг бинолари, бириктирилган жойлар бўйича). (Масъуллар: хўжалик бошқармаси, барча факультетлар деканлари ва умумуниверситет кафедралари мудирлари.)

2. Миллий таомлар тайёрлаш учун зарур бўлган масалликларни ҳозирлаб кўйиш (масъуллар: факультет жамоалари).

3. Байрам тантаналари ўтадиган жойларни жиҳозлаш, безаш учун тайёргарлик ишларини амалга ошириш:

- а) ҳовлига кириш жойлари ва ўйин майдонини жиҳозлаш (масъуллар:.....);
- б) спорт майдонларини тартибга келтириш (масъуллар:.....);
- в) кўчани жиҳозлаш (масъуллар:.....);

1. Қ. Эргашев материалларидан фойдаланилди.

д) ОТМ ҳовлисидаги томошалар ўтказиладиган жойлар ва ошхона залларини жиҳозлаш ишлари (...факультетлар жамоалари томонидан бажарилади);

г) байрам куни миллий таомлар тайёрлаш ва уни тарқатиш ишларига ёрдам (масъуллар:.....);

4. Телевидение, радио, матбуот вакилларини ҳамда меҳмонларни таклиф этиш (масъуллар:.....).

5. Мехнат фахрийларини йўқлаш, уларга табрик қоғозлари юбориб, байрам томошаларига таклиф этиш.

6. Байрамона суратлар ва шиорларни тайёрлаш ва уларни 19 март куни ОТМ пештоқига жойлаштириш (масъуллар:.....).

## **II босқич: Наврўз байрамини факультетларда нишонлаш**

Бу босқич факультетлар миқёсида белгиланган жадвал асосида ўтказилади. Факультетлар ўз байрамларини ўқув биноси, талабалар ётоқхонаси ёки ошхонасида ўтказишлари мумкин. Бу босқичда факультетлар учун қуйидаги бадий мусиқавий чиқишларни тайёрлаб намойиш этишлари тавсия этилади:

1. Наврўз байрамига бағишланган табрик ва қутловлар.
2. Йигитлар томонидан баҳорни тараннум этувчи фольклор кўшиғи ижроси.
3. Замонавий кўрик танловлар (қизлар ўртасида).
4. «Миллий ифтихорим – либосларида мужассам» рукнида танлов (миллий кийимлар танлови, уларнинг фазилатлари ва тарихи ҳақида савол – жавоблар.
5. Миллийлашган замонавий дискотека.
6. Миллий қадриятлар бўйича «уйга вазифа» тариқасида топширилган сахна кўринишларини намойиш этиш.

ОТМ миқёсидаги ҳакамлар ҳайъати факультетлар байрам тантаналарида иштирок этганларида тавсия этилган чиқишларни қай даражада бажарилганлигига эътибор берадилар ва факультетга юклатилган вазифадан ташқари бошқа ижобий баҳога лойиқ чиқишларни ҳам кейинги босқичга таклиф қилишлари мумкин.

## **III босқич: Наврўз байрамини институт миқёсида нишонлаш.**

Ушбу босқич 21 март куни Наврўз байрамини институт миқёсида ўтказишдан иборат бўлиб, унда қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

1. Соат 8.00 да спорт майдонини байрамона безатиш ( масъуллар: . . . . . )
2. Соат 8.30 да сумалак тарқатиш ( масъуллар: . . . . . )
3. Соат 9.00 да спорт майдонида мусиқа садолари остида байрам тантаналарининг очилиши (масъуллар:.....).
4. Соат 9.15 да спорт мусобақаларининг бошланиши ( масъуллар:....).
5. Соат 10. 30 да асосий майдонда кўрик танловларининг бошланиши:
  - а) миллий таомлар танлови;
  - б) миллий кийимлар танлови (қизлар ва ўғил болалар иштирокида);
  - в) деворий газеталар танлови;
  - г) факультетлар жамоаларига юклатилган уй вазифаларининг танлови.
6. Ғолибларни тақдирлаш.
7. Соат 12. 30 да талабалар ошхонасида байрам дастурхони.

## Баҳолаш ва ғолибларни тақдирлаш тартиби

1. Спорт мусобақалари алоҳида яқунланиб, ғолиблар ҳакамлар ҳайъатининг қарори асосида мукофатланадилар.

2. ОТМ миқёсидаги ҳакамлар ҳайъати кўрик танловларни қуйидаги тартибда 5 баллик тизим асосида баҳолайдилар:

а) жадвал асосида факультетларда бўлиб ўтадиган Наврўз байрамларида қатнашган ҳакамлар ҳайъати вакиллари факультет раҳбарияти ва талаба фаолларининг ташкилотчилик қобилиятига 5 баллгача, факультетларга тавсия этилган бадиий – мусиқий чиқишларнинг бажарилиши ва ижросига ҳам 5 баллгача баҳо қўядилар. Ушбу баҳолар эса факультет жамоаларининг III босқичда йиққан балларига қўшилади;

б) ҳакамлар ҳайъати 21 март куни ОТМ миқёсидаги босқичда 5 баллик тизимда факультетларнинг қуйидаги кўринишларини баҳолайдилар;

- миллий таомлар кўриги – 5 баллгача;
- миллий кийимлар кўриги (қизлар ва йигитлар иштирокида) – 5 баллгача;
- деворий газеталар кўриги – 5 баллгача;
- факультетлар жамоаларига берилган «уй вазифа»нинг бажарилиши ва намойишига – 5 баллгача (кўринишлар 7 минутдан ошмаслигига алоҳида эътибор берилади);
- Факультет профессор – ўқитувчилари ва талабаларининг иштироки ва тартиб – интизоми – 5 баллгача.

3. Ҳакамлар ҳайъати факультет жамоаларининг I- III босқичлардаги балларни жамлаб, ОТМ миқёсидаги ғолиб жамоаларни аниқлайди.

4. Ҳакамлар ҳайъатининг қарори асосида Наврўз байрами тадбирлари ва танловларида совринли ўринларни олган факультет жамоалари тақдирланадилар:

5. Энг яхши «миллий таомлар» ни, «деворий газеталар»ни, «миллий кийимлар»ни ва «уйга вазифа» бадиий мусиқий кўринишларни тайёрлаб намойиш этган жамоаларга мукофат берилади.

**Изоҳ:** одатда, ҳар йили Наврўз байрамини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни тартибли ўтказиш юзасидан ОТМ ректорининг буйруғи эълон қилинади. Унда Наврўз байрамини интизомли равишда ўтказиш мақсадида тузиладиган ташкилий қўмита таркиби, факультетларда байрам тантаналари ўтказиладиган кунлар, кўрик танловни баҳолаш учун ҳайъат таркиби, шунингдек ОТМнинг қайси бўлинмаси нималар учун масъуллиги кабилар аниқ кўрсатилган бўлади.

### **Миллий қадриятларни тиклаш ва уларни тарғиб қилиш юзасидан кўрик – танловлар**

Ҳар йили халқ фарзанд тарбиясини ўз миллий қадриятлари асосида олиб борилади. Ёшлигиданоқ ўз миллий удумлари, анъаналари, тарихи ва маданий меросини севиб, улардан баҳра олиб, уларни қадрлаш руҳида улғайган гўдак

келажакда комил инсон бўлиб етишиши табиийдир. Шу боисдан ҳам ОТМ таълим муассасаларида бундай мақсадларни кўзда тутувчи хайрли тадбирлар ўтказила бошландики, улар аҳамияти жиҳатидан миллий кадриятларимизни қайта тиклашда ва уларни талаба – ёшлар онгига сингдиришда бекиёсдир.

Даставвал гуруҳлараро, курслараро, факультетлараро, якунида эса ОТМ миқёсида **«Ҳаёт она алласидан бошланади»** мавзуида кўрик танлов ўтказилди. Натижада, ОТМда кўплаб истеъдодлар борлиги аниқланди. Энг муҳими, аксари талабалар оналаримиздан мерос қолган алла айтиш маҳоратини унутмаганликларини, уни кейинги авлодларга ҳам етказа оладиган қобилиятларини намойиш этадилар. Бу кўрик – танловда талабаларимиз фарзанд туғилиши, қулоғига азон айттириш, болани бешикка белаш, бешик тўйи каби миллий маросимларни маҳорат билан бажарадилар. Бу кўрик танловда рус, тожик, қozoқ, татар, корейс, бўлимлари талабалари ҳам қатнашиб, бу борадаги ўзларининг миллий маросимларини намойиш этадилар.

ОТМ да миллий кадриятларимизни тиклашга хизмат қиладиган **«Она эртаги – тарбия куртаги»** мавзуидаги кўрик – танлов ўтказилди. Бу танловда ҳам талабалар эртақларни ёд билишгина эмас, уларни сахна кўринишлари орқали образга кириб ижро этиш, ушбу эртақлардаги ашулаларни маҳорат билан айта олиш хусусиятларини намойиш этдилар.

Профессор – ўқитувчилар ва талабалар ўртасида оила мустаҳкамлигини тараннум этувчи қайнона – келин муносабатларига бағишланган, талаба қизларимизни келгусидаги оила ҳаёт учун тайёрлашга хизмат қиладиган **«Қайнонам – жоним, онам»** мавзуидаги кўрик – танлов ўтказилди. Бу танловда талабалар қайнона ва келин муносабатларининг қандай бўлиш кераклиги, улар ўртасидаги ёмон муносабатлар қандай салбий оқибатларга олиб келишини сахна кўринишлари орқали ифода этдилар.

Миллий тарбиямизни тиклашга ва уни бугунги оила, боғча, мактаб ва оила ўқув юртлари амалиётига мослаб қўллашга қаратилган **«Фарзанд камоли – Ватан жамоли»** мавзуидаги кўрик – танлов ўтказилди. Мазкур кўрик – танловда оилада фарзанд тарбияси боғча болалари тарбияси, мактабда ўқувчилар тарбияси ҳамда талабалар таълим – тарбиясидаги ижобий ҳолатлар, тарбиядаги ноҳуш воқеалар сахна кўринишлари орқали намойиш этилди. Кўрик танловларда, айниқса сахна кўринишларида профессор – ўқитувчиларнинг бирдек қатнашуви талабаларда яна ҳам қизиқиш уйғотди.

Талабаларнинг танлаган касбларига қизиқишларини кучайтиришга, миллий таълим – тарбия асосларини тиклаш ва ундан фойдаланишга қаратилган ҳамда устоз, мураббийликнинг моҳияти яна ҳам янгича маъно билан бойиётганлигини тараннум этишга бағишланган **«Танлаган касбимиз – бизнинг фахримиз»** номли кўрик – танлов ташкил қилинди. Бу танловда ҳам профессор – ўқитувчилар ва талабалар ўтмиш миллий педагогикамизнинг нисбий томонларини, Шўро даври болалар боқчалари, мактаблари ва олий ўқув юртларидаги ижобий ва салбий ҳолатларни ҳамда бугунги кунимиз таълим – тарбиясидаги ютуқлар ва муаммоларни сахна кўринишлари орқали ифода этдилар.

Айниқса, талабалар томонидан танланиб, намоёиш этилган таълим – тарбиядаги салбий ҳолатлар, кўриниш якунида бу муаммолар ечимининг берилиши, ижрочиларнинг муаммоларини бартараф эта олиш қобилияти ва истаги кучлилиги, ўзлари бундай муаммолар учрашини билган ҳолда бу касбни севиб танлаганликларини кўрсатиб берганликлари қувонарли ҳолдир.

1996 – 97 ўқув йилида институт жамоаси мустақил Ватанимизни улуғлаш, ёшларни эса мана шундай келажаги буюк Ватанга чексиз садоқат, муҳаббат руҳида тарбиялашга қаратилган «**Она юртим – олтин бешигим**» мавзуида кўрик – танлов ўтказилди.

### **«Ҳаёт – она алласидан бошланади» мавзуидаги кўрик – танловнинг низоми**

Республикаимиз мустақиллиги юртимиз аҳлига ўзлигини англаш, бой маънавий меросимизни тўлиқ ўрганиш, бой маънавий меросимизни тўлиқ ўрганиш, уни ёшлар онгига сингдириш, аجدодларимиз яратган ва бир неча асрлар давомида асраб – авайлаб келинган миллий удумларимизни янгидан тараннум этиш имкониятини берди.

Талаба – ёшларимизни бой миллий кадриятларимиздан баҳраманд этиш, авлоддан – авлодга асраб – авайлаб ўтиб келган удумларимизни тараннум қилиш, ёшларни миллий урф – одатларимиз руҳида тарбиялаш, она алласининг фарзанд тарбиясидаги аҳамиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида институтда «**Ҳаёт она алласидан бошланади**», мавзуида гуруҳлараро, курслараро, факультетлараро кўрик – танлов ташкил этилади.

Кўрик – танлов икки босқичда ташкил этилади. Кўрик – танловнинг биринчи босқичида факультетларда гуруҳлараро, курслараро тарзда ўтказилади. Иккинчи босқичи университет миқёсида факультетлараро тарзда ўтказилади. Биринчи босқичда факультет деканининг муовини, хотин – қиз ўқитувчилардан икки нафари, факультетга боғланган мусиқа педагогикаси факультети ўқитувчиси, факультет ёшлар ташкилотининг ҳамда касаба уюшмаси кўмитаси етакчилари ташкилотчилик ва ҳакамлик қиладилар. Мазкур босқич 1 ноябрдан 1 январгача, иккинчи босқич 1 мартдан 20 майгача ўтказилади. Факультетлардан энг яхши номерлар танланиб, ушбу кўрик – танловнинг якунловчи концертига тавсия этилади. Кўрик – танловнинг якунловчи концерти май ойининг охириги ўн кунлигида ўтказилади.

Кўрик – танловни тайёрлаш ва ўтказиш учун қуйидаги таркибда университет ташкилий кўмитаси тузилади:

1. Маънавият ва маърифат ишлари бўйича ректор муовини.
2. Ёшлар «Камолот» жамғармаси раҳбари.
3. Касаба уюшмаси ташкилоти раиси.
4. Хотин – қизлар кенгаши раҳбари.
5. Барча факультетларнинг деканлари.

Кўрик – танловнинг ОТМ миқёсидаги иккинчи босқичида факультетлар

тайёрлаган кўринишларни баҳолаш ҳамда совринли ўринларни аниқлаш учун университет миқёсида куйидаги таркибда ҳакамлар ҳайъати тузилади:

1. ОТМ ректори муовини – раис.
2. ОТМ касаба уюшмаси кўмитаси раиси муовини – аъзо.
3. Ёшлар «Камолот» жамғармаси ташкилоти бошлиғи – аъзо.
4. Оилавий ва фарзанд тарбиясида ҳаётий тажрибага эга бўлган профессор ўқитувчилар ( 1 эркак ва 1 аёл) – аъзо.
5. ОТМ хотин – қизлар кенгаши раиси муовини – аъзо.
6. Педагогика, тарих, адабиёт кафедралари ўқитувчилари вакиллари – аъзо.
7. Мусиқа факультетидан икки вакил – аъзо.

Барча факультетларнинг танловга тайёргарлик кўришларида ва уларнинг кўриқда иштирок этадиган куни мусиқа факультети асбоблари ҳамда созандалар билан таъминлашда ёрдам берадилар.

Ҳар бир факультет жамоаси кўриқ – танловда куйидаги чиқишларни тайёрлайдилар ва намойиш этадилар:

1. Қизлар томонидан образга кирган ҳолда «Алла» айтиш, (Сўзлари турлича бўлган иккита «алла» айтиш талаб қилинади).

2. Ўзга миллат «алла» сининг образли ҳолдаги ижроси (русча, қозоқча, тожикча ва ҳаказо).

3. Ўқитувчилар таркибидан бир кишининг «алла» ашуласини ижро этиши (қайси тилдан бўлишидан қатъи назар мажбурий).

4. Чақалоқни бешикка солиш борасидаги вилоятлардаги расм – русумлар. (Қайси вилоят расм – русумларини кўрсатиш қуръа асосида белгиланади).

5. Тарбиявий аҳамиятга эга бўлган иккита лирик ва классик ашула ижроси.

6. Бола тарбияси муаммоларига бағишланган ижобий сахна кўриниши ( 7 дақиқагача).

7. Бола тарбиясига бағишланган танқидий сахна кўриниши ( 7 дақиқагача).

8. Факультет командаси сардорига 2 та савол. ( Саволлар ташкилий кўмита, ҳакамлар ҳайъати ва хотин – қизлар кенгаши аъзолари томонидан тузилади ва танлов пайтида сардорга конвертда берилади).

**Эслатма:** Юқорида таъкидланган чиқишларда талабалар учун лозим бўлган бўлса, ўз бувилари, оналари, укалари, сингилларини таклиф этишлари, ўзи билан чақалоқ олиб келишлари ва улар ҳам сахна кўринишларида қатнашишлари мумкин.

9. «Алла» ашулаларини йиғиб, факультетлар жамоаларига «алла» ашулаларини ўргатиш, кўринишларини тайёрлашда уларга фойдали маслаҳатлар бериш учун институт миқёсида ҳаётий тажрибага эга бўлган профессор – ўқитувчилар ва ёрдамчи ходимлардан иборат маслаҳатчилар гуруҳи тузилади.

10. Совринли ўринларни эгаллаган факультетлар жамоалари, энг яхши ижрочилар (якуний концертда қатнашишлари билан бирга ), ректор, касаба уюшма кўмитаси ва «Камолот» жамғармаси ташкилотлари томонидан тақдирланадилар.



**Изоҳ:** Бу кўрик – танлов бўйича ҳам ОТМ ректорининг буйруғи чиқади, у олдинги тадбирдагига ўхшаган бўлгани учун матнини келтириб ўтирмадик.

**Профессор – ўқитувчилар ва талабалар ўртасида ўтказиладиган  
«Танлаган касбимиз – бизнинг фахримиз»  
кўрик танлови низомидан**

Мазкур кўрик танлов 3 босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқичда гуруҳлараро кўрик – танлов ўтказилади, 2 – босқичда курслараро бўлади, 3 босқич эса институт миқёсида бўлиб, унда факультетларнинг командалари иштирок этадилар. (Кўрик – танловни тартибли ўтказиш ҳамда ташкилий масалаларни ҳал қилиш мақсадида ректор буйруғи билан ташкилий қўмита, ҳакамлар ҳайъати таркиблари ташкил қилинади).

Ушбу кўрик – танловда факультетлар жамоалари қуйидаги кўринишларни тайёрлашлари ва намойиш этишлари лозим:

1. Кириш қисми (саҳналаштирилган ҳолда, алоҳида баҳоланади).
2. Ўқитувчилар ва тарбиячилар ҳаётидан ҳажвий саҳна кўриниши (10 минутгача).
3. Ўқитувчилар ва тарбиячилар ҳаётидан ижобий саҳна кўриниши (10 минутгача).
4. Ўрта Осиёлик буюк мутафаккирлар, истиқлолимиз учун курашган маорифчилар ҳаётидан (устоз ва шогирдлар ўртасидаги муносабатлар, уларнинг ҳаётидаги тарбиявий ҳикоялар асосида) саҳна кўриниши (10 минутгача).
5. XXI аср мактаблари, ўқитувчилари ва ўқувчилари ҳақида фантастик (ҳазил) кўриниш (10 минутгача).
6. Факультетда талабалар билан деканат ходимлари ва профессор – ўқитувчилар ўртасидаги муносабатлар ҳақида ҳажвий саҳна кўриниши (10 минутгача).

**Эслатма:** Эътибор берилган бўлса, бу шарт ҳажвий кўриниш тарзида ижро этишни талаб қилади. Чунки талабалар кўпроқ декан, декан муовини, котиба ва профессор – ўқитувчилар билан муносабатда бўладилар. Маълумки, бундай муносабатлар ҳамма вақт ҳам силлиқ кетавермайди. Бу муносабатларда муаммоли томонлар ҳам йўқ эмас. Мана шу муаммоли жиҳатларини ҳажвий кўринишда намойиш этиш талаб қилинадик, унинг келажакда ижобий таъсири бўлсин.

Талабалар бу шарт бўйича ўз кўринишларида ушбу муносабатлардаги салбий ҳолатларни, ҳатто, айрим ходимларнинг тамагирлик ишораларини ҳам ҳазил аралаш билдириб ўтадилар. Бу эса шундай ходимларга сабоқ бўлиши ва бундай номаъқул ишларнинг такрорланмаслигига сабаб бўлса ажабмас.

7. Мусиқавий номерлар (алоҳида – алоҳида баҳоланади):
  - а) мактаб, боғча, ўқитувчи, ўқувчилар ҳақида 5 – 10 киши бўлиб ҳазил

кўшиқлари топиб, куйга солиб айтиш;

б) устоз ҳақида кўшиқ;

в) лирик кўшиқ;

г) миллий ўйин.

8. Саҳна ва залнинг безатилиши (алоҳида баҳоланади).

9. Ташкилий томони ( факультет раҳбарларининг, профессор – ўқитувчиларнинг, талабаларнинг ушбу тадбирдаги иштироки, тартиб – интизоми ва ҳ.к. алоҳида баҳоланади).

10. Команда сардорига 2 та савол билан мурожаат қилинади ва унинг жавоби алоҳида баҳоланади.

**Эслатма:** барча саҳна кўринишларида 1 ёки 2 ўқитувчининг қатнашиши шарт. Якка номерлар фақат талабалар томонидан ижро этилади.

Барча факультет жамоалари ушбу кўрик – танловни тайёрлаш ва ўтказишда мусиқа факультетидан мусиқа раҳбари ва мусиқачиларни, тил ва адабиёт факультетидан адабий маслаҳатчи – ўқитувчиларни олиш имконига эгадирлар.

Кўрик – танловнинг университет миқёсидаги якуний чиқишлари май ойида ўтказилади.

Кўрик – танловда соринли ўринларни олган факультетларнинг жамоалари ректорат ва жамоат ташкилотлари томонидан тақдирланадилар:

**Эслатма:** ҳар бир совринли ўринни эгаллаган жамоаларга университет қасаба уюшмаси ва ёшлар ташкилотларининг эсдалик совғалари берилади.

Кўрик – танловни тайёрлаш ва ўтказишда фаол иштирок этган профессор ўқитувчилар ва талабалар ҳам ректорат ва жамоат ташкилотлари томонидан алоҳида тақдирланадилар.

### **Кўрик танловларда факультет (команда) сардорларига бериладиган саволлардан намуналар**

Ўтказиладиган барча кўрик – танловларнинг низомларидаги шартларда факультет сардорларининг билими, дунёқарashi, топқирлиги, зукколиги, маънавий ва маданий савиясини синаш учун ҳакамлар ҳайъати томонидан ҳар бир сардорга иккитадан ҳаётий саволлар берилиши ва улардан аниқ, чиройли ҳамда мазмунли жавоблар олиниши кўзда тутилган. Бериладиган саволлар ўтказилаётган кўрик – танловнинг мавзуси ва мазмунига ҳамда иштирок этаётган жамоанинг ихтисослигига мос ҳолда бўлиши лозим.

Биз қуйида кўрик – танловларда берилган саволларнинг айримларини намуна сифатида келтириш билан биргаликда, бу саволларнинг айримлари педагогик касбига мослаб тузилганлигини яна бир эслатиб, мазкур саволлар асосида ҳар бир олий ўқув юрти ўз касбларига мослаб саволлар тузишлари мумкинлигини ҳам таъкидламоқчимиз.

### **Саволлардан намуналар**

1. Устозлар ҳақида ҳикматли сўзлардан 2 – 3 тасини айтиб беринг.
2. «Устоз» деган сўзнинг моҳияти ва мазмунини тушунтириб беринг.

3. Ўқитувчилик касбини ва уларнинг меҳнатини улуғловчи қандай асарларни биласиз, муаллифлари кимлар?
4. Ҳозирги ёшларнинг ҳаётга тайёргарлиги мезонларини изоҳлаб беринг.
5. «Оиланинг барқарорлиги – жамият барқарорлигининг негизи» деган сўзнинг моҳиятини тушунтириб беринг.
6. Фарзанд тарбиясида оиланинг ўрни ҳақида шахсий фикрингизни билдириг.
7. Шарқ мутафаккирларининг таълим – тарбия ҳақидаги фикрларидан намуналар келтириг.
8. Ўзбек халқи – болажон халқ. Сиз кўп фарзандли оилалар ҳақида қандай фикрдасиз?
9. Кўпгина асарларда, фильмларда «амма» образи салбий қилиб берилади. Сиз аммаларнинг жиянлар тарбиясига таъсири ҳақида қандай фикрдасиз?
10. Фарзанд тарбиясида асосан нималарга эътибор берилиши лозим (энг муҳимларини айтиб беринг)?
11. Қиз боланинг бахтли бўлишида қандай омиллар асосий роль ўйнайди?
12. Оилада отанинг ролини қандай тушунасиз?
13. Марказий Осиёда яшаган мутафаккирларнинг ахлоқ тўғрисидаги фикрларидан келтириг.
14. Фарзанднинг Ватан олдидаги бурчи нимадан иборат?
15. Фарзанднинг ота – она олдидаги бурчи нималардан иборат?
16. Ота – онанинг фарзандлар олдидаги бурчлари нималардан иборат?
17. Сиз ота ёки она бўлганингизда фарзанд тарбиясининг қайси муҳим жиҳатларига асосий эътиборни қаратар эдингиз?
18. Сизнингча, тарбияда энг асосий омил нима? Тарбиями, ирсиятми, муҳитми?
19. Ирсиятнинг касбга таъсирини қандай тушунасиз?
20. «Туркий гулистон ёҳуд ахлоқ» номли асарнинг муаллифи ким? Бу асар ҳақида нималарни биласиз?
21. Фарзанднинг камол топишида маҳалла қандай ўрин тутади?
22. Ҳадислар нима? Бу ҳақда ўз фикрингизни билдириг.
23. Миллий қадриятларимизнинг инсон тарбиясига таъсирини изоҳлаб беринг.
24. Фарзанд тарбиясида гўзаллик ва нафосатнинг ўрни қандай?
25. Негадир кўп ҳолларда фарзандлар отанинг опа – сингилларидан кўра, онанинг опа – сингилларини ўзларига яқинроқ тутадилар. Бу ҳақда сизнинг фикрингиз?
26. «Она қарғишидан ота қарғиши ёмон» дейишади. Бу сўзнинг маъносини изоҳлаб беринг.
27. Сиз келажакда турмуш ўртоғингиз қандай фазилатларга эга бўлишини истайсиз?
28. Болалик даврининг ўзига хос хусусиятлари нимада?
29. Фарзанд камолатида миллий ўйинларнинг тарбиявий аҳамиятини тушунтириб беринг.
30. Бола тарбиясида «алла»нинг аҳамиятини қандай тушунасиз?

31. Бола тарбиясида эртақнинг аҳамиятини қандай тушунасиз?
32. Она сунининг бола ривожига аҳамиятини изоҳлаб беринг.
33. Йигитларнинг қайси фазилатларини қадрлайсиз?
34. Қизларнинг қайси фазилатларини қадрлайсиз?
35. Ат – Термизий ва Ал – Бухорийнинг тарбия ҳақидаги фикрларидан келтиринг.
36. Соҳибқирон Амир Темурнинг фарзанд тарбиясига оид қарашларини айтиб беринг.
37. Фарзанд тарбиясида ота – онанинг роли?
38. «Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл» деган нақлнинг маъзини чақиб беринг.
39. Темурийлар давридаги атоқли мусаввирлардан кимларни биласиз?
40. Ўзбекистон Республикаси Давлат Герби белгиларини изоҳлаб беринг.
41. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи белгиларини изоҳлаб беринг.
42. Ўзбекистон Республикаси Давлат Мадҳиясини кўшиқ қилиб айтиб беринг.
43. Мустақил Республикамиз амал қилаётган иқтисодий ислохотларнинг тамойилларини айтиб беринг.
44. Мустақил юртимизда қандай жамият қуриш учун ҳаракат қилмоқдамиз?
45. «Маънавият» деганда нималарни тушунасиз?
46. «Маърифат» деганда нималарни тушунасиз?
47. Маънавий мерос нима?
48. «Ҳадис» лардаги «Ватанни севмоқ иймондандир» деган ҳикматли гапнинг моҳияти ва мазмунини изоҳлаб беринг.
49. Кўпинча «Ватан» сўзига «она» сўзи қўшилиб, «она – Ватан» деб айтилади ва ёзилади. Бунинг маъносини тушунтириб беринг.
50. Бобурнинг тўлиқ шажарасини келтириб, тушунтириб беринг.
51. Нега сиз шу касбни танладингиз?. Келажак орзуларингизни гапириб беринг.
52. Болалар боғчасининг етук тарбиячиси бўлиш учун қандай фазилатлар талаб қилинади?
53. Бошланғич синф ўқитувчиси қандай сифатларга эга бўлмоғи лозим?
54. Меҳнат таълими ўқитувчиси қандай фазилатларга эга бўлмоғи лозим?
55. Математика фани ўқитувчилари қандай фазилатларга эгаллиги билан бошқа фанлар ўқитувчиларидан ажралиб туриши лозим?